Г. Асанов, М. Набихонов, И. Сафаров

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси

Г. АСАНОВ, М. НАБИХОНОВ, И. САФАРОВ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЖЎҒРОФИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги педагогика олий ўқув юртларининг «Жўғрофия», «Жўғрофия-биология» факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тасдиқлаган

Жамоатчилик асосида
махсус муҳаррир **С. Қораев**

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон жўғрофияси курси педагогика олий ўқув юртларининг «Жўғрофия» ва «Жўғрофия-биология» факультетларида республикамиз мустақилликка эришганлиги муносабати билан асосий ўқув фанларидан бирига айланди.

Қўлланманинг аввалги нашри чоп этилгандан кейин ўтган давр ичида Ўзбекистоннинг ҳаётида жуда муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди: ўзбек тилига давлат мақоми берилди, Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинди, ССРИ тарқалиб кетди, иқтисод соҳасида тамоман янги вазият вужудга келди ва бу жараёнлар давом этмоқда.

Ўқув қўлланмасининг мазкур қайта нашрида юқорида қайд этилган ўзгаришлар имконият борича қамраб олинди. Ўзбекистон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида янгилик ва ўзгаришлар узлуксиз бўлиб турибди, халқ хўжалигининг таркиби тубдан кўриб чиқилмоқда, ишлаб чиқариш жараёнини замонавий изга солиш мақсадида хорижий капитал инвестициясига йўл очилмоқда, янги иқтисодий ҳамкорлик уфқлари яратилмоқда. Содир бўлаётган бу ўзгаришларни атрофлича ёритиш муаллифлар зиммасида бўлганидан улар қўлланма янги нашрининг ўзлари мўлжаллаган бобларини ёзишда энг янги маълумотлардан фойдаландилар. Чунончи, бундай маълумотлардан Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши, катталиги, чегаралари, иқтисодий-жўғрофий ўрнига, шунингдек, Фарғона ва Қуйи Амударё иқтисодий ноҳияларига бағишланган бобларни ёзишда айниқса кенг фойдаланилди.

Қайта нашрдаги муҳим ўзгаришлардан бири шуки, аввалги нашрда ССРИ халқ хўжалиги мажмуининг таркибий қисми тарзида берилган Ўзбекистон иқтисоди эндиликда мустақил давлатнинг мустақил халқ хўжалиги мажмуи тариқасида берилди. Олдинги нашрда республика хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича берилган бўлса, ушбу қайта нашрда ишлаб чиқариш мажмуалари ҳолида ёритилди.

Қўлланма биринчи нашрининг I, III, IV, V, IX боблари, X бобининг кириш қисми ва Тошкент, Мирзачўл, Фарғона иқтисодий ноҳиялари марҳум Г. Р. Асанов томонидан ёзилган эди. Қайта нашрда бу боб ва қисмлар жўғрофия фанлари номзоди, доцент И. Сафаров томонидан қайта ишланди. Сўз боши, II, VI, VII, VIII боблар ва Самарқанд, Бухоро-Қизилқум, Қашқадарё, Сурхондарё, Қуйи Амударё иқтисодий ноҳиялари ҳамда XI боб педаго-

гика фанлари номзоди, доцент М. Набихонов томонидан қайта ишланди. Қўлланмада келтирилган хариталарни жўғрофия фанлари номзоди Т. Мирзалиев таҳрир қилган.

Республикамиз ҳаётида содир бўлаётган янгиланиш жараёни даврида тайёрланган мазкур нашр масаланинг барча томонларини аниқ ва тўла қамраб ололмаганлиги табиийдир. Шунга кўра муаллифлар ушбу нашр юзасидан билдириладиган фикр-мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қиладилар.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ, КАТТАЛИГИ, ЧЕГАРАЛАРИ, ИҚТИСОДИЙ-ЖЎҒРОФИЙ ЎРНИ

Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши. Ўзбекистон ниҳоят асрий орзусига эришиб, ўз мустақиллигини эълон қилди. Бунга эришиш бениҳоя оғир кечди.

Тарихий тараққиёт жараёнида кишилик жамиятининг қадимий бешикларидан бири — Ўзбекистон ҳудудида неча бор марказлашган қудратли давлатлар барпо бўлди. Иқтисодий-ижтимоий ҳаёт мислсиз ривожланиб борди, фан, маданият оламшумул юксакликларга кўтарилди. Бу қадимий эл халқи неча бор бениҳоя оғир босқинчилик зарбаларига дучор қилинди. Бундай даврларда унинг ҳудудида ҳаёт деярли сўндирилди ва у чексиз култепаларга айлантирилди.

Охирги ва анча давомли мустамлакачилик даврини бошлаб берган чор Россияси босқини (1865 й.) Туркистон ҳудудида феодализм даври ишлаб чиқариш муносабатлари кучайган йилларга тўғри келди. Бу даврдаги Қўқон ва Хева хонликлари, Бухоро амирлиги Ўзбекистон ҳудудида ҳукм сурган сўнгги мустақил давлатлар эди, уларнинг кейинги иккитаси ярим мустамлака ҳолида Октябрь тўнтаришигача сақланиб келди.

Россия мустамлакачилиги даврида ўлканинг сиёсий-ижтимоий ҳаёти янада оғирлашди. Бир томондан, метрополияга тўлиқ тобе бўлган Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги, иккинчи томондан, уларнинг катта майдонларини ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлиги ҳамда бир қанча вилоятлар қадимий Туркистоннинг яхлитлигига катта путур етказди. Бу парокандалик Октябрь тўнтаришидан кейин янги босқич касб этди.

Ўлка Советларининг 1917 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган III съезди ҳокимият ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари қўлига ўтганлигини эълон қилди ва Туркистон ўлкаси халқ Комиссарлари кенгашини тузди.

1918 йил апрелида Ўлка Советларининг V съездида Туркистон халқларининг Совет мухторияти эълон қилинди ва РСФСР таркибида Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси тузилди. 1920 йилда Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги ҳокимияти зўрлик билан ағдариб ташланиб, улар ўрнида Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари тузилганлиги эълон қилинди.

Табиийки, бундай сиёсий-маъмурий бўлиниш узоқ давом эта олмас эди. Биргина миллатлар бирлиги масаласининг ўзиёқ (барча ўзбекларнинг 66,5%и Бухоро амирлигида, 11,3%и Хева хонлигида яшар эди) ҳеч кечиктирмасдан кескин чоралар кўрилишини талаб қилар эди.

Гарчи асрлар давомида Туркистон — Ўрта Осиёда жойлашган барча туб ерли халқлар (ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар ва бошқалар) алоҳида бўлиниб яшашга одатланмаган бўлсалар-да, марказнинг хоҳишига кўра яна айнан мустамлакачилик тизимига хос бошқарув услуби ихтиёр этилди, яъни миллий-давлат чегараларини ўтказишга киришилди.

1918 йил 8 октябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси ва РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгаши қошида Туркистон ишлари бўйича махсус комиссия тузилди. Бу комиссия Туркистонда совет миллий сиёсати принципларини амалга ошириш, миллий-давлат чегараланиши ишларини ташкил қилишда кўмаклашиши мақсадида тузилган эди.

Таъкидлаш лозимки, Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки йиллариданоқ Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараларини белгилашдек нозик, ўта мураккаб масалага шошма-шошарлик билан қўл урган эди. Масаланинг нозиклиги, мураккаблиги шунда эдики, биринчидан, ўлкада жойлашган турли этник гуруҳларга мансуб халқлар асрлар давомида бир-бири билан елкама-елка, ёндош туриб яшашга одатланган, улар ўртасида моддий неъматлар ишлаб чиқаришда ҳатто маълум ижтимоий-жўғрофий меҳнат тақсимоти ҳам қадимдан шаклланиб келган эди. Бу ижтимоий жараённинг бузилиши маълум иқтисодий-ижтимоий ноқулайликларни келтириб чиқариши шубҳасиз эди.

Иккинчидан, ерли халқлар ҳеч вақт бири иккинчисидан ажралган ҳудудий бўлинишлар асосида жойлашмаган эди. Аксинча, ҳар қанча синчковлик билан ёндашилганда ҳам миллий чегараланишни аниқ, тўғри ташкил қилиш амри маҳол эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Республикалар сунъий тарзда ташкил қилинганлиги сабабли улар мустақилликни қўлга киритган ҳозирги даврда ўзаро муносабатларда турли қийинчиликларга учрамоқдалар.

Қолаверса, Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараларини ўтказиш учун ҳали зарур шарт-шароитлар етилмаган эди. Этник уюшиш жараёни тугалланмаган бўлиб, аҳолининг миллий ва ижтимоий онги энди шаклланаётган, бунинг устига синфий кураш давом этар, миллий кадрлар етишмас, этнографик, картографик материаллар тайёр эмасди.

Ана шундай шароитда Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилиб, 1924 йил 27 октябрда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

Туркистонда яшаб келган бошқа миллат ва элатлар ҳам турли босқичдаги миллий-ҳудудий бирликларга эга бўлдилар. Жум-

ладан, ушбу жараён туфайли 1924 йилда МССР даражасида Ўзбекистон таркибига кирган Тожикистон 1929 йилдан бошлаб мустақил иттифоқдош республикага айлантирилди. Ҳозирги Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси 1925 йилда РСФСР таркибида мухтор вилоят сифатида ташкил этилди, 1932 йилдан бошлаб эса МССР га айлантирилди. У 1936 йилдан бошлаб Ўзбекистонга қўшиб берилди. Ҳозирги даврда у Ўзбекистон Республикаси таркибидаги мустақил республикадир.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий таркибида яна 12 та вилоят ҳам мавжуд. Улар Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидир.

Сунъий равишда ташкил этилган тоталитар Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи 80-йиллар бошларида ўзининг чуқур инқироз палласига кирди. Бу инқироз шу даражада чуқур эдики, совет тузумини 80-йиллар ўрталарида бошланган қайта қуриш даврида амалга оширилган қатор тадбирлар ҳам сақлаб қола олмади. Иттифоққа кирган республикалар бирин-кетин ўз мустақилликларини эълон қилдилар.

1991 йил 31 августда республикамиз Олий Кенгашининг сессияси Ўзбекистон Республикасининг тўла мустақиллигини тантанали равишда эълон қилди. Унинг мустақиллиги 1991 йил 29 декабрда ўтказилган президент сайлови ва республика мустақиллиги ҳақидаги умумхалқ референдумида (98% дан ортиқ сайловчилар мустақилликни ёқлаб овоз бердилар) яна бир марта тасдиқланди. Шу даврдан эътиборан Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ўз манфаатлари асосида мустақил ташкил этишга киришди. Ҳозирги пайтда унинг мустақиллигини жаҳондаги 120 дан ортиқ давлатлар тан олди. Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ва бошқа турли нуфузли дунёвий сиёсий, иқтисодий ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзодир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1991 йил 8 декабрда 74 йил ҳукм сурган давлат — ССРИ расмий равишда тарқатилган деб эълон қилинди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил қилинди. Бу Ҳамдўстликка сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама мустақил бўлган давлатлар ўзаро тенглик асосида бирлашдилар.

Ўзбекистоннинг катталиги ва чегаралари. Ўзбекистон Республикасининг майдони 447,4 минг км^2. Ҳудудий катталигига кўра у Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида Россия Федерацияси, Қозоғистон, Украина ва Туркманистондан кейин туради. Ҳудуди шимоли-ғарбдан жануби-шарққа чўзилган бўлиб, унинг чекка ўлкалари ўртасидаги масофа ғарбдан шарққа 1425 км, шимолдан жанубга 930 км ни ташкил қилади, чегараларининг умумий узунлиги эса 5300 км дан ортиқ.

Ўзбекистон Республикаси ғарбий ва шарқий томонларда Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон Республикалари билан, шунингдек, шимолда катта масофада Қозоғистон Республикаси

билан чегарадош. Уни жанубий томондан Амударё орқали Афғонистон давлати ўраб туради.

Республика чегаралари сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан анча қулайликларга эга. Анъанавий яхши қўшничилик туфайли Ўзбекистон — Афғонистон чегараси чегараларнинг энг тинч қисмларидан бўлиб келган. Бу чегара орқали ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистоннинг Афғонистон билан ва у орқали унга яқин бўлган Ҳинд океани ҳавзаси мамлакатлари, биринчи навбатда Покистон ва Ҳиндистон билан ҳар тарафлама кенг ўзаро алоқаларни ривожлантириш истиқболлари тобора кенгаймоқда.

Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш ихтисоси ўхшаш бўлиб, битта йирик иқтисодий минтақага бирлашган Ўрта Осиё республикалари билан туташлиги айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Кенг ишлаб чиқариш кооперациясини йўлга қўйиш, хилма-хил ва бой табиий ресурслардан (айниқса, республикаларнинг туташган қўшни ҳудудларида) биргаликда фойдаланиш орқали республикалараро ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил қилиш ва бошқалар бундай чегарадошликнинг муҳим ижобий якунларидандир.

Ўзбекистон Республикаси чегараларининг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг аксарият текисликлар орқали ўтишидир. Ҳатто унинг билан улкан тоғлар ўлкалари — Қирғизистон ва Тожикистон республикалари ўртасидаги чегаралар ҳам асосан қулай тоғ оралиғи водийлари ёки у қадар баланд бўлмаган тоғ тизмалари орқали ўтган. Уларни боғлаб турадиган транспорт йўллари шу сабабли иқтисодий жиҳатдан қадимдан яхши ўзлаштирилган ҳудудлар орқали ташкил этилган. Умумий бу ҳолат, табиийки, қўшни республикалар билан хилма-хил иқтисодий алоқаларни ташкил қилишда янада қўшимча қулайликлар туғдиради.

Ўзбекистоннинг иқтисодий-жўғрофий ўрни. Ҳар қандай ҳудудий бирликнинг иқтисодий-жўғрофий ўрни хусусиятлари аввало унинг қаерда жойлашганлиги билан боғлиқдир. Маълумки, Ўзбекистон Евросиё қитъаси (материги)нинг деярли қоқ марказида ва Дунё океанларидан анча узоқда жойлашган. Шу сабабли денгизга туташ ноҳияларга хос барча қулайликлардан республикамиз маҳрумдир. Демак, Ўзбекистоннинг мавжуд иқтисодий-жўғрофий ўрнининг барча ижобий ва салбий хусусиятлари кўп жиҳатдан ана шу ҳолатдан, шунингдек уни қўшничилик хусусиятларидан (қандай давлатлар, иқтисодий ноҳиялар, дунё давлатлари минтақавий гуруҳларига туташ-яқинлиги, уларнинг бир-бирларига иқтисодий таъсир этиш имкониятлари) келиб чиқади.

Жойларни, давлатларнинг иқтисодий-жўғрофий ўрни хусусиятларини атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш иқтисодий ва ижтимоий жўғрофиянинг ҳамиша муҳим тадқиқот объекти бўлиб келган. Унга етарли баҳо бериш республикаларнинг ҳозирги мустақил ривожланиши палласида алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бирга жойларнинг, айни пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий-жўғрофий ўрнини таҳлил қилишда унинг тарихий категория эканлигини, жойларнинг табиий-жўғрофий ўрнига нисбатан ниҳоятда динамик, ўзгарувчан хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олиш талаб этилади. Жойларнинг иқтисодий-жўғрофий ўрни хусусиятларига муҳим ички ва ташқи сиёсий муҳитнинг ўзгариши, йирик табиий бойлик манбаларининг топилиши ва ўзлаштирилиши, муҳим транспорт йўлларининг ёки ирригация иншоотларининг қурилиши кабилар катта таъсир кўрсатади. Шунга кўра Ўзбекистоннинг иқтисодий-жўғрофий ўрни хусусиятларини, мутахассислар эътироф этганларидек, уч жиҳатдан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларга нисбатан тутган иқтисодий-жўғрофий ўрни (микрожўғрофий ўрни);

2. Ўзбекистоннинг унга яқин давлатлар гуруҳига нисбатан тутган иқтисодий-жўғрофий ўрни (мезожўғрофий ўрни);

3. Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик давлатлари ва бошқа хорижий мамлакатларга нисбатан тутган иқтисодий-жўғрофий ўрни (макрожўғрофий ўрни):

Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларга нисбатан тутган ўрни (микрожўғрофий ўрин) аввало унинг иқтисодий минтақа марказий қисмида жойлашганлиги, жуда қулай транспорт имкониятлари билан белгиланади.

Республиканинг Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашганлиги тарихий даврларда ҳар жиҳатдан кўп қулайликларни келтириб чиқарган. Ўзбекистон асосан иқтисодий-жўғрофий ўрни туфайли (табиий шароити ва табиий ресурслари қулайлигини инкор қилмаган ҳолда) узоқ тарихий ривожланиш даврларидан бошлаб Ўрта Осиёнинг энг ривожланган ўлкаси ҳисобланган. Унинг ҳудудида Ўрта Осиёнинг энг қадимий йирик шаҳарлари таркиб топган ва ривожланган, шу сабабли ўрта асрлардаёқ Буюк ипак йўли бўйидаги энг гавжум бозорлар тугунлари ҳам унинг ҳудудида макон топган.

Кўп жиҳатдан худди ана шу сабабларга кўра Совет ҳокимияти йилларида ҳам Ўзбекистон қўшни республикаларга нисбатан иқтисодий ривожланишда салмоқлироқ натижаларга эришди. Ўзбекистон Ўрта Осиёда таркиб топган бепоён пахтачилик майдонларининг марказий қисмида жойлашганлиги учун ҳам бу тармоқ учун зарур барча техникавий воситалар (чигит экиш машиналари, ирригация-мелиорация машина ва ускуналари, пахта қатор ораларига ишлов берадиган машиналар, пахта териш машиналари, кўсак терадиган ва уларни чувийдиган машиналар, пахта далалари учун ишлов тракторлари, уламалар, пахта тозалаш заводлари ускуналари, тўқимачилик саноати дастгоҳлари ва бошқалар), кимёвий воситаларнинг асосий қисми (минерал ўғитлар, пахта зараркунандаларига ва бегона ўтларга қарши кураш воситалари, дефолиантлар ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган бирдан-бир асосий республикага айлантирилди. Шу сабабли у собиқ ССРИда

Шу билан бирга жойларнинг, айни пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий-жўғрофий ўрнини таҳлил қилишда унинг тарихий категория эканлигини, жойларнинг табиий-жўғрофий ўрнига нисбатан ниҳоятда динамик, ўзгарувчан хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олиш талаб этилади. Жойларнинг иқтисодий-жўғрофий ўрни хусусиятларига муҳим ички ва ташқи сиёсий муҳитнинг ўзгариши, йирик табиий бойлик манбаларининг топилиши ва ўзлаштирилиши, муҳим транспорт йўлларининг ёки ирригация иншоотларининг қурилиши кабилар катта таъсир кўрсатади. Шунга кўра Ўзбекистоннинг иқтисодий-жўғрофий ўрни хусусиятларини, мутахассислар эътироф этганларидек, уч жиҳатдан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларга нисбатан тутган иқтисодий-жўғрофий ўрни (микрожўғрофий ўрни);

2. Ўзбекистоннинг унга яқин давлатлар гуруҳига нисбатан тутган иқтисодий-жўғрофий ўрни (мезожўғрофий ўрни);

3. Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик давлатлари ва бошқа хорижий мамлакатларга нисбатан тутган иқтисодий-жўғрофий ўрни (макрожўғрофий ўрни):

Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиёдаги мустақил давлатларга нисбатан тутган ўрни (микрожўғрофий ўрин) аввало унинг иқтисодий минтақа марказий қисмида жойлашганлиги, жуда қулай транспорт имкониятлари билан белгиланади.

Республиканинг Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашганлиги тарихий даврларда ҳар жиҳатдан кўп қулайликларни келтириб чиқарган. Ўзбекистон асосан иқтисодий-жўғрофий ўрни туфайли (табиий шароити ва табиий ресурслари қулайлигини инкор қилмаган ҳолда) узоқ тарихий ривожланиш даврларидан бошлаб Ўрта Осиёнинг энг ривожланган ўлкаси ҳисобланган. Унинг ҳудудида Ўрта Осиёнинг энг қадимий йирик шаҳарлари таркиб топган ва ривожланган, шу сабабли ўрта асрлардаёқ Буюк ипак йўли бўйидаги энг гавжум бозорлар тугунлари ҳам унинг ҳудудида макон топган.

Кўп жиҳатдан худди ана шу сабабларга кўра Совет ҳокимияти йилларида ҳам Ўзбекистон қўшни республикаларга нисбатан иқтисодий ривожланишда салмоқлироқ натижаларга эришди. Ўзбекистон Ўрта Осиёда таркиб топган бепоён пахтачилик майдонларининг марказий қисмида жойлашганлиги учун ҳам бу тармоқ учун зарур барча техникавий воситалар (чигит экиш машиналари, ирригация-мелиорация машина ва ускуналари, пахта қатор ораларига ишлов берадиган машиналар, пахта териш машиналари, кўсак терадиган ва уларни чувийдиган машиналар, пахта далалари учун ишлов тракторлари, уламалар, пахта тозалаш заводлари ускуналари, тўқимачилик саноати дастгоҳлари ва бошқалар), кимёвий воситаларнинг асосий қисми (минерал ўғитлар, пахта зараркунандаларига ва бегона ўтларга қарши кураш воситалари, дефолиантлар ва бошқалар) ишлаб чиқарадиган бирдан-бир асосий республикага айлантирилди. Шу сабабли у собиқ ССРИда

пахтакор республикаларни пахтачилик мажмуи учун зарур ишлаб чиқариш қуроллари билан таъминлаб келди. Шунингдек, унинг ҳудудида пахтачиликни ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий-тадқиқот ва тажриба-режалаштириш муассасаларининг асосий қисми ҳам жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёнинг ўзига хос темир йўл дарвозаси ҳам ҳисобланади. Маълумки, темир йўл транспорти республикалар ва ноҳияларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларида, улар ўртасида олиб бориладиган юк айирбошлашда барча транспорт тармоқлари орасида етакчи ўринда туради. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий-жўғрофий ўрни бағоят зўр мавқега эгадир. Буни узоқ тарихий даврлар ҳам, Совет ҳокимияти йиллари ҳам ва эндиги мустақил Ўзбекистон истиқболлари ҳам исботлайди. Фактларга мурожаат этайлик:

Совет ҳокимияти йилларида мажбуран жорий қилинган республикалар ўртасидаги қатъий ички районлараро алоқалар (иқтисодий берк ҳавза) шароитида Ўрта Осиё республикалари собиқ ССРИнинг ички ноҳиялари билан олиб борадиган темир йўл алоқаларини фақат Ўзбекистон ҳудуди орқали амалга ошириб келдилар. Бошқача айтганда, Тожикистон, Туркманистон республикалари ҳамда Қирғизистон республикасининг барча жанубий ноҳиялари (Ўш вилояти) ўзларининг ноҳияларараро маҳсулотлар айирбошлаш алоқаларини Ўзбекистон ҳудуди орқалигина (Тошкент — Оренбург ва Қўнғирот— Бейнов темир йўллари) олиб борганлар. Мустақиллик йилларида ҳам ушбу республикаларнинг Ҳамдўстлик давлатлари ўртасида олиб борадиган иқтисодий алоқаларини амалга оширишда республикамиз ҳудуди орқали ўтган темир йўллар бундай хайрли вазифаларни адо этаверади.

Ўзбекистоннинг бу борадаги роли яқин истиқболли йиллар орасида қўшни Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон республикаларининг Эрон, Афғонистон, Туркия каби мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларини олиб боришда янада кучаяди. Ҳозирги пайтда Ўрта Осиёни Эроннинг Машҳад шаҳри билан боғловчи темир йўлнинг зудлик билан қурилаётганлиги шундай хулоса чиқариш имконини беради. Балки кейинроқ Ўрта Осиё республикаларининг Афғонистон орқали Ҳинд океани ҳавзасига чиқиш имкониятлари ҳам пайдо бўлар. Бунинг учун уларнинг Афғонистон, Покистон каби манфаатдор мамлакатлар билан ҳамкорликдаги ҳаракатлари талаб қилинади.

Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё иқтисодий минтақасидаги марказий ҳолати қўшни республикалар билан хилма-хил ишлаб чиқариш алоқаларини кучайтиришда, республикалараро ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишда, республикаларнинг туташ ҳудудларида жойлашган турли ресурслардан биргалашиб фойдаланишда, ҳозирги мустақиллик шароитида ҳамкорлик асосида корхоналар, инфратузилма воситалари ташкил этишда кенг имкониятлар очиб беради.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларининг туташ ноҳияларида таркиб топган кенг йўналишдаги мустаҳкам ишлаб чиқариш, маданий-маиший алоқалар билан характерланувчи Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи, Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари ноҳияларини бирлаштирувчи Қуйи Амударё ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи, Жанубий Тожикистон билан Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ўртасида ташкил топган мустаҳкам иқтисодий-ижтимоий алоқалари, Ўзбекистондаги Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг Шимолий Тожикистон ҳудудидаги (Қорамозор чаламеталл кони) руда ресурсларидан кенг фойдаланиш имкониятлари фикримизнинг далилидир.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги иқтисодий-жўғрофий ўрни хусусиятларидан келиб чиқадиган қулайликлардир. Ўрта Осиёда Ўзбекистондан бошқа бирор-бир республика ўзаро кўп қиррали муносабатларда бунчалик қулайликларга эга эмас.

Ўзбекистоннинг мезожўғрофий ўрни аввало унинг Ўрта Осиё—Қозоғистон микроминтақасидаги тутган ўрни билан белгиланади. Бу ерда ҳам республиканинг марказий мавқега эга эканлиги асосий ижобий ҳолат ҳисобланади. Бу, аввало, Ўзбекистон ҳудудининг жуда катта масофада (бутун шимолий ва шимоли-ғарбий чегарада) Қозоғистон ҳудуди билан туташлигида кўринади. Кенг текисликлар орқали туташган иккала республика муҳим темир йўл магистраллари (Тошкент — Арис — Қизил Ўрда; Тошкент—Арис — Чимкент— Жамбул — Олмаота; Қўнғирот — Бейнов — Макат), қулай автомобиль ва бошқа транспорт турлари орқали ўзаро узвий боғланган. Ўзбекистон Қозоғистондан кўмир, нефть маҳсулотлари, олтингугурт колчедани, фосфорит, металл, цемент каби ишлаб чиқариш воситалари, дон, ун, гўшт, мол ёғи каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олади ва унга айрим қишлоқ хўжалик машиналари, саноат истеъмол моллари, мева ва мева консервалари, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ўсимлик мойи кабиларни чиқаради. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг бу ўлчамдаги (мезожўғрофий) жойлашган ўрни, яъни қўшни иқтисодий-жўғрофий минтақаларга нисбатан тутган ўрни ҳам ижобий хусусиятларга эга.

ССРИ нинг барҳам топганлиги ва мустақил Ўзбекистон Республикасининг фаолият кўрсата бошлагани натижасида вужудга келган сиёсий вазият республиканинг ўзига яқин жойлашган хорижий иқтисодий минтақаларга нисбатан тутган ўрни қулайликларидан кенгроқ баҳраманд бўлишига ҳам йўл очиб берди. Маълумки, Ўзбекистон собиқ ССРИ таркибида бўлган даврда бошқа иттифоқдош республикалар, ички ноҳияларидан ташқари, ҳатто яқин қўшни хорижий мамлакатлар билан ҳам мустақил, ўз имкониятлари даражасида бирон-бир иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ҳуқуқидан маҳрум эди. Эндиликда ўз мустақилликни қўлга киритганлиги туфайли Ўзбекистоннинг мезожўғрофий ўрни имкониятлари янада кенгаймоқда. Гап шундаки, унинг жанубида

жойлашган бир қатор Яқин ва Ўрта Шарқ, Жанубий Осиё мамлакатлари (Эрон, Афғонистон, Туркия, Ҳиндистон, Саудия Арабистони ва ҳоказо) билан Туркистон ҳудуди барча тарихий ривожланиш даврларида (фақат тоталитар Совет тузуми даври бундан мустасно) тинимсиз иқтисодий, ижтимоий алоқаларга эга бўлиб келган эди. Бир томондан, тарихий ривожланиш илдизларининг ҳамда табиий ва иқтисодий-жўғрофий хусусиятларнинг яқинлиги, иккинчи томондан, ҳозирги пайтдаги мавжуд иқтисодий танглик Ўзбекистоннинг, қолаверса барча Ўрта Осиё республикаларининг бу яқин хорижий мамлакатлар билан барча йўналишлардаги ўзаро алоқаларни тезда қайта тикланишини тақозо қилади.

Ўрта Осиё республикалари жанубида Туркия, Эрон, Покистон давлатлари асос солган Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ) дан иборат янги иқтисодий минтақанинг юзага келиши ва унга Ўрта Осиё республикаларининг, шу жумладан Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли аъзо қилиб қабул қилиниши республикамизнинг мезожўғрофий ўрни ижобий имкониятларини янада кенгайтиради. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг бу иқтисодий-жўғрофий ўрни тобора яхшиланиб бормоқда.

Бироқ иқтисодий-ижтимоий ривожланиш жараёни иқтисодий ҳамкорликда фақат яқин қўшни давлатлар ва минтақалар билангина чегараланиб қолишни инкор қилади. Унинг тез ва соз кечиши учун янада кенг ҳаракат кенгликлари зарур. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг ривожланиш истиқболларини кенг доирадаги халқаро иқтисодий алоқаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Умуман иқтисодий-жўғрофий ўрнига баҳо беришда Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш имкониятларини таҳлил қилиш муҳимдир. Республикамиз иқтисодий-жўғрофий ўрнининг макро-жўғрофий мавқеини белгиловчи бу ҳолат айнан жаҳон кўламида, яъни қарор топаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг марказий ноҳиялари ҳамда турли қитъа ва минтақаларда жойлашган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш имконияти доирасида қараб чиқилмоғи керак.

Ган шундаки, Ўзбекистон Республикасининг етук даражада иқтисодий ривожланиш имкониятларини берадиган ишлаб чиқариш технологияларига бўлган эҳтиёжи дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари билан ўзаро тенг манфаатли иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш орқалигина қондирилиши мумкин. Маълумки, ҳар қандай ҳудуднинг, жумладан Ўзбекистоннинг меъёрий иқтисодий ривожланишини ташкил қилишда йирик металлургия базаларининг, ёқилғи-энергетика, ўрмон ресурсларининг узоқ-яқинлиги, транспорт воситалари, аниқса қулай денгиз портларига чиқиш ҳолатлари ҳам катта роль ўйнайди. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик давлатлари билан бўлган ишлаб чиқариш

алоқаларини, албатта, янги асосларда янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Бу муаммолар ечими кўп жиҳатдан алоқа ўрнатилажак давлат ёки ижтимоий марказлар ўртасидаги масофага, иқтисодий алоқаларни амалга ошириш имкониятларига, қолаверса, амалдаги давлатлараро сиёсий вазиятга ва бошқа бир қанча омилларга бориб тақалади.

Агар Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик давлатларидаги муҳим иқтисодий базалардан ва жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардан анча узоқда жойлашганлиги, бунинг устига ривожланган мамлакатлар билан боғланиш имкониятларининг чекланганлиги (транспорт йўлларининг фақат собиқ ССРИ ички ноҳиялари орқали ўтиши) ҳисобга олинса, республикамиз иқтисодий-жўғрофий ўрнининг макрожўғрофий мавқеи бирмунча ноқулай эканлиги маълум бўлади.

Шуни алоҳида қайд қилмоқ керакки, Ўзбекистоннинг экспорт имкониятлари анча кенг. Буни унинг халқ хўжалиги ҳатто асосан хом ашё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Совет даврида ҳам собиқ ССРИ да РСФСР ва Украинадан кейин учинчи ўринни эгаллаб келганлиги тўла исботлайди.

Ўзбекистон иқтисодининг яқин келажакдаги бош вазифаларидан бири ана шу ўз ички имкониятларидан тўла фойдаланиб, ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ҳар тарафлама кенгайтиришдир. Табиийки, яқин даврлар орасида Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотлари пахта, шунингдек мева, сабзавот, полиз, улардан тайёрланган консерва маҳсулотлари, халқ ҳунармандчилик моллари бўлиб қолади. Айни вақтда республикамиз импортининг асосини ишлаб чиқаришнинг юқори унумдорлигини таъминлай оладиган замонавий технологик воситалар эгаллаши лозим. Ўзбекистон саноати ишлаб чиқариш фондини шу йўл билангина қисқа муддат ичида юқори самарадорли техникавий жиҳозлар билан таъминлаш ва халқ хўжалигининг тармоқлар таркибини давр талаби асосида қайта ташкил қилиш мумкин.

Бу муҳим вазифаларни амалга оширишда бундан кейин ҳам собиқ ССРИ доирасида таркиб топган транспорт воситалари, айниқса темир йўл транспортидан фойдаланишга тўғри келади. Бунга 1992 йил февралида Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг темир йўл транспортидан биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги Минскдаги келишуви ҳам ёрдам беради. Транспорт воситаларидан ва муҳим денгиз портларидан фойдаланишни йўлга қўйишда Ҳамдўстлик давлатларининг ўзаро манфаатдорлик асосида тузаётган иқтисодий битимлари давлатлараро иқтисодий алоқаларни олиб боришда кенг имкониятлар яратади.

Хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда Ўзбекистон олдида янада истиқболлироқ имкониятлар очилмоқда. Ҳозир шаҳдам олиб борилаётган Серахс (Туркманистон) — Машҳад (Эрон) темир йўли қурилишининг тугалланиши

қадимий Туркистонни энг қулай, қисқа масофада бир томондан, Ўрта ва Яқин Шарқ, Марказий ва Ғарбий Европа мамлакатлари, иккинчи томондан, Хитой орқали Узоқ Шарқ мамлакатлари билан боғланишга имкон беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Осиё қитъасини кенглик бўйлаб ғарбдан шарққа кесиб ўтадиган бу улкан Трансосиё магистралининг ишга туширилишидан шу темир йўл бўйида жойлашган барча давлатлар манфаатдордир. Шу сабабли бу темир йўлнинг қисқа вақт ичида ишга туширилиши Ўзбекистон Республикаси макрожўғрофий ўрнининг анча яхшиланишига олиб келади.

Шундай қилиб, республикамизнинг иқтисодий-жўғрофий ўрни ССРИ нинг барҳам топиши ва Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши натижасида юз берган сиёсий муҳит туфайли тобора яхшиланиб бормоқда. Бу пировард натижада республикамиз ишлаб чиқарувчи кучларининг янада тез ривожланишига, халқимизнинг мустақиллик нашидаларидан тезроқ баҳраманд бўлишига олиб келади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистоннинг Туркия, Ҳиндистон, Саудия Арабистони каби мамлакатлар билан амалга оширилаётган иқтисодий битимлари, АҚШ, Хитой, Италия, Туркия, Австрия, Швейцария, Жанубий Корея каби давлатларнинг ишлаб чиқариш компаниялари ва фирмалари иштирокида ташкил этилган ўнлаб қўшма корхоналари (уларнинг субъектлари ва сони ой сайин кўпайиб бормоқда) қисқа вақт орасида республика ишлаб чиқариш тармоқлари ишида кескин ижобий ўзгаришлар бўлишини таъминлайди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК АҲАМИЯТИ

Табиий ресурслар Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришдаги муҳим омилдир.

Ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистонда ер ости ва ер устида табиат яратган ресурс (неъмат)лардан оқилона фойдаланиш республика иқтисодиётини юксалтиришда катта ва порлоқ истиқболлар очиб беради.

Фан-техника тараққиёти даврида табиатга ва унинг неъматларига таъсир кўрсатиш тобора ортиб бормоқда. Ерларни ўзлаштириш, ер ости бойликларини қидириб топиш ва ишга солиш, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвон ресурсларидан фойдаланиш кўлами кенгаймоқда. Бундай табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, келажак авлодлар манфаатларини кўзлаб иш юритиш талаб этилади.

Маъдан (минерал) ресурслари. Республикамиз ҳудудининг геологик тузилиши анчагина мураккаб бўлиб, унда турли геологик даврларда пайдо бўлган хилма-хил қазилма бойликларининг хўжалик аҳамияти каттадир.

Ўзбекистондаги қазилма бойликлардан кишилар қадим замонлардан бошлаб фойдаланиб келмоқдалар, баъзи конлардан ҳатто милоддан олдин ҳам фойдаланилган. Ўрта асрларда, хусусан, VI—XII асрларда ер ости бойликларидан фойдаланиш тараққий қилган, қазилма маъданларни қидириб топиш ва қазиб олиш анчагина такомиллашган. IX—X асрларда Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Нурота тоғлари ва Самарқанд атрофларида олтин, кумуш ва феруза-ёқут қазиб олинганлиги маълум. Олмалиқ, Лашкарак конларидан қазиб олинган маъданлар ҳатто чет элларга ҳам чиқарилган. Қазилма хом ашё асосида мисгарлик, чилангарлик, заргарлик ва бошқа ҳунармандчилик ривож топган.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ер ости бойликларини қидириш ва ишга солиш аввало марказ манфаати учун жадаллик билан олиб борилди. Бу ишларда рус олимлари билан биргаликда ўзбек олимлари, академиклар Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Ҳамрабоев, Обид Акрамхўжаев, Ғани Мавлонов, Ҳабиб Тўлаганов ва бошқалар фаол қатнашдилар. Эндиликда республикамиз ер қаъридан юздан ортиқ хилдаги қазилма бойликлар топилган.

Ўзбекистон мис, олтин, қўрғошин, рух, молибден, вольфрам, табиий газ, қимматбаҳо тош ва бошқа қазилма бойликлар жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Республикада туз, фосфорит, олтингугурт, алюминий хом ашёси, пардозловчи ва қурилиш материалларининг анча катта заҳиралари бор.

Ёқилғи-энергетика ресурслари. Ўзбекистонда табиий газ ва нефтнинг бир қанча конлари бор. Уларнинг асосийлари учта минтақада жойлашган:

1) Фарғона минтақаси — Шимолий Сўх, Жанубий Оламушук, Полвонтош, Чимён, Шўрсув, Мингбулоқ ва бошқа конлардан иборат бўлиб, бу ҳудудда асосан нефть ва йўлдош газ қазиб олинади. Бу конлар антиклинал тузилишда бўлиб, юра-неоген ва палеоген қатлам (ётқизиқ)ларда жойлашган. Бу конларнинг нефти енгил, унда олтингугурт кам учрайди.

2) Сурхондарё минтақаси — Амударё, Ҳовдоғ, Коштар, Кокайди ва бошқа конлардан иборат. Бу конлардан ҳам асосан нефть қазиб олинади, улар ҳам антиклинал тузилишда бўлиб, юқори юра қатламларида жойлашган. Бу конларнинг нефти оғир таркибли, унинг олтингугурти кўп.

3) Қашқадарё — Бухоро минтақаси — ўзининг йирик газ конлари билан машҳур.

Шўртан, Зеварда, Муборак, Учқир, Жарқоқ конлари республикада қазиб чиқарилаётган асосий газни бермоқда. Кейинги вақтларда аниқланган Кўкдумалоқ газ кони катта истиқболга эга. Илгари анча машҳур бўлган Газли кони заҳираси тугаб бормоқда.

Ўзбекистон табиий газ заҳираси жиҳатидан Россия Федерацияси ва Туркманистондан кейин Ҳамдўстликда учинчи ўринда туради.

Ўзбекистоннинг кўмир конлари маҳаллий аҳамиятга эга, уларнинг энг муҳимлари Тошкент вилоятидаги Ангрен, Сурхондарё вилоятидаги Шарғун ва Бойсун конларидир.

Кўмир қатламлари орасида хўжалик аҳамиятига эга бўлган турли жинслар — гил, каолин, қум, бентонит, сланец ва бошқалар учрайди. Масалан, Ангрен кони дарё водийсида, каолин қатламлари устида ётади, кўмир қатламлари анча қалин (баъзан 40—60 метрга етади), кўмир қатламлари кўпроқ ер юзасига яқин жойлашгани учун уни очиқ усулда қазиб олиш мумкин. Ангрен ҳавзасининг кўмири қўнғир бўлиб, калорияси пастроқ, лекин заҳирасининг катталиги ва йиллик истеъмолчи — Тошкент шаҳрига яқин жойлашганлиги туфайли алоҳида иқтисодий аҳамият касб этади.

Шарғун кони Ҳисор тоғи этакларида, токомбрийнинг гнейс ва сланецлари устида жойлашган. Шарғун кўмири юқори калорияли, аммо қатламлари юпқа, ўртача қалинлиги 2,5 метр бўлиб, айрим жойларда 12 метрга етади. Кўмир қатламлари баланд ва қия тоғ ёнбағирларида жойлашганлиги учун уларни ўзлаштириш анча мураккаб кечмоқда.

Бойсун конининг кўмири юқори сифатли бўлиб, юра даврининг ётқизиқлари устида жойлашган. Кўмир қатламларининг қалинлиги ва қазиб чиқариш шароитлари Шарғун конига ўхшашдир.

Рудали ресурслар. Ўзбекистон ҳудудида аниқланган темир рудасининг заҳираси унча катта эмас. Улуғ Ватан урушидан кейин магматик темир руданинг бир неча конлари топилди. Уларнинг анча аҳамиятлиси Қорақалпоғистондаги Тебинбулоқ (Султон Увайс тоғи) конидир. Бундаги темир рудаси таркибида никель, кобальт, хром, платина, палладий ва бошқалар йўлдош бўлиб учрайди.

Суренота (Нурота), Сусенген (Чотқол), Жаораз, Мингбулоқ ва бошқа конлар ҳам магматик темир руда конларидир.

Чўкинди жинсли темир руда конлари бўр ва учламчи даврларнинг ётқизиқларида жойлашган бўлиб, бундай конлар Оролбўйи ва Қизилқумда учрайди. Улардан ҳали руда қазиб олинаётгани йўқ.

Ўзбекистонда марганецнинг бир неча конлари маълум. Улар асосан Зарафшон тизмасидаги Зиёвуддин, Довтош, Қизилбайроқ, Тахтақорача, Терсаксой, Чўпонота конлари бўлиб, уларнинг рудасида 8—28% гача марганец бор. Булардан ташқари, марганец рудасининг кичик конлари Коржантов ва Моргузар тоғларида ҳам топилган, марганец рудасининг заҳираси 8 млн тонна атрофида бўлиб, бу конлар ҳам ҳали ўзлаштирилган эмас.

Хром рудасининг кичик конлари Томдитоғ ва Султон Увайс тоғида топилган, улардан ҳали руда қазиб олинаётгани йўқ.

Ўзбекистон рангдор металл рудаларига анча бой. Мис рудасининг заҳираси жиҳатдан республикамиз Ҳамдўстликда Қозоғистон ва Россия федерациясидан кейин учинчи ўринда туради.

Миснинг бир неча конлари топилган, шулардан учтаси — Олмалиқ атрофидаги Қалмоққир. Дальний ва Саричекув конларидир.

Ўзбекистонда полиметалл (қўрғошин, рух) нинг бир неча йирик конлари топилган. Сурхондарё вилоятидаги Хондиза, Қурама тоғидаги Қўрғошинкон ва Қошмансой конлари шулар жумласидандир. Бу конларда галенит, сфалерит, халькопирит, шеелит ва молибденит минераллари учрайди.

Булардан ташқари, полиметаллнинг Учқулоч, Сарикон, Куняйлов, Қулчўлоқ ва бошқа конлари маълум. Булар ичида Шимолий Нурота тизмасидаги Учқулоч кони алоҳида аҳамиятга эга. Бу коннинг асосий минераллари галенит, сфалерит ва пиритдир. Лашкарак (Қурама тизмаси) полиметалл рудаси таркибида висмут ва кумуш ҳам учрайди.

Ўзбекистонда қийин эрийдиган металлардан вольфрам рудаси кўп. Нурота, Зирабулоқ, Қоратепа, Чақаликалон тоғларида вольфрам рудаси қатламлари палеозойнинг магматик жинслари орасида учрайди. Вольфрамнинг йирик конлари Қўйтош, Ингичка, Қоратепа ва Яхтон конларидир. Шунингдек Чоштепа, Камангарон, Жом, Сарикўл каби бир қатор заҳираси у қадар катта бўлмаган конлар ҳам бор. Булардан ташқари, Ғарбий Тяншанда Саргардон, Майдонтол, Огайн атрофида ҳам вольфрам конлари топилган. Ҳозирча Ингичка ва Қўйтош конларидан вольфрам рудаси қазиб олинмоқда.

Молибденнинг бир қанча конлари, чунончи, Ғарбий Ҳисорнинг Обизаранг, Чотқолнинг Чаватисой, Унгиртош, Ойгайин, Қурама тизмасининг Шовгаз, Олмалиқ конлари маълум. Ҳозирча молибден фақат Олмалиқда мис-порфир рудаларидан йўлдош металл сифатида ажратиб олинмоқда.

Ўзбекистонда қалайининг бир қанча кичик конлари маълум, улардан қалайи ҳозирча қазиб олинаётгани йўқ.

Ўзбекистон қимматбаҳо асл металлардан бири бўлган олтинга анча бойдир. Республикамиз олтинининг сифати ва заҳираси дунё аҳамиятига эга. Унинг муҳим конлари Қизилқумдаги Мурунтов ва Кўкпатос, Чотқол-Қурама тоғ тизимидаги Саричекув, Кўчбулоқ ва Чодак, Нурота тизмасидаги Маржонбулоқ, Зармитон ва бошқалардир.

Саричекув конида олтин мис ва полиметалларга йўлдош бўлиб учрайди. Ҳозирча Мурунтов, Маржонбулоқ, Кўчбулоқ ва Чодак конларидан олтин қазиб олинмоқда.

Алюминий хом ашёси — алунит конлари Қурама ва Ҳисор тизмаларида топилган. Қурама тоғидаги Гўшсой конининг рудаси бирмунча яхши сифатли. Ангрен ҳавзасидаги кўмир қатламлари гагида таркибида алюминий бўлган каолин қатламининг қалинлиги 2 метрдан 46 метргача етади. Бу конлар ҳам ҳали ишга туширилган эмас. Каолиндан ҳозирча Ангрен кулолчилик заводи фақат сопол буюмлар ишлаб чиқаришда фойдаланмоқда. Каолин юқори сифатли чинни буюмлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиши

мумкинлигига қарамай, республикамиз чинни заводлари ундан фойдаланаётгани йўқ.

Республикада тоғ кимёси хом ашёсидан ош тузи, калий тузи ва фосфоритнинг катта запаслари аниқланган. Ош тузининг асосий конлари Хўжаикон, Оқтош, Бойбичакон кабилар бўлиб, улардан қисман фойдаланилмоқда. Калий тузининг Тубегендаги йирик кони ҳали ишга солингани йўқ. Фосфоритнинг катта заҳираси Қизилқумда топилди, уни ишга солиш режалаштирилмоқда.

Олтингугурт Фарғона водийсидаги Шўрсув конидан қазиб олинади, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган олтингугуртнинг катта қисми Муборак газни қайта ишлаш заводида ажратиб олинмоқда. Олтингугуртдан фойдаланиш имконияти кенгдир.

Флюорит (плавик шпат)дан қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш воситалари тайёрлашда ва ойна саноатида фойдаланилади. Флюорит Чотқол-Курама тоғ тизимидаги Оқота, Чиборғота, Новшекон, Новгарзон конларидан олинмоқда.

Талькдан ҳам қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш воситалари ва тиббий дорилар тайёрлашда фойдаланилади, унинг катта заҳираси Султон Увайс тоғида жойлашган.

Ўзбекистон тоғларида, хусусан Олой, Туркистон, Чотқол ва Курама тоғларининг 1500—2000 метр баландлигидаги тоғ қатламлари бўшлиқларида мўминёйн асл (мўмиё) учрайди. Мўмиё жонли бирикма бўлиб, ундан Шарқ табобатида қадим замонлардан бери турли хасталикларда, суяк синганда ва майиб бўлганда самарали фойдаланиб келинмоқда.

Хилма-хил қурилиш ва пардозлаш хом ашёлари Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган.

Абразив (қайроқ) тошлар қаттиқ минераллардан тайёрланади. Корунд шундай минераллар жумласига киради, унинг асосий конлари Моргузар, Қоржантов ва Султон Увайс тоғларида жойлашган. Қоржантов конидан кенг фойдаланилмоқда.

Оҳактош, бўр, гил, бентонит ва сланец, цемент, оҳак, гипс, алибастр каби қимматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланади. Буларнинг яхши сифатли навлари Бекобод, Қувасой, Оҳангарон, Жиззах, Қоровулбозор ва бошқа жойларда учрайди.

Кварц (оққум) ойна ва кулолчилик саноатининг хом ашёси ҳисобланади. Оққум конлари Ўзбекистоннинг Тошкент вилоятида (Майский ва Озодбош қишлоқлари ёнида), Бухоро вилоятида (Навоий яқинида), Фарғона водийсида ва бошқа жойларда учрайди.

Ўзбекистон мармарининг шуҳрати кенг тарқалган. Ғозғон, Омонқўтон, Жом, Шарақсой, Орқутсой, Ақча, Оқтоғ ва бошқа жойларда мармар конлари бор. Геологлар Букантовда мармарнинг жуда катта конини аниқладилар.

Хушранг гранит тошлар Қоржантов ва Қурама тоғида кенг тарқалган. Чоркесар кони ҳам машҳур.

Шағал-қум муҳим қурилиш материаллари бўлиб, республика-

миз ҳудудида жуда кўп учрайди. Қизилқум чўлининг қумидан Хоразмда сопол ғиштлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистоннинг бир неча жойидан шифобахш маъдан сувлар чиқади. Водород сульфидли сув Чимён, Полвонтош, Хўжаобод, Шўрсув, Учқизил, Кўкайди, Жайронхона ва бошқа жойларда топилган. Йодли сув Чортоқда, радонли сув Арашанбулоқда, кам маъданлашган ишқорли термик сувлар Тошкент ва Олтиариқда, сульфат-хлоридли ва натрийли сув Ситорайи Моҳи хоса, Қоракўл, Газли ва бошқа жойларда топилган.

Энг муҳим табиий ресурслардан бири Ўзбекистоннинг ер фонди бўлиб, унинг катталиги 40 млн. гектардан ошади. Бунинг 1/10 қисмидан ортиқроғидан фойдаланилмоқда. Мутахассислар ҳисобига кўра, ўзлаштириш мумкин бўлган ҳали анча майдонлар бор, уларни ўзлаштириш сув ресурсларига боғлиқдир. Ҳозир 4 млн. гектар ерда обикор деҳқончилик қилинмоқда. Республиканинг мавжуд сув ресурсларидан тўлиқ ва оқилона фойдаланилса, 5 млн. гектар ерни суғориш мумкин. Қолган ерларни суғориш учун қўшни ҳудудлардан қўшимча сув келтириш талаб этилади.

Ўзбекистон ҳудудида анчагина ер ости сувлари бор, уларнинг ўртача аниқланган ҳажми 6—7 км³га тенг, бу сувлар хўжаликда кенг қўлланилмоқда.

Республика ҳудудининг 30% ини ташкил қилган тоғ ва адирлар катта ғина хўжалик аҳамиятига моликдир.

Ўзбекистоннинг жануби-шарқидаги тоғлар табиий намлик аккумуляторн сифатида республика текислик қисмини оқар сувлар билан таъминлаб туради. Аввало, тоғларга ёғин текисликка нисбатан бир неча марта кўп тушади, улардаги қор-музликлар йилнинг иссиқ мавсумида эриб, пастки минтақанинг сувга талабини қондиради. Адирлар сув билан яхши таъминланган бўлиб, бу минтақада гидроиншоотлар қуриш қулайдир.

Республиканинг бой агроиқлим ресурслари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим омилдир. Ўзбекистон жанубий кенгликларда жойлашганлигидан қуёш Термизда 76°, Тошкентда 72° гача кўтарилади ва булутсиз кунларнинг кўп бўлиши қуёш радиациясининг юқори бўлишига олиб келади. Мусбат ҳароратлар йиғиндиси республика шимолида 3000° дан ошиқ, жанубда эса 5900° га етади. Совуқсиз кунлар қуйи Амударёда 190—210 кун, Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида 200—220 кун, Ўзбекистон жанубида 220—270 кунгача етади.

Республиканинг агроиқлим ресурслари иссиқсевар техника экинлари (пахта, каноп, тамаки, зиғир), дон экинлари (шоли, маккажўхори), узум, сершира мевалар (жумладан, субтропик мевалар) ва полиз экинларини кўплаб етиштириш имконини беради.

Бой қуёш радиацияси республиканинг муҳим қувват ресурсларидан бирига айланмоқда. Гелиотехник олимлар қуёш радиациясидан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқмоқдалар. Ҳозирнинг ўзида ундан электр қуввати иш-

лаб чиқариш, гелиосувиситгич, гелиомевақуритгич, гелиохонаиситгич, хлорелла ўстириш, сув чучутгич, биогаз ишлаб чиқариш, ер ости сувларини чиқариш ва бошқа қурилмалар ишлаб турибди. Ўзбекистонда қуёш қувватидан фойдаланиш истиқболи анча кенг. Республикада дастлабки «Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ хўжалигига хизмат қила бошлади.

Тупроқ ресурслари. Суғориладиган ерларнинг ярмидан ортиғи чўл минтақасидадир. Обикор майдоннинг 60% и автоморф (маданий) тупроқли ерлардан иборат.

Суғориладиган майдонларнинг ярмига яқини шўрланишга мойил, 500 минг га ернинг шўрланиш даражаси анча юқори, бу ерлар мунтазам шўр ювишни талаб этади. Шўрлиги ортиқ тупроқлар Мирзачўл, Қарши ва Жиззах чўлларида, Қуйи Амударё минтақасида кенг тарқалган.

Адир минтақасида гил, қумлоқ ва оч қўнғир тупроқ кўп учрайди.

Қизилқум ва бошқа чўл яйловлари 26 млн. гектарга яқин бўлиб, шунинг ярмиси қум ва қумоқ тупроқлидир.

Тоғда жигарранг, қўнғир ва ўтлоқ-дашт тупроқлар ҳосил бўлган, бундай тупроқлар майдони 2,6 млн. гектарча келади. Баланд тоғда оч қўнғир ва ўтлоқ-дашт тупроқлари бўлиб, буларнинг майдони 1 млн. гектарга яқин.

Адир ва тоғ минтақасидаги тупроқлар эрозия ва сурилма жараёни натижасида нобуд бўлади. Бундан сақлаш учун ўрмон ва бутазорларни кўпайтириш талаб этилади.

Ўсимлик ресурслари. Ўзбекистоннинг ўсимлик ресурслари чўл, адир ва тоғ минтақаларида гидротермик ва тупроқ шароитларга боғлиқ ҳолда тақсимланган. Мавжуд ўсимлик турларининг 90% и га яқини чорва моллари учун озиқабопдир.

Қумли ва чўл яйловларида ҳар гектар майдондан йилига ўртача 3—5 центнер, Устюртдаги яйловларда ҳар гектаридан 2—4 центнер хашак йиғиб олиш мумкин. Чўл яйловларида деярли йил бўйи қўй боқилади.

Адир яйловларида ҳар гектар майдондан ўртача 8—10 центнер хашак йиғилади. Бу минтақага қор бирмунча қалин тушади, кунлар исий бошлаши билан бу майдонларда кўплаб қўй, қорамол ва паррандалар боқилади.

Тоғ минтақасининг хашак заҳираси умуман адир минтақасиникидан кўпроқ бўлиб, тупроқ, нам ва қалин ўрмонли бўлишига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Баланд тоғ (яйлов) минтақасида хашак ўртача заҳираси гектар бошига 15 центнерга етади. Бу минтақада ёзда қўй-эчки ва йирик моллар боқилади.

Ўзбекистон тоғлари ёввойи меваларга (тоғ олчаси, тоғ олмаси, тоғ ёнғоғи, писта, бодом, дўлана ва бошқаларга) бойдир. Улардан озиқ-овқат маҳсулоти сифатида фойдаланилади.

Тоғда дармондориларга бой шифобахш ўсимликлар (зира,

зирк, етмак, наъматак, эрмон, омонқора, кийикўт ва бошқалар) ўсади. Улар тиббий мақсадлар учун қисман йиғиб олинади.

Тоғдаги ўрмонларнинг хусусан, арчазорларнинг иқтисодий-экологик аҳамияти катта, улар илдизлари билан тупроқни мустаҳкамлайди, нам тупроққа сингишига, қор узоқ сақланишига ёрдам беради. Ғарбий Тяншань, Туркистон, Ҳисор тизмаларининг катта қисмида арчазорлар кўп. Уларни асраш ва кўпайтириш айни муддаодир.

Серёғин ва кунгай тоғ ёнбағирларида баргли дарахтлар (тоғ тераги, заранг, шумтол, чинор ва бошқалар) ўсади. Булар қурилиш материаллари сифатида ҳам аҳамиятга моликдир.

Ўрмон хўжаликлари ўсимликларни муҳофаза қилиш билан бирга, улар майдонини кенгайтирмоқдалар.

Ҳайвонот ресурслари. Ўлкамиз фаунаси турларга бойлиги билан характерлидир. Сутэмизувчиларнинг 97 тури учрайди. Туёқли сутэмизувчилардан жайрон, сайғоқ, бурама шохли тоғ такаси, Бухоро буғуси (хонгул) ва бошқалар «Қизил китоб» га киритилган.

Териси (мўйнаси) учун овланадиган ҳайвонлар (тулки, чиябўри, бўрсиқ ва бошқалар) ҳам кенг тарқалган. Чўлда ёввойи мушук овланади.

Асримизнинг 50-йилларидан эътиборан ондатра териси тайёрланмоқда, нутрия териси ундан камроқ тайёрланади. Бу ҳайвонлар асосан дарё бўйларида, сувли ҳавзаларда урчитилмоқда. Махсус ҳайвончилик хўжаликларида, чунончи, Ғаллаорол ноҳиясидаги хўжаликларда норка боқилмоқда. Қуён териси тайёрлаш ҳам кўпайиб бормоқда.

Илгари республикамизда кенг тарқалган айиқ, қоплон, барс, қундуз, алқор (архар) ва бошқалар эндиликда Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган.

Ўзбекистонда 60 хил овланадиган қушлар бор, булардан муҳимлари — каклик, қирғовул, бедана, ўрдак, ғоз ва бошқалардир. Қирғовулни овлаш вақти белгиланган. Қушлардан тувалоқ, ғуррак, қизғалдоқни овлаш ман қилинади, улар «Қизил китоб»га киритилган.

Йилига 3000 дан ортиқ заҳарли илон тутилиб, уларнинг заҳари фармацевтика мақсадлари учун ишлатилади, бунинг 1/3 қисмига яқини кўлвор илон, кўк илон (гюрза), қолганлари чархилон (эфа), қораилон (гадюка) ва кўзойнакли илон (кобра) дир.

Илонларни ўлдириш ман этилган; фойдали илонлар Тошкент ва Жиззахдаги махсус илонхона (серпентария) ларда кўпайтирилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш. Аҳоли кўпайиб, унинг фаолияти ортиб бориши, фан-техника тараққиёти табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммосини кескинлаштирмоқда. Инсон табиат неъматларидан тобора кўпроқ фойдаланмоқда, бинобарин, атроф-муҳитга фаол таъсир этмоқда. Маъдан ресурслари

келажак авлодлар тақдирини ўйламай, кўплаб қазиб олинмоқда, табиий яйловлар қисқариб бормоқда, оқар сувлар кўплаб сарфланмоқда. Демак, табиат мувозанати бузилмоқда, бунинг учун табиат биздан қасос олмоқда. Бунинг яққол мисоли Орол фожиасидир. Амударё ва Сирдарё сувларини аёвсиз ишлатиш туфайли ҳозир Оролнинг суви 14 метр пасайди, тубининг 1/3 қисми очилиб, туз босган далага айланди. Шамол тузларни атрофга — 500 км. дан ҳам узоқроқ масофаларга учириб олиб бормоқда. Орол бўйининг экологик шароити ёмонлашди, аҳолини чучук сув билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлди. Аҳоли саломатлигига жиддий зарар етяпти. Орол фожиаси жаҳоншумул муаммога айланди.

Кимёвий воситаларни кўплаб қўлланиш туфайли тупроқ сифати пасаймоқда, сувлар заҳарланмоқда, ҳаво ифлосланиб бормоқда.

Ҳозирги шароитда табиатни муҳофаза қилиш, унинг неъматларидан режали фойдаланиш биринчи даражали иш бўлиб қолди.

Табиат бойликларини қўриқлайдиган бир қанча ташкилотлар барпо этилган. Чунончи, сув ресурсларини Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига қарашли махсус бошқарма қўриқлайди. Бундай бошқарма Қишлоқ хўжалик вазирлигида ҳам бўлиб, у ерни муҳофаза қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 12 февраль фармонига мувофиқ Геологик ва маъдан ресурслари давлат қўмитаси ва Ўрмон давлат қўмитаси ташкил этилди. Булар геология ва ўрмон хўжаликлари ишларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш билан шуғулланади.

Кенгашлар қошида ноиблар комиссиялари, муассаса ва корхоналарда табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари ва бошқалар ташкил этилган.

Ҳозир республикада 600 га яқин сув тозалаш иншооти, 300 дан ортиқ газ, чанг ушлаб қоладиган қурилма, 20 та шаҳарда ҳаво тозалигини кузатиб борадиган муассаса ишламоқда.

Ўзбекистонда 12 та давлат қўриқхонаси ва 8 та заказник бор. Уларга 230 минг гектардан ортиқ ер ажратилган, уларда камайиб кетаётган фойдали ўсимлик ва ёввойи ҳайвонларни, ноёб табиий ва тарихий объектларни қўриқлаш ва таъмирлаш билан шуғулланмоқдалар. Зомин миллий парки ишга туширилган. Угам-Чотқол давлат табиат миллий паркини яратиш режа-лойиҳаси тузилди.

Осори атиқаларни қўриқлаш махсус қўмитаси ҳам мавжуд.

Фан-техника тараққиёти табиатга келтираётган зарар устида ишлаётган бир қанча илмий-тадқиқот муассасалари мавжуд.

Республикамиз Конституцияси табиатни муҳофаза қилиш бўйича корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар бурчи ва масъулиятини аниқ белгилаб берган.

Она табиатни эъзозлаш, унинг неъматларини авайлаш ҳар бир кишининг савобли ишидир.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ

Жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган аҳолини ўрганишга иқтисодий ва ижтимоий жўғрофия курсларида ҳамиша алоҳида аҳамият бериб келинган. Чунки мамлакат, унинг иқтисодий ноҳиялари халқ хўжалигини ҳудудий ташкил қилиш ва ривожлантиришда аҳолининг сони, таркиби, такрор барпо қилиниши режими, ишлаб чиқариш малакалари, миграцион ҳаракати, ҳудудий жойланиши хусусиятлари каби кўрсаткичлар катта аҳамият касб этади.

Маълумки, аҳоли кўпгина хусусиятларига кўра мамлакатнинг турли минтақаларида бир-биридан фарқ қилади. Аҳолининг такрор барпо қилиниши кўрсаткичлари ёш ва жинсий таркиби, иқтисодий фаол аҳолининг халқ хўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланиши, аҳолининг ҳудудий тақсимланиши ва урбанизация жараёни Ўзбекистонда кўпгина ўзига хос томонлари билан характерланади.

АҲОЛИ ДИНАМИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 1991 йил 1 январь ҳисобига кўра 20,7 млн. кишидир. Аҳолисининг сонига кўра Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида Россия Федерацияси ва Украинадан кейин 3-ўринда туради.

Аҳолининг сон жиҳатидан ўсиши (динамикаси) унинг такрор барпо қилиниши жараёни (туғилиш, ўлим ва табиий ўсиш) ҳамда механик ҳаракати (миграция) билан чамбарчас боғлиқдир. Бу жараёнларнинг кечишига аҳоли ўртасида шаклланган мураккаб тарихий-анъанавий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар ҳам катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон жуда мураккаб тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Унинг кўҳна тарихи заминнинг гуркираб ривожланиши ва таназзули, жанг жадаллар оқибати бўлган вайроналиклар ва улкан яратувчилик намуналари, маданий юксалиш ва сиёсий қарамлик даврларининг шоҳиди бўлди. Бундай жараёнлар, албатта, аҳолининг демографик ва миграцион ҳолатларига, унинг мулкий психологиясига кучли таъсир этмай қолмади.

Ўзбекистон аҳолисига оид Октябрь инқилобидан аввалги расмий маълумотлар жуда кам. Шу билан бирга, халқ турмуш даражасининг ва унга тиббий хизмат кўрсатишнинг пастлиги туфайли аҳоли сонининг ўсиши анча суст борганлиги ҳам маълум. Шу сабабли аҳолининг у даврдаги сони ва таркибига оид эълон қилинган маълумотлар кўп ҳолларда Ўзбекистоннинг турли музофот ва кентларида яшаган аҳоли турмуш даражаси ҳақидаги тарихий манбаларни, архив ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида илмий чамалаш йўли билан М. Қорахонов, И. Муллажонов каби тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган.

Жумладан, 1865 йилда Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида, шу йўсинда тан олинишига кўра 3 млн. 320 минг киши яшаган. 1897 йилга келиб эса унинг аҳолисининг сони 3 млн. 948 минг кишига етган, яъни 32 йил мобайнида атиги 19% кўпайган, ёки, бошқача айтганда, аҳолининг йиллик ўсиш суръати 0,55% ни ташкил этган.

Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон аҳолисининг сони анча тез ўса борди. 1913—1940 йилларда Ўзбекистон аҳолиси йилига ўртача 1,5% дан ўсиб борди. Бу даврда аҳоли динамикасидаги энг юқори суръатлар, ҳеч шубҳасиз, тинч қурилишлар пайти — дастлабки беш йилликлар даврига тўғри келади.

Аҳолининг сон жиҳатдан ўсиш босқичларида Ватан уруши йиллари алоҳида ажралиб туради. Уруш туфайли айни кучқувватга тўлган эркакларнинг узоқ муддатга оиласидан ташқарида қолиши (уларнинг анчагина қисми жангоҳларда нобуд бўлиши), амалга ошиши лозим бўлган кўплаб никоҳларнинг кечиктирилиши, оқибатда аҳоли жинсий таркибининг бузилиш ҳоллари фақат уруш йилларидагина эмас, балки ундан кейин ҳам кўп йиллар давомида аҳолининг демографик тартибига таъсир кўрсатиб турди. Гарчи уруш йилларида аҳоли динамикасида чуқур узилишлар кузатилган бўлса-да (республикада аҳолининг уруш арафасидаги сонига фақат 1952 йилдагина эришилди), ундан кейинги йилларда, демография статистикасида расман тан олинганидек, аҳолининг тўлдириш даври демографик фаоллиги туфайли Ўзбекистонда аҳоли сони нисбатан тез ўсди. 1940—1959 йилларда аҳолининг йиллик ўсиш суръати 1,1% ни ташкил қилди.

1959 ва 1970 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари оралиқ даврида Ўзбекистон аҳолисининг йиллик ўсиш суръатлари 3,35% ни ташкил этди, аҳолининг умумий сони эса 3,7 млн. киши (45,3%) кўпайди. Шу даврда Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш суръатлари собиқ ССРИ аҳолиси ўсиш суръатларига нисбатан 2,9 марта юқори бўлди. Кейинги 1970 ва 1979 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари оралиқ даврида Ўзбекистон аҳолисининг ўртача йиллик ўсиш суръати 3% ни (собиқ ССРИ да 0,9%) ташкил этди.

Гарчи 60-йиллардаги туғилиш пасайган давр авлоди тикланиш (репродуктив) ёшига кирган бўлсада, аҳоли сонининг юқори суръатларда ўсиши 80-йилларда ҳам давом этди. 1979 ва 1989 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, кейинги 10 йилда Ўзбекистон аҳолиси 4,5 млн. кишига кўпайиб, унинг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,6% ни ташкил этди. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда, собиқ ССРИ нинг бошқа республикаларида ва жаҳоннинг деярли барча давлатларида аҳолининг кўпайиш суръатларида кузатилаётган табиий сустлашиш жараёни содир бўлаётганидан далолат беради.

Аҳоли динамикаси маълумотлари шуни кўрсатадики, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон аҳолиси анча тез кўпайиб борди. 1926—1990 йиллар орасида Ўзбекистон аҳолиси 436,1% кўпайди. Бу кўрсаткич Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг юқори кўрсаткичлардан (фақат Тожикистонда у бирмунча каттароқ)

бўлиб, собиқ ССРИ нинг ушбу даврдаги аҳолиси кўпайиш суръатларига нисбатан 2,2 марта ортиқдир.

Аҳолиси сонининг муттасил ва анча юқори суръатлар билан ўсиб бориши натижасида Ўзбекистоннинг собиқ ССРИ даги бу борадаги салмоғи тобора ортиб борди. Масалан, 1926 йилда Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқ аҳолиси салмоғидаги улуши 3,1% ни ташкил этган бўлса, 1940 йилда 3,4% ни, 1959 йилда 3,9% ни, 1970 йилда 4,9% ни, 1979 йилда 5,8% ва 1989 йилда 6,9% ни ташкил этган.

1-жадвал

Ўзбекистонда умумий, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўсиб бориши (1897-1991 йиллар)

Йиллар	Аҳолининг умумий сони (минг киши ҳисобида)	Шу жумладан улар % ҳисобида			
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси	шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
1897	3948	374	3205	18,8	81,2
1913	4334	1060	3274	24,5	75,5
1926	4621	1012	3609	22.0	78,0
1939	6347	1470	4877	23,0	77,0
1940	6551	1606	4945	24,5	75.5
1959	8119	2729	5390	33,6	66,4
1970	11799	4322	7477	36,6	63,4
1979	15391	6348	9043	41,2	58,8
1989	19906	8106	11800	40,7	59,3
1990	20322	8282	12040	40,8	59,2
1991	20738	8344	12364	40,3	59,7

Ўзбекистон аҳолисининг бундай юқори суръатлар билан ўсиши асосан аҳолининг табиий кўпайиши ҳисобига рўй бермоқда. Кейинги йилларда республика аҳолисининг сони ҳар йили 420—440 минг киши (бундан 10 йил олдин 360—380 минг киши эди) кўпаяётган бўлса, бу ўсишнинг мутлақ асосий қисми табиий ўсиш ҳисобига содир бўлмоқда.

Табиий ўсиш кўрсаткичларининг катталигига кўра Ўзбекистон Ҳамдўстликда фақат Тожикистондангина кейин туради. 1989 йилда уларда табиий ўсиш кўрсаткичлари тегишли тарзда 27,0 ва 32,2 промилларни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар собиқ Иттифоқ ўртача кўрсаткичидан 3,6, Россия Федерациясидагидан 6,9, Грузиядагидан 3,3, Латвиядагидан 11,3, Украинадагидан 15,9 марта юқоридир. Шуни алоҳида қайд қилмоқ лозимки, аҳолининг табиий кўпайиши кўрсаткичларидаги юқорида номлари кўрсатилган субъектлар ўртасидаги фарқ кейинги йилларда янада ортиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистонда табиий ўсиш кўрсаткичлари 1989 йилда 1979 йилдагига нисбатан атиги 0,4 промиллега камайгани ҳолда бу камайиш жараёни шу давр ичида собиқ

ССРИ да 0,6, Россия Федерациясида 1,1, Грузияда 1,4, Украинада 2,0 промиллени ташкил этди.

Ўзбекистонда аҳоли табиий кўпайиши кўрсаткичларининг кейинги вақтларгача ҳам бу қадар юқори ҳолда сақланиши бир қатор ижтимоий-иқтисодий сабаблар билан боғлиқдир. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. Ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллатлар вакиллари (улар республика аҳолисининг 84% ни ташкил қиладилар) орасидаги анъанавий кўп болаликнинг барқарор ҳолдалиги;

2. Ривожланган мамлакатларга хос ҳозирги замон илмий ва индустриал ишлаб чиқариш маданиятининг нисбатан пастлиги;

3. Урбанизация даражасининг пастлиги туфайли аҳоли асосий қисмининг қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ ишлаб чиқариш соҳаларида бандлиги;

4. Оилада болалар сонини олдиндан белгилаш ва туғилишни чеклаш чораларини қўллашнинг кенг тарқалмаганлиги;

5. Маҳаллий миллат аёллари орасида ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиганлар салмоғининг анчагина эканлиги ва бошқалар.

Ўзбекистонда туғилишнинг юқори бўлишида никоҳда бўлганларнинг кўплиги ва оилаларнинг ажралиши камлиги ҳам маълум роль ўйнайди. 1989 йилда ҳар 1000 кишига нисбатан собиқ ССРИ да 9,4 та никоҳ қайд этилган бўлса, Ўзбекистонда у 10,0 ни ташкил этди. 1989 йилда ҳар 1000 кишига нисбатан собиқ ССРИ да 3,4 та ажралиш, Ўзбекистонда эса 1,5 ажралиш, яъни 2,3 марта кам ажралиш қайд этилган. Табиийки, никоҳда турганлар ва никоҳ қураётганлар сонининг кўп бўлиши, ажралишнинг эса кам бўлиши туғилиш кўрсаткичларининг сезиларли даражада юқори бўлишига олиб келади.

Гарчи ҳозирги пайтда Ўзбекистонда болалар ўртасидаги ўлим анчагина бўлса-да, лекин дастлабки даврлардагига нисбатан жиддий тарзда камайди.

Илмий хулосалар Ўзбекистонда аҳоли табиий ўсишининг яқин келажакда ҳам нисбатан юқори суръатларда давом этишини кўрсатади. Шу билан бирга, табиий ўсишнинг мутлақ кўрсаткичлари аста-секин камайиб бориши ҳам кутилади. Буни қуйидаги кўрсаткичлар тасдиқлайди. Масалан, 1960 йилда Ўзбекистонда ҳар 1000 кишига 33,9 туғилиш тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1979 йилда 27,4 ни, 1989 йилда 27,0 ни ташкил қилди.

АҲОЛИНИНГ ЖИНСИЙ ВА ЁШ ТАРКИБИ

Аҳолининг жинсий ва ёш таркиби муҳим демографик кўрсаткичлардан бўлиб, улар меҳнат ресурсларининг, мактабгача ҳамда мактаб ёшидаги болаларнинг, нафақахўрларнинг ҳозирги ва келажакдаги сонини аниқлаш, турли жинс ва ёшдаги аҳоли учун зарур бўлган кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни режалаштириш имконини беради. Жинсий ва ёш таркибига тааллуқли маъ-

лумотлар яқин келгусида аҳолининг такрор барпо қилиниши қай даражада бўлишини ҳам олдиндан айтиб бериш имконини яратади. Агар жинслар нисбати тенг ёки яқин бўлса, шунингдек аҳоли таркибида ёш авлод салмоғи юқори бўлса, никоҳланиш ва ўз навбатида, туғилиш имкониятлари ҳам юқори бўлади. Ўз-ўзидан аёнки, кўрсаткичларнинг бундай характери жойларда ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий режалаштиришга ҳам таъсир қилади.

Ўзбекистон аҳолисининг жинсий ва ёш таркиби ўзига хос хусусиятларга эгадир. Инқилобдан олдинги даврларда Ўзбекистон аҳолисининг жинсий таркибида эркаклар аёлларга нисбатан кўпчиликни ташкил этиб келган. Бу ҳол аввало ўша даврларда аёлнинг узоқ тарихий ривожланиши жараёнида шаклланган ижтимоий ҳаётда тутган ўрни хусусиятлари билан боғланганлигини таъкидлаш лозим. Оиладаги уй-рўзғор юмушлари асосий қисмининг аёллар зиммасига тушиши, одатга кўра қизларни барвақт эрга бериш ва кўп болалик, тиббиёт хизмати ҳамда оналикни муҳофаза қилишдаги қолоқлик аёллар ўртасида ўлимнинг юқори бўлишига ва оқибат натижада уларнинг кам умр кўришига олиб келган.

Ўзбекистон аҳолисининг жинсий таркибидаги бундай хусусиятлар 1939 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларида ҳам акс этган эди. Ўша йили республика аҳолисининг 51,6% и эркаклар ва 48,4% и хотин-қизлардан иборат бўлган.

Ватан уруши бутун собиқ Иттифоқда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам аҳолининг жинсий таркибига чуқур таъсир қилди. Урушдан кейин ўтказилган 1959 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати якунига кўра, Ўзбекистонда эркаклар жами аҳолининг 4,8% ини ташкил қилди.

Урушдан кейинги йилларда республикамиз аҳолисининг жинсий таркибидаги номутаносиблик аста-секин барҳам топа борди. Буни 1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Эндиликда Ўзбекистон бутун аҳолисининг 49,4% и эркаклар ва 50,6% и хотин-қизлардир. Хотин-қизлар эркакларга нисбатан 242 минг киши ортиқ холос. Ваҳоланки, собиқ ССРИ бўйича эркаклар билан хотин-қизларнинг нисбати тегишли тарзда 47,3% ва 52,7% бўлиб, хотин-қизлар эркакларга нисбатан 15,7 млн. киши (бу рақам 1959 йилда 20,7 млн, ва 1979 йилда 17,7 млн. кишига тенг эди) кўпдир.

Шуни айтиш лозимки, аҳоли таркибидаги ортиқча хотин-қизларнинг асосий қисми юқори ёшдагилар ҳисобига тўғри келади. Ёш авлоднинг, айниқса никоҳ ёшига кирган авлоднинг жинсий таркиби ўзаро анча яқин.

Жумҳурият аҳолисининг жинсий таркибидаги тафовут тобора барҳам топиб бормоқда.

Табиий ўсиш суръатларининг юқорилиги Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркибига катта таъсир кўрсатади. Унда бутун аҳоли орасида ёш болалар ва ўсмирлар салмоғи анча юқори.

Табиий ўсиш суръатлари кўп йиллардан буён юқори бўлиб келаётган Ўрта Осиё республикалари ва Озарбайжон аҳолисининг

таркибида ёш авлод асосий кўпчиликни ташкил қилади. Бу эса мазкур республикаларда келажакда ҳам никоҳланиш даражасининг юқори бўлишини, ёш авлод муттасил кўпайиб туришини таъминлайди.

Аҳоли ёш таркибига хос қуйидаги хусусият ҳам кўзга ташланади: Ҳамдўстлик бўйича туғилишнинг тобора камайиб бориши натижасида аҳолининг «қариб бориши» кузатилаётган бўлса, Ўзбекистонда, аксинча, туғилиш кўрсаткичларининг юқори даражада сақланиб туриши сабабли аҳолининг «яшариб бориши» давом этмоқда.

Умуман, Ўзбекистон аҳолисининг ёш-жинсий таркиби Ҳамдўстлик мамлакатлари аҳолисининг ана шундай кўрсаткичларидан анча фарқ қилади. Бу эса, ўз навбатида, келажакда Ўзбекистон аҳолисининг такрор барпо қилиниши ва меҳнат ресурслари сафини тўлдириб бориш имкониятларини кучайтиради.

ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИ

Ўзбекистон аҳолиси кўп миллатлилиги билан ажралиб туради. Унинг таркибини 120 дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари ташкил қилади.

Инқилобгача аҳоли рўйхатлари ўтказилмаганлиги учун Ўзбекистон аҳолисининг у даврдаги миллий таркиби ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Ўрта Осиёнинг туб халқларида, шу жумладан ўзбекларда миллий шаклланиш

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг миллий таркиби

Миллатлар	Миллатлар сони (минг киши ҳисобида)				Миллатлар салмоғи (%% ҳисобида)			
	1959 й.	1970 й.	1979 й.	1989 й.	1959 й.	1970 й.	1979 й.	1989 й
Ўзбеклар	5038	7725	10569	14142	62,1	65,5	68,7	71,4
Руслар	1029	1473	1666	1653	13,5	12,5	10,8	8,3
Татарлар	445	574	649	531	5,5	4,9	4,2	2,7
Қозоқлар	343	347	620	808	4 2	4,0	4,0	4,1
Тожиклар	311	449	595	934	3,8	3,8	3,9	4,7
Қорақалпоқлар	168	230	298	412	2, 1	2,0	1,9	2, 1
Корейслар	138	148	163	183	1,7	1,3	1,1	0,9
Қирғизлар	93	111	142	175	1,1	0,9	0,9	0,9
Украинлар	88	112	114	153	1,1	0,9	0,7	0,8
Яҳудийлар	94	103	100	65	1,2	0 9	0,6	0,3
Туркманлар	55	71	92	122	0,7	0,6	0,6	0,6
Бошқа миллатлар	254	328	381	632	3,0	2,7	2,6	3,2
Жами:	8119	11800	15380	19810	100.0	100,0	100,0	100,0

жараёни тўла тугалланмаган эди. Шу сабабли 1926 йилги ва ҳатто 1939 йилги аҳоли рўйхатларида миллати деган саволга ўзбекларнинг «қипчоқ», «қўнғирот», «қурама», «турк» каби қадимий йирик уруғлари номларини (жойлашган вилоят ва ноҳияларига қараб) қайд қилишган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби, унда яшайдиган турли миллатларнинг сони, салмоғи ҳамда уларнинг динамикаси билан кейинги аҳоли рўйхатлари маълумотлари асосида танишамиз.

Келтирилган маълумотлар кейинги 30 йил (1959—1989 йиллар) орасида Ўзбекистонда яшаган энг кўп сонли миллатларнинг сон жиҳатдан ўсиши ва уларнинг умумий аҳолига нисбатан салмоғининг ўзгариб боришини очиб беради.

Аввало, қуйидаги ҳолат кўзга ташланади: кузатилаётган йиллар давомида Ўзбекистонда яшаган барча миллатлар (объектив сабабларга кўра яҳудийлар бундан мустасно) гарчи сон жиҳатдан анча кўпайган бўлсалар-да, маҳаллий туб миллатлар ва мамлакатнинг Европа қисмидан келган миллатлар вакилларининг умумий ҳолатига нисбатан тутган салмоқлари турлича кўрсаткичларга эришган.

Шу йиллар мобайнида туб маҳаллий миллатлар ҳам миқдор ва ҳам салмоқ кўрсаткичларига кўра энг кўп ўсишга эришганлар. Республикага ўз номини берган ўзбеклар, табиийки, аҳолининг мутлақ кўпчилигини ташкил қилди ва унинг умумий салмоғидаги ўрни рўйхатдан рўйхатга ўсиб борди. Масалан, ўзбеклар умумий сони қайд қилинган давр мобайнида 2,8 марта кўпайди ва уларнинг республика аҳолисидаги салмоғи 62,1% дан 71,4% гача ўсди. Шунингдек, маҳаллий миллатлардан тожиклар 3 баравар, қозоқлар ва қорақалпоқлар 2,5 бараварга яқин ўсди. Худди шундай бошқа маҳаллий миллатлар ҳам бутун аҳолига нисбатан тутган салмоғини асосан сақлаб қола олди, тожикларнинг умумий аҳолига нисбатан салмоғи ҳатто 3,8% дан 4,7% гача ошди.

Турли даврларда келиб жойлашган бошқа миллат вакиллари, аввало европаликлар ҳам ўтган йиллар мобайнида сон жиҳатдан кўпайдилар. Жумладан, руслар сони 624 минг ва бошқа миллатлар вакиллари сони эса 545 минг ўсди. Аммо уларнинг умумий аҳолига нисбатан салмоғи шу йиллар мобайнида сезиларли даражада пасайди. Бу кўрсаткич рус миллати вакиллари бўйича 1959 йилдаги 13,5% дан 1989 йилда 8,3% гача, бошқа миллатлар вакиллари салмоғи эса 12,5% дан 7,9% гача камайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ҳамдўстликдаги миллатларнинг биронтаси ҳам, гарчи уларнинг асосий қисми ўз республикаларида жойлашган бўлса-да, тўлалигича ўз ҳудудида яшаётганлари йўқ. Табиийки, ўз республикаларида яшаётганларнинг бутун миллатга нисбатан салмоғи турлича. Масалан, собиқ ССРИ да яшаган барча грузинлар, туркманлар ва болтиқбўйи миллатларига мансуб аҳолининг 90% идан кўпи ўз республикаларида истиқомат қиладилар. Ҳозирги пайтда Ҳамдўстликда яшаётган барча ўзбекларнинг эса 84,7% и Ўзбекистонда яшамоқда. Собиқ ССРИнинг

бошқа республикаларида 2556 минг ёки барча ўзбекларнинг 15,3% и (уларнинг 95% га яқини Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида) яшамоқдалар.

Аҳоли миллий таркиби динамикасидаги бундай ўзгаришларнинг объектив асослари бор. Ўзбеклар ва бошқа маҳаллий миллатларнинг нисбатан ортиқ даражада ўсиши, бир томондан, уларда табиий ўсишнинг юқорилиги ва, иккинчи томондан, уларнинг республикалараро миграцияда кам иштирок этиши натижасидир. Бошқа миллатлар вакиллари сонининг нисбатан секин ўсиши ва бутун аҳолидаги салмоғининг камайишини уларда табиий ўсишнинг пастлиги ва миграцион (ҳатто эмиграцион) ҳаракатлардаги фаоллик билан изоҳлаш мумкин.

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ТАРКИБИ ВА БИЛИМ-МАЛАКА ДАРАЖАСИ

Маълумки, ҳар қандай мамлакат аҳолисининг ижтимоий-синфий таркиби ўша мамлакатда ҳукмрон бўлган ижтимоий муносабатлар хусусияти билан белгиланади. Ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши аҳолининг ижтимоий-синфий таркиби ўзгаришига сабаб бўлади. Жумладан, собиқ Совет Иттифоқидаги кейинги муҳим ўзгаришлар, ундаги мустақил давлатларнинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши тез орада аҳолининг ижтимоий-синфий таркибида сезиларли ўзгаришлар қилиши кутилади. Лекин аҳолининг ижтимоий таркиби унинг синфий таркибига нисбатан кенгроқ тушунчадир. Аҳолининг ижтимоий таркиби дейилганда, аввало, унинг машғулот ёки касб-кор асосида бирлашган гуруҳлари тушунилади.

Совет ҳокимияти йилларида аҳолининг касб-кори ва машғулотида катта ўзгаришлар юз берди.

Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий-синфий таркибида жуда катта тарихий ўзгариш — ишчилар синфининг етакчи синф сифатида шаклланаётганлиги ва ривожланаётганлигини пайқаш қийин эмас. 1989 йилда Ўзбекистонда статистика маҳкамасининг маълумотига кўра меҳнатда банд бутун аҳолининг 29,7% и саноат, қурилиш ва транспортда ишлаётган ишчи ва хизматчилардан иборатдир. Ваҳоланки, 1913 йил маълумотига кўра, барча ишчи ва хизматчилар Ўзбекистон аҳолисининг атиги 5% ини ташкил қилар эди (1-чизмага қаранг).

Ишчиларнинг бутун аҳоли орасидаги салмоғи Ўзбекистонда бутун Ҳамдўстликдагига (унда 47,0%) нисбатан бирмунча камроқ бўлса-да, тобора ошиб бормоқда. Лекин шуни қайд қилиш керакки, саноатда, қурилишда, транспорт ва алоқа соҳаларида ишлаётган ишчи-хизматчилар орасида маҳаллий миллат вакилларининг салмоғи ҳали анча кам.

Республикада ижтимоий меҳнатда банд бўлган деҳқонларнинг сони ва аҳоли орасидаги салмоғи камайиб бормоқда. Жумладан, уларнинг салмоғи 1939 йилдаги 64,9% дан 1979 йилда 24,7% га

ва 1989 йилда 21,8% га тушиб қолди. Бу ҳолат аввало, қишлоқ хўжалигида мажму механизациялаш даражасининг ва меҳнат унумдорлигининг ортиб бориши, шунингдек кам қувватли жамоа хўжаликларининг давлат хўжаликларига айлантирилиши ва шунга кўра деҳқонлар маълум қисми давлат хўжаликлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси ишчилари сафларига қўшилиши оқибатидир.

Кўп йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг билим даражасида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистонда халқ маорифи таркиб топиб, ривожланди.

Шу пайтгача таъкидлаб келинган расмий маълумотларга кўра, инқилобдан аввал Ўзбекистон аҳолисининг 2% игина (бу ҳисобга асосан рус-тузем мактабларини битирганларгина киритилганлиги, аслида саводхонлик даражаси 18—19% бўлганлиги ҳозир тан олинмоқда) саводли бўлган. Ҳозирги вақтда эса Ўзбекистонда барча ўқув муассасаларида ўқиётганлар сони 6779 минг кишидан ортади.

Инқилобдан аввалги ва ҳозирги Ўзбекистонга тааллуқли қуйидаги маълумотлар бу борада ижобий силжишлар қай даражада бўлганлигини кўрсатади. Ўзбекистонда 1914—1915 ўқув йилида бор-йўғи 171 та умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 700 та ўқитувчи ишлар ва 17,8 минг ўқувчи таълим олар эди. 1989—1990 ўқув йилида эса жумҳуриятда 8329 умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 4649 минг ўқувчи ўқиди, 340 мингга яқин педагог меҳнат қилди.

Олий ва ўрта махсус таълим соҳаларида ҳам ютуқларга эришилди, 1914—1915 ўқув йилида Ўзбекистонда бор-йўғи иккита махсус ўқув юрти бўлиб, уларда 100 киши таълим олган. Шулардан атиги 3 талаба маҳаллий миллат вакиллари эди. 1990 йилда Ўзбекистонда 244 та махсус ўқув юрти бўлиб, уларда 277,3 минг киши таълим олди.

Ўзбекистонда инқилобдан олдин умуман дунёвий билимлар берадиган олий ўқув юртлари бўлмаган бўлса, эндиликда шундай билимлар берадиган 44 та олий ўқув юрти мавжуд. Уларда 331,6 минг талаба билим олмоқда.

Йилдан-йилга республика халқ хўжалигида ишлайдиган малакали мутахассислар сони кўпайиб борди. Масалан, Ўзбекистонда 1941 йил бошларида олий маълумотга эга бўлган 19,9 минг ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 34,7 минг мутахассис ишлаган бўлса, 1989 йилда уларнинг сони тегишлича 767,9 минг ва 3057,5 минг кишига етди.

Ўзбекистонда кейинги вақтларда индустриал тараққиётнинг жадаллашуви билан ҳунар-техника билим юртлари орқали малакали ишчилар тайёрлашга алоҳида аътибор берила бошлади. Агар 1970 йилда республикадаги 126 та ҳунар-техника билим юртларида 47,9 минг (1950 йилда 8,4 минг эди) ўқувчи ўқиган бўлса, 1989 йилда уларнинг сони тегишлича 480 тани ва 248,6 мингни ташкил қилди. Натижада халқ хўжалигининг барча тармоқлари-

да олий ва ўрта маълумотли малакали мутахассислар сони ва салмоғи ўсиб борди.

Шу йилларда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётида ҳам сифат ўзгаришлари содир бўлди.

Маълумки, хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни ва ҳуқуқлари турли даврларда турлича бўлган. Инқилобдан аввал ўзбек хотин-қизлари ишлаб чиқаришда камдан-кам қатнашганлар, асосан уй-рўзғор ишлари, бола тарбияси билан машғул бўлганлар.

Ҳозирги вақтда ўзбек хотин-қизлари халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаол меҳнат қилмоқдалар. Масалан, 1989 йилда Ўзбекистонда ишчи ва хизматчиларнинг 44% ини ва деҳқонларнинг 54% ини хотин-қизлар ташкил қилди. Улар соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот соҳасида ишлаётганларнинг 76,3% ини, маориф ва маданият ходимларининг 53,7% ини, савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрлов муассасалари ходимларининг 47,1% ини, илмий-тадқиқот ходимларининг 44,2% ини, Шўро, хўжалик, жамоа ва ижтимоий бошқарув идоралари ходимларининг 38,2% ини ташкил қиладилар.

1989 йилда Ўзбекистон халқ хўжалигида 358 минг олий маълумотли (олий маълумотли мутахассисларнинг 46,6% и) ва 471 минг ўрта махсус маълумотли (ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг 54,9% и) хотин-қизлар хизмат қилдилар. Ўзбек аёллари орасидан юзлаб фан докторлари ва номзодлари, санъаткорлар ва жамоат арбоблари етишиб чиқди.

Ўзбекистон эндиликда деярли барча фан соҳалари бўйича илмий муассасаларни бирлаштирган 2 та Фанлар академиясига эга. Ўзбек олимларининг пахтачилик мажмуи, кимё, геология, математика соҳаларидаги тадқиқот ишлари Ҳамдўстлик мамлакатларидагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам машҳур. 1987 йилда республикада 39,1 минг илмий ходим (унинг 36,6% ини хотин-қизлар ташкил қилади) бўлиб, уларнинг 1,3 мингги фан докторлари ва 16,3 мингги фан номзодлари эди.

Албатта, бу кўрсаткичлар ўзбек халқининг жаҳоншумул ютуқлари ифодасидир. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республика аҳолисининг ижтимоий таркиби ва билим даражасини ҳозирги талаблар даражасига кўтариш учун ҳали анча иш қилиниши керак. Иқтисоднинг бундан буён бозор муносабатлари асосида ривожлана бориши Ўзбекистонда замонавий саноат ишлаб чиқариш малакасига эга бўлган кадрларни кўплаб тайёрлашни тақозо қилади. Айниқса, ҳозирги замон илғор саноат ишлаб чиқариш технологияси билан таниш бўлган ишчи кадрлар, дизайнерлар, менеджерлар ва тижорий мутахассисларни маҳаллий ёшлар орасидан тайёрлаш биринчи навбатдаги вазифадир.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг сони, салмоғи ва ўсиш суръатлари, уларнинг халқ хўжалиги тармоқларида ва республи-

ка ҳудудида тақсимланиши, ниҳоят, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ўзига хосдир.

Табиий ўсиш юқори бўлган Ўзбекистон аҳолиси таркибида ёш авлод салмоғининг кўп бўлиши, ўз навбатида, меҳнат ёшидаги аҳоли салмоғининг нисбатан камайишига олиб келади. Шу билан бирга, табиий ўсишнинг юқорилиги унда меҳнат ресурлари сонининг доимо кўпайиб боришини таъминлайди.

Маълумки, меҳнат ёшидаги бутун аҳоли ишлаб чиқаришда турли сабабларга кўра иштирок этолмайди. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш, армия хизматини ўташ, ишлашга соғлиғи йўл бермаслиги каби объектив сабаблардан ташқари, турли субъектив сабабларга кўра ҳам баъзилар ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этмаслиги мумкин. Кўп болали оналарнинг оилада бола тарбияси, шунингдек шахсий хўжалик юмушлари билан бандлиги Ўзбекистонга хос одатий субъектив хусусиятдирки, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш балансини ҳисобга олишда бу ҳақиқат назардан четда қолмаслиги керак.

Ўзбекистон кўп болали оилалар салмоғининг катталиги билан ажралиб туради. Кўп болалар кўриб, уларни вояга етказиш ва тарбиялаш эса жамият учун фойдали меҳнат ҳисобланади.

Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳолининг халқ хўжалик тар-

3-жадвал

Ўзбекистон иқтисодий фаол аҳолисининг халқ хўжалик тармоқларида тақсимланиши ва унинг динамикаси (жамига нисбатан % ҳисобида)

Халқ хўжалик тармоқлари	Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатлари				
	1939	1959	1970	1979	1989
Барча халқ хўжалик тармоқларида банд бўлганлар	100	100	100	100	100
Шу жумладан: моддий ишлаб чиқариш тармоқларида	90,0	85,3	77,7	73,5	74,1
Шундан: саноат, қурилиш, транспорт ва алоқада	14,3	21,1	29,7	31,1	29,7
Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида	70,8	58,9	42,2	36,8	38,4
Номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида	7,8	12,6	22,2	26,5	25,9

моқлари бўйича тақсимланиши собиқ ССРИ кўрсаткичларидан фарқ қилади. Қуйидаги жадвалда сўнгги бешта Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатлари маълумотларига кўра, иқтисодий фаол аҳолининг халқ хўжалик тармоқлари бўйича тақсимланиши келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида қайта тақсимланмоқда. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган аҳолининг салмоғи 1939—1989 йиллар орасида 90% дан 74,1% га тушиб қолган. Аксинча, номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида ишловчиларнинг салмоғи эса 7,8% дан 25,9% га етган.

Моддий ишлаб чиқаришнинг ўз ичида, унинг турли тармоқларида ишловчиларнинг сони ва салмоғи ҳам турлича ўзгармоқда. Аввало, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқада ишловчиларнинг салмоғи муттасил ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бу эса республикада ана шу тармоқларнинг тез ривожланаётганлигини кўрсатади. Бу ўринда, айниқса, саноат тараққиётининг аҳамияти катта. Кейинги йилларда республикамизда саноатнинг машинасозлик ва металлсозлик, кимё, электротехника каби техника тараққиётини таъминловчи тармоқлари айниқса тез ривожланди. Бу тармоқларда ишловчиларнинг сони бутун саноатдагига нисбатан юқори суръатлар билан ўсди.

Лекин шуни айтиш керакки, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқада ишловчиларнинг салмоғи республикамизда бутун Ҳамдўстликдаги ўртача кўрсаткичлардан анча паст. Бу тармоқларда халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг салмоғи тегишлича 29,2% ва 50,8% ни ташкил қилади.

Бунинг сабаблари бор. Биринчидан, республиканинг қулай табиий иқлим шароити бу ерда сермеҳнат тармоқ — пахтачиликни кенг кўламда ривожлантириш имконини беради, бу эса, ўз навбатида, меҳнатда банд бўлган кишиларнинг катта қисмини қишлоқ хўжалигига боғлаб қўяди. Иккинчидан, инқилобдан аввал бу ерда саноат меҳнати деярли йўқ даражада эди. Аҳолининг меҳнат малакалари ҳам асосан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган. Ҳатто ҳозирги кунгача ҳам маҳаллий миллат ёшларини саноат меҳнатига жалб қилишнинг қийинлиги, уларнинг қишлоқ хўжалигида ишлашни афзал кўришлари бежиз эмас.

Келажакда саноат меҳнатининг роли ва салмоғи янада ошиб боради. Республикада бой ёқилғи-энергетика ва минерал хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш эҳтиёжлари бунинг гаровидир.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг халқ хўжалиги бўйича тақсимланишида республикамизга хос яна бир хусусият—қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг кўплигидир. Республикамизда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар иқтисодий фаол аҳолининг 38,4% ини ташкил этади, бу тармоқ барча тармоқлар орасида ишда қатнашувчилар салмоғига кўра биринчи ўринда туради.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида ишловчиларнинг бутун аҳоли ўртасидаги салмоғи умуман камаймоқда (1939 йилдаги 70,8% дан 1989 йилдаги 38,4% га тушиб қолди), аммо бу тармоқда ишловчиларнинг мутлақ сони ҳали ҳам ошиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида ҳам халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги сингари фан-техника ютуқларидан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини тўла механизациялашга катта эътибор берилмоқда. Бу эса, шубҳасиз, ҳозир шу тармоқда банд бўлган аҳолининг бир қисмидан келажакда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида фойдаланиш имконини беради. Шу муносабат билан қишлоқ ёшларини саноат меҳнатига тайёрлаш, аграр-саноат мажмулари ва бирлашмаларини кўплаб ташкил этиш, малакали ишчи кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртларини бевосита қишлоқларнинг ўзида очиш юзасидан катта ишлар қилинмоқда.

Республикада меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш бўйича қатор вазифалар турибди. Уларнинг муҳимларидан бири — Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш суръатлари юқори даражада сақланиши муносабати билан меҳнат ёшига тўладиган ёшларни иш жойлари билан тўла таъминлаш учун саноат ва қишлоқ хўжалигининг сермеҳнат тармоқларини янада юқорироқ суръатлар билан ривожлантиришдир. Агар республиканинг айрим қишлоқ ноҳияларида ҳозирнинг ўзида маълум меҳнат резервлари борлигини, мажму механизация ва меҳнат унумдорлигининг ошиши билан иш кучининг бир қисмини қишлоқ хўжалигидан олиш имкониятлари эътиборга олинса, бу вазифанинг нақадар муҳимлиги янада яққол намоён бўлади.

Меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда корхоналарда сменали ишларни кўпайтириш (ишни 2 ёки 3 сменада ташкил қилиш) ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса меҳнат ресурслари билан етарли даражада таъминланган Ўзбекистон учун бу йўл меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб қилиш имконини беради.

Республика саноатида қўл меҳнати салмоғи ҳали анча юқори. Бу эса меҳнат унумдорлиги ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон саноатида меҳнат қилаётган ишчиларнинг малакаси нисбатан паст. Бундай ҳолат машинасозлик, енгил, озиқ-овқат саноатларида айниқса сезилади. Бизда ўрта махсус маълумотли саноат кадрлари етишмайди. Шунинг учун ҳунар-техника билим юртларида маҳаллий ёшлардан малакали кадрлар тайёрлаш долзарб вазифалардандир.

Республикада аграр саноат бирлашмаларини янада ривожлантириш билан бирга ёрдамчи ва қўшимча тармоқларни вужудга келтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган ноҳияларда уларни саноат йўли билан қайта ишлашни йўлга қўйиш, шубҳасиз, ҳозир қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш имконини беради.

Жамият ҳаётида бозор муносабатларининг ривожлана бориши билан хизмат доирасида банд бўлган аҳолининг салмоғи борган сари ошиб бораверади. Хизмат доирасининг тез суръатлар билан ривожланиши меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланишда кат-

та аҳамиятга эгадир. Бу тармоқнинг кенг ривожланиши уй ишлари билан банд бўлган аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишга ёрдам беради.

Республикада ёшларни хизмат доирасига кўплаб жалб қилиш, бу тармоқ учун олий ва ўрта махсус ўқув юртларида малакали кадрлар тайёрлаш ишига эътиборни кучайтириш керак.

Меҳнат ресурслари билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш даражасига кўра республика вилоятлари бир-биридан фарқ қилади. Мутахассислар ана шу кўрсаткичлар бўйича республика вилоятларини уч гуруҳга ажратадилар:

1-гуруҳ — Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари;

2-гуруҳ — Андижон, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари;

3-гуруҳ — Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари.

Бу гуруҳларнинг меҳнат ресурслари нуқтаи назаридан хусусиятлари қуйидагича:

Биринчи гуруҳ вилоятлари Ўзбекистон ҳудудининг жуда катта қисмини (86%) эгаллаб, унинг катта майдонлари хўжалик мақсадларида ҳали кам ўзлаштирилган. Бу вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди катта хом ашё заҳираларига эга, уларни саноат ва қишлоқ хўжалик мақсадларида ўзлаштириш истиқболи катта. Бу гуруҳ вилоятларида асосан маҳаллий меҳнат ресурсларидан фойдаланилади ва республиканинг бошқа ноҳияларидан ҳам иш кучи жалб этилиши мумкин.

Иккинчи гуруҳга кирувчи вилоятларда аҳоли энг зич яшайди. Бу вилоятларда, айниқса уларнинг қишлоқ жойларида ҳамда ўрта ва кичик шаҳарларида ишга жалб қилинмаган анчагина иш кучлари бор. Бу гуруҳ вилоятларидаги ортиқча иш кучидан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш долзарб вазифалардан биридир. Шу меҳнат ресурслари жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг ўзида янги ишлаб чиқариш қувватлари (иш жойлари) барпо қилиш билан бирга ёшларнинг маълум қисмидан республиканинг бошқа вилоятларида, жумладан, янги ўзлаштирилаётган ерларда фойдаланиш мумкин.

Учинчи гуруҳ вилоятлари ва пойтахт — Тошкент шаҳри саноат энг юқори даражада ривожланган минтақа бўлиб, унда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳам юқоридир. Бу гуруҳ вилоятларининг меҳнат ресурсларига бўлган талабини келажакда ҳам ўзидаги аҳоли табиий ўсиши ҳисобига ҳамда меҳнат ресурсларини тармоқлараро қайта тақсимлаш йўли билан тўла қондириш мумкин бўлади.

АҲОЛИНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ ВА КЎЧИШ (МИГРАЦИЯ)

Аҳолининг ҳудудий жойлашувидаги ўзига хос хусусиятлар ўлкани иқтисодий ўзлаштиришда кечадиган узоқ тарихий жараёнлар ва уларга таъсир этадиган иқтисодий-жўғрофий омиллар ёр-

дамида шаклланади. Ўзбекистон мисолида айнан шу ҳолатни кўрамиз. Қурғоқчил иқлимга эга бўлган Ўзбекистонда узоқ замонлардан буён аҳоли асосан қулай табиий-иқтисодий ва жўғрофий шароитга, сув манбаларига эга бўлган водий-воҳаларда анча зич яшаб келган. Қадимдан ўзлаштириб келинган Фарғона ва Зарафшон водийлари, Хоразм ва Тошкент воҳалари ҳозирги кунда шу сабабли республикада аҳоли энг зич жойлашган минтақалардир. Қурғоқчил текислик чўл қисмларда эса, агар оқар сув манбалари бўлмаса, аҳолининг ўртача зичлиги ҳозиргача анча паст даражада.

Аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва зичлиги муайян ҳудудни иқтисодий ўзлаштириш жараёни билан боғлиқдир. Иқтисодий ўзлаштириш эса, ўз навбатида, ҳар бир минтақанинг аҳоли хўжалик фаолияти учун қулай ёки ноқулайлиги билан (албатта, турли даврларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражаси ва жамият имкониятлари нуқтаи назаридан) боғлиқ бўлади. Илгари хўжалик учун яроқсиз ҳисобланиб, деярли доимий аҳоли яшамаган Мирзачўл, аҳоли ниҳоятда сийрак яшаган Қарши чўли каби ерларга фақат кейинги ўн йилликлардагина сув чиқарилиб, ўзлаштирилишига ана шу омиллар сабаб бўлди.

Ўзбекистон аҳолисининг ўртача зичлиги (1991 йилда 1 км² га 46,3 киши тўғри келган) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари аҳолиси ўртача зичлигидан анча юқоридир. Орадаги бу фарқ Ўзбекистон фойдасига, унда асосан аҳоли табиий ўсиши суръатларининг катталиги туфайли тобора ошиб бормоқда.

Республика ҳудуди табиий шароитининг ва ўзлаштирилиш даражасининг турличалиги, табиийки, аҳолининг нотекис жойлашувини шартлайди. Аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва зичлиги республика иқтисодий ноҳиялари бўйича қараб чиқилганда қуйидагилар аён бўлади:

Энг юқори аҳоли зичлиги Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларини бирлаштирган Фарғона иқтисодий ноҳияси ҳиссасига тўғри келади. Унда ҳар 1 км² майдонга ўртача 290,5 киши жойлашган. Андижон вилоятида эса аҳолининг ўртача зичлиги 427,4 кишига тенг. Аҳолининг ўртача зичлиги кўрсаткичига кўра Фарғона водийси Ҳамдўстлик мамлакатларида энг юқори ўринда туради. Шу билан бирга водийда аҳоли зичлиги динамикаси республика минтақалари орасида нисбатан суст бораётганлигини (кейинги 30 йил орасида атиги 2,3 баравар ўсганлигини) ҳам қайд қилмоқ керак. Бунга Фарғона водийсининг қадимдан деярли ёппасига ўзлаштирилганлиги, саноати ва қишлоқ хўжалиги яхши ривожланганлиги сабаб бўлмоқда.

Аҳоли зичлигига кўра иккинчи ўринни Тошкент иқтисодий ноҳияси эгаллайди, — бу ерда ҳар 1 км² га 275 киши тўғри келади. Аҳоли зичлигининг юқорилиги кўп жиҳатдан воҳанинг қадимдан муҳим хўжалик минтақаларидан бири бўлиб келганлиги ва энг муҳими, Ўрта Осининг йирик шаҳри — Тошкентнинг шу ерда жойлашганлиги билан изоҳланади.

Қуйи Амударё иқтисодий ноҳиясининг қадимий деҳқончилик воҳаларидан бири бўлган Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг аҳолиси анча зич ҳудудларидан ҳисобланади. Унда аҳоли ҳар 1 км^2 га 169,5 кишидан тўғри келади.

Зарафшон, Сурхондарё ва Қашқадарё минтақаларида аҳолининг ўртача зичлиги 1 км^2 га 60—65 кишини ташкил қилади. Бу минтақаларда кейинги йилларда янги ерларни ўзлаштириш ва саноатни ривожлантириш ортиб бормоқда. Масалан, Қашқадарёда 1959—1991 йиллар орасида аҳоли зичлиги 1 км^2 га 17,9 кишидан 59,8 кишигача (3,3 баравар), Сурхондарёда эса 20,3 кишидан 64,2 кишигача (3,2 баравар) кўпайди.

Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон республикаси Ўзбекистоннинг аҳоли энг сийрак яшайдиган минтақаларидир. Уларда аҳолининг ўртача зичлиги 1 км^2 га тегишинча 12,0 киши ва 7,7 кишини ташкил қилади. Бунинг асосий сабаби, улар ҳудудининг катта қисмини эгаллаб турган Қизилқум чўли ва Устюрт платосининг иқтисодий жиҳатдан анча кам ўзлаштирилганлигидир.

60-йилларгача Мирзачўл иқтисодий ноҳияси аҳоли сийрак жойлашган минтақалар жумласига кирарди. Кейинги йилларда Сирдарё ва Жиззах вилоятларини бирлаштирган бу иқтисодий ноҳиядаги кенг даштнинг деярли тамоман ўзлаштирилганлиги сабабли унда аҳоли зичлиги тобора ошиб бормоқда. 1991 йил маълумотларига кўра, бу иқтисодий ноҳияда аҳолининг ўртача зичлиги 1 км^2 га 52 кишидан зиёд тўғри келди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳолисининг ҳудудий жойлашувида кейинги ўн йилликларда анчагина ижобий силжишлар рўй берди. Аҳоли зичлигидаги мавжуд силжишлар кўламини белгилашда бир томондан, аҳолининг табиий ўсиш кўрсаткичларидаги фарқлар, иккинчи томондан, асосан ички ва маълум даражада ташқи кўчиш фаол қатнашмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг ҳудудий тақсимланишида ва ўсиш суръатларидаги фарқларда кўчишнинг иштироки катта бўлса-да, ўзбеклар ва бошқа туб миллатлар вакилларининг ўлкалараро кўчишдаги иштироки деярли барча даврларда жуда кам бўлган. Буни турли расмий статистика маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Маълумки, жами ўзбекларнинг Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон минтақасидан бошқа жумҳуриятларда атиги 5% и жойлашган (Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби мавзусига қаранг).

Россияда жойлашган ўзбеклар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1897 йилги Бутун Россия аҳоли рўйхати натижаларида қайд қилинган. Бу маълумотларга кўра, Волгабўйи, Урал ва Сибирда (асосан Ғарбий Сибирнинг жанубий қисмида) 11659 ўзбек яшаган. Улар бу жойларга турли даврларда, айрим тарихий маълумотларга кўра, XVI—XVII асрларда бориб жойлашганлар. 1979 йил маълумотига биноан, Россия Федерациясида 72,4 минг ўзбек (собиқ ССРИ даги жами ўзбекларнинг 0,6%) яшаган.

Ҳатто азалдан иқтисодий, маданий ва маънавий муносабатларда бир-бирларига жуда яқин бўлган Ўрта ва Яқин Шарқ мам-

лакатларида ҳам ўзбеклар кўп тарқалган эмас. Ҳозир дунёнинг турли мамлакатларида барча ўзбекларнинг атиги 10% га яқинигина яшамоқда.

Шундай қилиб, ўзбеклар ва республикамиздаги бошқа туб миллатлар вакиллари ҳатто иқтисодий-ижтимоий турмуш мураккаб даврларда ҳам мамлакатлараро кўчишларда кам қатнашган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон аҳолисининг ички ҳудудий тақсимланишида кўчиш (айниқса аҳолининг кўчиб келиши ҳисобига) фаол содир бўлди.

Аҳолининг ташқаридан кўчиб келиши Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин кучая бошлади. Ўзбекистонга дастлаб иш бошқарувчилар, қурувчилар, тижорат ходимлари каби турли рус мутахассислари, 90-йиллардан бошлаб эса оддий рус муҳожирлари келиб ўрнаша бошлади. Марказий Россиядаги 1891 йилги қаҳатчилик натижасида русларнинг кўчиб келиши айниқса кучайган эди. Е. С. Волков маълумотига кўра, Туркистонда бошқа жойлардан (асосан Россиядан) кўчиб келганлар сони 1918 йилда 7,6 минг, 1916 йилда 29,6 минг, 1917 йилда 54,5 минг, 1918 йилда эса 68 минг кишини ташкил этган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ўша йилларда бошқа жойлардан келиб жойлашган аҳолининг мутлақ кўпчилиги ўрнашиб қолди.

1926 йилги биринчи Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, Ўзбекистонда турли йилларда ташқаридан кўчиб келиб ўрнашган аҳолининг умумий сони 437643 киши эди.

Республика халқ хўжалигини индустрлаш, маориф, соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятни ривожлантириш тадбирлари амалга оширилган йилларда рус, украин, татар ва бошқа миллатларга мансуб кўплаб ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, муҳандислар, олимлар Ўзбекистонга кўчиб келди. Умуман, республикалараро кўчиш алоқаларида Россиянинг Волга бўйи, Урал, Ғарбий Сибирь минтақалари, шунингдек, Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари ва Қозоғистон асосий ўринни эгаллади.

Бунда кўчишда иштирок этганларнинг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистоннинг ички ноҳиялари ҳиссасига тўғри келади. Шу билан бирга кўчиш алоқаларида ўзига хос ҳудудий фарқлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, Ўзбекистоннинг саноат анча ривожланган Тошкент, Фарғона ва Зарафшон минтақалари марказларига турли даврларда собиқ ССРИ республикалари (асосан РСФСР) дан аҳоли кўчиб келиб жойлашган. Шу сабабли бу вилоятларда ва айниқса уларнинг йирик саноат марказларида европалик миллатлар вакилларининг ҳиссаси катта.

Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кейинги даврларда катта ер майдонлари ўзлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан аҳоли кўплаб кўчиб келиб жойлашди. Кўчиб ўтганларнинг асосий қисми Фарғона водийсининг вакилларидир. Фарғона водийси Ўзбекистонда янги ерларни ўзлаштиришнинг барча даврларида ўзида юқори деҳқончилик малакасига эга бўлган меҳнат ресурслари

етарли бўлганлиги сабабли бошқа минтақаларни иш кучи билан таъминлашда фаол иштирок этиб келган. Жумладан, ана шу сабабларга кўра 30-йилларда Сурхондарё, 40-йилларда Тошкент вилоятлари ва 50-йиллар охирларидан бошлаб то ҳозиргача Мирзачўл ҳамда Қарши даштларига шу водийдан пахтачиликнинг миришкор усталари бўлган кўплаб деҳқонлар кўчиб жойлашдилар.

Ўзбекистон аҳолисининг ички ҳудудий қайта тақсимланишида асосан урушдан кейинги даврда амалга оширилаётган аҳолини режали кўчириб жойлаштириш тадбирлари катта роль ўйнамоқда. Бу тадбирлар туфайли дастлаб Фориш, Зомин, Бойсун, Шеробод, Сариосиё, Деҳқонобод ва Яккабоғ ноҳияларининг тоғ ҳамда тоғ олди минтақалари аҳолисининг катта қисми, кейинги вақтларда эса Фарғона водийси, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидан бир қанча аҳоли ўз истагига кўра янги ерларга кўчириб жойлаштирилди.

Республика ички кўчишининг асосий йўналишларидан бири аҳолининг қишлоқ жойлардан шаҳарларга ўтиб жойлашишидир. Кейинги йилларда жонлашган бу жараён ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти муносабати билан янада тезланиши кутилади. Яқин вақтларгача Ўзбекистон қишлоқ ёшларининг саноат меҳнатига интилиши суст эди. Иқтисодиётни қайта қуриш, миллий саноат кадрларини тайёрлаш зарурлиги республикада саноат ривожланишини, демак, қишлоқ — шаҳар йўналишида аҳоли кўчишини анча кучайтиради.

АҲОЛИНИНГ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАНИШИ. УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИ

Маълумки, аҳолининг шаҳар ва қишлоқ ўртасида тақсимланиш даражаси жойларда саноат билан қишлоқ хўжалигининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон саноатининг юксалиши натижасида республика аҳолисининг шаҳар ва қишлоқ ўртасида тақсимланишида катта ижобий силжишлар рўй берди, яъни шаҳар аҳолиси салмоғи анча тез ўсди. Агар 1897 йилда Ўзбекистонда аҳолининг атиги 18,8% и шаҳарларда яшаган бўлса, бу кўрсаткич 1926 йилда 22,0% га, 1940 йилда 24,5%, 1959 йилда 33,6%, 1970 йилда 36,6%, 1979 йилда 41,2% ва 1989 йилда 40,7% га етди.

Албатта, турли даврларда шаҳар тушунчаси, унинг халқ хўжалигидаги вазифаси, жамиятдаги мавқеи турлича бўлган.

Инқилобдан олдин Ўзбекистон шаҳарлари асосан ҳунармандчилик, савдо-тижорат ривожланган маъмурий марказлар бўлган, саноат эса анча суст эди.

Совет ҳокимияти йилларида шаҳар ва шаҳарчаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланиш негизи кучайганлиги сабабли улар йириклашиб, сони тез ўсиб борди.

1926 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати Ўзбекистонда 27 шаҳар ва 19 шаҳарча борлигини қайд қилди. 1991 йил бошида шаҳарлар 123 тага, шаҳарчалар эса 104 тага етди.

Шаҳарлар сонининг ўсиши ёки камайишига шаҳар мақоми бериш шартларидаги ўзгаришлар ҳам сабаб бўлади. Масалан, 1991 йили шаҳарга айлантириш шартларидан бири — шаҳар аҳолисининг энг оз сони аввалги 10 минг кишидан 7 минг кишига туширилди. Маълум даражада шу сабабга кўра ва аввало янги саноат марказлари пайдо бўлиши ҳисобига шаҳарлар сони 1970 йилдан кейин 84 тага кўпайди.

Аммо шаҳарлар ривожланишининг ҳозирги босқичи фақат умуман шаҳарлар сонининг ўсиши билангина эмас, балки улар негизида шаҳарлар агломерациялари, шунингдек аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳар тарафлама мутаносиб ҳудудий тизимнинг шаклланиши билан ҳам белгиланади. Ҳозирги давр урбанизацияси шаҳарлар сонининг ўзгаришидагина эмас, шу билан бирга кўчишнинг кучайишида, аввало қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб ўтишида, шаҳарлар атрофида аҳоли кўчиш ҳаракатининг ривожланганлигида ўз аксини топади. Бу кўрсаткичлар жамиятни ҳудудий ташкил этишда шаҳарлар ролининг ўсганлигидан дарак беради.

Ўзбекистонда урбанизациянинг бу муҳим хусусиятлари ўзига хос шаклланган.

Аввало республиканинг урбанизация таркиби ўзига хосдир. Унда инқилобдан олдин шаҳарларнинг иқтисодий негизи дуруст ривожланмаганлиги сабабли совет даврининг дастлабки йилларида асосан майда ва ўрта шаҳарлар асосий ўринни эгаллар эди. 1926 йилда Ўзбекистондаги шаҳарларнинг 19 таси аҳолиси 20 минг кишигача бўлган майда шаҳарлар эди. У даврда республикада шаҳар мақоми беришдаги энг оз даража 5 минг киши эди. Ўша кезларда Ўзбекистонда аҳолиси 100 минг кишидан ошадиган фақат иккита шаҳар бўлиб, уларнинг энг йириги бўлган Тошкентда 323 6 минг киши яшарди.

Ҳозир Ўзбекистонда аҳолиси 20 мингдан 100 минг кишигача бўлган 51 та ўрта катталикдаги шаҳар бор; улар жами шаҳарларнинг 41,1% ини ташкил қилади ва шаҳарлар умумий аҳолисининг 21,8% и ана шу гуруҳ шаҳарларда яшайди.

Умуман Ўзбекистоннинг кейинги даврлардаги саноат тараққиёти катта шаҳарларнинг тезроқ ривожланишига ва республика шаҳарлари аҳолиси кўпчилик қисмининг катта ва йирик шаҳарларда тўпланишига олиб келди. Ҳозир республикада аҳолиси 100 минг кишидан зиёд бўлган 16 та шаҳар бор. Ана шу катта шаҳарларда Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг 59,1% и яшамоқда. Аҳолиси 2,1 млн. кишидан ортиқ бўлган Ўзбекистон пойтахти Тошкентда эса жумҳурият бутун шаҳар аҳолисининг 25,5% и (1979 йилда 28,1% эди) яшайди. Республикамизнинг иккинчи шаҳри бўлган Самарқандда 371 минг киши (1991 й.) истиқомат қилади (2-чизмага қаранг).

Ўзбекистонда урбанизациянинг ҳудудий ва таркибий фарқлари диққатга сазовордир. Аввало, вилоятларда урбанизация даражасидаги катта фарқлар кўзга ташланади. Масалан, Тошкент вилоятида шаҳар аҳолисининг салмоғи 43,8%, Тошкент шаҳри аҳолиси билан бирга эса 71,5%, Қорақалпоғистон Республикасида — 48,2%, Наманган вилоятида 38,2% бўлгани ҳолда бу кўрсаткич Хоразм вилоятида 27,4% ни, Қашқадарё вилоятида 26,3% ни, Сурхондарё вилоятида атиги 19,3% ни ташкил қилади.

Маълумки, урбанизация даражаси жойларда саноат ишлаб чиқариш тармоқлари қай даражада ривожланганлигини кўрсатувчи бир кўзгудир. Дарҳақиқат, мавжуд 16 та катта шаҳарларнинг 9 таси Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган жами саноат маҳсулотларининг 2/3 қисмини тайёрлаб берадиган Тошкент воҳаси (4 та шаҳар) ва Фарғона водийсида (5 та шаҳар) жойлашган. Катта шаҳарлар республикамизнинг саноати анча суст ривожланган Сурхондарё ва Сирдарёдан бошқа барча вилоятларида ҳам бор. Буни вилоятлардаги шаҳарларнинг ўртача катталик кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди. Саноати яхши ривожланган Тошкент, Фарғона, Бухоро, Наманган, Самарқанд вилоятларининг ҳар бирида шаҳарлар аҳолисининг ўртача катталиги 50 минг кишидан ортиқ, ва аксинча, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳиссаси анча юқори ҳамда шаҳарлар тармоғи фақат ўрта ва кичик шаҳарлардан иборат бўлган Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида бу кўрсаткич 28—29 минг кишидан ортмайди (бу ҳисобларга шаҳарчалар аҳолиси кирмайди).

Катта шаҳарларнинг ривожланиши ҳозирги давр урбанизациясининг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири бўлган шаҳарлар агломерацияларининг вужудга келиши ва тараққий этишида муҳим омилдир. Чунки катта шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-хўжалик, илм-фан ва маданий тараққиёт учун катта имкониятлар тўпланган бўлади. Бундай шаҳарларда, одатда, кўплаб саноат корхоналари ва бошқарув-хизмат доираси муассасалари жойлашган бўлиб, ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг объектив эҳтиёжи (ишлаб чиқаришдаги кооператив алоқалар, корхоналар кенжалари, қўшма корхоналар ва ҳоказо) сифатида йўлдош шаҳар ва шаҳарчаларнинг пайдо бўлишига имконият туғилади.

Ҳозир республикамизда шу тариқа пайдо бўлган ва аниқ ифодаланган иккита шаҳар агломерацияси — Тошкент ва Фарғона-Марғилон агломерациялари шаклланган. Булардан ташқари, ҳозирги пайтда Самарқанд, Андижон, Бухоро ва Навоий шаҳар агломерациялари ҳам шаклланиб бормоқда.

Ҳозир Ўзбекистондаги шаҳар агломерациялари орасида энг ривожлангани Тошкент агломерациясидир. Бу агломерация тузилиш шаклига кўра моноцентрик характердадир.

Йирик шаҳар агломерацияларидан яна бири Фарғона-Марғилон агломерациясидир. Бу агломерация Тошкент агломерациясидан полицентрик характерга эга эканлиги билан фарқ қилади, унда аниқ шаклланган иккита марказ — Фарғона ва Марғилон

бор. Агломерация аҳолисининг 75% идан кўпроғи мана шу икки-та марказда жойлашган.

Республикамизда катта шаҳарлар тармоғи ва шаҳарлар агломерациялари ривожланиб бораётганлигига қарамай, ҳозирги вақтда шаҳарларнинг мутлақ катта қисми ўрта ва кичик шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистондаги барча шаҳарларнинг 101 таси ана шу туркумдаги шаҳарлардир. Умуман кичик ва ўрта шаҳарлар яқин келажакда ҳам республика шаҳарлар тармоғининг асосини ташкил қилади.

Ҳозирги замон урбанизациясига хос муҳим кўрсаткичлардан бири аҳолининг тебраткичсимон кўчиш харакатидир. Умуман аҳолининг урбанизация жараёни ҳосиласи бўлган бу тебраткичсимон ҳаракати (қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга ҳар куни иш юзасидан қатнови) Ўзбекистонда тобора ривожланмоқдаки, бу кўрсаткич кўлами Ҳамдўстликдаги бошқа республикалардагига нисбатан бирмунча юқоридир. Бунинг асосий сабабларидан бири қишлоқ жойларда ортиқча меҳнат ресурсларининг пайдо бўлаётганлигидир.

Шаҳарларнинг вазифавий таркиби урбанизациянинг сифат кўрсаткичларидан биридир. Ўзбекистон шаҳарлари хилма-хил хўжалик вазифаларини бажаради. Мутахассислар уларни шаҳарлар аҳолиси сони ва ишлаб чиқариш ихтисоси, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси, ташкилий-хўжалик ҳамда сиёсий-маъмурий аҳамияти каби кўрсаткичлар асосида қуйидаги умумлаштирилган вазифа гуруҳларига ажратадилар:

I. Кўп вазифали йирик шаҳар — Тошкент шаҳри. У Ўзбекистоннинг сиёсий пойтахти, энг йирик ишлаб чиқариш, илмий-маданий, маъмурий, транспорт маркази.

II. Вилоятлар ва ноҳияларнинг иқтисодий-маъмурий марказлари. Бу туркум шаҳарларга ривожланган саноатга эга бўлган катта шаҳарлар — Самарқанд, Андижон, Наманган, Бухоро, Фарғона, Нукус, Қарши, Урганч, Жиззах, Марғилон, Қўқон, Навоий ва саноати ривожланаётган ўрта шаҳарлар — Термиз, Гулистон киради.

III. Муҳим саноат марказлари — Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл, Бекобод.

IV. Кичик саноат шаҳарлари — Когон, Зарафшон, Қаттақўрғон, Асака, Тахиатош, Оҳангарон, Ғазалкент, Қувасой, Миробод, Оқтош, Наримонов, Мўйноқ, Янгиобод, Муборак, Шарғун, Қумқўрғон, Дўстлик, Ширин, Ҳамза ва бошқалар.

V. Саноати ривожланаётган қишлоқ хўжалик ноҳияларининг хўжалик ва маъмурий марказлари — Хўжайли, Шаҳрихон, Шаҳрисабз, Денов, Беруний, Тўрткўл, Чимбой, Чортоқ, Янгиер, Пскент, Учқўрғон, Қўрғонтепа, Қува, Ургут, Косонсой, Сирдарё, Ғиждувон, Булунғур, Китоб, Нурота, Ержар, Тўйтепа, Жарқўрғон, Пахтаробод, Яйнон, Чиноз, Охунбобоев, Пахтакор, Марҳамат, Косон, Бойсун, Шеробод, Манғит, Ҳаққулобод, Келес, Шўрчи, Ғаллаорол, Жума ва бошқалар.

Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси мутлақ сонининг ўсиш суръатлари бутун аҳолига нисбатан ҳам, қишлоқ аҳолисига нисбатан ҳам анча юқоридир. Жумладан, 1913—1989 йиллар орасида республикада шаҳар аҳолиси 7,7 марта ўсгани ҳолда бутун аҳоли 4,6 марта ва қишлоқ аҳолиси 3,6 мартагина ўсишга эришди.

Шунга қарамай, Ўзбекистонда урбанизация даражаси Ҳамдўстлик ва унинг кўпчилик республикаларидагидан анча паст. Жумладан, шаҳар аҳолисининг салмоғи Ҳамдўстликда 66% бўлгани ҳолда Ўзбекистонда бу кўрсаткич 40,7% га тенг. Бунинг асосий сабаби, Ўзбекистонда саноат ривожланишининг анча паст ва қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръатлари ундан юқори эканлигидадир.

Бу нарса Ўзбекистонда ва собиқ ССРИ да қишлоқ аҳолисининг ўсиш кўлами қай даражада борганлигини таққослашда яққол кўринади. 1959—1989 йилларда қишлоқ аҳолисининг мутлақ сони собиқ ССРИ бўйича 10,9 миллион кишига камайгани ҳолда Ўзбекистонда 6404 минг кишига кўпайди. Шунинг учун ҳам қишлоқ аҳолиси мутлақ сонининг бундай кўпайиб бориши республикада шаҳар аҳолисининг кўпайиш суръатлари қанчалик юқори бўлмасин, унинг урбанизациялашув суръатларига маълум даражада тўсиқ бўлади. Бу Ўзбекистонда урбанизация жараёнининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан биридир. Урбанизация жараёнининг муҳим хусусиятларига, шунингдек жумҳурият шаҳарлар, тармоғида ўрта ва майда шаҳарлар асосий кўпчиликни ташкил этиши, урбанизация таркибининг суст ривожланганлиги, ҳудудий урбанизация таркибининг ниҳоятда нотекислиги; йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг асосан марказий водий ҳамда воҳаларда тўпланганлиги, республиканинг қолган катта қисмларида шаҳарлар тармоғининг суст ривожланганлиги, катта шаҳарларнинг нотекис жойлашганлиги; кўпчилик шаҳарлар хўжалик вазифаларининг тор доирадалиги, уларнинг асосан қишлоқ хўжалик ноҳиялари маҳаллий маъмурий марказларигина эканлиги ҳам киради.

Ўзбекистонда урбанизациянинг ривожланиши бундан кейин ҳам иқтисодиётда роли катта бўлган аграр ишлаб чиқариш тармоғи билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитида ривожлантирилиши унда яқин келажакда кўплаб саноат корхоналари, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналар пайдо бўлишига йўл очади. Бу, ўз навбатида, урбанизация жараёнини янги ривожланиш босқичига олиб чиқади.

Бир томондан, 1989 йилдан эътиборан Ўзбекистон қишлоқ жойларида яшаётган барча оилаларни етарли миқдорда томорқалар билан таъминлаш, шаҳарларда яшаётган оилалар учун атроф ноҳиялардан дала ҳовлилари ажратиш юзасидан республика Президенти томонидан кўрилган дадил тадбирлар, иккинчи томондан, турли мулк шаклларининг тобора кенг тан олинаётганлиги аҳоли жойланишида ва унинг ривожланишида янги истиқболлар очиб беради.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ХЎЖАЛИГИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

ИНҚИЛОБДАН ОЛДИНГИ ХЎЖАЛИК

Турли тарихий манбалар Ўзбекистон Ер куррасининг аҳолиси хўжалик фаолияти ғоят қизғин кечган энг қадимий ўлкаларидан бири бўлганлигини тасдиқлайди. Бой табиий ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятлари ўлкаси бўлган жонажон юртимиз — Ўзбекистон дунёнинг Шарқий ва Ғарбий минтақалари оралигида жойлашганлигидан унинг иқтисодий-жўғрофий хусусиятлари умумбашарий тараққиётга доимо фаол алоқадор бўлиб келди. Шу сабабли бу юрт кўпдан-кўп жангу жадал ва босқинларни бошидан кечирган бўлишига қарамай, аслида ўртача жаҳоний ривожланиш даражасидан ҳеч қачон орқада қолмади. Аксинча, қадимий Мовароуннаҳр — Туркистонда моддий ишлаб чиқариш, фан ва маданиятнинг барча йўналишларида эришилган беқиёс улкан ютуқлар жаҳон тарихи саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзилди.

Асрлар давомида суғорма деҳқончилик, яйлов чорвачилиги ва хилма-хил ҳунармандчиликка асосланган ўлкамиз иқтисодиёти Дунё бозорларида кўп турдаги қимматли маҳсулотлари билан қатнашиб келди. У бир замонлар «Буюк ипак йўли» бўйидаги энг гавжум бозорлар мамлакати бўлган. Жаҳон фани ва маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик буюк алломалар — Беруний, Ибн Синолардан Улуғбеку Навоийларгача, ислом маънавиятида бениҳоя катта ўрин тутган Бухорий, Термизий, Яссавий, Нақшбандий Баҳовиддинларгача асосан шу жараённинг авжи ривожи даврида яшаб ижод қилган эдилар.

Бу борада мамлакатларнинг иқтисодий-жўғрофий ўрни ўзгарувчан омил эканлигига ёрқин мисоллардан бири ўлкамиз тарихида акс этганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Гап шундаки, XVI аср биринчи ярмидан эътиборан Ғарбий ва Жанубий Европа билан Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида қулай денгиз йўлларининг очилиши оқибатида Ўрта Осиё орқали ўтган «Буюк ипак йўли» инқирозга юз тутди. Ўз вақтида анча бозоргир бўлган маҳаллий маҳсулотлар — пахта, ипак, қоракўл, қоғоз, металл, заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш издан чиқди. Ўрта Осиёнинг иқтисодий ҳаётида таназзул бошланди. Кўп ўтмай, бу ҳолат ижтимоий-сиёсий жабҳаларга ҳам таъсир кўрсата бордики, натижада маънавий маҳдудлик, миллий парокандаликка йўл очилди. Оқибатда XVIII аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида сиёсий устунлик учун доимо кураш олиб борган Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари вужудга келди. Бу амирлик ва хонликлар иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-маънавий ҳаёт соҳасида ўз даврининг илғор мамлакатларидан тобора орқада қола бошлади.

Бу даврда ўлка аҳолисининг асосий машғулоти қишлоқ хўжалиги бўлиб, деҳқончилик ишлари асосан дарёлар ва ўлардан

бошланадиган ариқлар тармоқланган водий ҳамда воҳаларда, чорвачилик эса яйловли ҳудудларда ривожланган эди. Шунга кўра, аҳоли қадимдан танилган Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ водийларида ҳамда Хоразм ва Бухоро воҳаларида анча зич яшаган. Асосий шаҳарлар ва қишлоқлар ҳам шу минтақаларда жойлашган эди. Шаҳарлар саноат-ҳунармандчилик, савдо-тижорат, маданият ва маъмурий-бошқарув марказлари ҳисобланар эди.

Ўлканинг текислик-чўл қисмида аҳоли анча сийрак жойлашган бўлиб, асосан чорвачилик билан шуғулланар ва кўчманчи ёки ярим кўчманчи бўлиб яшарди.

Ўрта Осиё хонликларида саноат маҳсулотлари асосан ҳунармандчилик асосида ишлаб чиқарилар эди. Шаҳар ҳаёти XVIII аср охирларидан XIX аср ўрталаригача Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива, Урганч, Хазорасп, Қўқон, Марғилон, Тошкент каби шаҳарларда анча жонланган бўлиб, уларда кўплаб тўқимачилик, кулолчилик, заргарлик, чилангарлик, дурадгорлик, халқ бадиий ҳунармандлиги буюмлари ишлаб чиқарилар эди. Бухоро ва Марғилоннинг шойи ҳамда ип газламалари, Самарқанд ва Қўқоннинг қоғозлари, Қўқон ҳамда Тошкентнинг бадиий ҳунармандчилик ва заргарлик маҳсулотлари, бошқа шаҳарларда тайёрланган кулолчилик, уй-рўзғор буюмлари, ҳарбий қурол-анжомлар савдо карвонлари орқали Ҳиндистон, Эрон ва Қашқарга, Қозоқ ўлкалари ҳамда улар орқали Сибирь ва Россиянинг ички бозорларига чиқарилар эди, Худди шу даврларда қадимий суғорма деҳқончилик ноҳиялари ҳисобланган Фарғона, Зарафшон водийлари, Бухоро. Хоразм воҳаларида кўплаб етиштирилган пахта ва пиллага, Қизилқум минтақасида тайёрланган қоракўл терисига ташқи бозорларда эҳтиёж катта бўлган.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етарли ривожланмаганлиги сабабли Ўрта Осиёнинг, шунингдек Ўзбекистоннинг жуда кўп ҳудудлари ноҳияларараро жўғрофий меҳнат тақсимотида деярли қатнашмас, асосан натурал ишлаб чиқариш босқичини ўз бошидан кечирар эди.

Ўрта Осиё иқтисодиётининг энг суст ривожланган соҳаларидан бири транспорт эди. Ўлканинг узоқ йиллар давомида жаҳон бозорларидан ажралиб қолганлиги ва тез-тез такрорланиб турилади ган қонли урушлар туфайли бир вақтлар обод бўлган карвон йўллари қаровсиз ҳолда ётарди.

Маориф, маърифат ишларига асосан дин ҳомийлик қиларди. Дунёвий фанлар деярли ўқитилмасди, диний таълим ва савод берадиган мактаб ва мадрасалар йирик аҳоли манзилгоҳларида мавжуд эди. Шаҳарлар бу борада алоҳида ўрин тутарди.

Инқилобдан олдин биргина Бухорода 113 та мадраса, 360 масжид[1], ўнлаб мактаблар бор эди. Гарчи бу маориф тизими аҳоли саводини чиқаришга хизмат қилса-да, ўлка ишлаб чиқарувчи куч-

[1] Советская Средняя Азия: Ислам и политика, «За рубежом», 36-сон, 1990.

ларини ўстиришга бош-қош бўладиган мутахассис кадрларни тайёрлай олмас эди.

Ана шундай мураккаб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазиятни бошидан кечириб турган Ўрта Осиёни XIX аср иккинчи ярмида чор Россияси босиб олди.

Ўрта Осиёни мустамлака сифатида босиб олган Россия уни аввало ўз тўқимачилик саноати учун хом ашё базасига айлантиришга ҳаракат қилди. Чунки Россия тўқимачилик саноатининг хом ашёси деярли йўқ эди. Туркистонда кўплаб етиштириладиган арзон пахта, ипак, жун толалари Россияни биринчидан, чет эл қарамлигидан қутқарса, иккинчидан, уларни қайта ишлаш, бозоргир истеъмол молларига айлантириш чор Россияси иқтисодий қудратини кучайтириши турган гап эди. Шунинг учун ҳам мустамлакачилик даврининг дастлабки йилларидан бошлаб Туркистон иқтисодиёти ана шу мақсадни амалга оширишга мослаштирилди. Қулдорликнинг бекор қилинишини истисно қилганда, ўлкада илгари амал қилиб келган деярли барча қонун ва тартиблар сақлаб қолинди. Ўрта Осиёда ҳукмрон феодал муносабатларнинг негизи ўзгармай қолаверди. Меҳнаткаш халқ эндиликда икки томонлама — ҳам маҳаллий бойлар, ҳам рус истилочилари томонидан эксплуатация қилина бошланди.

Ўрта Осиё Россиянинг оддий мустамлакасига айланибгина қолмай, балки у ҳудудий жиҳатдан империя таркибига тўғридан-тўғри қўшиб олинди. Ўрта Осиёнинг Россия империяси билан тугаш ҳудудга эга бўлиши ўтган асрнинг 80-йилларида Красноводск — Самарқанд темир йўли қуриш имконини берди. Кейинчалик бу темир йўл Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари, ички ноҳиялари бўйлаб узайтирилганлиги бир томондан, бу жараённи янада кучайтирди, иккинчи томондан, ўлкада янада чуқур ўрнашиб қолиш мақсадида метрополиядан кўплаб рус ишчи ва деҳқонлари, ҳунарманд косиблар ҳамда зиёлилари кўчириб келтирилишига олиб келди. Кўчириб келтирилганлар ўлкада ташкил этиладиган ва Россия капитализми манфаатларига хизмат қиладиган дастлабки саноат ва транспорт корхоналарида хизмат қилиши кўзда тутилган эди. Шундай корхоналарда ишлашга маҳаллий меҳнаткашлар ҳам жалб этила бошланди.

Рус капиталистлари ташкил этган дастлабки саноат корхоналари ва транспорт воситалари туфайли ўлка иқтисодиётининг капиталистик бозор талабларига мослаштирилиши босиб олишнинг бевосита натижаларидан эди.

XIX аср охирги ўн йилликларидан бошлаб ўлкада саноат корхоналари қуриш тезлашиб борди. Бу корхоналар негизини асосан пахта тозалаш, пилла чувиш, жун ювиш, пахта ёғи ишлаб чиқариш корхоналари ташкил қилар эди. Шунингдек, ўлкадаги дастлабки электр станциялари ва ғишт заводлари ҳам худди шу даврда қурилган эди.

1913 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 425 та саноат корхонаси бўлиб, уларнинг 208 таси пахта тозалаш, 80 таси озиқ-овқат,

18 таси обжувоз, 35 таси кўнчилик, 20 таси хумдон ясаш, 14 таси металлсозлик корхоналари эди. Жами пахта тозалаш заводларида 8 минг ишчи ва ёғ заводларида 1,7 минг ишчи ишлар эди.

Ижтимоий маҳсулотнинг 32% ини ишлаб берган саноат тармоқларининг таркиби ҳам ўзига хос эди. Ялпи саноат маҳсулотининг 86% и қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишловчи (пахта тозалаш ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқарувчи) корхоналарда, 12% и озиқ-овқат (ёғ ишлаб чиқаришдан бошқа), кўнчилик корхоналарида, фақат 2% и оғир саноат корхоналарида ишлаб чиқариларди.

Оғир саноат таркибида металлсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналардан ташқари у қадар катта бўлмаган «Чимён» нефть ва «Шўрсув» олтингугурт конлари ҳамда Олтиариқда жойлашган Ванновский нефтни қайта ишлаш заводлари бор эди.

Ўша йили 177,7 минг тонна пахта толаси, 65 минг тонна ўсимлик мойи, 77 млн. дона ғишт ишлаб чиқарилган ва 13 минг тонна нефть қазиб олинган эди.

Маълумки, саноат ривожининг жадаллашуви аввало шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсиб боришида ўз аксини топади. Масалан, 1897 — 1910 йиллар орасида Туркистонда жами аҳоли 22,6% ўсгани ҳолда шаҳар аҳолиси 101% кўпайганлигини ўлкада юз бера бошлаган шу жараён билан изоҳлаш мумкин.

Саноат жойлашишидаги ҳудудий фарқларга келганда шуни айтиш керакки, корхоналарнинг мутлақ кўпчилиги Россия таркибига бевосита киритилган Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида жойлаштирилган эди. Жумладан, барча саноат корхоналарининг 70% и Фарғона водийси шаҳарларида тўпланган эди.

Ўрта Осиёни Россия тўқимачилик саноатининг асосий хом ашё базасига айлантириш сиёсати деҳқончиликда ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Қишлоқ хўжалигига капиталистик муносабатларнинг кириб келиши оқибатида эски натурал деҳқон ва чорвадор хўжаликлар ўз ўрнини капиталистик бозор билан бевосита боғлиқ бўлган товар-пул муносабатларига бўшатиб бера бошлади. Айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ноҳиялар шакллана борди. Шу тариқа пахта яккаҳокимлигига бошданоқ йўл очилган эди. Фарғона водийси ноҳиялари асосан пахта ва пилла, Бухоро ва Тошкент воҳалари пахта, Зарафшон водийсининг ўрта қисми буғдой, Бухоро амирлигининг тоғ олди ва текислик ноҳиялари чорвачилик маҳсулотлари, кўпроқ қоракўл терилари ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Янги экин турларидан помидор, картошка экиш расм бўла борди, нисбатан замонавий дастлабки меҳнат қуроллари (масалан, металл плуг)нинг кириб келиши ҳам ана шу жараён натижаси эди.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ўлка маданий ҳаётида ҳам маълум ўзгаришларни келтириб чиқарди. Рус ва рус-тузем мактаблари очилиб, уларда анъанавий диний таълим-тарбия билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам ўқитилди, маҳал-

лий тилларда китоблар, газета ва журналлар нашр қилина бошланди, дастлабки кутубхоналар очилди.

Шундай қилиб, ўлканинг иқтисодий-ижтимоий ҳаёти Октябрь тўнтариши арафасида айни мустамлака мамлакатларига хос кўринишда эди.

ЎЗБЕКИСТОН ХЎЖАЛИГИ СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИ

Янги совет тузуми манфаатлари асосида олиб борилган ўлка халқ хўжалиги ҳам таркибий, ҳам ҳудудий тараққиёт йўналишларида анча ўзгаришларни бошидан кечирди.

Таркиб топган умумдавлат мулкчилиги халқ хўжалиги тармоқларини марказлашган тарзда режали ривожлантириш учун шароит яратди.

Туркистонда тинч қурилиш даврининг бошларидаёқ ер-сув ислоҳоти ўтказилиб, ўлкани саноатлаштириш ва қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштиришга замин тайёрланди. Умумдавлат манфаатлари қишлоқ хўжалигининг анъанавий, энг самарадор тармоқларини, аввало пахтачиликни бутун чоралар билан ривожлантиришни тақозо этди. Бу эса собиқ ССРИнинг пахта мустақиллигини таъминлашдек бош манфаатларига тўла жавоб берар эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналиши Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ пахтачиликни янада тез тараққий эттириш ва пахтачилик мажмуини вужудга келтиришдан иборат бўлди.

Бу мажмуни ташкил этишнинг дастлабки шартларидан бири пахтачиликни хилма-хил машина ва ускуналар, кимёвий воситалар, аввало минерал ўғитлар, электр қуввати ва ҳоказолар билан таъминлайдиган ҳамда унинг маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат тармоқларини яратишдир. Чунки пахтачиликни ривожлантириш учун пахта етиштириш жараёнларини мажму механизациялаш, унда кимё фани ютуқларидан кенг фойдаланиш, суғорма деҳқончиликнинг асоси бўлган ирригация-мелиорация ишларини тубдан яхшилаш талаб қилинади. Мураккаб ирригация-суғориш тизимларини яратиш, ирригация-энергетика мақсадларига хизмат қиладиган замонавий муҳандислик-техника иншоотларини барпо қилиш, катта ҳажмдаги капитал сарфларнинг амалга оширилиши ўз навбатида Ўзбекистонда ихтисослашган қудратли қурилиш материаллари саноатини бунёд этишни ҳам тақозо қиларди.

Кейинги йилларда пахтачилик ва бутун халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан тўлиқ қайта қуроллантириш учун зарур бўлган оғир саноат тармоқлари асосан барпо этилди.

Ўзбекистоннинг Совет ҳокимияти йилларидаги саноат тараққиёти жараёни бир қатор босқичларни ўз ичига олади.

Биринчи босқич — тикланиш даври. Республикада гражданлар уруши ва босмачилик ҳаракати деб тамғаланган, аслида миллий

озодлик кураши вақтида издан чиққан саноат корхоналари бу даврда қайта тикланди.

Бу босқич собиқ ССРИ нинг кўпгина бошқа минтақаларига нисбатан Ўзбекистонда бирмунча чўзилиб кетди. Бу эса, бир томондан, жумҳуриятда синфий кураш ва гражданлар урушининг нисбатан чўзилиб кетиши оқибати бўлса, иккинчидан, илгари қолоқ бўлган ўлкада саноат ва қишлоқ хўжалигини тиклаш шароити ҳамда ривожлантириш суръатлари билан бевосита боғлиқ эди.

Ана шу даврда эски саноат ва ҳунармандчилик корхоналари қайта тикланди ва бир қанча янги саноат корхоналари қурилди. Жумладан, Тошкент ва Фарғонада ипакчилик фабрикалари, Бўзсув ГЭСи, Самарқанд ва Қувасойда дизель электр станциялари ишга туширилди.

Саноат тараққиётининг иккинчи босқичи урушгача бўлган беш йилликлар даврини ўз ичига олади. Бу босқич республикада йирик саноат ўчоқларини барпо этиш даври бўлди.

Биринчи (1928—1932 йй.) ва иккинчи (1933—1937 йй.) беш йилликлар даврида ёқ Ўзбекистонда 831 та янги завод ва фабрикалар ишга туширилди. Булар орасида Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Чирчиқ электр-кимё, Тошкент тўқимачилик комбинати кабилар бор эди. Иккинчи беш йилликнинг охиридаёқ Ўзбекистон индустриал-аграр республикага айланган эди. Бу хулосани жумҳурият халқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти таркиби ҳам тасдиқлайди. Унда саноатнинг ҳиссаси 1913 йилдаги 32% дан 1940 йилда 70% гача кўтарилди.

Учинчи босқич Улуғ Ватан уруши йилларини ўз ичига олади. Бу даврда республикада душман босқини хавфи остида бўлган Ғарбий ноҳиялардан кўчириб келтирилган 90 та оғир саноат корхоналари жойлаштирилиб, ишга туширилди. Жумладан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон оғир саноатининг етакчи корхоналаридан ҳисобланадиган Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, трансформатор заводи шу йўл билан вужудга келган эди.

Шу билан бирга Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонда бошқа янги корхоналар қурилиши, ер ости табиий бойликларини қидириб топиш мақсадида геология-қидирув ишлари тинимсиз олиб борилди. Ана шу йилларда Ўзбекистонда нефть, мис, қўрғошин, вольфрам ва молибденнинг янги конлари ўзлаштирилди, Ангренда янги йирик кўмир шахталари ишлай бошлади, 6 та янги электр станцияси ишга туширилди. Бекобод металлургия заводи қурилиши бошлаб юборилди. Шу йилларда жами 280 та янги саноат корхонаси ишга туширилди. Натижада Ўбекистон саноатининг таркиби кескин ўзгарди, оғир саноат салмоғи 1940—1943 йиллар орасида 14,3% дан 48% гача ўсди.

Саноат тараққиётининг тўртинчи босқичи урушдан кейинги саноат юксалиши йилларини ўз ичига олади. Бу даврда Ўзбекистон халқ хўжалигини янги давр талаби асосида қисқа муддат

ичида қайта қуриш бош масалалардан бири эди. Саноат тармоқларини қайта тузиш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш, экин майдонларини кенгайтириш кенг кўламда олиб борилди. Республика халқ хўжалигининг янада тез суръатлар билан ривожлантирилишига замин тайёрланган эди.

Республика саноат тараққиётининг бешинчи босқичи 60-йиллар бошларидан 80-йиллар ўрталаригача давом этди. Бу босқичнинг муҳим хусусиятлари сифатида Ўзбекистон саноати, табиий, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан янада кенгроқ фойдаланилганини, унинг собиқ Иттифоқдаги асосий ўрни — пахта, пилла, қоракўл каби хом ашё ва ярим хом ашё етказиб беришдаги роли ортиб борганлигини кўрсатиш мумкин. Бу давр учун Ўзбекистон халқ хўжалигида фан-техника тараққиёти ривожланишининг айрим интенсив омилларидан шу мақсад йўлида фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилашдек бир қатор хусусиятлар характерлидир.

Худди шу даврда Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуининг асосини ташкил этадиган қатор йирик газ конлари ўзлаштирилди, нодир металлургия саноати яратилди, кўп тармоқли машинасозлик марказлари барпо этилди, хилма-хил истеъмол молларини етарли даражада ишлаб чиқариш йўналишида дастлабки қадамлар қўйилди.

80-йиллар ўрталаридан эътиборан собиқ ССРИнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида содир бўлган туб ўзгаришлар (қайта қуриш) Ўзбекистон иқтисодиётининг, аввало саноатининг бутунлай янги тараққиёт даврини бошлаб берди.

Гап шундаки, биринчидан, Совет ҳокимияти йилларида иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаб келган тоталитар-буйруқбозлик бошқарув механизмига асосланган сиёсий тузум ва ушбу муҳитда таркиб топган ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатлари ўзининг олға ҳаракатлантирувчи ресурсларини асосан ишга солиб бўлган эди. Шунинг учун ҳам 70-йиллар иккинчи ярмидан бошлаб жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида аввал турғунлик, кейинчалик эса чуқур инқироз даври бошланди.

Иккинчидан, ишлаб чиқарувчи кучларни собиқ ССРИ ҳудуди бўйлаб жойлаштиришнинг назарий йўналишлари белгиланган бўлса-да, лекин ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида Октябрь тўнтаришидан олдин ҳам мавжуд бўлган асосий ноҳияларараро тафовутлар сақланиб қолаверди. Жумладан, Ўзбекистон халқ хўжалиги Совет ҳокимияти йилларида баъзи ютуқларга эришган бўлса-да, у қўшнилари бўлган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари қатори собиқ Иттифоқнинг асосан хом ашё етказиб берувчи ўлкаси бўлиб қолаверди. Аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган маҳсулотлар, жумладан, тайёр саноат моллари ва ҳатто ўзи етарли даражада ишлаб чиқариши мумкин бўлган деҳқончилик маҳсулотларининг 65% ига яқинини бошқа республикалардан келтиришга мажбур бўлди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон халқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари таркибига кўра бир томонлама ривожлантирилди. Бундай ривожланиш аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳаётида ҳам кузатилади.

Шуни алоҳида қайд қилмоқ лозимки, жамият ҳаётидаги бундай ҳолат собиқ иттифоқдош республикаларнинг ҳар бирида, шу жумладан РСФСР да ҳам мавжуд эди. Шунинг учун ҳам собиқ иттифоқдош жумҳуриятлар сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий ривожланишда мустақиллик йўлини тутдилар. Ривожланиш йўлларини мустақил белгилаган бу республикалар ўтган йиллар давомида шаклланган ва ҳаётий бўлган давлатлараро иқтисодий ишлаб чиқариш алоқаларидан воз кечмоқчи эмаслар. Собиқ ССРИ ўрнида вужудга келган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аввало ана шу мақсадни кўзда тутади.

1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистоннинг халқ хўжалиги ўзининг чинакам янги тараққиёт босқичини бошлади. Бу тараққиёт босқичининг асосий вазифаси Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигини таъминлашда таянч бўла оладиган халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш асосида саноат таркибини тубдан такомиллаштириш, уларни замонавий ишлаб чиқариш технологияси билан таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини кескин яхшилашдан иборатдир. Б қутлуғ мақсадларга эришишда халқ хўжалигининг молиявий-инвестиция тизими ишларида юқори самарадорликка эришиш, баҳолар тизими фаолиятини тубдан соғломлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятида тўла мустақилликни таъминлаш, республика ҳудудида чет эл капиталининг ҳаракати учун етарли шароит яратиб бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир ишлаб чиқариш субъектининг ички ва ташқи иқтисодий фаолиятда ҳамкорлик қилишига мўлжалланган турли молиявий-банк муассасалари, тижорат биржалари ва чет эл капитали иштирокида қурилган қўшма корхоналар иш бошлаганлиги Ўзбекистонда бу борада қўйилаётган дастлабки қадамлардир.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги ҳам ўзига хос мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўлканинг қишлоқ хўжалиги олдига мустабид рус чоризми ҳукмронлиги даврида қўйилган бош вазифа — қимматли саноат хом ашёлари — пахта, пилла кабилар билан таъминлаш вазифаси Совет ҳокимияти йилларида яна ҳам қатъийроқ қилиб кун тартибига қўйилди. 1925—1928 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти натижасида барча ер ресурсларининг умумдавлат монополиясига олиниши, ирригация-мелиорация ишларини қатъий ривожлантиришга интилиш собиқ ССРИнинг пахта мустақиллигини таъминлашга эришиш йўлидаги дастлабки қадамлар эдики, бу вазифани бажариш асосан Ўзбекистон зиммасига юкланган эди. Натижада 1928 йилдаёқ пахта ҳосили етиштиришнинг инқилобдан олдинги даражасига эришилди.

Биринчи беш йиллик (1928—1932 йй) Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун ёппасига коллективлаштириш билан характерлидир. Бу даврда машина-трактор станциялари (МТСлар) ташкил қилиниб, қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаш натижасида пахтачиликда катта ютуқларга эришилди. Беш йиллик охирига бориб, Ўзбекистон собиқ ССРИ пахтасининг 65% ини етказиб берди ва Иттифоқнинг асосий пахта базасига айланди. 1932 йилдаёқ собиқ ССРИнинг пахта мустақиллиги таъминланиб, четдан пахта келтириш тўхтатилди. Ўзбекистонда 1940 йилда 1,4 млн тонна пахта етиштирилиб, бу борада 1913 йилда эришилган даражадан 2,7 марта ўзиб кетилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонда пахта етиштириш объектив сабабларга кўра 825,2 минг тоннагача (1945 йилда) камайган бўлса-да, урушдан кейинги йилларда яна тез ривожланди. Пахтанинг ялпи ҳосили 1960 йилда 2,8 млн тоннани, 1970 йилда 4,5 млн тоннани, 1980 йилда 6,2 млн тоннани ташкил қилди. Шу тариқа Ўзбекистонда пахтачилик қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган ўсиш суръатларига эришди — 1980 йилга келиб, пахтанинг ялпи ҳосили 1930 йилдагига нисбатан 12 баравардан кўпроқ ўсди.

Лекин Ўзбекистоннинг миллий фахри ва асосий бойлиги бўлиб келган пахтачилик бора-бора унинг оғир оқибатларга олиб келган «шўрп»га айланди. Марказнинг пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтиришдан иборат сиёсатининг бажарилишини таъминлаш натижасида:

— республиканинг суғориладиган асосий экин майдонлари пахтага бўшатиб берилди. Пахта якка ҳокимлиги сабабли айрим пахтакор ноҳияларда унинг майдони умумий экин майдонларининг 80% и дан ортиб кетди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган деҳқончиликнинг кўпгина тармоқлари сиқиб чиқарилди, чорвачилик бениҳоя катта зарар кўрди;

— асосий майдонларда кўп йиллар давомида сурункали пахта экилиб келингани ва алмашлаб экиш издан чиққанлиги сабабли тупроқнинг таркиби бутунлай бузилиб кетди, табиий унумдорлиги қашшоқлашди, майдонларни шўр босди;

— пахта далаларининг минерал ўғитларга ўта ортиқ тўйинтирилиши, турли кимёвий дорилар ва дефолиантлар тез-тез ишлатилиши тупроқ, сув ва атмосферанинг заҳарланиб, экологик шароит оғирлашиб кетишига сабаб бўлди. Бу ўз навбатида, аҳоли ўртасида ошқозон-ичак, жигар, нафас йўллари, камқонлик касалликлари кенг тарқалишига, болалар ўлимининг кўпайишига олиб келди;

— аҳолининг кўп асрлик ҳудудий жойланишидаги мақбул мувозанат бузилди. Республиканинг қишлоқ ноҳияларида иқтисодий-ижтимоий ҳаёт нотекис ривожланди. Жумладан, йилдан-йилга кенгайтириб борилган пахта майдонларини меҳнат ресурслари билан таъминлаш эҳтиёжи иқтисодиётда аҳамияти асло кам бўлмаган баҳорикор деҳқончилик ва чорвачиликда банд бўлган аҳо-

лини деярли ёппасига тоғ ва тоғ олди, кўп ҳолларда эса текислик-чўл минтақаларидан пахтакор ноҳияларга кўчиришни тақозо этди. Натижада аҳолиси кенг миқёсда кўчирилган ноҳиялар иқтисодиёти ҳозирга қадар қолоқ, ачинарли аҳволда қолиб келмоқда;

— республика иқтисодиёти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши доирасида ўралашиб қолди. Буни статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. 1989 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 35,4% и қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келгани ҳолда, бу кўрсаткич собиқ ССРИ бўйича 22,8% ни ташкил этди. Энг характерли томони шундаки, республикада миллий даромадни яратишда қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси саноатга нисбатан 1,9% ортиқ бўлди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ҳозирги замон транспортининг (темир йўл, автомобиль, ҳаво, сув, қувур, электрон) кенг тармоқли тизими барпо этилди. Моддий тармоқлар қаторидан ўрин олган бу транспорт Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришда, янги мустақил давлатлараро ҳамда ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этишда асосий ўрин тутади.

Инқилобдан олдин Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви ниҳоятда нотекис бўлиб, Фарғона водийсигина иқтисодий жиҳатдан бирмунча ривожланган эди. Бу ерда пахтачилик кенг ривожланганлигидан пахта тозалаш, пахта ёғи ишлаб чиқариш саноатнинг негизини ташкил қиларди. Ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётига кўра Тошкент ноҳияси Ўзбекистонда иккинчи ўринда турар, республиканинг бошқа ноҳияларида саноат, ҳатто қишлоқ хўжалиги ҳам анча суст ривожланган эди.

Совет ҳокимияти йилларида республиканинг суғориладиган ноҳияларида пахтачиликни ривожлантириш, ирригация-мелиорация ишларини ўтказиш, машинасозлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари барпо этиш, ер ости қазилма бойликларини қидириб топиш ва ишга солиш, темир йўл ҳамда автомобиль йўллари қуриш бўйича катта тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар Ўзбекистоннинг ноҳия ва вилоятлари иқтисодиётини инқилобдан олдинги даврга нисбатан анча кўтариш имконини берди.

Тошкент шаҳри ва вилояти Ўзбекистон минтақалари орасида энг юқори тараққиёт даражасига эришди. Бу эса аввало уларнинг қулай иқтисодий-жўғрофий ва транспорт ўрни билан изоҳланади. Улар собиқ ССРИнинг марказий ноҳиялари, шунингдек Сибирь ва Қозоғистон билан боғлайдиган темир йўлларнинг республика ҳудудига кираверишида жойлашган. Бу эса Ўзбекистонда бошқа минтақалардан келтирилган ишлаб чиқариш воситаларига асосланиб ишлайдиган саноат корхоналари (машинасозлик, кимё, енгил, озиқ-овқат ва ҳоказо) қурилишига қулай шароит яратди. Уруш йилларида собиқ ССРИнинг Ғарбий ноҳияларидан Ўзбекистонга кўчириб келтирилган корхоналарнинг ҳам ярмидан кўпи шу ерларда жойлаштирилди.

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги бу силжишлар аввало минтақанинг иқтисодий-транспорт ва жўғрофий ўрни туфайли содир бўлди. Шу билан бирга Тошкент иқтисодий ноҳияси саноатининг тез ривожланишида унда топилган ва ишга солинган бир қанча табиий ресурсларнинг роли ҳам катта бўлди. Чирчиқ-Бўзсув гидроэнергетика ресурслари, Ангрен кўмири, Олмалиқ рангдор металл конлари ва бошқалар шулар жумласидандир. Бунда иқтисодий ноҳияда етарли бўлган меҳнат ресурслари ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ва нихоят, бу ерда ишлаб чиқарувчи кучларнинг тез ривожланишида Тошкент шаҳрининг республика пойтахти сифатидаги мавқеи ижобий таъсир кўрсатганлигини ҳам қайд қилмоқ керак.

Аксинча, республиканинг Қуйи Амударё иқтисодий ноҳияси ва унда жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қиёсан суст ривожланганлиги маълум даражада улар иқтисодий-жўғрофий ўрнининг нисбатан ноқулайлиги билан изоҳланади.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ВА АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон иқтисодиётининг ўрни, салмоғи, ўзига хос қиёфаси, унинг дунёда пахта етиштирувчи энг йирик давлатлардан бири эканлигида намоён бўлади. У пахтадан ташқари яна бир қатор муҳим саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ҳам етакчи мамлакатлардан ҳисобланади.

Ҳозир Ўзбекистон собиқ Иттифоқда етиштирилаётган пахтанинг 65% ига яқинини, канопнинг ҳаммасини, ипакнинг 60% идан ортиғини, қоракўл терисининг 40% идан кўпини, мева, узум, эртати сабзавот, полиз маҳсулотларининг анчагина қисмини етказиб бермоқда. Бу маҳсулотларни етиштириш катта меҳнат ресурсларини талаб қилганидан аҳоли анча қисмининг қишлоқ жойларда жойланишига сабаб бўлмоқда. Академик И. Искандаров маълумотига кўра, пахтачиликда ғаллачиликка нисбатан 20 марта кўп меҳнат ресурслари талаб қилинар экан. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик каби бошқа тармоқлари эса ҳисоб-китобларга кўра, пахтачиликка нисбатан ҳам кўпроқ иш кучи талаб этади.

Аввало, пахтачилик негизида ҳамда республикадаги айрим фойдали қазилмаларни ишга солиш асосида Ўзбекистон саноатида катта иқтисодий аҳамиятга молик яна бошқа ихтисослашган тармоқлар вужудга келди. Буларга пахтачилик мажмуини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи ихтисослашган машинасозлик, рангдор металлургия, газ саноати ва ҳоказолар киради. Бу тармоқлар маҳсулотнинг кўп турларини ишлаб чиқаришда республикамиз МДҲ давлатлари орасида салмоқли ўрин тутади. Жумладан, Ўзбекистон пахта комбайнлари, пахта чувиш машиналари, чигит экиш машиналарининг 100% ини, айрим тўқимачилик

машиналари, пахта тозалаш заводлари учун ускунларнинг 90% га яқинини ишлаб чиқаради.

Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиёти аввало унинг яхлит пахтачилик мажмуи ютуқлари билан белгиланади.

Бу соҳа тармоқлараро мажму бўлиб, қишлоқ хўжалигининг пахта етиштириш билан боғлиқ барча тармоқларини, ирригация-мелиорация тизимларини, саноатнинг ихтисослашган кўсак чувиш, пахта тозалаш, кимёвий ишлов бериш, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, ип газлама, тикувчилик, трикотаж, пахта ёғи сингари маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи соҳаларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим соҳалари қаторига мис, рух, қўрғошин, олтин, вольфрам, молибден, уран каби нодир металларни ҳамда табиий газ сингари бебаҳо ёнилғини қазиб чиқаришни ўз ичига оладиган тоғ-кон-металлургия мажмуи ҳам киради.

Шуни таъкидлаш лозимки, бизда узоқ вақт давомида собиқ иттифоқдош республикалар ва иқтисодий ноҳиялардаги хўжалик-ҳудудий мажмулари маҳаллий эҳтиёжларни қондириш билан бирга бошқа иқтисодий ноҳиялар ҳамда минтақалар билан алоқалар ўрнатишга хизмат қилади, деб уқтирилиб келинди. Шунингдек, уларнинг умум иқтисодиётдаги хўжалик ихтисоси ҳамда истеъмол ва муомала масалалари бутун мамлакат ҳамда ҳар бир республика манфаатларини ҳисобга олган ҳолда умумдавлат халқ хўжалик режаси асосида белгилаб берилади, деб ҳам кўрсатилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон иқтисодиёти юқорида белгиланган доирада халқ хўжалигининг маълум йўналишларида юқорида қайд этилган ютуқларга эришди. Тўла асос билан шуни таъкидлаш жоизки, эришилган бу ютуқлар бир томонлама эди, холос. Республика иқтисодиётининг асоси бўлган пахта толасининг 92% дан ортиғи, пахтачилик мажмуи ишлаб чиқариш воситаларининг 40% га яқини, қоракўлнинг деярли ҳаммаси, пилланинг 2/3 қисми, олтин, мис, рух каби рангдор металларнинг ҳаммаси ва бошқалар Ўзбекистондан ташқарига ишланмасдан, деярли «сув текинга» хом ашё ҳолида олиб кетилиши, айни вақтда тайёр ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли кенг истеъмол молларининг 2/3 қисмининг ўша вақтдаги ССРИнинг бошқа ноҳияларидан юқори истеъмол баҳоларида Ўзбекистонга келтирилиши республикамиз хўжалигининг бир томонлама ривожланганлигини яққол кўрсатади (3-чизмага қаранг).

Бунга қўшимча қилиб, Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг номутаносиб таркиби, унинг ҳудудий жойланишидаги ўта нотекисликларни ҳам кўрсатиш мумкин. Чунончи, 1989 йилда ўша вақтда жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг собиқ ССРИда 69,9% и, Ўзбекистонда 45,3% и асосий ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берадиган оғир саноат тармоқлари ҳиссасига тўғри келди. Айни вақтда уларда енгил саноат ҳиссаси тегишинча 13,9% ва 37,2% ни ташкил этди. Бунда аҳоли учун кенг истеъмол моллари ишлаб берадиган енгил саноат Ўзбекистонда анча юқори ри-

вожлангандек туюлади. Аслида Ўзбекистонда тармоқ маҳсулотларининг ярмидан кўпини пахта тозалаш заводларида тайёрланган пахта толаси ташкил қиларди Агар унга пиллакашлик фабрикаларида ишлов берилган ипак толаси, луб заводларида ишлатилган каноп толаси, терига ишлов берувчи корхоналардаги дастлабки ишлов берилган қоракўл терилар ҳам қўшилса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига дастлабки ишлов берувчи тармоқлар ҳиссаси бутун енгил саноатда 2/3 қисмга бориб қолади.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлаштирилишидаги мавжуд нотекисликлар республика иқтисодиётининг нозик томонларидандир. Аҳолининг урбанизация жараёни кўрсаткичлари жойларда саноатнинг ривожланиш натижаларидан бири деб қараладиган бўлса, у ҳолда ҳозиргача шаҳар аҳолиси салмоғининг Сурхондарё вилоятида 19,4%, Кашқадарё вилоятида 26,6%, Хоразм вилоятида 27,6% эканлиги бу жойларда саноатни жойлаштиришда дастлабки қадамлардан нари ўтилмаганлигини кўрсатади.

Худди шундай номутаносиблик аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш кўрсаткичларида ҳам кузатилади. Аҳоли соғлиғини таъминлашда илмий-тиббиёт тавсияларига кўра, унинг озиқа бирлигида оқсилга бой бўлган гўшт, сут, тухум, қанд, шакар маҳсулотларининг тутган ўрни бениҳоя каттадир.

4-жадвал

Озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши (1989 йил, аҳоли жон бошига кг ҳисобида)

	МДҲда	Ўзбекистонда	Ўзбекистонда ССРИга нисбатан % ҳисобида
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	67	31	46,3
Сут ва сут маҳсулотлари	363	201	66,3
Тухум, дона ҳисобида	269	119	44,4
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	17,2	4,8	27,9
Қанд-шакар	42,2	23,5	55,3
Ўсимлик ёғи	10,4	11,8	113,5
Картошка	98	25	25,5
Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	95	95	100,0
Мева ва резаворлар	40	27	65,8
Нон ва ун маҳсулотлари	129	167	129,5

Бу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон аҳолиси юқори даражада тўйимли бу хил маҳсулотларни истеъмол қилишда собиқ ССРИнинг ўртача кўрсаткичларидан икки баравар орқада турарди. Умуман ўша вақтда республикамиз аҳолисининг асосий озиқа бирлиги нон ва ун маҳсулотлари бўлиб қолаётган эди.

Бунга ўхшаш ноҳақлик ижтимоий ҳаётда ҳам мавжуд эди. 80-йиллар ўрталаридаги маълумотларга кўра, собиқ ССРИ бўйича ҳар бир мактаб ўқувчисига ўртача 240 сўм сарфлангани ҳолда, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 203 сўмни, ҳар бир талабага собиқ ССРИда ўртача 1200 сўм сарфлангани ҳолда, Ўзбекистонда бу сарф 996 сўмни[1] ташкил қилган эди.

Демак, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти эришган ютуқларни қанчалик қайд қилмайлик, мустақил Ўзбекистон олдида яқин орада унинг иқтисодиётини чинакамига соғломлаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудлараро жойлаштиришда мақбул мутаносибликка эришиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш бўйича улкан вазифалар турибди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва уни бошқаришда бир-биридан фарқ қилувчи шаклларга амал қилиб келинди. Октябрь тўнтаришидан кейинги йиллар бу борада гўё тинимсиз тажрибалар ўтказилган даврдек туюлади.

Ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари бир неча бор ўзгарди:

— халқ хўжалиги Олий кенгаши ва унинг жойлардаги идоралари;

— саноатни тармоқлар бўйича бошқариш (наркоматлар, кейинчалик министрликлар);

— халқ хўжалиги кенгашлари (совнархозлар);

— халқ хўжалигини тармоқлар бўйича бошқариш (министрликлар).

Шуни айтиш керакки, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бу шаклларидан ҳар бири ўз даврида амал қилган бошқарув сиёсатидан келиб чиққан ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда маълум роль ўйнаган эди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг қайд қилинган барча шакллари асосида демократик централизм (марказлашув), бошқача айтганда, хўжаликка барча босқичларда марказлаштирилган тарзда раҳбарлик қилиш принципи ётади.

Халқ хўжалигини тармоқлар бўйича бошқаришнинг кейинги шакли 50-йиллар охирларигача амалда бўлиб келган бошқаришдан муҳим томонлари билан фарқланади. 90-йилларгача фаолият кўрсатган бу бошқариш шаклининг ўзига хос хусусияти иқтисодиётга марказлаштирилган ҳолда раҳбарлик қилишни ҳудудий раҳбарлик билан қўшиб олиб боришга интилишдир.

---

[1] *И. Аллаёров.* «Коммунистик черков», «Ёш ленинчи» газетаси, 1991 йил, 30 ноябрь.

Халқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва бошқариш бу даврда кенг фаолият кўрсатган йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари (саноат бирлашмалари, агросаноат бирлашмалари, саноат-фан бирлашмалари) шунингдек, турли йирик тармоқлараро мажмулар орқали амалга оширилди.

Турли ишлаб чиқариш бирлашмалари аввало жамиятда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, ишлаб чиқаришни юқори унумли замонавий техника воситалари билан қайта қуроллантиришни, мавжуд иқтисодий омиллардан, молиявий ва меҳнат ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишни кўзда тутиб, ташкил этилган эди.

Шу сабабли кейинги йилларда Ўзбекистонда бундай ишлаб чиқариш бирлашмалари кўплаб ташкил этилди. 1989 йилда улардан республикада фақат саноатнинг ўзида 177 ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолият кўрсатиб, булар жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 53% идан кўпроғини етказиб берди. Кейинги йилларда қазиб чиқарилган нефть, табиий газнинг ҳаммасини, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатлари учун машина-ускуналар, электротехника, мебель, трикотаж, озиқ-овқат маҳсулотларининг анчагина қисмини ана шу ишлаб чиқариш бирлашмалари етказиб берди.

Ишлаб чиқариш бирлашмалари тизимида саноатни қишлоқ хўжалиги билан бирга, ҳамкорликда ривожлантириш, агросаноат бирлашмалари ташкил этиш бу даврда амалга оширила бошланган муҳим йўналишлардандир. Агросаноат бирлашмаларини ташкил этиш орқали мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлашни тўла ва кенг йўналишда ташкил этиш, бу жараёнга кирувчи барча ишлаб чиқариш босқичларини мутаносиб ва мажму уюштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини замонавий техника билан қуроллантиришни жадаллаштириш, жойлардаги иш кучидан йил фасллари давомида самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг турли босқичлари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, муаммоли ижтимоий масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш каби натижалар кутилган эди. Агросаноат бирлашмалари, шунингдек, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий-ижтимоий тафовутларни тезроқ камайтиришга ижобий таъсир кўрсатиши ҳам лозим эди.

Ўзбекистонда дастлабки агросаноат бирлашмалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тез бузилиб, нобуд бўлиши мумкин бўлган боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик тармоқларида ташкил этилди. Тошкент вилоятидаги У. Юсупов номли комбинат, «Огонёк» совхоз-заводи ана шундай корхоналардан эди. Кейинги йилларда бундай бирлашма-корхоналар Ўзбекистоннинг деярли ҳар бир вилоятида ташкил этилган бўлиб, мева-узум-сабзавотчиликдан ташқари, турли чорвачилик тармоқларини ҳам қамраб олди.

Республика халқ хўжалигини ҳудудий жойлаштиришда ва бошқаришда тармоқлараро пахтачилик мажмуи алоҳида ўрин

тутиб келмоқда. Пахта етиштириш ва ундан тайёр истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришгача бўлган барча меҳнат босқичларини ўзида жамлаган бу мажмунинг жойлардаги кўплаб корхоналари Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликнинг бугунги ютуқларини таъминлаб келмоқда. Бундай бирлашма-корхоналар ишлаб чиқариш билан фан ҳамкорлигида халқ хўжалигининг асосий тармоқлари бўйича тобора кўпайиб борди. «Кибернетика», «Қуёш» ва бошқа илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари шулар жумласидандир.

Маълумки, халқ хўжалигини бошқаришда маъмурий-ҳудудий бўлинишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш кўрсаткичлари маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича режалаштирилади ва хўжалик шу асосда бошқарилади.

80-йиллар ўрталарида жамият ҳаётини унинг барча йўналишларида тубдан қайта қуришга ўтиш натижасида халқ хўжалигини ҳудудий ташкил этиш ва бошқариш услубларида ҳам анча ўзгаришлар содир бўлди. Жамиятимиз сўнгги йилларгача ҳукмронлик қилган ишлаб чиқариш воситаларига давлат-умумхалқ мулкчилиги ўрнига кейинги вақтларда хусусийлаштириш (приватизация) орқали мулкчиликнинг турли шаклларига утилиши, ҳудудлараро ишлаб чиқариш алоқаларини ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этадиган иқтисодий-тижорат биржалари ва банкларнинг фаолият кўрсата бошлаши, узоқ йиллар яшаб келган коммунистик мафкурадан воз кечилиши ва ҳоказолар ана шундай туб ўзгаришларнинг асосини ташкил этади.

Жамият ҳаётидаги бундай ўзгаришлар Ўзбекистон ҳам сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларни мустақил ҳал қилишга йўл очди. Республикамиз ўзида ишлаб чиқарилаётган моддий неъматларни жаҳон бозори баҳосида эркин тасарруф этиш йўлида ўз алоқа-тижорат биржалари ва банкларини тузди, улар орқали эса бир қатор хорижий, аввало, Шарқ мамлакатлари (Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Саудия Арабистони кабилар) билан яқин иқтисодий алоқалар ўрнатди, улар ҳамкорлигида бизда кўплаб корхоналар ташкил этилишига эришди. Бу ишларнинг кенг йўлга қўйилиши Ўзбекистон иқтисодиёти оқибат-натижада замонавий илғор жаҳон ишлаб чиқариш технологияси билан қайта қуролланишига, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда янги, юқори босқичларни эгаллашга имконият туғдиради.

V БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ САНОАТ ЖЎҒРОФИЯСИ

Ҳар бир жамият ишлаб чиқарувчи кучларни, аввало, халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган саноатни самарали ҳудудий ташкил қилишга катта эътибор беради. Чунки саноат халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун моддий-техника воситаларини тўхтовсиз такрор ишлаб чиқариш манбаи сифатида ҳар қандай

ҳудуднинг иқтисодий имкониятини, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини, табиий, моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳолатини белгилаб беради.

Совет ҳокимияти йилларида саноат Ўзбекистонда халқ хўжалигининг етакчи тармоғига айланди. У ҳозир умумижтимоий маҳсулотнинг 51% идан кўпроғини бермоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон саноати 100 дан ортиқ ишлаб чиқариш тармоқларини, 1821 та йирик ишлаб чиқариш ва илмий-тадқиқот бирлашмалари, комбинатлар, саноат корхоналарини бирлаштиради. Саноат ялпи маҳсулотининг ҳажми бўйича Ўзбекистон МДҲ давлатлари ўртасида бешинчи ўринда туради.

Гарчи, собиқ ССРИ да ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши ва уларнинг ҳудудий ташкил қилиниши барча республикалар ва иқтисодий ноҳияларда бир хил сиёсий-иқтисодий шароитлар асосида ташкил қилинган деб таъкидланиб келинган бўлса-да, лекин Ўзбекистонда уларни ривожлантириш ва ҳудудий ташкил этиш айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлди.

РЕСПУБЛИКАДА САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШГА ТАЪСИР ЭТАДИГАН АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Саноатни ривожлантириш ва уни ҳудудий ташкил қилишда хилма-хил шароитлар, омиллар қатнашади. Уларни асосан икки гуруҳга бўлиш мумкин: иқтисодий-жўғрофий омиллар ва табиий-жўғрофий омиллар. Иқтисодий-жўғрофий омилларга меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ҳолати ва уларнинг хусусиятлари, ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил қилиш шакллари, энергетика, транспорт шароитлари, инфратузилма ҳолати, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси, фан-техника тараққиёти даражаси, табиий-жўғрофий омилларга эса табиий шароит (рельеф, иқлим кабилар) хусусиятлари, табиий ресурслар (биринчи навбатда минерал ва сув ресурслари) билан таъминланганлик даражаси киради.

Саноатни ривожлантиришда ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базаси катта аҳамият касб этади. Жамиятнинг моддий-техника базаси моддий ишлаб чиқариш шароитларининг мажмуи бўлиб, техника-ишлаб чиқариш қуролларидан ташкил топади.

Октябрь тўнтаришидан илгари ўлкамизда ўрта асрларга хос техника билан қуролланган қишлоқ хўжалиги ҳиссасига умумижтимоий маҳсулотнинг 9/10 қисми тўғри келиб, у халқ хўжалиги асосий фондларининг 61,7% ини ўзида бирлаштирган эди. Ҳунармандчиликка асосланган саноат ялпи ижтимоий маҳсулотнинг атиги 1/10 қисмини ишлаб чиқарган бўлиб, замонавий машина саноати хизматларидан маҳрум эди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон халқ хўжалигини, унинг етакчи тармоғи бўлган саноатни ривожлантиришдаги дастлабки вазифалардан бири ишлаб чиқаришнинг пухта моддий-техника базасини яратиш эди.

Бу борада қардош халқларнинг ўзаро иқтисодий ёрдами ва ҳамкорлиги катта роль ўйнади. Бундай ҳамкорлик ва ёрдам Ўзбекистон саноатини ривожлантиришга муҳим омил сифатида катта ижобий таъсир кўрсатди. Ўзбекистонни саноатлаштиришнинг дастлабки йилларида марказлашган собиқ умумиттифоқ жамғармаларининг роли сезиларли бўлди. Масалан, биринчи беш йилликда (1928—1932 йиллар) Ўзбекистоннинг саноат тараққиёти учун сарф қилинган капитал харажатларнинг 57,5% и собиқ умумиттифоқ бюджети, 42,5% и республика бюджети ҳисобига амалга оширилган эди.

Ана шу йиллардан ривожланиш даврини бошлаган Ўзбекистон саноати ҳозирги пайтда муайян моддий-техника базасига эгадир. 1990 йил маълумотига кўра, саноатнинг асосий ишлаб чиқариш жамғармалари 23,9 млрд сўмни ташкил этди. У халқ хўжалиги барча асосий ишлаб чиқариш жамғармаларининг 36,3% ини, қурилиш ва транспорт билан бирга ҳисоблаганда эса 60% идан ортиғини ташкил қилади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу рақамларга кўра саноатнинг асосий ишлаб чиқариш жамғармалари гўё йўқ жойдан қудратли ишлаб чиқариш қувватлари даражасигача барпо қилингандек тасаввур ҳосил қилса-да, аслида Ўзбекистоннинг бу борада тутган ўрни собиқ ССРИнинг ўртача кўрсаткичларидан анча кам эди. Жумладан, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажмига кўра 5-ўринда турган ва собиқ Иттифоқ аҳолисининг 7% идан ортиғига эга бўлган Ўзбекистондек йирик республика жами асосий ишлаб чиқариш жамғармаларининг 2,5% игагина эгалик қилганлиги фикримизнинг далилидир. Агар Қозоғистон Республикаси Президенти Н. А. Назарбоевнинг 1991 йил 13 декабрда Ашхободда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари президентлари иштирокида ўтказилган матбуот конференцияда бу ўлкалар иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи барча ўтган йиллар давомида Марказ томонидан онгли равишда ўтказилган иқтисодий сиёсатнинг натижасидир, деб билдирган фикрини ҳисобга олсак, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ҳозиргача мавжуд бўлиб келган бу номутаносибликни энди мустақил республикаларнинг ўзлари бартараф этишлари керак.

Меҳнат ресурслари саноатни ривожлантириш ва айниқса уни ҳудудий ташкил қилишда муҳим омиллардан ҳисобланади. Меҳнат ресурсларининг ҳудудий жойлашуви ишлаб чиқаришнинг тарихий тараққиёти жараёнида вужудга келади ва, ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи кучларнинг кейинги ривожланиши ва ҳудудий жойлашишига таъсир этади.

Маълумки, Ўзбекистон меҳнат ресурслари билан энг яхши таъминланган республикалардан биридир. Ундаги аҳоли табиий ўсишининг собиқ Иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан анча юқорилиги, кўчиш ҳаракатининг кейинги йилларгача ижобий сальдога эгалиги меҳнат ресурсларининг ортиқча тўпланишига олиб келди. Бу нарса Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини сира кечиктирмай, янада тезроқ ривожлантиришга ундайди. Тез ўсиб

бораётган меҳнат ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш мақсадида саноатнинг айниқса сермеҳнат тармоқларини (электротехника, радиотехника, асбобсозлик, электроника, енгил саноат кабилар) жадал тараққий эттириш зарур. Бундай корхоналарни ҳозирнинг ўзида анчагина иш билан банд этилмаган ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган ва аҳолиси нисбатан тез ўсаётган кичик ҳамда ўрта шаҳарларда, шунингдек айрим йирик қишлоқларда кўпроқ қуриш мақсадга мувофиқдир. Саноат корхоналари кичик ва ўрта шаҳарларда ҳамда йирик қишлоқларда мустақил ишлаб чиқариш объектлари ёки марказий ишлаб чиқариш бирлашмалари, завод ва фабрикаларнинг филиаллари ва ҳатто цехлари сифатида ташкил этилиши мумкин.

Саноатни ҳудудий жойлаштиришда алоҳида ҳисобга олиниши лозим бўлган масалалардан бири ҳар бир иқтисодий ноҳияда, саноат тугунларида ва ҳатто алоҳида ишлаб чиқариш марказларида саноат корхоналарини ташкил қилишда меҳнат ресурсларининг жинсий таркибини эътибордан қочирмасликдир. Шундагина эркак ва аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларидан анча самарали фойдаланиш мумкин бўлади.

Саноатни ривожлантиришда меҳнат ресурсларининг ҳудудий жойлашуви эътиборга олиниши керак. Ўзбекистонда аҳоли ва меҳнат ресурслари Фарғона водийси, Тошкент ва Хоразм воҳаларида айниқса зич жойлашган. Бу жойларда, шунингдек Зарафшон ва Сурхон-Шеробод водийларининг суғориладиган ноҳияларида иш кучи заҳиралари бор. Келажакда аҳолининг юқори табиий ўсиши ва меҳнат унумдорлигиннг ошиб бориши туфайли бундай заҳиралар янада ортиб бориши табиий. Шунинг учун ҳам бу минтақаларда саноатнинг иш кучини ўзига кўп жалб қиладиган сермеҳнат тармоқларини жадал ривожлантириш лозим. Меҳнат ресурсларининг бир қисми Ўзбекистоннинг табиий ресурсларга бой, лекин иқтисодий жиҳатдан кам ўзлаштирилган жойларига ўтиб ўрнашишини рағбатлантириш ҳам зарур.

Ўзбекистон саноатида ишлаб чиқаришни ижтимоий ташкил қилишнинг илғор шаклларидан ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишда маълум натижаларга эришилган.

Республикада саноат тўпланишига хос ўзгаришлар кўзга ташланади. Маълумки, Октябрь тўнтаришидан олдин Ўзбекистонда асосан майда саноат корхоналари мавжуд эди. Жумладан, Тошкентда ҳар бирида 10 дан ортиқ ишчи ишлайдиган атиги 27 та корхона бўлган, дастлабки пахта тозалаш заводларига эса ўрта ҳисобда 39 тадан ишчи тўғри келган. Ҳозирги пайтда республикада ҳар бирида минглаб ишчилар ишлайдиган юзлаб саноат корхоналари бор. Умуман республика саноат корхоналарининг ишчилар сонига кўра ўртача катталиги 637 ишчи-хизматчидан иборатдир. Саноат корхоналарининг маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашиши ҳамда собиқ Иттифоқ минтақаларида жойлашган корхоналар билан кооперациялашган ҳолда (айниқса машинасозлик, кимё саноатларида) иш олиб бориши тобора шакл-

ланиб борди. Саноат ишлаб чиқаришининг комбинатлар шакли рангдор металлургия, тўқимачилик саноатларида айниқса тўла шаклланди.

Фан-техника тараққиётининг саноатни ҳудудий жойлаштиришдаги роли катта. Илгари фойдаланишнинг иложи йўқдек кўринган Мирзачўл, Қарши даштлари текислик майдонларининг деҳқончилик ўлкаларига айлантирилиши, пахта ҳосилдорлигининг кескин ўсиши фан-техника ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши натижасидир. Бу омил фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки саноатда умуман ишлатилмаган турли табиий ресурсларни ишга солишда ҳам катта ўрин тутади. Булар, ўз навбатида, саноатнинг хом ашё ва ёқилғи-энергетика базасини анча бойитади, унинг ҳудудий жойлаштирилиши доирасининг анча кенгайишига олиб келади. Фан-техника инқилоби омили Ўзбекистон саноатининг деярли барча тармоқлари ривожланишига таъсир кўрсатди. Тоғ-кон, электр энергетика, машинасозлик, кимё, қишлоқ хўжалиги каби тармоқлар тараққиётида бу омилнинг роли айниқса каттадир.

Саноатнинг ҳудудий жойлашиши энергетика базаларига ҳам боғлиқдир. Саноатнинг электр энергиясини кўп талаб қиладиган тармоқлари (рангдор металлургия, кимё саноатининг айрим тармоқлари) бу омил билан айниқса маҳкам боғланган. Электрон транспортнинг ҳозирги замон имкониятлари бошқа саноат тармоқларининг бу омил билан боғлиқлигини анча юмшатади.

Электр қувватига катта эҳтиёж сезадиган саноат тармоқларини асосан қувват манбалари яқинида жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи Чирчиқ ва Навоий комбинатларининг, шунингдек Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл қотишмалари комбинатининг Чирчиқ—Бўзсув ГЭСлари каскади ҳамда Навоий ГРЭСи яқинида жойлаштирилганлиги бежиз эмас. Ўзбекистонда келгусида яна бир электр қуввати омилига боғлиқ бўлган тармоқ — алюминий саноатини ривожлантириш шароитлари ҳам мавжуд. Ангрен ноҳиясидаги каолин-гилмоя минерали алюминий саноати учун муҳим хом ашёдир.

Саноатни ҳудудий ташкил этиш ва жойлаштиришда транспорт ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки саноатни хом ашё ва бошқа воситалар билан таъминлашда, корхоналар ўртасида ишлаб чиқариш алоқаларини йўлга қўйишда, меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракатида ва ниҳоят, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказишда транспорт воситаларидан кенг фойдаланилади. Транспортнинг ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишдаги аҳамиятини Ўзбекистоннинг қулай ва ноқулай ноҳиялари мисолида кўриш мумкин. Жанубий Ўзбекистон ва Қуйи Амударё иқтисодий ноҳиясининг нисбатан суст ривожланганлигини кўп ҳолларда улар транспорт имкониятларининг узоқ йиллар давомида чекланганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Саноат ривожланиши ва жойлашишига сезиларли таъсир этувчи омиллар қаторига мураккаб йўналишли инфратузилма мажмуи ҳам киради.

Асосан ишлаб чиқариш инфратузилмаси (транспорт-алоқа воситалари, электр узатиш линиялари, сув билан таъминлаш тизимлари, каналлар имкониятлари ва бошқалар) ва ижтимоий инфратузилма (уй-жой, маориф, тиббиёт, спорт, савдо каби муассасалар)га бўлинадиган бу мажмусиз жойларда ишлаб чиқарувчи кучларни, жумладан, саноатни ривожлантириб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг вилоятларида инфратузилманинг ривожланиш даражаси бир хил эмас. Унинг тармоқлари Тошкент, Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятларида яхши ривожланган. Бу ҳол қатор бошқа омиллар билан биргаликда республика саноатининг ривожланиш даражасида ҳозирги мавжуд ҳудудий фарқларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Саноатни ривожлантириш ва ҳудудий жойлаштиришга таъсир этувчи табиий омиллар орасида жойларнинг табиий ресурслар (аввало фойдали қазилма бойликлар) билан таъминланганлик даражаси алоҳида ўрин тутади. Чунки ёқилғи, энергетика, минерал хом ашёлар, сув ва қатор бошқа ресурсларсиз саноатни, айниқса унинг ундирувчи тармоқларини ривожлантириб бўлмайди. Ишлов берувчи саноатнинг кўпчилик тармоқлари учун ҳам хом ашёни асосан ана шу ундирувчи саноат етказиб беради.

Умуман Ўзбекистон ундирувчи ва ишлаб берувчи саноат тармоқларининг кўпгина муҳим тармоқларини ривожлантириш учун етарли ресурсларга эгадир. Буларга ёқилғи-энергетика, рангдор металлургия, кимё, қурилиш материаллари саноатлари ва ҳоказолар киради.

Ўзбекистон шароитида сув ресурслари ҳам саноатни ҳудудий жойлаштириш ва тараққий эттиришда анча фаол қатнашади. Маълумки, ҳар қандай саноат тармоғи ҳам озми-кўпми сув истеъмол қилади, бу биринчидан. Иккинчидан, Ўзбекистон бошқа Ўрта Осиё республикалари қатори сувга чанқоқ, қурғоқчил минтақада жойлашган, унинг сув ресурслари умуман чекланган. Бунинг устига республика қишлоқ хўжалиги бутунлай суғоришга асосланганки, буни саноатни жўғрофий жойлаштириш ва тараққий эттиришда қатъий ҳисобга олиш керак бўлади. Саноатни ривожлантиришда сув ресурсларини ҳисобга олиш Орол фожиаси шароитида жуда ҳам долзарбдир. Муҳими Ўзбекистонда, шунингдек қўшни республикаларда сувни кўп истеъмол қиладиган ёки уни ҳаддан ташқари ифлослайдиган корхоналарни қуриш мақсадга мувофиқ эмас.

Жойларнинг табиий шароити ҳам саноатни ривожлантириш ва жойлаштиришда маълум роль ўйнайди. Иқлими илиқ ноҳияларда саноат объектларини қуриш совуқ иқлимли жойларга нисбатан анча арзон ва қулай бўлади. Бу омил Ўзбекистонда гарчи у қадар катта ўрин тутмаса-да, саноат ривожланишида ҳар нечук ижобий аҳамият касб этади.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ СУРЪАТЛАРИ, ДАРАЖАСИ ВА ТАРКИБИ

Ўзбекистон саноати Совет ҳокимияти йилларида мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Республикада халқ хўжалигини саноатлаштириш йилларида саноат тез юксалиб борди. Масалан, иккинчи беш йиллик (1932—1937 йиллар) давомида саноатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 242,8% кўпайди.

Ўзбекистонни саноатлаштиришнинг дастлабки даврларида саноат ўсиш суръатларининг юқори бўлиши тушунарли эди. Саноат илгари анча бўш ривожланганлиги туфайли бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Иқтисодий тараққиётдаги ҳақиқий ривожланиш суръатлари халқ хўжалиги маълум саноат юксалишлари палласига етишгач, ўз ифодасини топади. Жумладан, республикамиз саноатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми агар 1970—1989 йиллар орасида 281% ўсган бўлса, 1985—1989 йиллар орасида бу кўрсаткич атиги 116% ни ташкил қилди[1].

Ўзбекистон саноатининг таркиби хилма-хил бўлиб, 100 дан ортиқ тармоқларни бирлаштиради. Унинг саноат тармоқлари иқтисодий аҳамиятига кўра икки гуруҳга бўлинади: 1) ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқлар (саноатнинг «А» гуруҳи ёки оғир саноат тармоқлари); 2) истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар (саноатнинг «Б» гуруҳи ёки енгил саноат тармоқлари). Шу билан бирга аҳоли кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришда оғир саноатнинг деярли ҳар бир тармоғи қатнашишини қайд қилмоқ керак. Масалан, газ саноати ёқилғи мажмуининг таркибий қисми сифатида оғир саноат таркибига киради, лекин унда ишлаб чиқарилаётган табиий газ айни вақтда турмушда бевосита фойдаланиладиган истеъмол маҳсулоти ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи оғир саноат тармоқлари айниқса тез суръатлар билан ривожлантирилди. Агар Октябрь тўнтаришидан олдин бу саноат тармоқлари ҳиссасига ялпи саноат маҳсулотининг атиги 2% и тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 1989 йил маълумотига кўра, 72,1% га тўғри келди. Бу кўрсаткич 1986 йил кўрсаткичидан 3,2% кам эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, саноат «Б» гуруҳи ҳиссаси «А» гуруҳи тармоқлари ҳиссасидан ортиб бориши жараёни яқин йиллар ичида янада кучаяди. Аввало мавжуд саноат таркибининг номутаносиблигидан келиб чиққан бу жараённинг асосий сабаблари қуйидагилардир:

— ўз даврида саноатнинг «Б» гуруҳи, айниқса унинг аҳоли кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи тармоқлари республика-

[1] Қейинги беш йилликда саноат ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидаги бу қадар паст кўрсаткичга олиб келган муҳим сабаблар қаторига қайта қуриш муносабати билан ССРИда юз берган мавжуд ётиқ (горизонтал) иқтисодий алоқаларнинг бузилиши ҳам киради.

да бу соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар бўлишига қарамай, анча суст ривожланган эди;

— кейинги йилларда қайта қуриш сиёсати туфайли истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тармоқлар тезроқ ривожлантирилди. Сўнгги йилларда қурилган кўплаб корхоналар асосан ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган дир;

— республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиёти манфаатлари туфайли хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда қурилаётган кўп корхоналар асосан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўзда тутади.

Ўзбекистоннинг ундирувчи ва ишлаб берувчи саноат тармоқларини ўзаро боғлиқ ҳолда, самарали мутаносиблик ва суръатларда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги пайтда инсоният ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг 65%и минерал хом ашё негизида, қолган 35% и эса органик ва тирик табиат ресурслари асосида тайёрланмоқда. Шунинг учун ҳам фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва қазиб олишни йўлга қўйиш ҳозирги замон саноатида муҳим вазифадир.

Ўзбекистонда табиий минерал ресурслар (газ, нефть, кўмир, мис, олтин, вольфрам, молибден, қурилиш материаллари) негизида ишловчи ундирувчи саноат кейинги йилларда анча тез суръатлар билан ривожлантирилди. Лекин унинг умумий саноат таркибидаги салмоғи ҳали нисбатан пастдир. Саноат ялпи маҳсулотининг ҳажми бўйича ҳам, саноатда банд бўлган ишчиларнинг сонига кўра ҳам ишлаб берувчи саноат тармоқларининг салмоғи ҳозирги пайтда 90% дан ошади. Ундирувчи саноатнинг салмоғи эса, аксинча, 10% га ҳам етмайди.

Маълумки, саноат иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияда мажмулар таснифи асосида ўрганилади. Бунда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг истеъмол доираси, хом ашёлардан фойдаланиш ёки технологиянинг ўхшашлигига кўра саноат тармоқлари айрим мажмуларга бирлаштирилади. Жумладан, ёқилғи ва электр энергетика саноатлари ёқилғи-энергетика мажмуини; машинасозлик саноати тармоқлари машинасозлик мажмуини; қора ва рангдор металлургия, кимё, қурилиш материаллари, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноатлари яроқли материаллар ишлаб чиқариш тармоқлари мажмуини; енгил ва озиқ-овқат саноатлари аҳоли кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш мажмуини ташкил қилади.

Саноат тармоқлари ҳар бир саноат мажмуи ва тармоғи билан танишиш давомида ҳудудий ташкил этилади. (1-харитага қаранг).

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУИ

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуи ноҳияларараро аҳамиятга эга бўлиб, республика ялпи саноат маҳсулотининг 8,9% ини ишлаб чиқаради. Бу мажму икки гуруҳга—ёқилғи саноати ва электр энергетика саноатига бўлинади. Ўзбекистонда бу саноат тармоқ-

лари асосан янги ташкил этилган бўлиб, юқори иқтисодий самара билан ишлайди.

ЁҚИЛҒИ САНОАТИ

Ёқилғи саноати Ўзбекистон оғир саноатининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, табиий газ, нефть, кўмир қазиб чиқаришни, нефтни қайта ишлашни ва тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб беришни ўз ичига олади. Уларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш ишлаб чиқарувчи кучларнинг, аввало, саноатнинг ривожланишига ва ҳудудий жойланишига катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистоннинг газ заҳиралари катта бўлиши билан бирга уларни ишга солиш ниҳоятда қулайдир. Шу сабабли бу тармоқ жуда тез ривожлантирилди. У кўпдан буён республика ёқилғи-энергетика балансида асосий роль ўйнамоқда. Бу тармоқнинг йирик конлари ишга солиниши туфайли Ўзбекистонда унинг билан боғлиқ бошқа саноат тармоқларини тез ривожлантириш имконияти туғилди. Ёқилғи ва қувватни кўп истеъмол қиладиган иссиқлик электр энергетикаси, рангдор металлургия, кимё, цемент ва бошқа саноат тармоқлари 60-йиллар бошидан эътиборан тез суръатлар билан ривожланиб кетди.

Ўзбекистонда йирик табиий газ, нефть, кўмир конларининг ишга солиниши билан кейинги чорак аср давомида республика ёқилғи саноатининг таркиби тубдан ўзгариб кетди, собиқ Иттифоқнинг йирик ёқилғи-энергетика базаларидан бирига айланди. Ёқилғи заҳираларини қазиб олишда ҳам, истеъмол қилишда ҳам табиий газнинг салмоғи кескин ошди. Ўзбекистонда қазиб чиқарилган барча ёқилғи маҳсулотлари орасида газнинг салмоғи, шартли ёқилғи ҳисобида олинганда, 86,5% ни (1990 й.) ташкил қилади.

5-жадвал

Ўзбекистонда ёқилғи маҳсулотларининг қазиб чиқарилиши

	1913 й.	1940 й.	1950 й.	1960 й.	1970 й.	1980 й.	1990 й.
Табиий газ, млн $м^3$	—	0,7	52	447	32094	34840	40761
Нефть (газ конденсати билан бирга) минг т.	13	119	1342	1603	1805	1329	2810
Кўмир, минг т.	—	3,4	1475	3410	3747	5682	6477

Жадвал маълумотлари ёқилғи заҳираларини қазиб чиқариш ўтган йиллар давомида умуман тез суръатларда борганлигини кўрсатади.

Келажакда республиканинг ёқилғи баланси янада такомиллаштирилиб, унда табиий газнинг салмоғи яна орта боради. Қишлоқ жойларнинг ёқилғи балансида шу вақтгача катта салмоққа эга бўлган ғўзапоя ўрнини ҳам яқин йиллар орасида табиий газ эгаллайди. Ҳозирги пайтда республиканинг қишлоқ жойлари ёппасига газлаштирилмоқда. Ғўзапоядан эса бундан кейин гидролиз ва қурилиш материаллари саноатларида хом ашё сифатида фойдаланилади, ундан айниқса поя-қипиқ асосида тахталар (плиталар) ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Газ саноати Ўзбекистон ёқилғи саноатининг энг ёш тармоғидир. Айниқса кейинги ўн йилликларда йирик табиий газ конларининг ўзлаштирилиши натижасида Ўзбекистон табиий газга анча бой ва газ саноати тараққий этган давлатлардан бирига айланди.

Табиий газнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти унинг энг самарали ёқилғи эканлигидагина эмас. Шу билан бирга у кимё саноати учун қимматли хом ашё ҳамдир. Газ саноатининг яна бир муҳим хусусияти унинг ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришга катта таъсир этишида ҳам намоён бўлади.

Ўзбекистонда газ саноатининг ривожланиши республика ёқилғи-энергетика мажмуи таркибини тубдан яхшилаш, илгари бу ресурслар йўқлиги туфайли ривожланмай келган саноат тармоқларини кенг тараққий эттириш имконини берди.

Газ саноати таркибига табиий газни қазиб чиқариш, тозалаш, суюлтириш ва суньий газ тайёрлаш, уни истеъмолчиларга (ёқилғи ёки кимё саноати хом ашёси сифатида) етказиб бериш киради.

Ўзбекистонда газ саноатининг ривожланиши асосан Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларга тўғри келади. Маълумки, нефть конларининг кўпчилигида нефть билан бирга маълум миқдорда «йўлдош газ» ҳам қазиб чиқарилади. Худди шу йўл билан қазиб чиқариладиган табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланила бошланди. Фарғона водийси шарқий қисмидаги нефть конларидан олинган йўлдош газ дастлаб Андижон (12 км), сўнгра Асака ва Фарғона (81 км) шаҳарларига қувурлар орқали олиб келинди.

1945 йили республикада атиги 9 млн $м^3$ табиий газ қазиб чиқарилган бўлса, 1965 йилда 16,5 млрд $м^3$, 1970 йилда—32,1 млрд $м^3$ газ қазиб чиқарилди. Янги йирик табиий газ конлари (масалан, Шўртан кони)нинг ўзлаштирилиши асосида Ўзбекистонда газ қазиб чиқариш яна кучайтирилди. Унинг миқдори 1980 йилда 34,8 млрд $м^3$ ни, 1990 йилда эса 40,8 млрд $м^3$ ни ташкил қилди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон республикаси газ қазиб чиқаришда Россия Федерацияси ва Туркманистондан кейингина туради.

Ўзбекистонда газ қазиб чиқаришнинг кейинги чорак аср давомида бу қадар тез суръатлар билан ривожланиши Бухоро—Хива геологик ноҳиясидаги йирик газ конларининг топилиши ва ўзлаштирилиши билан боғлиқдир. Газли, Ўртабўлоқ, Учқир, Жарқоқ каби қатор газ конлари ана шулар жумласидандир. Кейинчалик яна ҳам истиқболлироқ Муборак ва Шўртан конлари

ишга туширилди. Шунга кўра газ қазиб чиқариш жўғрофиясида талай ўзгаришлар юз берди. Агар дастлабки пайтларда қазиб чиқарилган табиий газнинг 90% дан ортиғи Бухоро вилоятида жойлашган конлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, эндиликда бу ўринни Қашқадарё вилояти конлари эгаллади — республикада қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 80% дан кўпроғи ушбу минтақадан олинмоқда. Яқин йиллар ичида яна ҳам каттароқ заҳирага эга бўлган Кўкдумалоқ газ конининг ишга туширилиши билан бу юртнинг газ қазиб чиқаришда салмоғи янада ошади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилоятида ўзлаштирилган табиий газ конларидан таркибида олтингугурт, учувчан енгил нефть бирикмалари бўлган газ қазиб олинмоқда. Табиийки, бундай газни қайта ишлаш, тозалаш талаб қилинади. Муборак шаҳрида шундай газни тозалайдиган йирик мажму қурилган.

Ўзбекистонда қазиб чиқарилаётган табиий газ истеъмолчиларга асосан қувурлар орқали етказиб берилмоқда.

Шуни алоҳида қайд қилиш жоизки, Ўзбекистон раҳбарияти ўтказаётган мустақил сиёсат туфайли республика газидан фойдаланиш жўғрофиясида сезиларли ўзгариш рўй бермоқда. Илгари бизда қазиб олинган газнинг 75% и республикадан ташқарига чиқариб келинган бўлса, эндиликда унинг асосий қисми ички ноҳияларни, ўз ишлаб чиқариш корхоналарини таъминлашга сарфланмоқда. Бу иш янада ривожлантирилади. Ўзбекистон Президентининг фармонига кўра 90-йиллар ўрталаригача республика қишлоқлари тўла газлаштирилади.

Ўзбекистон газ саноатининг яқин истиқболлари қазиб олинаётган газ ресурсларидан янада самарали фойдаланиб, бутун республикани тўла газлаштириш билан бевосита боғлиқдир.

Нефть саноати ҳозирги замон ёқилғи саноатининг энг самарали турларидан биридир. Нефть ва нефть маҳсулотлари турли мақсадларда ишлатилади. Улар жуда юқори иссиқлик берувчи ёқилғи тури бўлибгина қолмай, кимё саноатининг қимматли хом ашёси ҳамдир.

Нефть қазиб олингач, махсус заводларда қайта ишланади ва ундан тегишли маҳсулотлар олинади. Энг қимматли нефть бирикмалари ички ёниш двигателлари учун ёнилғи сифатида ишлатилади. Нефть ва ҳатто унинг чиқиндилари ҳам кимёвий маҳсулотлар манбаи ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси нефтнинг ҳозирги замон саноатидаги аҳамиятини белгилаб беради.

Нефть саноати Ўзбекистон ёқилғи саноатининг тўнғич тармоғидир. Республикамиз ҳудудидаги дастлабки нефть кони Чимёнда 1904 йилда топилган эди. Октябрь тўнтариши арафасида учта кондан — Чимён, Селроҳа, Ёрқўтон конларидан нефть олинар эди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда нефть саноати анча ривож топган. Унинг жўғрофияси ҳам кенгайди. Ўзбекистоннинг дастлабки мустақиллик йилида Наманган вилоятида аниқланган Мингбулоқ нефть кони республикада нефть қазиб чиқаришни яқин йилларда

кескин кўпайтириш имконини беради. Эндиликда нефть Фарғона водийсидагина эмас, шунингдек Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳам қазиб олинмоқда.

Ўзбекистонда 1913 йилда 13 минг тонна нефть қазиб олинган бўлса, 1924 йилда — 6 минг, 1940 йилда — 119 минг, 1975 йилда — 1352 минг тонна қазиб чиқарилди. 1990 йилга келиб, бу кўрсаткич 2810 минг тоннани ташкил этди.

Ўзбекистонда нефтни қайта ишлаш саноати ҳам мавжуд. Фарғона водийсида иккита завод — Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб турибди. Бу заводларда автомобиль бензини, дизель ёқилғиси, ҳар хил техник мойлар, битум, қорамой ва бошқа нефть маҳсулотлари олинади. Лекин бу заводларда ишлаб чиқарилган нефть маҳсулотлари республика эҳтиёжларини тўла қондира олмайди ва бундай маҳсулотларнинг етишмаган қисми бошқа республикалардан келтирилмоқда. Жумладан, республикамизнинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш учун Ғарбий Сибирь нефтидан фойдаланилмоқда.

Кўмир саноати. Ўзбекистонда кўмир заҳиралари катта эмас. Кўмир Тошкент вилоятида жойлашган Ангрен кони ва Сурхондарё вилоятидаги Шарғун конидан қазиб чиқарилади. Ангрен кони республиканинг асосий кўмир базасидир. Ундан Ўзбекистоннинг 95% дан кўпроқ кўмири қазиб олинади.

Ватан уруши йилларигача республикада кўмир саноати деярли йўқ эди; кўмир бошқа республикалардан келтирилар эди. 1940 йилда Оҳангарон водийсида йирик қўнғир кўмир ҳавзаси топилди ва қисқа муддат ичида уни ишга тушириш юзасидан катта ишлар қилинди. 1941 йилдаёқ узунлиги 120 км бўлган Тошкент—Ангрен темир йўли ва автомобиль йўли қурилди.

Ангрен кўмирининг сифати ва ҳарорати паст бўлса-да, заҳирасининг катталиги, Тошкент каби саноат марказига ва бошқа истеъмолчи ноҳияларга яқин жойлашганлиги, ундан очиқ усулда кўмир қазиб олиш мумкинлиги ҳавзанинг тез ўзлаштирилишига, кўмир қазиб чиқаришнинг тез суръатда ўсишига сабаб бўлди.

Ватан урушидан кейин Ангрен кўмиридан мажму фойдаланишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди, жумладан, кўмирнинг бир қисми ер тагида газга айлантирила бошлади.

Ангрен кўмири Ўрта Осиёда таннархи энг арзон кўмирдир. Унинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаб, халқ хўжалиги учун аҳамиятини янада ошириш мумкин. Гап шундаки, Ангрен кўмирини қазиб олишда у билан бирга учрайдиган қимматбаҳо хом ашё — гилмоя чиқинди сифатида ташлаб юборилмоқда ва ундан жуда кам фойдаланилмоқда. Масалан, ҳар йили олинаётган миллионлаб тонна гилмоядан фақат озгинаси ишлатилади. Ваҳоланки, у чинни, цемент, ҳатто алюминий саноатини ривожлантиришда қимматли хом ашё сифатида ишлатилиши мумкин.

Бундан ташқари, Ангрен кўмири ёқилганда ҳосил бўладиган кулнинг таркибида айрим нодир ва тарқоқ моддалар борлиги

аниқланган. Ангрен кўмиридан мажму фойдаланиш масаласини ҳал қилиш кўмир ҳавзасининг аҳамиятини янада оширади.

Ўзбекистоннинг иккинчи кўмир кони Сурхондарё вилоятидаги Шарғун конидир. Бу кон кўмирининг сифати анча яхши (кокслаииш хусусиятига эга) бўлса-да, лекин заҳираси кам, қазиб олиш ва ташиш шароити қийин. Шарғун кони қурилиши Улуғ Ватан уруши йилларида бошланиб, 1958 йилда ишга туширилди.

Ўзбекистонда бу иккала кўмир кони ишга туширилиши муносабати билан кўмир қазиб чиқариш ўсиб борди. 1940 йилда 3,4 минг тонна кўмир қазиб чиқарилган бўлса, 1970 йилда 3,7 млн, 1980 йилда 5,7 млн, 1990 йилда эса 6,5 млн тонна қазиб чиқарилди.

Кўмир саноати Ўзбекистонда янада ривожланаверади. Ривожланиш асосан Ангрен кўмирини қазиб олишни кўпайтириш, шунингдек Шарғун тошкўмирини қазиб чиқаришни кенгайтириш, Бойсун тошкўмир конини ишга солиш ҳисобига бўлади.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИ

Электр қуввати ҳосил қилиш бутун ёқилғи-энергетика мажмуи энг илғор, халқ хўжалиги барча тармоқлари ва аҳолининг кундалик турмуши учун энг зарур йўналишдир. Электр қуввати бўлмаса, халқ хўжалигини жадал ривожлантириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам халқ хўжалиги тармоқларини, шаҳар ва қишлоқларни электрлаштириш биринчи даражали аҳамият касб этди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1913 йилнинг охирларида 43 та майда электр станциялари бўлиб, шундан 31 таси Тошкент шаҳрида жойлашган эди. Улар орасида қуввати 10—15 от кучига эга бўлганлари ҳам бор эдики, Тошкент трамвайига хизмат кўрсатувчи электр станциясининг қуввати 125 от кучига тенг эди. Ўша йили ҳаммаси бўлиб 3,3 млн квт соат электр қуввати ҳосил қилинган эди.

Ўзбекистон электр энергетика саноатининг тараққиёти ГОЭЛРО режасидан бошланди ва у икки даврни босиб ўтди.

Республикада аввал гидроэлектр станциялар қурилдики, бу мақсадга мувофиқ эди. Чунки ёқилғи четдан келтирилганлиги учун иссиқлик электр станцияларида ҳосил қилинган қувватнинг таннархи юқори бўларди. Сув қувватидан фойдаланиш Ўрта Осиё республикаларида муҳим бўлган бошқа бир муаммони — янги ерларни суғоришни ҳам ҳал қилиб берарди. Шунингдек, Ўзбекистондаги дастлабки ГЭСлар асосан каналларда, кичик дарёларда қурилиб, иқтисодий ва техник жиҳатдан осон ва арзонга тушар эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда электр энергетика тараққиётининг дастлабки йилларидан дарёлар сувидан ҳам энергетика, ҳам суғориш мақсадларида фойдаланишга асосий эътибор берилди.

1926 йилда ишга туширилган Бўзсув ГЭСи Ўрта Осиёдаги дастлабки гидроэлектр станцияси эди. Улуғ Ватан урушигача Чир-

роэлектр станциялари, жумладан, Чотқол дарёсида йирик Қуйи Чотқол ГЭСи қурилиши кўзда тутилади (2-харитага қаранг).

РАНГДОР МЕТАЛЛУРГИЯ

Рангдор, асл ва нодир металларни қазиб олиш, бойитиш ва эритишни ўз ичига оладиган рангдор металлургия, унинг кенг тармоқлари Ўзбекистоннинг дунёвий аҳамиятга эга бўлган иқтисодий соҳаларидан бири ҳисобланади. Республикамиз ҳудудида заҳираси бўйича анча истиқболли, қазиб олишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари қулай бўлган қатор мис, полиметалл, вольфрам, молибден конлари, алюминий ва магний хом ашёлари, бошқа рангдор ҳамда нодир металлар топилган.

Ўзбекистоннинг рангдор металлургияси анча ёш ишлаб чиқариш тармоқларидандир. Шунга қарамай, унинг ҳиссасига Ўрта Осиё республикаларида ишлаб чиқарилган рангдор металларнинг 2/3 қисмидан кўпи тўғри келади.

Конларни ишга солиш жараёнида республикамизда 1935 йилда вольфрам-молибден, 1941 йилда флюорит, 1952 йилда қўрғошин-рух, 1959 йилда эса мис қазиб чиқариш ва бойитиш ҳамда уларнинг концентратларини тайёрлаш саноати вужудга келди. Дастлабки даврларда Ўзбекистоннинг рангдор металлургияси рудаларни қазиб чиқариш, бойитиш ҳамда тайёрланган концентратларни бошқа республикаларга тайёр маҳсулот олиш учун жўнатиш билан шуғулланган бўлса, эндиликда у мазкур саноат ҳамма ишлаб чиқариш босқичларини ўз ичига олувчи тўла циклли саноат тармоғига айланди.

Бу саноатнинг корхоналари Олмалиқ, Мурунтов (Зарафшон), Навоий тоғ-металлургия комбинатлари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа бардошли қотишмалар комбинати (Чирчиқ), Ингичка ҳамда Қўйтош кон бошқармалари, «Ўзбекистон олтини» комбинати ва бошқалардир.

Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати рангдор металлургиянинг йирик корхоналаридан биридир. Бу комбинат мис, полиметалл рудаларини қазиб олиш, бойитиш, мис ва рух эритиш корхоналарини бирлаштиради. (5-чизмага қаранг).

Мис Қалмоққир ва Саричекув конларидан қазиб олинади ҳамда комбинат таркибига кирувчи бойитиш фабрикасида бойитилиб, мис заводида эритилади.

Қўрғошинкон ва Олтинтопкан полиметалл конларидан қазиб олинадиган рудалар қўрғошин-рух бойитиш фабрикасида бойитилади. Рух концентратлари комбинат таркибидаги рух заводида эритилади, қўрғошин концентратлари эса эритиш учун ҳозирча республикадан ташқарига чиқарилмоқда. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг рух ва қўрғошин саноати билан боғлиқ корхоналари таркибига сульфат кислоталари ишлаб чиқарувчи корхона ҳам киради.

Умуман республикамизда рангдор металлургиянинг мис, рух ва қўрғошин тармоқларини ривожлантириш истиқболлари жуда яхши. Масалан, Ўзбекистон миси Ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган энг арзон ва сифатли мисдир. Ҳозирги асосий мис конларидан бири — Қалмоққирда 1 т руда қазиб олиш учун сарф қилинадиган капитал маблағ МДҲ мис саноатидаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 2 марта, 1 т руданинг таннархи эса 1,9 марта камдир. Бунинг асосий сабаби шундаки, Ўзбекистонда мис рудалари очиқ усулда қазиб олинади. Умуман Ўзбекистонда ҳозир рангдор, асл ва нодир металл конларининг 95% идан рудалар очиқ усулда қазиб олинмоқда.

Мис саноатининг истиқболи ишлаб турган Қалмоққир, Саричекув конлари ҳамда шу ноҳиядаги Дальнее, Балиқти каби конларни ишга солиш билан чекланмайди. Республиканинг бир қатор бошқа ноҳияларида ҳам истиқболли мис конлари топилган. Улардан муҳимлари Жанубий Ўзбекистондаги Хандиза ва Чақчар, Бухоро вилоятидаги Қизилқум, Фарғона водийси ва бошқа жойлардаги мис конларидир. Бу 15 дан ортиқ мис конини ишга солиш мис саноатининг хом ашё базасини кенгайтиради, янги бойитиш фабрикалари қуриш, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатидаги мис заводининг қувватини ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда мис, қўрғошин ва рух саноатининг бир ерда жойлашганлиги муҳим қулайликлар туғдиради. Бу эса уларнинг чиқиндиларидан халқ хўжалигида фойдаланиш, рангдор металлургия конлари ўртасида боғланиш ва уларнинг кимё саноати билан кооперациясини амалга ошириш имконини беради.

Мис-металлургия комбинати Олмалиқ аммофос заводига сульфат кислотаси етказиб бермоқда, кимё саноати корхоналарида синтетик толалар, қишлоқ хўжалиги учун заҳарли кимёвий моддалар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур ишлаб чиқариш компонентлари билан таъминлаб турибди.

Ўзбекистон рангдор металлургиясининг катта аҳамиятга эга бўлган яна бир тармоғи вольфрам, молибден рудаларини қазиб олиш, бойитиш ва улар асосида қийин эрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар тайёрлаш саноатидир.

Вольфрам-молибден концентратлари Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли қотишмалар комбинатида эритилади. Комбинат Ҳамдўстликдаги энг йирик корхоналардан бири бўлиб, хилма-хил маҳсулотлар (вольфрам ва молибден симлари, қаттиқ қотишмалар прокати, тоғ жинсларини пармалайдиган асбоблар ва ҳоказо) ишлаб чиқаради, унинг маҳсулотлари Ҳамдўстлик давлатларининг деярли ҳаммасига юборилади.

Ўзбекистон рангдор металлургиясининг энг аҳамиятли тармоқларидан бири олтин саноатидир. Бу тармоқ анча бой ва нодир хусусиятларга эга бўлган йирик олтин конларига эга. Гарчи Ўзбекистонда қадим-қадимдан олтин қазиб чиқарилган бўлса-да, унинг асосий конлари сўнгги ўн йилликлар даврида излаб топилди ва ишга солинди. Ҳозирги пайтда Нурота, Чотқол тоғлари ён-

бағирлари ва Марказий Қизилқумдаги Маржонбулоқ, Чодак, Мурунтов конларидан олтин қазиб олинмоқда. Зарафшон шаҳрида йирик олтин тайёрлаш комбинати ишлаб турибди. 1991 йилдан бошлаб Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати таркибида йўлдош асл металлар (олтин, кумуш)ни ажратиб оладиган цех ишга туширилди. Бу қимматбаҳо ресурслар энди мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда алюминий саноатини ривожлантириш учун ҳам зарур шароит ва заҳиралар мавжуддир.

Республикада шунингдек, сурьма, қалай ва бошқа рангдор металл конлари ҳам аниқланган.

ҚОРА МЕТАЛЛУРГИЯ

Қора металлургия барча иқтисодий ноҳиялар ва бутун республика хўжалигини ҳар томонлама мажму ривожлантириш учун зарур моддий негиздир. Қора металлургия маҳсулоти халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника тараққиётини белгилаб берувчи машинасозлик саноати учун хом ашё, унинг асосий пойдевори ҳисобланади.

Ўзбекистонда қора металлургия саноатига Ватан уруши йилларида асос солинди. Бу даврда республикамизга собиқ Иттифоқнинг ғарбий ноҳияларидан кўплаб машинасозлик корхоналари кўчирилиб, металлга бўлган талаб ортган эди. Ана шундай бир шароитда қурила бошлаган Бекобод металлургия заводи 1946 йилда ишга туширилди. Асосан темир-терсакларни қайта эритиш асосида ишлайдиган бу завод-прокат ўз техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича тармоқнинг юқори рентабелли корхоналаридан ҳисобланади.

70-йиллар иккинчи ярмида Ўзбекистон металлургия заводида электр қуввати ёрдамида пўлат эритиш цехи ва янги прокат цехи ишга туширилди. Пўлат эритиш цехидаги технологик жараёнларни бошқариш автоматлаштирилган. Заводда кенг истеъмол буюмлари (сирланган металл идишлар ва ҳоказо) ишлаб чиқарадиган цех ҳам ишлайди.

Корхона ишлаб турган барча йиллар давомида пўлат ва прокат ишлаб чиқариш узлуксиз кўпайиб борди. 1946 йилда 23 минг т. пўлат ва 3 минг т. прокат ишлаб чиқарилган бўлса, бу кўрсаткичлар 1965 йилда тегишли равишда 368 минг т. пўлат ва 255 минг т. прокатни, 1990 йилда эса 1015 минг т. пўлат ҳамда 955 минг т. прокатни ташкил қилди.

Тошкентдаги «Иккиламчи қора металл» заводида (Бухоро, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида) темир-терсакларни қайта ишловчи махсус корхоналар ҳамда цехлар қурилди.

Лекин Ўзбекистонда қора металлургия маҳсулотларига талаб ортиб бораётганлигига қарамай, Бекобод заводи маҳаллий эҳтиёжларнинг жуда оз қисминигина қондирмоқда. Бунинг устига заводда прокатларнинг фақат маълум навларигина ишлаб чиқари-

лади. Шу билан бирга Бекободда тайёрланаётган прокатларнинг бир қисми қўшни республикаларга ҳам жўнатилади.

Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларини тўла газлаштириш ва ичимлик суви билан таъминлаш режалари Бекобод металлургия заводида металл қувурлар тайёрлайдиган махсус цехнинг ишга туширилишига олиб келди. Газ ва сув қувурлари ишлаб чиқариш янада кенгайтирилди.

Заводни келажакда янада кенгайтириш ва қайта тузиш жараёнида ишлаб чиқариладиган прокат турларини маҳаллий эҳтиёжларга қараб ўзгартириш мўлжалланади. Бекобод заводининг қувватини янада ошириш давр талабидир, чунки бу корхона ҳозирги вақтда Ўрта Осиё республикаларида йиғилиб қолаётган темир-терсакнинг чорагини ҳам қайта эритиб улгуролмаяпти.

Республика ҳудудида қора металлургияни ривожлантириш учун зарур бўлган темир ва марганец рудалари, флюс материаллари ва ўтга чидамли хом ашёлар ҳам топилган. Бу хом ашёлар асосида келажакда тўла циклли қора металлургия саноатини барпо этиш мумкин.

МАШИНАСОЗЛИК МАЖМУИ

Машинасозлик оғир саноатнинг энг йирик ва етакчи тармоғидир. Унинг аҳамияти, аввало, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти ютуқларини халқ хўжалигининг барча тармоқларида жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришда намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам мамлакат ва ноҳиялар иқтисодиётининг умумий тараққиёт даражаси машинасозликнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Ўзбекистон шароитида машинасозлик саноатининг ривожланиши муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, машинасозлик малакали иш кучини кўп талаб қилганлигидан уни аҳолиси ва меҳнат ресурслари юқори суръатлар билан ўсаётган республикамизда ривожлантириш айниқса муҳимдир.

Машинасозлик саноати Ўзбекистонда асосан Совет ҳокимияти йилларида барпо этилди. Октябрь тўнтаришидан аввал Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида машинасозлик ва металлсозлик еттита кичик, ярим кустар ҳолидаги устахоналардан иборат бўлиб, унинг ялпи саноат маҳсулотидаги салмоғи 1913 йилда 1% ни ташкил этган эди. Энг катта саноат корхонаси темир йўл транспорти машина ва ускуналарини таъмирлаш билан шуғулланарди.

Совет ҳокимияти йилларида республикада машинасозлик саноати юқори суръатлар билан ривожлантирилди. Масалан, 1940—1975 йиллар орасида Ўзбекистонда саноат ялпи маҳсулоти 13 марта ортган бўлса, машинасозлик саноатида 587 марта ўсди. Ўнинчи беш йилликда (1976—1980) ҳам машинасозлик анча юқори суръатлар билан ривожлантирилди. Бутун саноат маҳсулоти иш-

лаб чиқариш 35—38% ўсгани ҳолда, машинасозлик маҳсулоти 1,5 марта кўпайди. 1980—1989 йилларда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 46% ва 65% ни ташкил қилди.

Умуман Ўзбекистон машинасозлик саноати тараққиётини Ватан урушигача бўлган давр, Ватан уруши даври ва урушдан кейинги даврларга бўлиш мумкин.

Ватан урушигача бўлган даврда Ўзбекистон машинасозлиги асосан маҳаллий эҳтиёжларни қоидириш учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш вазифасини бажарди ва минтақа аҳамиятига эга бўлган даражада ривожланди. Маълумки, Ўзбекистонга ва бошқа пахтакор республикаларга бу даврда қишлоқ хўжалиги, аввало пахтачилик учун машиналар зарур эди. Шунинг учун ҳам бу даврда қурилган машинасозлик корхоналари асосан қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарувчи, уларни таъмирловчи, шунингдек пахтани қайта ишловчи саноат учун ускуналар ишлаб берувчи корхоналар эди. Ўзбекистон машинасозлигининг дастлабки йирик корхонаси Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Тошкент таъмирлаш-механика заводи, экскаватор-таъмирлаш заводи (ҳозирги экскаватор заводи), Самарқанддаги қишлоқ хўжалик машиналарини таъмирловчи «Деҳқон» заводи, Андижондаги пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатлари учун ускуналар ишлаб чиқарувчи «Коммунар» заводи ва бошқа корхоналар қурилган эди. Натижада Ўзбекистон машинасозлиги собиқ Иттифоқдаги пахтакор республикаларни машиналар билан таъминлай бошлади.

Ватан уруши даври Ўзбекистон машинасозлиги тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Бу даврда республика машинасозлигининг ривожланиш суръатлари ва даражаси, таркиби ҳамда ихтисоси анча ўзгарди.

Уруш йилларида собиқ Иттифоқнинг ғарбий ноҳияларидан бир қанча машинасозлик кўчириб келтирилиб, Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилди. Кўчириб келтирилган корхоналар орасида авиация заводи, карборунд заводи, «Подъемник» ва абразив заводлари, «Красный Аксай» (Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи), «Ростсельмаш» ва бошқа заводлар бор эди. Бу заводларнинг ҳаммаси Тошкентда жойлаштирилди. «Ростсельмаш»нинг филиали Чирчиқда жойлаштирилди (ҳозирги Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи). Кимё машинасозлиги заводи (ҳозирги Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводи), «Красный двигатель» заводи Самарқандда жойлаштирилди.

Машинасозликнинг турли соҳаларига мансуб бу корхоналар Ўзбекистон машинасозлик саноатининг таркиби ва ихтисосига жиддий таъсир кўрсатди, албатта. Уруш йилларида республика машинасозлиги асосан фронт эҳтиёжларини таъминлаб турди.

Урушдан кейинги даврда Ўзбекистон машинасозлиги кўп тармоқли соҳага айланди. Бу даврда республиканинг собиқ Иттифоқ миқёсидаги асосий ихтисос соҳаси — пахтачилик мажмуига хизмат қилувчи машинасозлик тармоқлари кўпроқ тараққий этди.

Шунингдек, электротехника, асбобсозлик, йўл қурилиши, саноат тармоқлари учун ускуналар ишлаб чиқариш тез ривожланди ва Ўзбекистон машинасозлигининг салмоқли соҳаларига айланди. Ҳозир республикада илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари билан бирга 276 та йирик машинасозлик ва металлсозлик корхоналари ишлаб турибди. Бу корхоналарда Ўзбекистон саноат ишчиларининг 28,1% и ишлайди.

Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон машинасозлиги мажмуининг ривожланиш кўрсаткичлари келтирилган.

6-жадвал

Ўзбекистон машинасозлик мажмуида айрим машиналар ишлаб чиқаришнинг ўсиши

	1940 й.	1950 й.	1960 й.	1970 й.	1980 й.	1990 й.
Тракторлар, минг дона	—	—	—	21,1	24,2	23,3
Пахта териш машиналари, минг дона	5 дона	4,6	3,2	5,9	9,1	5,3
Трактор тиргагичлари, минг дона	—	—	—	38,5	37,1	36,6
Культиваторлар, минг дона	1,9	7,8	10,0	20,1	19,3	14,8
Экскаваторлар, дона	—	134	700	1025	1505	900
Тўқув дастгоҳлари, дона	—	870	419	811	1704	1539
Электр кўприк кранлари, дона	—	199	670	871	1387	1412
Лифтлар, дона	—		—	250	6240	7012

Ўзбекистон машинасозлигининг халқаро миқёсдаги ўрнини пахтачилик мажмуи билан боғлиқ ва унга хизмат қилувчи тармоқлар белгилайди. Республика машинасозлигининг 45% и пахтачилик мажмуи билан боғлиқдир.

Пахтачилик мажмуи билан боғлиқ машинасозлик тармоқлари ҳам уч гуруҳга бўлинади: 1) пахтачилик мажмуини механизациялаштиришга хизмат қиладиган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш (тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги); 2) ирригация-мелиорация машинасозлиги; 3) пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ машинасозлик тармоқлари (тўқимачилик машинасозлиги, пахта тозалаш саноати ва бошқа енгил ҳамда озиқ-овқат саноатлари учун ускуналар ишлаб чиқариш).

Қишлоқ хўжалик машинасозлигида айниқса пахтачилик мажмуига кирувчи машинасозлик тармоқлари юқори даражада ривожланган. Пахтачиликда ишлатиладиган машиналарнинг кўпчилиги Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётганлиги сабабли унинг машинасозлик корхоналари Ҳамдўстликнинг барча пахтакор мамлакатларини хилма-хил машиналар билан таъминлаб туради.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ўртасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашиш ҳам яхши тараққий этган.

Республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг деярли ҳаммаси кейинги йилларда қайта қурилмоқда, янги ускуналар, замонавий технологик воситалар билан таъминланмоқда.

Бу соҳада республика қишлоқ хўжалик машинасозлигининг бош корхонаси — Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида эришилган ютуқлар характерлидир. Бу заводда кенгайтириш ва қайта қуришнинг биринчи навбати асосан тугалланди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Ўзбекистон» маркали пахта териш машиналари совет ва чет эл мутахассислари томонидан яхши баҳоланди. Завод ингичка толали пахта теришга мўлжалланган машиналар ҳам ишлаб чиқара бошлади. Сирдарё ва Чирчиқ шаҳарларида бу заводнинг филиаллари қурилган. Кейинги йилларда ташкил қилиниб, барча қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарини ўз ичига олган «Уюшмамашпахтачилик» илмий ишлаб чиқариш саноат бирлашмаси Ўзбекистон машинасозлик саноати маҳсулотининг 50% ини ишлаб бермоқда. Бирлашма пахтачилик учун зарур машиналарни ишлаб чиқаришни режалаштиришда тармоқ ва ҳудудий принципларни қўшиб олиб борадики, бу нарса машиналарни лойиҳалаштиришдан тортиб уларни ишлаб чиқаришни жорий этишгача бўлган барча ишларни ташкил қилиш имконини беради.

Машинасозликнинг пахтачилик мажмуи таркибига кирувчи яна бир йўналиши ирригация-мелиорация машинасозлигидир. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, каналлар, сув омборлари қурилиши бундай машиналарга талаб ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Республикамизда ирригация машинасозлигининг энг йирик маркази Андижондир. Бу ерда ирригация-мелиорация машиналари Андижон ирригация машинасозлиги ва Андижон машинасозлик заводларида ишлаб чиқарилмоқда. Аммо республикамизда ишлаб чиқарилаётган ирригация машиналари маҳаллий талабларни тўла қондира олмайди.

Пахтачилик мажмуи билан боғлиқ машинасозликнинг учинчи йўналиши тўқимачилик машиналари ва пахта тозалаш саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқаришдир. Машинасозликнинг бу йўналиши анча тараққий этган.

Пахта тозалаш саноати учун зарур ускуналар ишлаб чиқарувчи Тошкент машинасозлик, Андижондаги «Коммунар», Самарқанд пахтачилик машинасозлиги, Олмос (Наманган вилояти) пахта тозалаш ускуналари учун қисмлар ишлаб чиқарувчи заводлари ва бу соҳа бўйича давлат конструкторлик илмий ишлаб чиқариш муассасалари ишлаб чиқариш бирлашмасига уюшган. Бирлашма Ҳамдўстлик мамлакатларидаги пахта тозалаш заводларини ускуналар билан таъминлайди. Тўқимачилик саноати учун машиналар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги бирлашмасини ташкил қилган. Бу корхоналар тў-

қимачилик машиналарини лойиҳалайди, ишлаб чиқаради ва истеъмолчиларга етказиб беради.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг бундан кейин ҳам тез ривожланиши муносабати билан машинасозликнинг бу йўналишини ҳозирги замон илғор технологияси асосида янада ривожлантириш зарурати сезилмоқда. Жумладан, келажакда Наманган, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида тўқимачилик машинасозлиги билан боғлиқ корхоналар қуриш, Қўқон заводининг ихтисосини бир оз ўзгартириб, унда ипак йигирув машиналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилади.

Умуман, машинасозлик бу йўналишининг асосий вазифаси тўқимачилик ва пахта тозалаш саноати учун машина ҳамда ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмини ва айниқса сифатини ошира бориш, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини яхшилашдир.

Ўзбекистон машинасозлигининг яна бир муҳим тармоғи — электротехника санатидир. Бу тармоқ Ватан уруши йилларида вужудга келиб, республика машинасозлигининг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Бу тармоқнинг республикамиз машинасозлигидаги салмоғи (20%) анча катта. Бу тармоқ корхоналари трансформаторлар, электр станциялар ва подстанциялар учун шчит, панеллар, замонавий мураккаб кабеллар, электр асбоб-ускуналари, умуман 200 турда маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда Ўзбекистон МДҲ да етакчи ўринни эгаллайди, улар чет мамлакатларга ҳам чиқарилади.

Электротехника машинасозлигининг йирик корхоналари Тошкент электротехника ва кабель заводлари, Чирчиқ ва Наманган трансформатор заводлари, Андижон «Электр аппарат» ва «Электродвигатель», Қўқон электр машинасозлиги заводлари ва бошқалардир.

Республика электротехника машинасозлиги корхоналари иккита ишлаб чиқариш-техника бирлашмаси таркибига киради.

Ўзбекистонда электротехника саноати келажакда бундан ҳам тез ривож топади. У саноатнинг сермеҳнат меҳнат тармоғи бўлганлигидан республикамиз шароитида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамият касб этади.

Машинасозлик тармоқлари орасида энг ёш ва ҳозирча кам тараққий этган асбобсозлик катта истиқболларга эга. Гап шундаки, бу тармоқ кўп меҳнат ресурсларини жалб қилади ҳамда республиканинг асосий ихтисос соҳаси бўлган пахтачилик мажмуи таркибида ривожлантирилади. Чунки ҳозирча Ўзбекистоннинг пахта, ипак ва канопни қайта ишлаш корхоналари, шунингдек тўқимачилик корхоналари технологик жараёнларни ташкил қилиш, хом ашё ва маҳсулот сифатини аниқлаш учун мўлжалланган асбоблар билан етарли таъминланмаган. Мавжуд «Пахтачилик асбоблари» заводи асосан пахта тозалаш заводлари учун, пахта навини ва толаси сифатини аниқлаш учун асбоблар ишлаб чиқаради.

Ўзбекистонда инструментал маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам ташкил этилган. Бу йўналиш маҳсулотлари ҳам ҳамдўстликнинг кўпгина районларига жўнатилади. Бу йўналишнинг йирик корхоналари Тошкент инструментал ва абразив заводларидир.

Республикада оғир машинасозлик саноатига мансуб бир қатор корхоналар мавжуд. Тошкентдаги «Кўтаргич», «Компрессор», Чирчиқдаги Ўзбекистон кимё машинасозлиги, Намангандаги машинасозлик заводлари кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатлари учун машина ва ускуналар ишлаб чиқаради. Шунингдек, Тошкент экскаватор, тепловоз тузатиш заводи, автомобиль тузатиш заводлари, Самарқанд лифтсозлик, холодильник, Тошкент ва Фарғона газ аппаратлари заводлари ва бошқа машинасозлик ҳамда металлсозлик корхоналари ҳам ишлаб турибди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда мазкур мажмунинг илмий-техника тараққиёти ҳосиласи бўлган аниқ ва мураккаб машинасозлиги соҳаси тобора ривожланмоқда. Муҳими шундаки, бу йўналиш истиқболли ҳамдир. Тошкентдаги электротехника, «Миконд», «Зенит» заводлари мураккаб электротехника, электроника, телемеханика воситалари ишлаб чиқаради. Сўнгги йилларда ишга туширилган «Алгоритм» бирлашмаси энг такомиллашган электрон-ҳисоблаш мажмулари ишлаб чиқармоқда.

Машинасозлик тармоқларининг бундан кейинги тараққиёти асосан хорижий мамлакатлар ҳамкорлигида ва илғор ишлаб чиқариш технологияси асосида олиб борилади. Ҳозирдаёқ шу йўл билан қурилган айрим корхоналар, жумладан, Тошкентдаги бир марта ишлатиладиган шприцлар (Испания ҳамкорлигида), ўқув компьютерлари (Болгария ҳамкорлигида), телевизор ва видеомагнитофонлар (Хитой ва Жанубий Корея ҳамкорлигида) ва бошқалар маҳсулот бера бошлади.

Мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг кейинги тараққиёти машинасозликнинг бошқа бир қатор тармоқларини ҳам шу йўсинда ташкил этиш ва ривожлантиришни талаб қилади. Жанубий Кореянинг «Дэу», Германиянинг «Мерседес — Бенц» компанияларининг Асака (Андижон вилояти) ва Дўстлик (Хоразм вилояти) шаҳарларида замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган заводларни қуриш юзасидан бошлаган ишлари ҳам бу тармоқнинг шаҳдам ривожланишини таъминлайди.

КИМЁ САНОАТИ

Кимё саноати оғир саноатнинг халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини таъминловчи тармоқларидан биридир. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини пластик массалар, сунъий тола ва синтетик каучук, лок-бўёқ, кислота ва ишқорлар, шунингдек кўплаб бошқа кимёвий маҳсулотларсиз тасаввур қилиш қийин.

Шунинг учун ҳам кейинги вақтда кимё саноати бошқа тармоқларга нисбатан анча юқори суръатлар билан ривожлантирилмоқда. Бу саноатни арзон табиий газ, нефть билан бирга учрайдиган

йўлдош газ, газ конденсатлари, электр қуввати, турли минерал хом ашёлар ҳамда меҳнат ресурсларига бой районларда айниқса тез ривожлантириш мумкин.

Ўзбекистон шундай районлар қаторига киради. Республикамизда табиий газ ва нефтдан ташқари, ош тузи ва калий тузи, фосфорит, гипс, олтингугурт конлари ва бошқа конлар топилган. Рангдор металлургия ва пахта тозалаш саноати чиқиндилари, ғўзапоя кимё саноати учун қимматли хом ашё ҳисобланади. Республикада бу саноат кўпчилик бошқа тармоқларга нисбатан юксак суръатлар билан ривожланмоқда.

Октябрь тўнтаришидан илгари Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида кимё саноати умуман бўлмаган, У совет даврида барпо этилди. 1940—1975 йиллар ичида умуман саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 13 баравар ўсгани ҳолда, кимё саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш 196 баравар ўсди. Ўнинчи беш йилликда унинг маҳсулоти яна икки баравар ортди.

Бугунги Ўзбекистон кимё саноати анча яхши тараққий этган мамлакатлардан биридир. Республикада ҳозирги замон кимё саноатининг жуда кўп маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Азотли, фосфорли ва мураккаб ўғитлар (аммофос), сульфат кислоталар, спирт ва фурфурол, лок-бўёқ ҳамда резина буюмлар, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш воситалари, кимёвий толалар, пластмассалар ва кўплаб бошқа маҳсулотлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон кимё саноатининг дастлаб вужудга келган ҳамда ҳозирги пайтда юқори даражада ривожланган тармоғи пахтачилик мажмуига хизмат қилувчи ва унинг таркибий қисми ҳисобланган минерал ўғитлар ишлаб чиқаришдир. Бу соҳада дастлабки корхоналар биринчи беш йилликлар давридаёқ қурилган бўлиб, улар ўша даврда собиқ иттифоқ бошқа районларидан келтириладиган ўғитларни аралаштириш билан шуғулланувчи Қўқон ва Когон заводлари эди.

Қейинчалик тез ривожланиб бораётган пахтачиликни минерал ўғитлар билан таъминлаш учун республикада йирик минерал ўғит корхоналари қурила бошлади. 1940 йилдаёқ Чирчиқда азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган электрохимия комбинати ишга туширилди. 1946 йилда Қўқон ва 1957 йилда Самарқанд суперфосфат заводлари қурилди. Бу корхоналар асосий ишлаб чиқариш компоненти бўлган фосфоритни илгари Кола ярим оролидан оларди, эндиликда Қоратов (Қозоғистон) конидан олмоқда. Республикада минерал ўғитлар ишлаб чиқариш кенг кўламда ривожланишига Бухоро районида йирик табиий газ конлари топилиб, ишга туширилиши ёрдам берди. Бу конлар ишга туширилиши билан Чирчиқ электрохимия комбинати газ асосида ишлашга ўтди.

60-йиллар давомида табиий газ асосида ишлайдиган Фарғона азот ўғитлари заводи ва Навоий кимё комбинати қурилди. 1969 йилда ишга туширилган Олмалиқ кимё заводи мураккаб ўғитлар

(аммофос) ишлаб чиқармоқда. 70-йиллар ўрталарида Самарқанд суперфосфат заводи қайта қурилиб, бу ерда ҳам аммофос ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда республика бошқа районлардан азот ва суперфосфат ўғитлари келтириш ўрнига ўзи бошқа республикаларга шундай ўғитлар чиқармоқда.

Маълумки, у ё бу саноат тармоғининг тараққиёти кўп ҳолларда унинг экологик шароитга қай даражада таъсир этиши билан ўлчанади. Қўқон суперфосфат заводи атроф-муҳитга кучли салбий таъсир этиб келганлиги сабабли унинг иши тўхтатилди ва бошқа хил маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

Кимё саноати ишлаб чиқарадиган ва пахтачилик мажмуи билан боғлиқ маҳсулотлар ичида ғўза зараркунандаларига ва бегона ўтларга қарши ишлатиладиган кимёвий воситалар, ғўза баргини тўкадиган дефолиантлар каби моддалар ҳам бор. Бундай моддалар Навоий электрохимия комбинатида, Фарғона азот ўғитлари заводида ва бошқа заводларда тайёрланмоқда.

Кимёнинг турли мақсадларда фойдаланиладиган яна бир маҳсулоти сульфат кислотадир. Яқин йилларгача бу маҳсулот Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводларида тайёрланиб, минерал ўғитлар, органик синтез кимёси, нефтни қайта ишлаш, рангдор металлургия, енгил ва бошқа тармоқлар эҳтиёжини қондира олмас, шу туфайли у кўплаб бошқа районлардан (асосан Уралдан) келтирилар эди. Эндиликда Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибидаги мис ва рух заводлари ёнида сульфат кислота ишлаб чиқарадиган иккита цех ишга туширилди ва бу қимматли маҳсулот билан таъминлаш анча яхшиланди.

Республикада кимё саноатининг кенжа тармоқларидан бири— органик синтез кимёси тез ривожланмоқда. Унинг тараққиёти ҳам газ саноати билан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда бу соҳанинг энг йирик корхонаси Навоий кимё комбинати ҳисобланади. Унинг таркибида ацетилен, сирка кислотаси, ацетил-целлюлоза, нитрон тола ишлаб чиқарадиган махсус қувватлар яратилган. Фарғонада ацетат ипак ишлаб чиқарувчи завод ишлаб турибди. Наманган кимё заводида вискоз ипак ишлаб чиқарилмоқда. Бу сунъий толалар турли хил газламалар, гилам, трикотаж ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Кимёвий толалар ишлаб чиқариш Ўзбекистон кимё саноатининг келажакда ҳам юксак ривожлантириладиган йўналишидир. Навоий ва Фарғона бу соҳанинг бундан буён ҳам асосий марказлари бўлиб қолаверади. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган ацетат, нитрон толалар билан бирга винол тола ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Винол толасидан тайёрланган штапель материаллари жаҳон бозорида ингичка толали пахтадан тайёрланган материаллар билан бир хил баҳоланмоқда.

Ўзбекистонда пластик массалар ва улардан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпаймоқда. Тошкент пластмасса заводи қайта қурилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Жиззахда пластмасса қувурлар, Оҳангаронда пластмасса

асосида линолеум, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарадиган заводлар ишга туширилди.

Пластмасса асосида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш истиқболли йўналишлардан бирига айланиб бормоқда. Бунга Тошкентда Италия фирмалари ҳамкорлигида ишга туширилган «Совпластитал» қўшма корхонасининг ютуқлари мисол бўла олади.

Олмалиқ маиший кимё заводида кундалик харид маҳсулотлари билан бирга полимер толалар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Республика кимё саноатининг яна бир йўналиши турли хил резина-техника тармоғидир. Халқ хўжалигида фойдаланиладиган техник резина буюмлар Тошкент, Янгийўл, Ангренда ишлаб чиқарилмоқда. Ангрен резина комбинати анча кенг хилларда маҳсулот ишлаб чиқаради. Келажакда бу ерда автомобиль шиналари ҳам ясалади. Бу эса Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг бу муҳим маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондиришда катта аҳамият касб этади. Тошкент ва Попда шина таъмирлаш заводлари ишлаб турибди.

Поп (Наманган вилояти) резина саноатининг йирик марказига айланмоқда. Бу ерда резинадан пойабзал тайёрловчи завод қурилган.

Кимё саноатининг пахта шелухаси (қавачоқ)дан турли маҳсулотлар (этил спирти, фурфурол, кселит, сарбит, фуран, фурил спирти, оқсил ачитқиси) ишлаб чиқарадиган гидролиз тармоғи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг айрим маҳсулотлари, масалан, фурфурол ҳамдўстликнинг кўпчилик районларига жўнатилади. Фурфурол жуда кўп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ишлатилади. Бинобарин, унинг негизида тайёрланадиган синтетик смолалар ижобий сифатларга эга бўлади. Ҳозир Фарғона гидролиз заводи фуран бирикмалари (асосан фурфурол) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Андижон гидролиз заводида хом ашё сифатида шелуха ўрнига ғўзапоя ишлатиш тажрибалари ўтказилди. Бу чорвачиликда сифатли озуқа бўлган шелухани тежаб қолиш, унинг ўрнига ғўзапояни кенг ишлатиш имконини беради.

Янгийўлдаги гидролиз заводи микробиологик маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган биохимиявий заводга айлантирилди.

Ўзбекистон кимё саноатининг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўналишларига лок-бўёқ ва маиший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни киритиш мумкин. Тошкент лок-бўёқ заводи хилма-хил маҳсулотлар тайёрламоқда. Олмалиқ заводида кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Лекин республикамизда бу маҳсулотга бўлган эҳтиёж ҳали тўла қондирилмаётир.

Ўзбекистонда кимё саноатини янада ривожлантириш учун барча шароитлар мавжуд. Унинг бундан буёнги истиқболлари сувни кам истеъмол қиладиган ва экологик шароитга зиён келтирмайдиган тармоқларини устунроқ ривожлантириш билан боғлиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУЛАРИ ВА ЦИКЛЛАРИ

Халқ хўжалиги ва айниқса саноатнинг ҳар бир тармоғи мураккаб ҳамда хилма-хил ишлаб чиқариш алоқаларини келтириб чиқаради. Бундай алоқалар тармоқ ва ҳудудий соҳада намоён бўлади. Тармоқ алоқалари халқ хўжалигининг муайян тармоғи ичида ёки тармоқлараро бўлиши мумкин. Шунга кўра бир тармоқ ичидаги ёки тармоқлараро мажмулар вужудга келади.

Ҳудудий ишлаб чиқарш алоқалари ноҳия ичидаги, ноҳияларараро, марказдан қочирма ёки марказга интилувчи ва давлатлараро алоқалар шаклида бўлиши мумкин. Алоқаларнинг мустаҳкамлиги ва доимийлиги, қамраб олинган ҳудуднинг катта-кичиклигига қараб алоҳида олинган агросаноат ва саноат мажмулари, ноҳия ичидаги ҳудудий ишлаб чиқариш мажмулари (ҲИМ) ва ноҳия ишлаб чиқариш мажмулари (НИМ) вужудга келиши мумкин.

Маълумки, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмулари турли ҳажмда ва кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, ноҳия ишлаб чиқариш мажмуи (йирик иқтисодий ноҳиялар), ноҳия ичидаги ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмулари (жумладан, Ўрта Осиё иқтисодий ноҳияси таркибидаги республикалар, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ички айрим вилояти ёки вилоятлари гуруҳини ўз ичига олган ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмулари). Шунингдек, агросаноат мажмулари, саноат тугунлари, агломерациялари, йирик саноат марказлари ҳам ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуига хос белги ва хусусиятларга эга бўлади.

Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи тушунчасини фанга биринчи бўлиб профессор Н. Н. Колосовский киритган. Унинг таърифи бўйича «ишлаб чиқариш мажмуи деб, корхоналарнинг битта саноат нуқтасига ёки бутун бир ноҳиядаги иқтисодий ўзаро боғлиқ бирикмасига айтиладики, бундан ноҳиянинг табиий ва иқтисодий шароитлари, унинг транспорт ҳамда иқтисодий-жўғрофик ўрни эътиборга олиниб, корхоналарни (режали) танлаш ва жойлаштириш ҳисобига маълум иқтисодий самарага эришилади»[1].

Бошқача қилиб айтганда, саноатнинг турли тармоқларига хос корхоналар уларнинг ишлаши учун қулай бўлган ҳудудларга жойлаштирилади. Турли аҳоли манзилгоҳларидаги ва ноҳияларидаги саноат корхоналари бир-бирига ускуна, хом ашё, тайёр маҳсулотлар етказиб бериш йўли билан алоқа қилади. Йирик саноат корхоналари фақат ўзи жойлашган аҳоли манзилгоҳларидагина эмас, балки жуда кўплаб (баъзан анча кенг тармоққа эга бўлган ва узоқда жойлашган) корхоналар билан кооперацияга кириб, атрофида янги корхоналар қурилишига, йўлдош шаҳарчалар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Йирик саноат корхоналарининг яхши ишлаши учун энергети-

[1] *Колосовский Н. Н.* Основы экономического районирования, М., 1958, 138-бет.

ка ва транспорт воситалари, қурилиш материаллари керак бўлади. Меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, саноат марказидаги аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш учун енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари, яхлит инфратузилма тармоқлари вужудга келтирилади.

•

7-жадвал

Саноат ҳудудий жойлашувининг таксономик бирликлари

Таксономик бирликлар	Ишлаб чиқаришнинг мазмуни	Ташқи шакллар (аҳоли манзилгоҳлари характери)
Саноат пункти (район мажмуининг бир қисми бўлган алоҳида саноат корхоналари)	Битта корхона	Қишлоқ аҳоли манзилгоҳи, кичик, баъзан ўрта шаҳар
Саноат ареали (район мажмуи бир қисми бўлган ишлаб чиқаришнинг оддий гуруҳи)	Бир тармоққа хос бўлган корхоналар гуруҳи (оддий гуруҳ)	Шаҳарчалар, кичик, баъзан ўрта шаҳарлар гуруҳи
Саноат маркази (мажмуга кирувчи ёки кирмайдиган ишлаб чиқариш турлари)	Ўзаро боғлиқ бўлмаган саноат корхоналари гуруҳи	Катта ва йирик, баъзи ҳолларда ўрта шаҳарлар
Саноат узели (дастлабки саноат мажмуи)	Ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳи	Ўрта, катта ва йирик шаҳарлар ҳамда уларнинг йўлдошлари
Саноат агломерацияси (мураккаблашган саноат мажмуи)	Битта катта шаҳарда ёки бир-бирига яқин жойлашган ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўлган шаҳарлар гуруҳидаги саноат корхоналарининг катта тўдаси. Саноат пунктлари марказлари ва тугунлари, унинг таркибий қисмлари бўлиши мумкин.	Йирик шаҳарлар (аҳолиси 500 минг киши ва ундан ортиқ) ва уларнинг атрофидаги аҳоли манзилгоҳлари. Кичик ва ўрта шаҳарлар унинг таркибий қисмлари бўлиши мумкин.
Айрим тармоққа хос саноат районлари (тармоқ мажмуи)	Битта тармоққа хос анча катта ҳудудда жойлашган саноат корхоналари тўдаси	Асосан бир тармоққа хос саноат пунктлари ареаллари ва марказлари
Мажму саноат райони (мураккаб саноат мажмуи)	Турли тармоқларга хос корхоналар жойлашган, саноат тараққиёти билан ажралиб турувчи ҳудуд	Шаҳарларнинг барча шакллари ва типлари, қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари
Интеграл иқтисодий район (халқ хўжалик мажмуи)	Халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва хизмат доираси	Шаҳар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларининг барча шакл ва типлари

Ишлаб чиқариш тармоқларининг ўзаро боғлиқ ҳолда жойлаштирилиши энергетика қувватларидан, транспорт, коммунал хўжалик ва инфратузилма тармоқларидан биргаликда фойдаланиш ҳисобига анча иқтисодий самара беради. Шунинг учун ҳам ҳуду-

дий-ишлаб чиқариш мажмулари ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил қилишнинг асосий шакли бўлиб қолди.

Ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмулари аввало саноатга хос тушунча сифатида илгари сурилган бўлса, ҳозир у кенг маънода тушунилиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ўз ичига олади. Ўзбекистон шароитида ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуларининг таркиб топиши ва ривожланишида қишлоқ хўжалигининг роли жуда каттадир.

Талабаларнинг Ўзбекистон саноат марказларини амалда тарх орқали таҳлил қила олишлари учун профессор А. Ф. Куракин таклиф этган таксономик бирликлар тизимини келтирамиз (7-жадвал).

Ўзбекистондаги тармоқ ва ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуларини ажратиш, тадқиқ қилишда профессор З. М. Акрамов самарали ишлар олиб бормоқда. У республика ҳудудидаги энг асосий тармоқлараро мажму бўлган пахтачилик мажмуи ва бир қанча саноат мажмуларини ажратади[1].

Республикадаги ана шундай муҳим тармоқ мажмулари қаторига ёқилғи-энергетика-кимё мажмуи, қора ва рангдор металлургия мажмуи, машинасозлик мажмуи, қурилиш материаллари ва қурилиш саноати мажмулари киради.

Профессор Н. Н. Колосовский иқтисодий жўғрофия фанига ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмулари тушунчаси билан бирга ишлаб чиқариш циклларини ҳақидаги тушунчани ҳам биринчи бўлиб киритди. У ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуларининг асосини ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш циклларини ташкил этади, деган эди.

Ишлаб чиқариш циклларини ҳақидаги концепциянинг фанга киритилиши иқтисодий жўғрофиянинг ривожланишида муҳим воқеа бўлди.

Бунгача иқтисодий жўғрофияда асосан ишлаб чиқариш тармоқлари таҳлилига кўпроқ эътибор бериларди. Бу эса хўжаликни ҳудудий ташкил қилишнинг барча қонуниятларини, тармоқлараро боғланишларни очиб бера олмас эди. Бунда эса тармоқ ва ҳудудий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги яққол кўзга ташланади.

Н. Н. Колосовский ўша давр учун йириклаштирилган 8 та ишлаб чиқариш циклини ажратди. Ҳар бир ишлаб чиқариш цикли кетма-кет келадиган ишлаб чиқариш (дастлабки ундирувчи босқичдан сўнгги тайёр маҳсулотни олишгача) босқичларидан иборатдир.

Фан ва техниканинг ривожланиши, янги ишлаб чиқариш турлари ҳамда технологик жараёнларнинг вужудга келиши ишлаб чиқариш циклларини таркибига таъсир этмай қолмади, албатта. Дастлабки ишлаб чиқариш циклларини ҳақидаги концепция янада ривожлантирилди, янги циклллар ажратилди, ишлаб чиқаришда фан-техника инқилоби билан боғлиқ ўзгаришлар ҳисобга олинди.

---

[1] *Акрамов З. М.* Ўзбекистон территориал-ишлаб чиқариш комплекслари. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1967.

Маълумки, ҳозирги замон ишлаб чиқариши, ундаги тармоқ ичи ва тармоқлараро ишлаб чиқариш алоқалари мураккаб ҳамда кўп томонламадир. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ишлаб чиқариш цикларининг ҳамма босқичлари битта республика ва ҳатто битта йирик иқтисодий район ҳудудида жойлашмаслиги мумкин. Техника ва технологиянинг ўзгариши, янги транспорт воситаларининг ривожланиши, юк ташишнинг арзонлашуви ва тезлашуви турли район ва республикаларни айрим ишлаб чиқариш цикларининг турли босқичларини бажаришга ихтисослаштиришни мақсадга мувофиқ ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали қилиб қўймоқда.

Биз қуйидаги жадвал орқали ишлаб чиқариш цикларининг Ўзбекистон ҳудудида қайсилари мавжудлиги ва қай даражада ривожланганлиги билан танишамиз (8-жадвал). Ўзбекистон учун характерли бўлган гидромелиоратив саноат аграр цикли ҳамда Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати мисолида рангдор металлургия цикли берилган.

8-жадвал

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш цикллари ва уларнинг Ўзбекистон ҳудудида ривожланиш даражаси

Ишлаб чиқариш	Равожланиш даражаси	№	Ишлаб чиқариш цикллари	Ривожланиш даражаси
1. Қора металлар цикли	~	10	Иссиқлик қуввати саноат цикли	+
2. Рангдор металлар цикли	+	11	Гидроқувват саноат цикли	+
3. Нодир металларнинг кимё-металлургия цикли	+	12	Атом қуввати саноат цикли	~
4. Нефть-қувват кимё цикли	+	13	Машинасозлик цикли	+
5. Газ-қувват-кимё цикли	+	14	Тўқимачилик саноати цикли	+
6. Кўмир-қувват-кимё цикли	~	15	Балиқ саноати цикли	~
7. Сланец-қувват-кимё цикли	—	16	Агросаноат цикли	+
8. Тоғ-кимё цикли	~	17	Гидромелиоратив агросаноат цикли	+
9. Ўрмон-қувват-кимё цикли	~	18	Саноат-қурилиш цикли	+

Эслатма:
+ Тўла ёки деярли тўла цикл.
~ Тўла эмас, унинг айрим босқичларигина мавжуд бўлган цикл.
— Бутунлай йўқ цикл.

Ўзбекистонда айниқса рангдор металлар циклининг айрим тармоқлари газэнергокимё, иссиқлик ва гидроэнергия саноати цикллари, тўқимачилик саноати цикли ҳамда саноат аграр циклининг Ўрта Осиёдаги суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқ

йўналиши — гидромелиоратив саноат аграр цикллари энг яхши ва тўла ривожланган.

Республикада энг яхши тараққий этган гидромелиоратив агросаноат циклини пахтачилик ишлаб чиқариш цикли деб аташ мумкин. Суғорма деҳқончилик (биринчи навбатда пахтачилик)ни ривожлантириш ирригация тизимларини тинмай такомиллаштириш билан боғлиқдир. Чунки бу цикл негизини ташкил этувчи пахтачилик табиий иссиқлик билан бирга жуда кўп сув ҳам талаб этади (1 га пахта майдони ўртача 8 минг $м^3$ сув сарф қилади), Ўзбекистондаги суғориладиган майдонларнинг ярмига яқинига пахта экилади. Энг кўп пахта майдонлари ва йирик ирригация иншоотлари Фарғона водийси, Мирзачўл, Қарши чўли, Зарафшон водийси, Қуйи Амударё ва Сурхон-Шеробод водийсидадир.

Ўзбекистонда бу цикл тараққиётини таъминлайдиган ирригация машинасозлиги, ирригация қурилиш воситалари, минерал ўғитлар, заҳарли кимёвий моддалар ишлаб чиқарадиган саноат анча ривожланган.

Циклнинг асосий маҳсулоти бўлган пахтани қайта ишлашнинг дастлабки босқичини пахта тозалаш саноати ташкил этади. Ҳудуд ва ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан чигитни қайта ишловчи ёғ-экстракция заводлари ҳамда пахта тозалаш заводлари чиқиндилари ва гўзапоя асосида ишловчи гидролиз саноати циклнинг пахта тозалаш босқичига яқиндир.

Чигитни қайта ишлаш орқали пахта мойи билан бирга чорва моллари учун озуқа, алифмой, совун ҳам олинади.

Циклнинг «юқори қаватлари» — пахта толасидан ип газламалар ишлаб чиқарадиган комбинатлар асосан катта шаҳарларда (Тошкент, Андижон, Фарғона, Бухоро), уларнинг филиаллари эса кичик ва ўрта шаҳарлар ҳамда йирик қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида жойлаштирилган. Республикада яхши тараққий этган қишлоқ хўжалик машинасозлиги, пахта тозалаш саноати учун ускуналар ишлаб чиқарадиган тўқимачилик машинасозлиги ва қурилиш материаллари саноати корхоналари (каналлар юзасини қоплайдиган плиталар, лотоклар, полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарадиган) ҳам шу циклга киради.

Гидромелиоратив агросаноат циклининг бутун пахтачилик тармоғи ёки унинг айрим босқичлари Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида бор.

Республикада пахтачиликка ўхшаш гидромелиоратив агросаноат циклининг ипак, луб экинлари (асосан каноп), полиз, узум, сабзавот, мева, шунингдек чорва хом ашёси билан боғлиқ тармоқлари ва уларнинг тегишли босқичлари ҳам маълум даражада мавжуд.

Шундай қилиб, ҳозир иқтисодий жўғрофияда эътироф этилган 18 та ишлаб чиқариш циклининг 17 таси Ўзбекистонда маълум даражада мавжудки, бу унинг халқ хўжалиги кенг тараққиёт йўлига кириб олганлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш циклларн концепцияси ҳудуддаги хўжалик тармоқларини, айрим хом ашё ресурсларини қазиб олишдан тортиб, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни таҳлил қилишда жуда қўл келади. Бундай таҳлил жараёнида ўрганилаётган ҳудудда муайян циклнинг бирон-бир босқичини вужудга келтириш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосалар чиқарилади. Бунда цикларнинг барча босқичлари битта район, республика ёки вилоятда бўлиши шарт эмаслиги, турли районларда жойлашиши мумкинлиги, ҳатто бир-биридан ажралган ҳолда жойлашишининг мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жиҳатдан самаралироқ бўлишини эсдан чиқармаслик керак. Албатта, хулосалар иқтисодий ҳисоб-китоб, маҳаллий шароитлар ва имкониятларга асосланган бўлиши лозим.

VI БОБ. ТАРМОҚЛАРАРО ҚУРИЛИШ МАЖМУИ

Тармоқлараро қурилиш мажмуига республикадаги қурилишга хизмат қиладиган барча муассаса, ташкилот, ишлаб чиқариш бошқармалари ва корхоналари, яъни лойиҳалаштиришдан тортиб, бино ва иншоотларни фойдаланишга топширгунча хизмат қилувчи босқичлар киради. Турли хўжалик соҳалари алоқаларининг кучайиши тармоқлараро қурилиш мажмуи таркиб топишига олиб келди. Тармоқлараро қурилиш мажмуи негизини қурилиш саноати ташкил этади.

Республикада қурилиш саноати қишлоқ хўжалиги ва транспорт сингари муҳим аҳамият касб этмоқда. Қурилиш саноати завод-фабрикалар, кон-карьерлар, канал-сув омборлари, йўл-тонеллар, муассаса-касалхоналар, уй-жойлар ва ҳоказолар қуришни ўз ичига олади.

Қурилиш саноати қурилиш ташкилотлари ва доимий кадрлар билан иш кўради. Унинг маҳсулотлари битказилган ва фойдаланишга топширилган бино ва иншоотлардир. Буларнинг ҳаммаси республиканинг жўғрофий муҳити, жойларнинг иқлими, тузилиши, ер ости сувлари, геологик ва сейсмик ҳолати ва бошқа омиллар ҳисобга олиниб қурилади. Масалан, республикамиз сейсмик фаол районда жойлашганидан бино ва иншоотларни 9 ва 10 балли силкинишларга бардош берадиган қилиб қуриш талаб этилади.

Мирзачўл, Қарши чўли ва бошқа чўл жойларда ер шўрланиши натижасида қурилган бинолар чўкади. Шунинг учун бинолар пойдевори мустаҳкам бўлиши керак.

Қурилиш саноатининг маҳсулотлари саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ҳоказоларга ҳамда уй-жой хўжалиги, маданий-маиший, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасалари ривожланишига хизмат қилади.

Қурилиш саноатининг тараққиёти табиий ва меҳнат ресурсларининг жўғрофий хусусиятларини чуқур илмий таҳлил қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистондаги қурилиш ишларининг муваффақияти барпо этилган қурилиш ташкилотлари фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

1920 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда биринчи қурилиш ташкилоти — Туркистон давлат иншоотлари қўмитаси тузилиб, у барча қурилиш ишларига раҳбарлик қилди.

1924 йилда Ўзбекистон ССР тузилгандан сўнг бу қурилиш ташкилоти қурилиш ишларини кенг кўламда авж олдирди. У республиканинг марказий қурилиш ташкилоти бўлиб, унинг ҳузурида жўғрофий объектларга бевосита раҳбарлик қиладиган бўлимлар ташкил қилинди. 30-йилларда Чирчиқ водийсидаги электрокимё комбинати қурилиши бошланди, шу муносабат билан 1932 йилда «Чирчиқстрой» тузилди. У водийда электр станциялари ва кимё комбинати қурилишига раҳбарлик қилди.

1965 йил сентябрида капитал қурилишни ривожлантириш мақсадида қурилишда ҳудудий бошқариш принципларига ўтишга қарор қилинди. Шунга кўра, республикада шаҳар ва қишлоқларда саноат ва граждан уй-жой қурилишига раҳбарлик қиладиган Қурилиш вазирлиги ва қишлоқ жойлардаги қурилишга раҳбарлик қиладиган Қишлоқ қурилиши вазирлиги тузилди. Кейинги вазирлик ҳузурида жамоа хўжаликлари ва шўро хўжаликларида ишлаб чиқариш ҳамда уй-жой қурилиши билан шуғулланадиган «Ўзколхозқурилиш» ташкил этилди.

Суғориладиган ерларда сув хўжалиги ишларини бажарадиган республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги тузилди. Бу вазирлик ишларининг маълум қисмини, яъни ўзлаштириладиган ерлардаги ишлар мажмуини бажарадиган «Бош ўртаосирсовхозқурилиш» ҳам тузилди. Пойтахтда саноат, маданий-маиший ва уй-жой қурилиши билан шуғулланадиган «Бошгошкентқурилиш» ишлаб турибди.

Республикадаги йирик йўл қурилиши ишларини Республика Шоссе йўллари қуриш ва ишлатиш вазирлиги бажаради. Булардан ташқари, республикада қурилиш ишлари билан Монтаж ва махсус ишлар вазирлиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳам шуғулланади.

Пойтахтдаги «Тошметроқурилиш» метрополитен йўлларини қуриш билан шуғулланади.

Юқоридаги вазирликларнинг бошланғич қурилиш ташкилотлари қурилиш бошқармаси (СУ), қурилиш-монтаж бошқармаси (СМУ), қурилиш-монтаж поезди (СМП), механизациялашган кўчма колонна (ПМК) ва ҳоказолардир. Булар хўжалик ҳисобида бўлиб, ўз балансига эга. Буларга қурилиш соҳасида техникавий ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш республика Қурилиш Давлат қўмитасига юклатилган. Бу қўмитага қурилиш-лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳам бўйсунади.

Ҳозирги замон қурилиш саноатида йиғма темир-бетон конструкциялар кенг қўлланилмоқда. Буларни ишлаб чиқарадиган корхоналар Ўзбекистоннинг шаҳарлари ва қишлоқ жойларида ҳам

қурилган. Бино ва иншоотларнинг йирик қисмларини тайёрлаш кенгайиб бормоқда. Республиканинг барча шаҳарлари ва айрим районларидаги уйсозлик комбинатлари девор панеллари, том балкалари, тайёр зинапоя ва бино бошқа қисмларини ишлаб чиқармоқда.

Қурилишда механизация тобора кенг қўлланилмоқда, ишларнинг 93% ини машиналар бажармоқда. Бино ва иншоотлар замонавий баланд кранлар билан монтаж қилинмоқда.

Қурилишни тегишли материаллар билан мунтазам таъминлаш кескинлашиб бораётганлиги маҳаллий материаллардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати хом ашёга ишлов берадиган саноат корхоналари қурилишига алоҳида эътибор бермоқда. 1995 йилгача республикада 300 та мужоз корхона ва ишлаб-чиқариш цехи қуриш режалаштирилган. Хорижий давлатлар билан бирга қўшма корхоналар қуриш кенгайиб бормоқда. Уй-жой қурилишида иқлим шароитлари, миллий меъморчилик услублари ҳисобга олинмоқда. Қурилишда кооператив, шахсий ва ижара усуллари тобора кенг қўлланилмоқда.

Эндиликда уйсозлик комбинатларини қайта қуриш, замонавий техника билан жиҳозланган янги комбинатларни ишга тушириш ҳисобига 1995 йилга бориб уларнинг қуввати икки баравар ортади. Уй-жой қурилиши сифати, архитектура шинамлигига талаб оширилади.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ

Қурилиш материаллари саноати таркибига кирадиган тармоқлар хилма-хилдир.

Октябрь тўнтаришидан илгари Ўзбекистон ҳудудида қурилиш материаллари саноати ярим кустарь типидаги ғишт заводларидан иборат бўлиб, уларда 1913 йилда 35 млн. дона ғишт ишлаб чиқарилган эди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда пахтачилик учун катта ер майдонлари суғорилиши кўплаб ирригация иншоотлари қуришни, саноат корхоналари, қурилиш материаллари саноати барпо этишни тақозо этди.

Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати тармоқларини ривожлантириш учун керакли хом ашё ресурсларининг мавжудлиги бу масалани ҳал этишнинг объектив заминини яратди. Республиканинг деярли ҳамма вилоятларида қум, шағал, оҳак, мергель, мармар, гранит, гипс, гилмоя сингари қурилиш хом ашёси кўп учрайди. Ана шу хом ашё асосида Ўзбекистонда кўп тармоқли қурилиш материаллари саноати вужудга келтирилди.

Қурилишнинг «нони» ҳисобланган цемент саноати айниқса тез ривожлантирилди. Ҳозирги пайтда республика ўзини цемент билан асосан таъминламоқда. Бекобод, Қувасой, Ангрен, Навоий ва Оҳангаронда йирик цемент заводлари ишлаб турибди. 1990 йилда

тармоқ корхоналари 6385 минг тоннадан ортиқ цемент ишлаб чиқарди.

Ўзбекистон цемент ишлаб чиқаришда Россия, Украина ва Қозоғистондан кейин тўртинчи ўринда туради.

Мутахассисларнинг Ангрен гилмоясини қайта ишлаш жараёнида ажратиб ташланадиган чиқинди асосида оқ цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳақидаги таклифлари диққатга сазовордир. Бу цемент арзонга тушиши ва уни хоҳлаган рангга бўяш мумкин.

Қурилиш материаллари саноатининг кейинги даврларда тараққий этган тармоғи — йирик панелли уйсозлик комбинатлари деярли барча вилоят марказлари ва катта шаҳарларда қурилган. Энг йириклари Тошкент, Самарқанд, Андижон, Чирчиқ, Фарғона, Қарши ва Нукус шаҳарларида жойлашган. Тошкент, Бектемир, Жиззах ва бошқа жойларда йирик темир-бетон ариқ (лоток) заводи бор.

Маълумки, ҳозирги замон қурилишида хилма-хил мақсадларда фойдаланиладиган маҳсулотлардан бири ойнадир. Ҳозирча дераза ойнаси ишлаб чиқарадиган битта завод — Чирчиқда (Газалкентда) бор. Лекин бу завод келажакда дераза ойналарига бўлган талабни қондира олмай қолади.

Республикада кўргазмалар учун безак ойналари ва кўплаб бошқа қурилиш ойналари ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифаси турибди. Қувасойда қурилган шиша идиш заводи шиша буюмлар билан бирга қурилиш мақсадларида ишлатиладиган ойна блоклар, ойна-керамикалар сингари маҳсулотлар ҳам тайёрламоқда. Шиша идишлар заводи Жиззахда ишга тушди, шундай заводлар Сурхондарё ва Қуйи Амударёда ҳам қурилмоқда.

Қурилиш материалларидан энг қадимгиси ва ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани ғишт саноатидир, у кенгайиб бормоқда. Маълум давргача қурилишда темир-бетон конструкцияларидан кенг фойдаланиш, йирик панелли уйсозликнинг ривож топиши муносабати билан ғишт саноатининг аҳамияти бирмунча камайган эди. Кейинги йилларда ғишт саноатини оқилона жойлаштиришда анча ишлар қилинди. Жумладан, Қизилтепа (Навоий вилояти), Шарғун (Сурхондарё вилояти) ва Қаршида йирик ғишт заводлари қурилди. Бу заводлар ишга туширилиши билан узоқ районларга ғишт ташишга барҳам берилди.

Ҳозирги пайтда Жиззах, Қувасой, Қоровулбозорда оҳак заводлари ишлаб турибди.

Ўзбекистонда хилма-хил қурилиш материаллари (пардозлаш плиталари, иссиқни сақлайдиган материаллар, керамика қувурлари ва бошқалар) ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Ангрендаги уйсозлик буюмлари заводида эмалланган чўян ванналар, раковиналар, чўян канализация қувурлари, керамика буюмлари комбинатида қувурлар ва бошқа маҳсулотлар, Қаршида керамзит девор материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Айрим бинокорлик материаллари (алибастр, ганч, оҳак, черепица, чий, қамиш плита-

лар) ишлаб чиқаришда маҳаллий саноат ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Жиззахдаги силикальцит заводи энг арзон бинокорлик материали — лёссдан девор блоклари, том учун плиталар, зинапоялар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқараётир. Қоровулбозор (Бухоро)да ҳам худди шундай завод қурилган.

Ўзбекистонда пластмассалар ва турли сунъий кимёвий маҳсулотлардан қурилиш материаллари тайёрлаш имкониятлари ҳам яхши. Бундай материаллар ўзининг енгиллиги, пишиқлиги билан қурилишда анча қулайликлар яратади. Келажакда Пластмасса ва бошқа сунъий қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган яна қатор корхоналар қурилиши мўлжалланмоқда.

Жумҳуриятимизда ҳозирги замон қурилишига кенг фойдаланилаётган мармар ва бошқа безак тошлар асосида тоштахталар (плиталар) тайёрлаш ҳам муҳим ўрин тутади.

Хилма-хил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё ресурслари республиканинг ҳамма жойларида бўлишига қарамай, уларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш анча нотекис жойлашган. Жумладан, темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқаришнинг 70% и биргина Тошкент вилоятига тўғри келади. Саноат тармоғининг бундан буёнги тараққиёти барча қурилиш материаллари, айниқса республикада кенг хом ашё базасига эга бўлган материалларни кўплаб ишлаб чиқаришга, уларнинг сифатини яхшилашга, шунингдек тармоқнинг ҳудудий жойлаштирилишининг тўғри ташкил этилишига боғлиқдир.

Мустақил Ўзбекистондаги қурилиш кўлам ва суръатлари турли давлатлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтиришни тақозо этади. Республикага кўплаб металл ва ўрмон ресурслари келтирилиши керак.

VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ АГРОСАНОАТ МАЖМУИ

Агросаноат мажмуи (АСМ) республика халқ хўжалигининг муҳим таркибий қисми бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва истеъмолчиларга етказишда қатнашадиган тармоқларни ўз ичига олади.

АСМ нинг биринчи таркибий қисми қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш қуроллари билан таъминлайдиган саноат тармоқлари, иккинчи, яъни асосий таркибий қисми қишлоқ хўжалигининг ўзи ва учинчи таркибий қисми қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган саноат тармоқларидир. АСМ нинг биринчи таркибий қисми саноат мажмуида ёритилган.

Агросаноат мажмуи олдида республика аҳолисини озиқ-овқат, саноатни хом ашё билан таъминлаш вазифалари туради.

АСМ тармоқларида республика иқтисодий фаол аҳолисининг катта (47%) қисми ишлайди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида агросаноат мажмуини янада тараққий эттириш талаб этилади. Бунинг учун АСМда

жиддий тузилма ўзгаришларини амалга ошириш зарур. Пахтачилик, чорвачилик, умуман қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини республика ҳудудида қайта ишлаш керак. Қишлоқ хўжалигини замонавий ишлаб чиқариш қуроллари, кимёвий ўғитлар билан етарли даражада таъминлаш ва унинг маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни кўплаб қуриш кўзда тутилмоқда. Бир қисм корхоналар хорижий мамлакатлар билан биргаликда қурилади. Аҳолини мева, сабзавот, узум, картошка, полиз маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш мақсадида давлат мева-сабзавотчилик ва шаробчилик кооператив концерни тузилган.

Қишлоқларда иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар жиддий равишда ўзгармоқда, жамоа ва давлат хўжаликлари хўжалик ҳисобига ўтиб ишламоқдалар. Ерларга бригада, звено ва оилавий ижара пудрати усулида ишлов берилмоқда. Фермер хўжаликлар ташкил қилинмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун янги омборхоналар, совуқхоналар қуриш жиддий вазифа бўлиб турибди (6-чизмага қаранг).

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлат хариди нархларини замон талаблари даражасига кўтариш, шу йўл билан АСМ ходимларининг турмуш шароитини тузатиш кун тартибидаги муаммодир.

Илмий асосланган алмашлаб экиш тизимини тўлиқ амалга ошириб, пахта ҳокимлигидан қутилиш ва чорвачилик учун ем-хашак базасини кенгайтириш талаб этилади.

Агросаноат мажмуининг асосий қисми республика қишлоқ хўжалигидир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЖЎҒРОФИЯСИ

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим ва етакчи тармоқларидан бири бўлиб, унда аҳолининг 1/3 қисмига яқини банддир.

Ўзбекистоннинг иқлими, ер-сув ва меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалигининг муҳим сердаромад ва кўп меҳнат талаб қиладиган пахтачилик, пиллачилик, лубкорлик, шоликорлик, узумчилик, боғдорчилик, сабзавот-полизчилик, қоракўлчилик каби тармоқларини ривожлантириш учун имконият яратган. Булар республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидир.

Октябрь тўнтаришига қадар қишлоқ хўжалиги Туркистон ўлкасининг асосий ишлаб чиқариш тармоғи бўлиб, халқ хўжалиги маҳсулотининг 88% ини етказиб берарди. Аҳолининг 4/5 қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган. Қишлоқ хўжалик агротехникаси жуда паст даражада бўлиб, омоч, сўқа, мола—асосий ишлаб чиқариш қуроллари ҳисобланарди. Асосий ишлар қўлда бажарилган, минерал ўғит бўлмаган, натижада қишлоқ хўжалиги экстентив характерда бўлган.

Туркистонда пахта ўлка жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 40% ини ташкил қилган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1913

йилда ҳаммаси бўлиб 517,2 минг тонна пахта йиғиб олинган, ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 12,2 центнердан ошмаган.

Иқтисодий қолоқлик, мустамлака сиёсати Ўзбекистоннинг қулай иқлими, унумдор ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш имконини бермасди.

Октябрь тўнтаришидан кейин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг янги шакллари вужудга келди.

Туркистонда ер-сув хусусий мулкчилигининг бекор қилиниши қишлоқ хўжалигини социал жиҳатдан қайта қуришга олиб келди. 1918 йилда аввал катта ер эгаларининг ерлари тортиб олинди ва ерсиз деҳқонларга бўлиб берилди, ер олган деҳқонлар биринчи кооператив хўжалик — «Қўшчи» союзига бирлашдилар. Булар кооперативлаштиришнинг Ўзбекистондаги биринчи қадамлари бўлди.

1924-28 йилларда ўлкада ирригация ишларига 61,4 млн сўм сарф қилинди. Натижада Тошкент, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг бир қанча районларида ирригация тизимлари тикланиб, қайта қурилди.

1925—1928 йилларда ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Бу тадбир қишлоқдаги феодал укладни тугатиб, ёппасига жамоа хўжаликлари тузиш учун замин яратди. Ер ислоҳоти натижасида 94,5 минг деҳқон хўжалиги 232 минг десятина[1] суғориладиган ер ва тегишли иш ҳайвонлари ҳамда қишлоқ хўжалик асбоблари олди.

Биринчи беш йиллик (1928-32 йиллар) даврида ёппасига жамоа хўжаликлари тузилди. 1932 йилга келиб, 82% деҳқон хўжаликлари жамоа ва шўро хўжаликларига бирлашди, иккинчи беш йилликда ёппасига жамоа хўжаликлари тузиш тугалланди.

Совет ҳукумати жамоа ва шўро хўжаликларига моддий ҳамда техникавий ёрдам бериб турди.

1930 йилда Ўзбекистонда машина-трактор станция (МТС)лари тузилиши бошланди. Ўша йили 8 та МТС тузилган бўлиб, уларда 469 та трактор бор эди. Биринчи беш йилликда 69 та шўро хўжалиги ташкил қилинган бўлса, ҳозир уларнинг сони 1038 тага етди.

Иккинчи беш йиллик (1933—1937 йиллар)да республика қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари, аввало пахтачилик тез суръатлар билан ривожланди. Жамоа ва шўро хўжаликлари ташкилий ҳамда иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлана борди, учинчи беш йилликнинг биринчи ярмида Фарғона водийси, Хоразм ва бошқа жойларда ҳашар йўли билан сув хўжалик қурилишлари авж олдириб юборилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистон фронтни, умуман мамлакатни озиқ-овқат билан таъминловчи ўлкалардан бири бўлиб қолди. Дон, сабзавот экин майдонлари кенгайтирилди, қанд лавлаги экила бошланди. Натижада пахта майдони бирмунча қисқарди. 1944—1945 йиллардан эътиборан пахта майдонлари қайта тиклана бошлади.

---

[1] *Десятина* — 1,7 гектарга тенг.

Урушдан кейин Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини тиклаш ва юксалтиришга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширди. Сув хўжалиги иншоотлари қуриш, янги техника ва минерал ўғитлар ишлатиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш имконини берди. 1948 йилда пахтачилик урушдан олдинги даражадан ўзиб кетди. 1956 йилга келиб, Ўзбекистонда пахтанинг ялпи ҳосили 2,2 млн. тоннадан ошиб кетди.

1956-58 йилларда республикада янги ерлар очилиши қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш имконини берди. Бу даврда 160 минг га ер ўзлаштирилди. 1959 йилда пахтанинг ялпи ҳосили 3,3 млн. тоннага етди.

Жамоа хўжаликларини йириклаштириш тадбири хўжаликларнинг иқтисодий қувватини ошириб, замонавий техникани кенгроқ қўллаш, илғор агротехника ва фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, маиший ва маданий қурилишни авж олдириш имконини берди. Жамоа хўжаликлари йирик хўжаликларга айланди.

1970 йилда Ўзбекистонда салкам 4,5 млн. тонна пахта йиғиб олинди, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам анча кўпайди. 1976 йилга келганда пахтанинг ялпи ҳосили 5 млн. тоннадан ошиб кетди.

Қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни мажму механизациялаш республикада алоҳида аҳамият касб этади. Бу иш фан-техника инқилоби даврида жадаллашди. Қишлоқ хўжалик ишларининг кўпини—ерни текислаш, ҳайдаш, тупроқни экишга тайёрлаш, экиш, жўяк тортиш, қатор ораларига ишлов бериш, зараркунандаларга қарши кураш, чеканка ва дефоляция ўтказиш, ҳосилни йиғиб олиш, чорва молларини озиқлантириш, улар маҳсулотини олиш, ташиш ва бошқа ишларнинг бир қисмини машиналар бажарадиган бўлди.

Қишлоқ хўжалиги тобора кўпроқ механизация воситалари етказиб беришни талаб этарди.

Ҳозир Ўзбекистонда етиштирилган пахтанинг 60% и дан ортиғи машинада йиғиб олинмоқда. Чорвачилик фермаларида сут соғиш, молларга сув ва овқат бериш, маҳсулот ва гўнгни олиб чиқиб кетиш механизациялаштирилмоқда. Қўй юнги машинада қирқиб олинмоқда. Экинлар ҳосилдорлигини ошириш, ялпи маҳсулотни кўпайтиришда кимёлаштириш муҳим роль ўйнамоқда. Омихта ўғит (Аммофос)ни қўллаш ортиб бормоқда.

Далаларга минерал ўғит ва кимёвий воситалар ҳаддан зиёд солиниши, алмашлаб экиш тўғри амалга оширмаслиги оқибатида тупроқ таркиби айнаб кетди, ҳосилдорлик пасайди.

Кейинги вақтда деҳқончиликда биологик усулни қўллашга ва алмашлаб экишга зарур эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда табиий ва иқтисодий омилларга кўра қишлоқ хўжалиги обикор деҳқончилик, адир-тоғ ва чўл-яйлов минтақаларига бўлинади.

Обикор деҳқончилик минтақаси интенсив ривожланиб барқа-

рор деҳқончилик маҳсулотлари етказиб бермоқда. Бу минтақа республика ҳудудининг 1/10 қисмига яқинини ташкил қилган ҳолда, ялпи, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 85% ини етказиб бермоқда. Бу минтақа пахтачилик, лубкорлик, шоликорлик, маккажўхоричилик, боғдорлик, узумчилик, полизчилик, чорва озуқаларини етиштиришга ихтисосланган.

Обикор деҳқончилик, ўз навбатида, ихтисослашиш ва қишлоқ хужалик мажмуларига кўра тўртта кичик минтақага бўлинади: 1) пахтачилик кичик минтақаси — Фарғона, Зарафшон водийлари, Чирчиқ-Оҳангарон, Қашқадарё, Сурхондарё водийларининг суғориладиган ерлари ҳамда Мирзачўл районининг обикор ерлари ва Амударё қайирининг юқори қисми; 2) пахтачилик-ғаллачилик кичик минтақаси — Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларининг тоғ олди ерлари (Шаҳрисабз, Сариосиё, Пастдарғом районлари ва бошқалар); 3) шоликорлик-чорвачилик кичик минтақаси — Амударё қайирининг қуйи қисми; 4) шаҳар атрофи кичик минтақаси — йирик шаҳарлар атрофидаги ерлар. Бу кичик минтақа сабзавотчилик, сутчилик ва боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган.

Адир-тоғ минтақаси республика ҳудудининг 1/5 қисмидан ортиқроғини ишғол қилиб, баҳорикор (лалмикор) ғаллачилик, мевачилик ва чорвачиликка (қўй, эчки ва қорамол боқилади) ихтисослашган. Бу минтақа республика ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 7,5% га яқинини етказиб бермоқда. Фан-техника ва илғор тажрибадан фойдаланиш йўли билан адир-тоғ минтақасининг маҳсулдорлигини 3—3,5 баробар ошириш мумкин.

Чўл-яйлов минтақаси республика ҳудудининг 3/5 қисмини ишғол қилиб, чорвачиликка, асосан қоракўлчиликка ихтисослашган.

Республика қишлоқ хўжалик минтақалари ичида обикор деҳқончилик минтақаси етакчи бўлиб, у асосан ирригация билан боғлиқдир.

Ирригация. Ўзбекистон ҳудудида суғориш ишлари қадим замонлардан бошланган. Хоразмда милоддан анча олдин суғориш иншоотлари қурилганлиги маълум. Бундай иншоотларни қуриш ўрта асрларда айниқса авж олган. Бу даврда Ўрта Осиёда илм-фан ва ҳунармандчилик юқори даражада ривожланган эди. Бунга Самарқанд вилоятидаги Абдуллахон банди тўғонини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу иншоот ўша замонларда Ўзбекистонда суғориш усуллари анча ривожланганлигини кўрсатади. Тўғондан сув ёпиқ ариқ-сопол қувурларда оқиб чиққанлиги ва экин майдонларига таралганлиги шундан далолат беради. Чўлли ерларда сардобалар қурилган, уларнинг айримлари Самарқанд ва Бухоро вилоятларида сақланиб қолган.

Ўрта асрларда Тошкент вилояти ҳудудида Бўзсув, Зах, Сурхондарё ҳудудида Занг, Зарафшон водийсида Дарғом ва бошқа ариқлар қурилган. Бу даврда сувни чиғириқда баланд ерларга чиқариб бериш ҳам кенг ёйилган.

Мустамлака даврининг 50 йили мобайнида Ўрта Осиёда жами 80 минг гектар янги ерларга сув чиқарилган. Бу ўлкада суғоришнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигига қарамай, чор Россияси ҳукумати бу соҳада етарли иш қилмаганлигини тан олишга мажбур бўлган эди. Князь Масальскийнинг «Туркестанский край» номли китобида бундай дейилади: «Биз Ўрта Осиёга ҳукмронлик қилган давримизда ўлкада анча иш қилдик, лекин тақдир тақозоси билан ўлканинг асосий эҳтиёжи соҳасида, яъни янги ерларни ўзлаштириб, сувдан фойдаланишни қонун йўли билан тартибга солиш ва экин майдонларини кўпайтириш соҳасида ҳеч бир иш қилмадик...»[1].

Октябрь тўнтаришига қадар Ўзбекистонда суғориладиган ерлар 1339 минг га бўлган.

Совет давлати ўзининг дастлабки йилларидан бошлаб пахтани кўпайтириш учун ирригация ишларига катта аҳамият берди. РСФСР Халқ комиссарлари Кенгаши чиқарган декретга мувофиқ пахта экиш учун Мирзачўлда 500 минг десятина, Далварзин чўлида 40 минг десятина, Фарғона водийсида 10 минг десятина, Зарафшон водийсида 100 минг десятина ер ажратиш, 20 минг десятина ернинг сув таъминотини тартибга солиш учун дарёга сув омбори қуриш ишлари кўзда тутилган эди.

1922 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон МССР сув хўжалиги ходимларининг съезди гидротехника иншоотлари ва суғориш тизимларини тиклаш ва қайта қуришнинг беш йиллик режасини қабул қилди. Бу тадбирларга давлат ва маҳаллий бюджетдан 10 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Ер-сув ислоҳоти даврида муайян ишлар амалга оширилди. Бу вақтда 40 минг га майдонда суғориш тармоқлари тикланди, 30 минг га янги ер очилди. Шафрикон районида Жилвон суғориш тизими қурилди. Хатирчи районида суғориш тармоқлари қайта қурилди. Мирзачўлдаги каналда гидроиншоотлар барпо этилди.

Қадимги Занг, Бўзсув-Зах ва Янги Дарғом каналлари қайта қурилди. Ирригация иншоотларини тиклаш ишлари асосан 1928 йилда тугалланди.

Биринчи беш йилликда республикада сув хўжалиги қурилишлари олиб борилди. Мирзачўл, Далварзин ва Сурхондарёда каттагина майдонларга сув чиқарилди. Тошкент вилоятида Эски Жўн канали қайта қурилди. Сурхондарё вилоятида Хазарбоғ, Қумқўрғон каналлари қурилди. Фарғона вилоятида Янгиариқ канали қайта қурилди ва бошқа ўнлаб гидроиншоотлар барпо этилди. Натижада пахта экиладиган майдон 1,7 марта кенгайди, собиқ СССРда пахта мустақиллигига эришилди.

Иккинчи беш йилликда Ўзбекистонда ирригация ишларига давлат биринчи беш йилликка нисбатан икки марта кўп маблағ ажратди. 204 та ирригация ва мелиорация иншооти қурилди, кўплаб

[1] *В. П. Масальский.* «Туркестанский край». С. Петербург, изд-во Деврионa, 1913, 6—7-бетлар.

гидропостлар қад кўтарди. Сув тақсимлагичларга диспетчерлик пунктлари ўрнатилди, каналларни тозалаш ва бошқа ишлар амалга оширилди. Бу тадбирлар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилади, гидроиншоотларнинг самарадорлигини оширди. Натижада пахта ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлиги ортди.

1939-40 йилларда ҳашар йўли билан бир қанча йирик каналлар қурилди. 45 кун ичида узунлиги 270 км бўлган Катта Фарғона канали барпо этилди. Қорадарёда Куйганёр тўғони бунёд этилди. Шунингдек Фарғона вилоятида Лағон ва Хоразм вилоятида Тошсоқа каналлари, Шимолий Фарғона, Жанубий Фарғона, Тошкент каналлари қуриб битказилди. Сурхондарёда Ҳазорбоғ, Тошкент вилоятида Хон суғориш тизимлари қайта қурилди. 1940 йилда Каттақўрғон сув омборининг биринчи навбати қуриб битказилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент каналининг иккинчи навбати, Фарғона гидроузели, Тожикистондан Сурхондарёга сув узатувчи Катта Ҳисор канали, Наманган вилоятида Косонсой сув омбори ишга туширилди.

Республикада кичик ариқ ва каналлар ўрнига хўжаликлараро суғориш ва коллектор-зовур шохобчалари барпо этилди, суғориладиган ерлар йириклаштирилди ва режалаштирилди. Қарши чўлида Эски Ангор канали тикланди.

1956 ва 1958 йилларда уч республика—Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистон ҳудудларида жойлашган Мирзачўлдаги суғориладиган ерларни янги ерлар ҳисобига яна 380 минг гектарга кенгайтириш вазифаси қўйилди. Катта майдонларда қўриқ ерларни мажму ўзлаштириш усули биринчи марта Мирзачўлда муваффақиятли ҳал қилинди. Мирзачўл эндиликда обикор деҳқончиликнинг ғоят катта лабораториясига айланди. Бу ерда сув хўжалиги қурилишининг илғор тажрибаси, мажму механизацияга асосланган пахта ишлаб чиқариш технологияси жорий қилинган.

1966 йили Қарши чўли, Сурхон-Шеробод, Жиззах чўли, Марказий Фарғона ва Қуйи Амударё ерларини ўзлаштириш ишлари авж олдирилди.

Пачкамар, Жанубий Сурхон, Каркидон, Чорбоғ, Жиззах, Андижон сув омборлари, Шеробод, Аму-Занг, Тўполон-Қоратоғ, Қарши магистрал каналлари, Шафиркон ва Аму-Бухоро каналлари қуриб битказилди. Дарёларнинг мавсумий оқимини тартибга солиш учун Учқўрғон, Қорадарё, Занг, Тахиатош гидроузеллари қурилди.

Фан-техника тараққиёти республикада қишлоқ хўжалигининг, хусусан ирригациянинг ривожланишида янги даврни бошлаб берди.

Ерларнинг захланиши ва шўрланишига қарши ёппиқ дренаж усули қўлланила бошлади. Бунинг натижасида 587,8 минг га ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Республикада коллектор-дренаж шохобчаларининг умумий узунлиги 70 минг км дан ошиб

кетди, бунинг 7,5 минг км қисми ёпиқ, ётиқ дренаж эди. Бундан ташқари, тикка дренажлар ҳам барпо қилинди.

Ўнинчи беш йилликда ирригация-мелиорация қурилиши ва ерларни мажму ўзлаштиришга 6 млрд сўмдан ортиқ, яъни тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 1,5 млрд сўм кўп маблағ сарфланди.

Ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йилликларда Ўзбекистондаги энг катта Туямўйин, Қашқадарё вилояти жанубидаги Таллимаржон сув омборлари қурилди.

Бундай ирригация қурилишлари Оролга ўзининг салбий таъсирини ҳам кўрсатди. Эндиликда янги канал ва сув омборлари қурмасдан, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммо бўлиб турибди. Бунинг учун сув бетонли нов (лоток)ларда оқизилмоқда, каналлар бетон плиталар билан қопланмоқда.

Эндиликда республикада 900 та суғориш тизими, 15 та йирик сув омбори, сув сарфи 2500 м³/сек бўлган 72 та канал, 400 дан ортиқ мунтазам ишловчи насос станциялари, 25 та инженерлик иншоотлари тугуни, 70 минг км бетонли коллектор-дренаж шохобчалари, 2000 дан ортиқ тикка дренажли қудуқлар бор.

Ер фондлари. Қишлоқ хўжалиги аввало ер билан чамбарчас боғлиқдир. Ерни эъзозлаш, ундан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг бош омилидир.

Ўзбекистон ер фондларига қуйидагилар киради:

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган жами ерлар (минг га)	— 26594
Шу жумладан ҳайдаладиган ерлар	— 4450
суғориладиган обикор ерлар	— 4221,8
баҳорикор (лалмикор) ерлар	— 461
яйлов — пичанзорлар	— 21839
боғлар, токзорлар ва кўп йиллик ўсимликлар	— 306

Ҳайдаладиган ерларнинг асосий қисми Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон, Қашқадарё ва Сурхондарё водийларида, яйловларнинг кўпчилиги Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон ҳудудларида жойлашган.

Янги ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритиладиган ерлар асосан Қуйи Амударё, Қашқадарё вилояти ҳамда Жиззах-Мирзачўл районларидадир. (4-чизмага қаранг).

Ўсимликшунослик. Ўсимликшунослик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 4/5 қисмини етказиб беради. Ўзбек халқи деҳқончилик, боғдорчилик, хусусан, обикор деҳқончилик соҳасида кўп асрлар мобайнида бой тажриба тўплаган. Республикада ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш деҳқончилик маҳсулотини кўпайтиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида обикор деҳқончиликни ривожлантириш кўпроқ суғориш-ирригацияга боғлиқдир. Ирригация экинлардан барқарор ҳосил олишнинг асосий шарти бўлиб, у иқлимга, унинг инжиқликларига қарамликдан қутқаради. Обикор деҳқончилик ерларининг 2/3 қисмида техника экинлари етиштирилади.

Ўзбекистон ўсимликшунослигининг ихтисослашиши агроиқлим ресурсларига боғлиқдир. Адир-тоғ минтақаси асосан лалми (баҳорикор) деҳқончилик ва боғдорчиликка, обикор деҳқончилик минтақаси қимматбаҳо техника экинлари етиштиришга ихтисослашган.

Пахтачилик. Республика қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлиб, товар маҳсулотнинг асосий қисмини етказиб беради.

Ўзбекистон пахтачилиги дунёда пахта экиладиган минтақаларнинг энг шимолийси ҳисобланади. Шунга қарамай бу ерда дунёда пахтадан энг юқори ҳосил (гектаридан 31 ц) етиштирилмоқда.

Ўзбекистонда пахтачилик хўжаликнинг кўпгина тармоқлари билан боғлиқ бўлиб, пахта-саноат мажмуи таркиб топган. Республикада енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда кимё саноатининг айрим тармоқлари пахтачилик хом ашёси асосида ишлайди. Ўзбекистон пахтачилиги Ҳамдўстликдагина эмас, балки кенг халқаро миқёсда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон пахта етиштиришда дунёда Хитой, АҚШ ва Ҳиндистондан кейин тўртинчи ўринда туради.

9-жадвал

Ўзбекистонда пахтачиликнинг ўсиши

Кўрсаткичлар	1923 йил	1924 йил	1932 йил	1940 йил	1950 йил	1960 йил	1970 йил	1975 йил	1985 йил	1990 йил	1992 йил
Экин майдони (минг га)	424,6	263	994,8	923,5	1098	1387	1709	1773	1989,8	1830	1719
Ялпи ҳосил (минг т)	517,2	209	1386	2225	2825	3746	4495	5013	5381	5057,5	4624,1
Ўртача ҳосил (ц/га)	12,2	7,8	7,9	15,0	20,9	22	26,3	28	27	27,6	26,9

Пахтачилик ўлкамизда узоқ тарихга эга. Айрим мутахассисларнинг фикрича пахта 5 минг йилдан бери экилар экан.

Совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партия ва Совет давлати пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида ғамхўрлик кўрсатди. Бундан биринчи навбатда Марказ манфаатдор эди. Унинг тадбирлари оғишмай амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда пахтачилик юксалиб борди. Буни қуйидаги жадвалдан яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистонда пахтачилик бир бутун агротехника мажмуини амалга ошириш йўли билан ривожлантирилмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг пахтачилик жўғрофиясида катта ўзгаришлар рўй берди. Инқилобдан олдин Ўзбекистон пахтасининг қарийб 3/4 қисмини Фарғона водийси ет-

казиб берган бўлса, беш йилликлар даврида бу тармоқ бошқа вилоятларда ҳам тез суръатлар билан ривожланди. Мирзачўл, Марказий Фарғона, Шеробод, Қарши, Жиззах чўллари ва бошқа ерларга сув чиқарилиб, пахтачиликнинг йирик районлари бунёд этилди.

Республика вилоятларининг пахтачиликдаги ҳиссалари бир-бирларига яқинлашиб қолди. Ҳозирда Қашқадарё, Бухоро, Андижон, Фарғона вилоятларида йилига 500 минг т атрофида пахта тайёрланмоқда, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари эса 200 минг тоннадан 400 минг тоннагача пахта етиштирмоқда. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Айниқса ингичка толали пахта етиштириш тез ривожланмоқда. Бу пахта асосан Сурхондарё, шунингдек Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятларида етиштирилмоқда. Бу пахтани кўпайтириш пахтачиликдаги муҳим вазифалардан биридир. (3-харитага қаранг).

Пахта экин майдони кейинги йилларда қисқарди. 1980 йили 2 млн гектар ерга пахта экилган бўлса, у 1991 йилда 1,7 млн га ерга экилди. Эндиликда пахтани алмашлаб экиш тизими кенг амалга оширилмоқда, натижада ем-хашак ва озиқ-овқат етиштириш кўпаймоқда. Пахтачилик соҳасида бир қанча муаммолар турибди. Улардан энг муҳимлари пахта толаси сифатини яхшилаш; серҳосил ва тез пишар пахта навларини яратиш; илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш; пахтачиликни мажму механизациялаш; юқори унумли техникадан фойдаланиш асосида маҳсулот таннархини камайтириш ва ҳоказо.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити пахтадан бошқа техника экинлари ҳам етиштириш имконини беради. Республика муҳим техника экини — каноп етиштиришда анча ютуқларга эришди, Ҳамдўстликда етиштириладиган каноп ва жутнинг 94% ниберади. Каноп асосан Тошкент вилоятида экилади.

Каноп Ўзбекистонда 1940 йиллардан буён етиштирилмоқда.

Самарқанд вилоятининг Ургут ва қўшни районларида тамаки етиштирилмоқда.

Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида зиғир ҳамда кунжут етиштириш кўпайиб бормоқда.

Ғаллачилик. Ғалла аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ғалла Ўзбекистонда обикор ва лалмикор минтақаларда етиштирилади. Обикор ерларда асосан маккажўхори, буғдой ва шоли етиштирилади. Республикада буғдойнинг 2/3 қисми баҳорикор ерлардан олинади.

Маккажўхори чорвачиликда жуда муҳим озиқадир. Оқсил ва витаминга бой бу экин молларни тез семиртиради ва серсут қилади. Маккажўхори республиканинг барча вилоятларида экилади. Ўзбекистонда 18 та ихтисослашган маккажўхоричилик шўро хўжалиги ташкил этилган. Маккажўхори пахта билан алмашлаб экилади.

Ҳозир жумҳуриятимизда йилига ўрта ҳисобда 2 млн. тонна дон етиштирилади, шунинг чорагини маккажўхори ташкил қилади.

Ўзбекистон ғаллачилигида шоликорлик ҳам муҳим ўрин тутади. Шоли қимматли озиқ-овқат экинидир. Аҳолининг моддий фаровонлиги ошган сари шолига бўлган талаб ортиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг иқлим-сув шароитлари шоли етиштириш учун қулай. Бу экин тинмай суғоришни талаб этади, шунинг учун у жазирама иссиқ бўладиган дарё бўйларида шўрбосган ортиқча ерларга экилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ихтисослаштирилган махсус шоликорлик шўро хўжаликлари ташкил қилинди, асосий шоликорлар Қуйи Амударё (ҚҚ ва Хоразм вилояти) да жойлашган. Биргина Қорақалпоғистонда шоликорликка ихтисослаштирилган шўро хўжаликлари сони 19 тага етди.

Қорақалпоғистоннинг ер-сув ва иқлим шароитлари Амударё қайирларида шолипояларни кескин кенгайтириш имконини беради. Қуйи Амударёда ҳозир 500 минг тонна, келажакда эса 1 млн тонна шоли етиштириш вазифаси қўйилган. Хоразм, Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё ва бошқа вилоятларда ҳам ихтисослашган махсус шоликорлик хўжаликлари бор.

Буғдой ва арпа Ўзбекистоннинг лалмикор ерларида етиштирилади. Адир минтақасининг юқори ва тоғ минтақасининг паст қисмларида баҳорикор деҳқончилик қилинади.

Баҳори (лалми) буғдойнинг сифати юқори бўлади. Жиззах вилоятининг Зомин, Ғаллаорол районларида етиштириладиган лалми буғдой таърифи чет элларга ҳам ёйилган, бу буғдойдан олий навли макарон тайёрланади.

«Ғаллаорол-1» шўро хўжалиги катта майдонда ғалла экиб, юқори ҳосил етиштириб келмоқда. Бу хўжаликда баҳорикор деҳқончилик маданияти юқори ва илғор агротехника тадбирлари муваффақиятли қўлланилади. Бу хўжалик лалмикор деҳқончиликнинг илғор тажриба мактаби бўлиб қолди.

Республикада анчагина майдонларда нўхат, ловия, мош, тариқ каби анъанавий экинлар ҳам етиштирилади. Буларнинг кўп қисми ёрдамчи шахсий хўжаликлардан олинади.

Картошкачилик, сабзаветчилик ва полизчилик. Ўзбекистоннинг унумдор тупроғи, серқуёш ёзи картошка, сабзавот, айниқса ширин-шакар полиз экинлари етиштириш ва кўпайтириш имконини беради. Республика бу маҳсулотлар билан ўз аҳолисини тўлиқ таъминлабгина қолмай, балки Ҳамдўстликнинг бошқа давлатларига ҳам анчагина маҳсулот етказиб беради.

Сабзавот, картошка ва полиз экинларининг майдони тобора кенгайиб бормоқда. 1918 йилда Ўрта Осиёнинг полиз, сабзавот экинлари майдони 60 минг га эди. 1972 йилга келиб, биргина Ўзбекистонда картошка 60 минг га, сабзавот 60 минг га, полиз экинлари 50 минг га майдонда етиштирилди. Ҳозир картошка, сабзавот ва полиз экинлари майдони 244 минг га атрофидадир.

45 та сабзавотчиликка ихтисослаштирилган жамоа хўжалиги, 35 та сабзавот, сабзавот-сутчилик шўро хўжалиги ишлаб турибди.

Картошкани халқимиз «иккинчи нон» деб атайди. Республикада картошка етиштиришни кўпайтириш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Эндиликда республика ўз картошкаси билан ўзини тўла-тўкис таъминлаши вазифаси қўйилган. Картошка асосан катта шаҳарлар атрофида етиштирилади, тупроқ, сув ресурслари ҳисобга олиниб, картошка етиштиришга ихтисослаштирилган махсус хўжаликлар барча вилоятлар ва Қорақалпоғистонда ташкил этилган.

Картошка экин майдони кенгайтирилиб, 1990 йилда республикада 336,4 минг тонна картошка етиштирилди. Бу соҳада Самарқанд ва Тошкент вилоятлари пешқадамлик қилмоқда.

Республика олдида турган муҳим вазифалардан бири аҳолини йил бўйи янги сабзавот билан таъминлашдир. Бунинг учун иссиқхоналарда ва полиэтилен плёнкалар остида сабзавот етиштириш барча вилоятларда ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ўзининг полизчилиги, ширин-шакар қовун-тарвузи билан дунёга машҳур.

Қовун ва тарвузнинг кўпдан-кўп навларини етиштиришда Сирдарё, Жиззах, Хоразм вилоятлари алоҳида ажралиб туради. Қовуннинг ялпи ҳосили сифати бўйича Ўзбекистон Ҳамдўстликда биринчи ўриндадир.

Боғдорчилик ва узумчилик. Ўзбекистоннинг иқлим шароити боғдорчилик учун жуда қулай. Ҳавонинг очиқ ва қуруқ келиши меваларни сершира қилиши билан бирга уларда бўладиган касалликларни камайтиради.

Боғдорчилик ва узумчилик республика хўжалигининг халқаро аҳамиятга эга бўлган тармоғидир. Бу тармоқ ялпи маҳсулот миқдори жиҳатидан бўлмаса ҳам, маҳсулот сифати жиҳатидан Ҳамдўстликда биринчи ўринда туради.

Ўзбекистон боғларида ранг-баранг мевалар етиштирилади. Фарғона водийсида ўрикзорлар кўп. Республика шимолида ва шимоли-шарқида олма, нок ва беҳи кўп етиштирилади. Наманган вилояти иссиқталаб мевалар учун қулай, бу ерда хусусан, анор, анжир, хурмо (япон хурмоси), хандон писта кўпроқ етиштирилади. Қашқадарё вилоятидаги «Варганза», Фарғона вилоятидаги «Қува», Сурхондарё вилоятидаги «Дашноввот» шўро хўжаликлари анор етиштиришга ихтисослашган.

Кейинги вақтда цитрус мевалар, айниқса лимон етиштириш ривожланмоқда. Тошкент вилоятидагина эмас, балки бутун республикага шуҳрат таратган халқ селекционери Зайниддин Фахриддиновнинг тажрибаси асосида Ўзбекистоннинг кўплаб хўжаликларида лимонарийлар ташкил қилинмоқда. Масалан, Термиз районидаги «Наврўз» лимонарийининг майдони 30 гектарга келади. Ҳозир лимонга бўлган эҳтиёжнинг асосий қисми республикамизда етиштирилган лимон билан қондирилмоқда.

Ўзбекистон дунёга ширин узум навлари билан ҳам танилган. Республика узумчилиги иссиқ иқлим ва унумдор тупроқ самара-

сигина бўлиб қолмай, балки ўзбек соҳибкорларининг кўп асрлик меҳнат тажрибаси натижаси ҳамдир.

Узумчилик республиканинг барча вилоятларида ривожланган. Бу соҳада Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари пешқадам бўлиб, Қорақалпоғистон ва қолган вилоятларда ҳам уни юксалтириш учун имкониятлар бор.

Боғдорчилик ва узумчилик саноат асосига ўтказилмоқда, у агросаноат мажмуининг таркибий қисмидир.

Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва шаробчилик илмий-тадқиқот институти мева ва ток навларини яхшилашда катта ишлар қилмоқда.

1990 йилда Ўзбекистон бўйича 744,7 минг тонна узум етиштирилди, шунинг 209,7 минг тоннасини Самарқанд вилоятининг хўжаликлари берди. Бу вилоят узум миқдори жиҳатдан олдинда бўлиш билан бирга, майиз етиштиришда ҳам пешқадамдир. Бу соҳада Хатирчи райони жуда машҳур.

10-жадвал

Чорва молларининг ўсиши (минг бош)

Йиллар	Қорамоллар, жами	Шундан сигирлар	Қўй, эчкилар	Чўчқалар
1941	1672,3	621,6	102,4	5792,0
1951	1308,8	410,4	63,5	8096,0
1961	2232,0	910,0	387,0	3902,0
1971	2906,6	1139,8	296,4	7977,7
1981	3530,2	1360,7	531,4	8967,9
1990	4130,2	1644,7	8785,6	742,9

Етиштириладиган узум миқдори жиҳатдан иккинчи ўринда Тошкент вилояти (121 минг тонна) бораяпти, бу вилоят узумининг кўпи хўраки. Шахсий хўжаликларда узум ва мева етиштириш кўпайиб бормоқда.

Чорвачилик. Бу соҳа Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг обикор деҳқончиликдан кейинги муҳим тармоғидир. Республикамизда қоракўлчилик халқаро аҳамият касб этган. Унинг чорвачилиги табиий ва иқтисодий омиллар ҳамда озуқа ресурсларига боғлиқ ҳолда минтақалар бўйича ихтисослашиб, ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг жамоа ва шахсий чорвачиликни ривожлантириш борасидаги ғамхўрлиги туфайли чорва молларининг сони ортиб, маҳсулоти кўпайиб бормоқда. Чорвачиликда фермер хўжаликлари ва кооперативлар ташкил этилган. Буларни ва шахсий чорвачиликни ем-хашак, механизация ва транспорт билан таъминлаш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республика президентининг фармонига кўра чорвадорларга жамоа ва давлат хўжаликларидан дон ва хашак (муайян миқдорда) етказиб берилмоқда.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 1941 йилдан 1951 йилгача қорамоллар ва чўчқалар сони анча камайган, бу Улуғ Ватан урушининг оқибати эди. Йилқиларнинг камайиши фан-техника тараққиёти натижасидир; отларнинг транспорт воситаси ва ишчи ҳайвон сифатида роли машиналар кўпайиши билан камайиб борди.

Ҳозир йилқилар сони кўпаймоқда, улар асосан спорт эҳтиёжлари, гўшти ва қимизи учун боқилмоқда. Улар сони ҳозир 100 минг атрофида.

Ўзбекистонда 5 млн. бошга яқин қоракўл қўйлар бор. 90 га яқин ихтисослаштирилган қоракўлчилик шўро хўжаликлари ташкил қилинган. Уларнинг кўпи Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистондадир.

Республикамизда тайёрланадиган қоракўл терилари жаҳон бозорида юқори қадр топган.

Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари адир ва тоғ минтақалари ҳамда Фарғона водийсида гўшт-жун берадиган қўйчилик ривожланмоқда. Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё ва қисман Хоразм вилоятларида йирик ҳисори қўйлар боқилади.

Ҳозир республикамизда 3 млн. дан ортиқ ҳисори ва бошқа зот жайдари қўйлар бор.

Фарғона водийсининг адир ва тоғли қисмларида, хусусан, Наманган вилоятида майин оқ тивит берадиган ангор эчкилари боқилади. Республикадаги 600 мингга яқин эчкидан 1/4 қисми ангор эчкиларидир.

Тоғ-адир яйловларидан оқилона фойдаланиб, уларнинг мелиоратив ҳолатини, қўй ва эчкилар зотини яхшилаш билан жун, гўшт, ёғ ва тери тайёрлашни кўпайтириш мумкин.

Ҳозир Ўзбекистонда 4,2 млн. бош қорамол бўлиб, шунинг 40% и ёки 1,62 млн. боши сигирлардир. Қорамолчиликка ихтисослаштирилган 30 та шўро хўжалиги ташкил этилган. Буларнинг кўпи Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида ва Қорақалпоғистондадир.

Қорамолларнинг маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим омили — мол зотларини яхшилашдан иборат. Бу соҳада республикада кўпгина ишлар қилинди. Кам маҳсулотли жайдари моллар ўрнига сersут, сергўшт моллар боқилмоқда.

Сўнгги йилларда республикада давлат ва жамоа хўжаликлари маблағлари ҳисобига минглаб сигир боқиладиган сутчилик, бузоқ боқиладиган гўштчилик мажмулари ва очиқ майдонда қорамол боқиладиган ихтисослаштирилган мажмулар қурилди. Буларда озуқа тайёрлаш, соғиш, озиқлантириш ва маҳсулотни ташиб кетишнинг кўп қисми механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Чорвачилик, чўчқачилик ва сутчилик мажмулари сони кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистонда чорвачилик соҳасида илмий-тадқиқот институтлари, бошқармалари ва тажриба станциялари, махсус наслчилик шўро хўжаликлари ташкил этилган. Булар чорвачиликни ривож-

лантириш, маҳсулдорлигини ошириш соҳасида катта ишлар қилмоқдалар. Бу тадбирлар натижасида молларнинг маҳсулдорлиги ортиб бормоқда. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

11-жадвал

Молларнинг маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	1940	1965	1970	1975	1981	1985	1989
1) Бир сигирдан ўртача йиллик сут соғиб олиш (кг)	438	982	1254	1912	2015,8	2012	2568
2) Гўшт, сўйилган вазнда (минг та)	84	163	208	240,4	330,5	386,0	447,3

Жадвалдан кўриниб турибдики, молларнинг маҳсулдорлиги етарли даражада ортмади.

Чўчқачилик Ўзбекистонда ихтисослаштирилган шўро хўжаликларида ташкил этилган, бундай хўжаликлар асосан Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг адир минтақаларида жойлашган. Чўчқачилик кейинги йилларда анчагина қисқарди.

Қуёнчилик Ўзбекистон чорвачилигининг янги тармоғидир. Қуён чўчқадан кўра тезроқ кўпаяди. У парҳез гўшт ва майин мўйна беради.

Паррандачилик ҳам тез кўпаядиган ва сердаромад тармоқдир. Бу тармоқ кейинги вақтда тез ривожланиб бормоқда. Паррандачилик республиканинг деярли барча вилоятлари ва Қорақалпоғистонда бўлиб, унинг йирик хўжаликлари ва фабрикалари адир минтақалари ҳамда воҳаларнинг чўлга туташган ерларида жойлашган.

Ҳозир Ўзбекистонда тухум, парҳез парранда гўшти ишлаб чиқарадиган механизациялашган 20 дан ортиқ мажмулар барпо этилган. Улар ҳамма вилоятларда ишлаб турибди.

Самарқанд шаҳрида АҚШ ва Ўзбекистон қўшма бройлер корхонаси қурилмоқда, унга зарур ускуналар ва омихта емлар Америкадан келтирилади.

Балиқчилик Ўзбекистонда табиий ва сунъий сув ҳавзаларида ривожлантирилмоқда. 1960 йилгача республикада балиқнинг асосий қисмини Орол денгизи берар эди. Орол сатҳининг пасайиб кетиши натижасида унда балиқ овлаш камайиб бормоқда. Балиқ маҳсулотлари етиштиришда интенсив ривожланаётган сунъий сув ҳавзаларининг ҳиссаси каттадир.

Йирик балиқчилик хўжаликлари Сирдарё, Жиззах вилоятлари (Арнасой, Айдаркўл), Тошкент (Дамачи) ва Хоразм вилоятларидадир.

Республиканинг барча сув омборларида балиқ урчитилмоқда.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришда шахсий кооператив ва фермер хўжаликларнинг улуши ортиб бормоқда.

Пиллачилик. Ўзбекистон ўзининг пиллачилиги билан ҳам машҳурдир.

Республикамиз пилла етиштириш бўйича дунёда Япония ва Хитойдан кейин учинчи ўринда туради.

Ўзбекистонда пиллачилик асосан пахтачилик билан қўшиб олиб борилади. Пахта далаларининг кўпи тутзор билан иҳота қилинган. Ғўза экиб бўлингандан кейин пилла боқиш бошланади. Бундан ташқари, пиллачилик сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик районларида, адир ва тоғ минтақасининг қуйи қисмида ҳам ривожланган.

12-жадвал

Ўзбекистонда пиллачиликнинг ўсиши

Йиллар	Ялпи ҳосил (тонна)	Ҳар қути уруғидан олинадиган ўртача ҳосил (кг).
1913	3980	24
1924	1771	25,1
1940	9833	34,2
1970	18400	60,8
1975	22700	56,9
1985	32159	65,0
1990	31000	63,0

Сўнгги йилларда тутзорлар майдони кенгайтирилди, қурт боқишнинг илғор агротехника усуллари жорий қилинди, қурт уруғи махсус инкубаторияларда очирилгач, махсус хоналарда боқиладиган бўлди. Бундай хоналарнинг ҳарорати ва намлиги зарур даражада сақланади. Бу жараёнлар қурт боқишни тезлаштирди ва ҳосилдорликни оширди. Ҳозир юқори ҳосилли оқ пилла навлари ва уларнинг дурагайлари етиштирилмоқда. Натижада республикада пилланинг ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда пиллачилик жўғрофияси анча ўзгариб кетган. Илгари республикада етиштириладиган пилланинг 85% ини Фарғона водийси берарди. Эндиликда пиллачилик Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистонда ҳам ривож топиб, Фарғона водийси республикамиз пилласининг ярмидан камини — 43% ини бермоқда.

Пиллачиликда қўл меҳнати ҳамон кўп қўлланилмоқда. Меҳнатнинг асосий қисмини механизациялаштириш, қурт боқишни саноат асосига тўлиқ ўтказиш, кўплаб қурт боқадиган махсус

хоналар қуриш, пилланинг серҳосил ва юқори сифатли навларини яратиш, қурт боқиш агротехникасини такомиллаштириш, тут-зорларни кенгайтириш пилла етиштиришни янада кўпайтиришнинг муҳим омилларидандир. Бунинг учун пиллакорлар манфаатдорлигини ошириш ҳам зарур.

13-жадвал

Ўзбекистон Республикаси вилоятларида 1992 йилда пилла тайёрлаш режаларининг бажарилиши (тонна)

Вилоятлар	Режа	Ҳақиқатда	%	Ҳар қути уруғидан ўртача (кг)
Қорақалпоғистон Респ.	860,0	920,8	107,0	60,3
Андижон	4550,0	4878,1	107,2	68,9
Бухоро	3478,0	4148,0	119,2	65,3
Жиззах	450,9	587,5	130,5	67,6
Қашқадарё	2220,0	2606,5	117 4	61,2
Навоий	958,0	1118,1	116,7	59,2
Наманган	2630,0	3155,3	120,0	59,2
Самарқанд	3214,0	3485,8	108,4	56,6
Сурхондарё	1130,0	1436,3	127,1	58,8
Сирдарё	460,0	460,8	100,2	48,3
Тошкент	1450,0	1767,6	121,9	56,1
Фарғона	5860,0	6357,8	108,5	71,1
Хоразм	1930,0	2170,1	112,4	63,3
Жами:	29190	33093,0	113,3	63,0

Асаларичилик. Ўзбекистонда бу тармоқни ривожлантириш учун табиий имкониятлар кўп. Водий ва воҳалардаги мевали дарахтлар, адир ва тоғ минтақасидаги ёввойи мевали ўсимликлар, гулли ўт ва буталар, ниҳоят обикор деҳқончилик минтақасида ғўзалар асалари учун озуқа базасидир. Ўзбекистон хушбўй ва ўткир асали билан азалдан машҳур. Айниқса тоғли районларнинг шифобахш май асали таърифлидир.

Республикада ихтисослашган асаларичилик шўро хўжаликлари, бир қанча жамоа хўжаликларида эса асаларичилик бригадалари ташкил этилган. Ҳозир Ўзбекистонда 150 мингдан ортиқ асалари уялари (оилалари) бўлиб, уларнинг 85 мингтаси жамоа ва шўро хўжаликлари, қолганлари эса шахсий ва ёрдамчи хўжаликларга қарашлидир.

Ҳар йили Ўзбекистонда 20 минг тоннагача асал йиғиб олинади. Республика имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, асал етиштиришни бир неча марта кўпайтириш мумкин.

Даррандачилик (ҳайвонотчилик). Ўзбекистон хўжаликларида қора тулки, норка ва бошқа мўйнали ҳайвонлар асосан Амударё ҳамда Сирдарё қирғоқларида урчитилмоқда. Мўйналарнинг кўп қисмини Қорақалпоғистон, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари етказиб бермоқда.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол районида норкачилик хўжалиги ташкил этилган. Бу касб бошқа хўжаликларга ҳам ёйилмоқда.

Ўзбекистон даррандачилиги кўплаб мўйналар етказиб бермоқда.

САНОАТ ЖУҒРОФИЯСИ

Енгил саноат. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов берадиган енгил ва озиқ-овқат саноатлари агросаноат мажмуининг таркибий қисмидир.

Бу тармоқлар республикамиз хўжалигининг қадимий касб-кoридир. Туркистон ўзининг тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан машҳур бўлиб келган эди. Унинг беқасам, атторлик буюмлари ва ип газламаларни «Буюк ипак йўли» орқали хорижий мамлакатларга чиқарганлиги тарихий манбалардан маълум.

Ўзбекистонда барпо этилган бир неча енгил саноат корхоналари хом ашё имкониятлари ва аҳоли эҳтиёжларидан эндиликда анча орқада қолди. 1990 йилгача Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасининг атиги 7% и республикада қайта ишланар эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг асосий эътибор биринчи навбатда енгил саноатни ривожлантиришга қаратилди. Хорижий мамлакатлар билан биргаликда қурилаётган қўшма корхоналарнинг кўпчилиги енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридир.

Енгил саноат Ўзбекистон саноатининг ривожланиш даражаси ва истиқболларига кўра энг муҳим тармоқлардан биридир. Уни ривожлантириш ва жойлаштиришда хом ашё базаси, ёқилғи-энергетика ва меҳнат ресурслари ҳамда истеъмолчиларнинг мавжудлиги асосий таъсир кўрсатадиган омиллар ҳисобланади.

Ўзбекистонда ана шу омилларнинг барчаси бор. Республика қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотлари, биринчи навбатда, пахта, ипак, каноп енгил саноатнинг муайян соҳаларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради, бу ерда мазкур саноатни ривожлантириш учун зарур ёқилғи ва айниқса меҳнат ресурслари ҳам етарли.

Республикада аҳолиси табиий ўсишининг анча юқорилиги бу соҳани иш кучи билан таъминлаш масаласини ҳам муваффақиятли ҳал қилади. Тез ўсаётган аҳоли енгил саноат маҳсулотининг асосий истеъмолчиси ҳамдир. Ҳозирги вақтда енгил саноат Ўзбекистон ялпи саноат маҳсулотининг 39% ини ишлаб чиқармоқда.

Ўзбекистон енгил саноатини икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлайдиган пахта тозалаш, пиллакашлик, қоракўл терисига, каноп толасига ишлов бериш, жун ювиш каби тармоқлар киради.

Иккинчи гуруҳга аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун кенг истеъмол моллари — тўқимачилик, ип-газлама, трикотаж, шойи газлама, тикувчилик, пойабзал, мўйна, гилам, шунингдек

атторлик моллари, чинни идишлар каби маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тармоқлар киради.

Бу иккала гуруҳга кирувчи енгил саноат тармоқлари ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характери билангина эмас, балки ривожланиш даражаси ва ўрни билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, республиканинг бевосита қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлаб берувчи пахта тозалаш, пиллакашлик, луб саноати тармоқлари халқаро аҳамиятга эгадир. Енгил саноатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишловчи тармоқлар орасида энг ривожланган ва кенг тарқалгани пахта тозалаш саноати ҳисобланади.

Бу тармоқ Октябрь тўнтаришидан илгари ҳам анча кенг тарқалган бўлиб, у вақтда пахта толаси Россияга жўнатилар эди.

Ўзбекистоннинг ҳозирги пахта тозалаш саноати механизациялашган пахта тозалаш заводларини, қуритиш-тозалаш цехларига эга бўлган пахта қабул қилиш пунктларини ўз ичига олади.

Ҳозир республикада 120 та пахта тозалаш заводи ва кўпчилиги қуритиш-тозалаш цехларига эга бўлган 560 та пахта пунктлари ишлаб турибди. Асака, Ғиждувон, Бухоро, Қўқон, Янгийўл, Қарши, Зирабулоқ, Наманган ва Жумадаги пахта тозалаш заводлари энг йирик заводлардир.

Ўзбекистон пахта тозалаш саноати ўз маҳсулотларини МДҲ жумҳуриятлари ва иқтисодий районларига ҳамда 30 дан ортиқ чет мамлакатларга юборади.

Кейинги йилларда пахта тозалаш саноатини бошқаришни такомиллаштириш бўйича анча ишлар қилинди. Вилоятларда илгариги пахта тозалаш трестлари ўрнига, пахта тайёрлаш ва уни дастлабки қайта ишлаш бўйича ҳудудий-саноат бирлашмалари тузилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишловчи енгил саноат тармоқларидан бири — пиллакашлик саноатидир. Бу саноат тармоғи Ўзбекистонда яхши ривожланган. Республика МДҲ даги пилланинг 60% ини етказиб беради. Ипак қурти боқиш ва ипак етиштириш Ўзбекистон аҳолисининг энг қадимий машғулотларидан бири бўлиб келган. Октябрь тўнтариши арафасидаёқ бу ерда ипак тайёрлаш 4 минг тоннага етган бўлса-да, лекин у саноат асосида олиб борилмасди. Ипак қўлда тозаланар ёки Италия ва Францияга юбориларди.

Ўзбекистондаги биринчи пиллакашлик фабрикаси 1921 йилда Фарғона шаҳрида қурилди. Бундай фабрикалар кейинчалик Самарқанд, Марғилон, Бухоро, Тошкент, Урганч ва Шаҳрисабзда қуриб ишга туширилди. Бу эса етиштирилган пиллани тўла дастлабки қайта ишлашни таъминлади. Асосан хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланиладиган пиллакашлик фабрикаларининг қурилиши муҳим муаммо — аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш масаласида муҳим роль ўйнади. Кейинчалик пилла етиштиришнинг тез суръатлар билан ривожлантирилиши натижасида мавжуд пиллакашлик фабрикалари хом ашёга дастлабки ишлов

беришга улгура олмади. Янги корхоналар қуриш режалаштирилди.

Мавжуд корхоналар қайта қурилиб, уларнинг қуввати бир неча марта оширилди.

Луб саноати каноп толасига дастлабки ишлов бериш билан шуғулланади ва Ўзбекистон енгил саноатининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Луб толали ўсимликлар орасида пахтадан кейин иккинчи ўринда туради. Каноп толасининг бир қанча ўзига хос хусусиятлари бор, жумладан, у намликни ўзига шимиб олмайди. Шунинг учун каноп толасидан кўпинча қоп-қанорлар тайёрланади.

Бундан ташқари, каноп толасидан идиш сифатида ишлатиладиган газламалар, кабель калавалари, арқон, гилам ва поёндозлар, линолиум ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ҳатто унинг чиқиндиси бўлган каноп поядан гидролиз заводларида этил спирти, фурфурол ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Республикада каноп толаси ишлаб чиқарадиган 11 та луб заводи ишлаб турибди. Улар каноп экиладиган районларда (Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ ноҳияларининг қишлоқларида) жойлашган. Бу заводлар Ўзбекистонда етиштириладиган хом ашёни тўла қайта ишлаб беради.

Тўқимачилик саноати. Ўзбекистон ҳудудида ип ва шойи газламалар ишлаб чиқариш қадимдан мавжуд бўлган. Бу газламалар дунёнинг кўп мамлакатларига чиқарилган. Шойи ва ип газламалар ҳунармандлар томонидан дастгоҳларда тайёрланган.

Замонавий тўқимачилик саноати бу ерда Октябрь тўнтаришидан кейингина барпо этилди. 1930 йилда ишга туширилган Фарғона йигирув-тўқув фабрикаси Ўзбекистон ип-газлама саноатининг тўнғичи эди. Ҳозир бу корхона йирик тўқимачилик комбинатидир. Бу комбинат таркибида йигирув, тўқув ва кирза фабрикалари, пойабзал ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган махсус газлама, тасма ишлаб чиқарадиган цехлар бор.

Ўзбекистондаги энг йирик ип-газлама корхонаси — Тошкент тўқимачилик комбинати 1936 йилда ишга туширилди. Бу комбинат таркибида йигирув, тўқув, пардозлаш ва қатор ёрдамчи корхоналар бор.

Республикада ип газлама саноати айниқса тез ривожланди. Нисбатан қисқа муддатларда Бухоро тўқимачилик комбинати, Андижон ип-газлама комбинати қуриб ишга туширилди. Нукус ип-газлама комбинати, Жиззах пахта йигирув фабрикаси қурилди. Кейинчалик кичик шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли манзилгоҳларида йирик тўқимачилик корхоналарининг филиаллари қурилди (Қўрғонтепа, Пахтаобод, Марҳамат, Янгиқўрғон, Бешариқ, Риштон, Вобкент, Ғиждувон ва бошқалар). Бундай филиаллар кўпайтирилмоқда.

Ўзбекистон шойи газламалар ишлаб чиқариш учун қулай имкониятларга эгадир. Дастлабки шойи газламалар тўқийдиган корхона — Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси 1932 йилда ишга ту-

ширилди. 1942 йилда Марғилонда пиллакашлик фабрикаси асосида йирик шойи комбинати барпо этилди. Бу комбинат хилмахил шойи (крепдешин, крепжоржет, полотно, жужунча ва ҳоказо) газламалар ишлаб чиқаради.

Марғилоннинг аврли газламалар «Атлас» фирмаси хилмахил миллий газламалар, биринчи навбатда, атлас ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Миллий газламалар Самарқанд, Қўқон, Наманган шойи фабрикаларида ҳам кўплаб тайёрланади.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг нотўқима газлама материаллар ишлаб чиқариш тармоғи ҳам мавжуд. Намангандаги ва Попдаги нотўқима материаллар фабрикалари бу соҳанинг асосий корхоналаридир. Бу тармоқни ривожлантириш учун республикада қулай имкониятлар бор.

Трикотаж моллар 1939 йилда ишга туширилган Қўқон пайпоқ-трикотаж фабрикасида, шунингдек, Андижон, Тошкент трикотаж фабрикаларида, Самарқанд, Бухоро, Жиззах устки трикотаж фабрикаларида ишлаб чиқарилади.

Кейинги йилларда гилам ишлаб чиқариш ҳам республика енгил саноатининг муҳим тармоғига айланиб бормоқда. Хива гилам комбинати ва Олмалиқ гилам фабрикаси йирик корхоналар бўлиб қолди. Вилоятларда гилам-палос тўқиш кичик корхоналари очилган.

Кўн-пойабзал саноати республика енгил саноатининг муҳим тармоқларидан бирига айланди.

Республикада саноат усулида кўн ва пойабзал тайёрлаш йўлга қўйилган.

Дастлабки кўн заводи Тошкентда 1928 йилда қурилиб, ишга туширилди. 1967 йилда иккинчи ана шундай корхона қурилди. 1968 йилда эса сунъий чарм ва плёнка ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди, табиий ва сунъий кўн ишлаб чиқарадиган «Ўзбекистон» ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди. Бу бирлашма корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнлари тўла механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган.

Фарғона шаҳридаги сунъий кўн заводи ҳам бу тармоқнинг катта корхоналаридан биридир.

Пойабзал Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро, Янгийўл, Чирчиқ, Андижон, Наманган, Фарғона фабрикаларида ишлаб чиқарилади. Пойабзал корхоналарининг деярли ҳаммаси янги ускуналар билан таъминланди ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилди.

Енгил саноатнинг яна бир тармоғи — мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқариш ривожланиб бормоқда. Бухоро қоракўли дунё бозорида юқори қадр топди. Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудида ондатра, нутрия каби мўйнали ҳайвонларнинг кўпайтирилиши саноат аҳамиятига эга бўлмоқда.

Чинни буюмлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар — Тошкент чинни заводи (1952 йил), Самарқанд чинни заводи (1970 йил), Қувасой чинни заводи (1977 йил) дир. Тошкент чинни заво-

дининг маҳсулотлари айниқса машҳур. Корхонанинг кўпчилик маҳсулотлари давлат сифат белгисига сазовор бўлган. «Оқ олтин» чой сервизи 1976 йилдаги Лейпциг Халқаро савдо ярмаркасининг олтин медалини олишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистонда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришда мебель саноати ва маҳаллий саноат тизимига кирувчи корхоналарнинг роли анча катта. 1965 йилгача республикада мебель маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилар эди. 1977 йилда Ўзбекистонда махсус мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати вазирлиги тузилди. Натижада тармоқ анча ривожлана бошлади. Ҳозир унинг таркибида «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент махсус мебель заводи ҳамда маҳсулотларнинг янги турларини лойиҳалаштириш билан шуғулланадиган илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси — «Ўзбеклойиҳамебель» ишлаб турибди. Янги йирик мебель фабрикалари Тошкент, Олмалиқ, Самарқанд, Янгийўл шаҳарларида жойлашган.

Маҳаллий саноат

Маҳаллий саноат корхоналарида сўзана, дўппи, заргарлик, мискарлик буюмлари, металл буюмлар, сопол идишлар, ўйинчоқлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Маҳаллий саноатни ривожлантириш ва уни кадрлар билан таъминлашда 1934 йилда Тошкентда очилган бадиий-саноат мактаби катта роль ўйнади. Бу мактаб амалий саноатни ривожлантириш, маҳаллий саноатнинг йирик ихтисослаштирилган корхоналарини ташкил этишга ёрдам берди.

Бир қанча маҳаллий саноат корхоналари хорижий мамлакатлар билан биргаликда қурилмоқда. Жумладан, Тошкент термос заводи Хитой Халқ Республикаси, бир марта фойдаланиладиган шприц заводи Испания билан биргаликда қурилди.

Ҳозир 110 та саноат корхонаси республика маҳаллий саноат тизимига киради. Улар орасида Самарқанддаги уй-рўзғор совитгичлари заводи, Тошкент ва Андижондаги бадиий буюмлар фабрикалари, Бухородаги зардўзлик фабрикаси, Риштондаги бадиий сопол буюмлар заводи, Тошкентдаги «Сувенир» фабрикаси, Шаҳрихондаги шойи тўқиш фабрикаси ва бошқалар бор.

Келажакда маҳаллий саноат корхоналари янада кўпайтирилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ

Ўзбек халқининг миллий озиқ-овқат корхоналари қадимдан мавжуд бўлиб келган. Тегирмонлар ун, обжувозларда ўсимлик мойи, новвойхоналарда нонлар тайёрланган, қандолатчилар ранг-баранг ширинликлар, узумдан мусаллас, тариқдан бўза ва бошқа ичимликлар ишлаб чиқарганлар. Бундай миллий озиқ-овқат шохобчалари эндиликда яна тикланмоқда.

Ҳозир озиқ-овқат саноати республика саноат маҳсулотининг 18% ини етказиб бермоқда.

Республика озиқ-овқат саноатида ўсимлик мойи, консерва ва шароб ишлаб чиқариш тармоқлари энг яхши ривожланган. Бу тармоқлар республиканинг ўзида мустаҳкам хом ашё базаси билан таъминланган ва бундан буён ҳам маҳсулотларини бошқа давлатлар ва иқтисодий минтақаларга кўплаб чиқариш мақсадида юқори суръатларда ривожлантирилмоқда.

Ўсимлик мойи ишлаб чиқариш саноатида чигитдан мой олинади. Бу тармоқ энг ривожланган бўлиб, озиқ-овқат саноати ялпи маҳсулотининг 40% ини ишлаб чиқаради. Ўзбекистон ўсимлик мойи ишлаб чиқаришда МДҲда РСФСР ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради. Ўзбекистон пахта мойи билан ўзини тўла таъминлабгина қолмай, балки унинг анчагина қисмини чет давлатларга ҳам чиқаради. Мой саноати республика озиқ-овқат саноатининг техника жиҳатдан ҳам энг яхши таъминланган тармоғидир.

Ҳозир Ўзбекистондаги деярли ҳамма мой заводлари экстракция усулига ўтказилган. Гулистон, Наманган, Урганч, Фарғона, Андижон, Қаттақўрғон, Янгийўл, Қўқон ва Тошкент мой комбинатлари тармоқнинг энг йирик корхоналаридир.

Консерва саноати ҳозир юқори даражада ривожланган бўлмаса-да, имкониятлари нуқтаи назаридан Ўзбекистон учун катта истиқболли тармоқдир.

1913 йилда Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида жойлашган учта консерва корхонаси 200 минг банка консерва ишлаб чиқарган эди. Бу миқдор ҳозир 4—5 марта кўпайган.

Ўзбекистон консерва заводларининг асосий маҳсулотлари мураббо, мева компотлари, қиём, шарбатлар, зиравор қўшиб сиркаланган сабзавот ва бошқалардир. Ўзбекистон консерва заводларида тайёрланадиган помидор консервалари, пастаси, шарбати ва ҳоказоларга республикамиздагина эмас, балки Ҳамдўстликнинг кўпгина ноҳияларида ҳам эҳтиёж жуда катта.

Мўйноқда (Қорақалпоғистон) балиқ консервалари комбинати ишлаб турибди. Комбинатда хом ашёнинг бир қисми Орол денгизидан, қолгани четдан олинади.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг муҳим аҳамиятга эга бўлган яна бир тармоғи шароб саноатидир. Бу тармоқ учун республикамизда бой хом ашё ресурслари мавжуд. Бу, аввало, хилмахил ва сифатли узум навларидир.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида Октябрь тўнтаришидан аввал ҳам шароб тайёрланар эди. Эндиликда бу шароб саноати замонавий заводнинг бутун бир мажмуини ташкил этади.

Республикада тайёрланадиган узум шароблари ўз мазаси, ҳиди ва бошқа хусусиятларига кўра халқаро миқёсда ҳам шуҳрат қозонган. Ўзбекистон шароблариниг турли навларига собиқ СССР ва халқаро ярмарка ҳамда кўргазмаларда 70 дан ортиқ олтин, кумуш ва бронза медаллари берилган. Олтин медалга са-

зовор бўлган шароб навлари орасида «Ўзбекистон», «Алеатико», «Буваки», «Ширин», «Тошкент» десерт шароблари ва бошқалар бор.

Ҳозирги пайтда катта шароб заводлари Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қўқон, Китоб, Урганч, Нукус, Денов, Янгийўл ва бошқа шаҳарларда ишлаб турибди. Тошкентда шампань шароблари, Деновда ром ишлаб чиқариладиган заводлар бор. Ўзбекистон МДҲда ром ишлаб чиқарадиган ягона республикадир. Ром Денов шўро хўжалиги комбинатида етиштириладиган шакарқамишдан тайёрланади.

Ўзбекистон шароб ишлаб чиқариш саноатида коньяк, ликер, ароқ ва бошқа ичимликлар ҳам тайёрланади. Республикамизда «Халқобод» (Янгийўл) ва «Сурхон» коньяклари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда пиво ва спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқариш анча ривож топган. Пиво асосан Тошкент, Фарғона, Қўқон, Андижон, Самарқанд, Наманган, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги, шунингдек Урганч, Қарши, Денов, Ғиждувон ҳамда Учқўрғондаги «Ўзбекбирлашув» тизимига қарашли пиво заводларда тайёрланади. Пиво тайёрлаш бўйича энг йирик корхона бўлган Қибрай пиво ва спиртсиз ичимликлар комбинатида пиво, пепси-кола, лимонад ва бошқа ичимликлар ишлаб чиқарилади.

Озиқ-овқат саноатининг гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғи аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун гўшт, колбаса, қази, дудланган чўчқа гўшти, котлет, рагу, мол ва қўй ёғлари, илик ёғи ва ҳоказолар тайёрлаб беради. Шунингдек, гўшт корхоналарида техник ёғ ва чорвачиликда озуқа сифатида фойдаланиладиган (асосан чўчқа ва паррандаларга бериладиган) гўшт уни, гўшт-суяк ва қон унлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда айрим хорижий мамлакатлар билан биргаликда озиқ-овқат қўшма корхоналари қурилмоқда. Жумладан, АҚШ билан биргаликда Тошкент, Чимён, Самарқанд ва Каттақўрғон бирлашмалари асосида «Ўзбекчиқин» (чиқин — жўжа демак) корхонаси ташкил этилди. Ҳисоб-китобларга кўра, 3 йил ичида республикамизда гўшт етиштириш 2 марта кўпаяди.

Ўзбекистоннинг сут саноати корхоналарида сарёғ, қизитилган сарёғ, пастерланган сут, қаймоқ, сузма, музқаймоқ, бринза, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу саноат таркибида 9 та корхона бўлиб, уларнинг энг йириклари Тошкент ва Самарқандда жойлашгандир.

Ҳукуматимизнинг озиқ-овқат маҳсулотларига аҳоли эҳтиёжини тобора тўлароқ қондиришга қаратилган сиёсатини оғишмай амалга ошириш натижасида кейинги йилларда бир қанча йирик корхоналар қурилди. Фарғона, Ангрен, Нукус, Қўқон, Чирчиқ, Қарши, Термиз, Наманган, Урганч, Каттақўрғон ва Муборак сут заводлари ана шундай корхоналардандир.

Қандолат саноати замонавий қандолат фабрикалари ёки озиқ-овқат саноатининг бошқа корхоналаридаги махсус қандолат цех-

ларини ўз ичига олади. Ўзбекистонда қандолат саноатига алоқадор 60 дан ортиқ корхона бор. Тармоқнинг энг йирик корхоналари Тошкентдаги «Ўртоқ» қандолат фабрикаси, Янгийўлдаги «Лаззат» қандолат-ачитқи бирлашмаси, Фарғона ва Самарқанд қандолат фабрикаларидир.

Самарқандда Ўрта Осиёда ягона чой қадоқлаш фабрикаси жойлашган. 1923 йилда қурилган бу фабрика чой саноатининг МДҲ даги энг йирик корхоналаридан биридир.

Ўзбекистонда тамаки маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади. Тошкент тамаки фабрикаси йирик корхоналардан бири бўлиб, хилма-хил папирос ва фильтрли сигареталар ишлаб чиқаради. Шифобахш минерал сувлар Ўзбекистоннинг Тошкент шаҳри ва бошқа жойларидан олинади.

VIII БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТРАНСПОРТИ

Ўзбекистоннинг транспорти республика ичида, МДҲ мамлакатлари ва кенг халқаро миқёсда қатнаб турибди.

Транспорт мустақил республикамиз ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши ва жойланишига муҳим таъсир кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳозирги замон транспортининг деярли барча турлари — темир йўл, автомобиль, ҳаво, дарё, қувур ва электрон транспорти мавжуддир. Республикада моддий бойлик ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг 12% идан ортиғи транспортда ишламоқда.

Совет ҳокимияти йилларида транспорт тармоқлари, айниқса, унинг янги турлари тез ривожланиб борди. Масалан, темир йўлда юк ташиш 1980 йилга келиб 1940 йилдагига нисбатан деярли 18 марта ортган бўлса, шу даврда автомобиль транспортида 122 марта кўпайди, ҳаво транспорти, айниқса қувур транспортининг юк обороти бундан ҳам ортиқ бўлди.

Ўзбекистон транспортининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб ва такомиллашиб бормоқда.

Республиканинг транспорт турлари ичида юк ташиш бўйича темир йўл транспорти етакчи роль ўйнайди.

Темир йўл транспорти. Совет ҳокимияти йилларида темир йўлларнинг узунлиги 3 марта, юк ташиш обороти 20 марта ортди, пассажир ташиш 1940 йилдагига нисбатан 2 марта кўпайди. Темир йўл транспорти айниқса районлараро иқтисодий алоқаларда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон ҳудудида темир йўл қурилиши 1888 йилда бошланган эди. Красноводск-Чоржўй темир йўли давом эттирилиб, Фароб бекатидан Самарқандгача олиб борилди, 1890 йилгача эса Тошкентдан Андижонга етказилди. 1905 йилда Оренбург ва Тошкенг оралиғида темир йўл ишга туширилди.

Фуқаролар уруши йилларида темир йўл ва унинг ҳаракатланувчи составларига анча шикаст етказилди.

Ўзбекистон ҳукумати иқтисодий қийинчиликларга қарамай, шикастланган темир йўлларни тиклаш ва янги йўллар қуришга зудлик билан киришди.

1931 йилда Турксиб магистралининг ишга туширилиши Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистоннинг темир йўлларида тез юрар, қудратли паровозлар сони кўпайди, бекатлар қайта қурилди. Салор — Барраж темир йўли ишга туширилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Қизил тўқимачи — Ангрен темир йўли қурилиб, кўмир ташила бошланди. Бу даврда транспорт, хусусан, темир йўл транспорти собиқ Иттифоқнинг ғарбий районларидан завод-фабрикалар ва аҳолини кўчириб келиш, фронтга эса қурол-яроғ, озиқ-овқат ва кийим-кечак етказиб беришга сафарбар қилинди.

1952—1955 йилларда Чоржўй-Қўнғирот темир йўли қурилиши билан Қуйи Амударё собиқ Иттифоқ ва Ўзбекистоннинг бошқа районлари билан темир йўл орқали боғланди. 1962 йилда Навоий—Учқудуқ темир йўли қуриб битказилиб, кон билан саноат маркази боғланди.

Кейинги йилларда Мирзачўл, Қарши чўли, Қуйи Амударё ва бошқа жойларда янги ерлар ўзлаштирила бошланди. Бунга боғлиқ ҳолда янги темир йўллар қурилди. Сирдарё Жиззах билан, Самарқанд Қарши билан чўл ерлари орқали қисқа масофада туташтирилди.

1972 йилда Қўнғиротдан Устюрт орқали Бейновга темир йўл ўтказилди. Эндиликда Ўрта Осиё Европага икки йўналишда темир йўл орқали чиқади.

Республикамиз Арис—Оренбург йўналиши орқали Урал, Волгабўйи, Марказ ва Жануб иқтисодий районлари билан Арис-Новосибирск йўналиши орқали Қозоғистон, Ғарбий Сибирь, Шарқий Сибирь ва Узоқ Шарқ иқтисодий районлари билан, Тошкент—Красноводск йўналиши орқали Туркманистон, Кавказорти ва Шимолий Кавказ иқтисодий районлари билан, Термиз-Душанбе ва Термиз-Қўрғонтепа йўналишлари орқали Тожикистон билан иқтисодий алоқаларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Қирғизистон билан икки йўналишда — Арис— Луговая—Бишкек ва Андижон—Жалолобод — Ўш орқали иқтисодий алоқа олиб боради.

Ўзбекистондаги темир йўлларнинг узунлиги 3, 4 минг километрга етди. 1990 йилгача Нукус—Чимбой темир йўли қуриб битказилди. Туямўйин—Тўрткўл темир йўли қурилди. Тажан (Туркманистон) дан Эронга чиқадиган темир йўлни Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари биргаликда қурмоқда.

Болдир (Сурхондарё) бекатидан Хўжайкон туз конигача ва Шўрчидан Бандихонгача, яъни аргелит гилмоя конигача ҳамда Бойсун кўмир конигача темир йўл қурилади.

Автомобиль транспорти Ўзбекистонда тез ривожланмоқда. Бу транспорт асосан республика районлараро ва хўжаликлараро юк-

ларни ташишда муҳим роль ўйнайди. Кейинги йилларда Ҳамдўстлик мамлакатлари ва бошқа халқаро халқ хўжалик юкларини ташишда унинг аҳамияти ошиб бормоқда. Автомобиль транспорти айниқса, темир йўл бўлмаган чўл, адир ва тоғли жойларда асосий транспорт воситасидир.

Ўзбекистонда қаттиқ қатламли йўллар қурилиши авж олдирилди, автопарклар кўпайди ва бойиб борди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда, айниқса сўнгги йилларда автомобиль транспорти тез суръатлар билан тараққий этди.

Бир қанча бетон йўллар — Тошкент—Олмалиқ йўли, Катта Ўзбекистон тракти, Фарғона ҳалқа йўли, Зарафшон ва Қорақалпоғистон трактлари ва бошқа йўллар қурилди.

Катта Ўзбекистон тракти республиканинг кўпгина вилоятлари ва саноат марказларини бир-бири билан боғлайди. Чунончи, у Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг ҳудуди ва марказларини кесиб ўтади. Бу тракт ҳозир Душанба шаҳригача олиб борилган. Фарғона ҳалқа йўли водийнинг барча вилоятлари ва йирик шаҳарларини бир-бири билан боғлаб, катта иқтисодий алоқаларни амалга оширади.

Зарафшон тракти Самарқанд, Бухоро вилоятларини бир-бири билан боғлаш билан бирга Туркманистон билан иқтисодий алоқаларни амалга ошириш учун хизмат қилмоқда.

Қорақалпоғистон тракти мухтор республика иқтисодиётини кўтаришда муҳим роль ўйнамоқда. Бу трактнинг Тўрткўл шаҳридан бошланиб, Амударёнинг ўнг соҳили бўйлаб Нукус шаҳри орқали Тахтакўпирга бориши мақсадга мувофиқ бўлди. Бухоро—Газли—Сазакино автомагистрали Қизилқум чўлини кесиб ўтади. Бу йўл республика қоракўлчилигини ривожлантиришда катта хизмат қилмоқда.

Тошкент — Қўқон йўли Қамчиқ довони орқали пойтахтни қисқа масофада Фарғона водийси билан боғлайди.

Бундан бир неча йил аввал ишга туширилган Тошкент—Орол денгизи автомагистрали пойтахтни Қизилқум орқали Қуйи Амударё билан бевосита боғлади. Бу йўлда халқ хўжалик юклари билан бирга пассажирлар ҳам ташилмоқда. Тошкентдан Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг катта шаҳарларига олиб борадиган автомагистраллар ишлаб турибди.

1982 йил май ойида Термиздан Амударё орқали Афғонистонга олиб ўтадиган автомобиль ва темир йўл кўприги қурилиб, ишга туширилди.

Тошкентдан барча вилоят марказлари ва йирик шаҳарларга, район марказларига ҳамда жамоа ва шўро хўжаликларига мунтазам автомобиль қатнови йўлга қўйилган.

Ҳозир республикада 70 га яқин автобус ва таксомотор парклари барпо этилган, улар замонавий техника билан таъминланган.

Республикамизда «Ўрта Осиё транс» автомобиль фирмасининг

ташкил этилганлиги Ўзбекистон бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга ўтганлигининг белгиларидан биридир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида ва иқтисодий алоқаларнинг ўсишида ҳаво транспортининг роли ортиб бормоқда. Республикамиз эндиликда Ҳамдўстликнинг 100 дан ортиқ шаҳар ва аҳоли манзилгоҳлари, шу жумладан, унинг барча пойтахтлари билан ҳаво транспорти орқали боғланган. Тошкент аэропорти Шарқнинг халқаро ҳаво дарвозаларидан биридир.

1981 йилда собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб Ил-86 аэробуси Москва—Тошкент маршрути бўйлаб парвоз қила бошлади.

Самарқанд, Нукус, Урганч, Термиз, Жиззах, Бухоро, Қарши, Андижон ва Наманган шаҳарларида замонавий аэропортлар қурилди.

Тошкент аэропорти пассажирлар учун барча қулайликлар яратилган замонавий йирик аэропортлардан биридир. Тошкентдан Туркия, Покистон, Саудия Арабистони, Афғонистон, Ҳиндистон, Вьетнам ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг бошқа мамлакатларига самолётлар парвоз қилади.

Ҳозир республикамизда самолётларда пассажир ташиш 1940 йилдагига нисбатан 110 марта, юк ташиш эса 230 мартадан зиёд кўпайди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида авиация кўп ишларни бажармоқда, чунончи, экин далаларидаги бегона ўтларга қарши самолётлардан гербицидлар сепилмоқда, ғўза баргларини тўкишда фойдаланилмоқда.

Кейинги йилларда республикада ҳаво транспорти анча ривожлантирилди. Тошкент ва Нукус аэропортлари қайта қурилди, натижада улар энг янги конструкциядаги самолётларни қабул қила оладиган бўлди. Фарғона, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларда янги аэровокзаллар қуриш режалаштирилди.

Ўзбекистон сув транспорти районлараро халқ хўжалик юкларини ташиш ҳамда Афғонистон ва бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқалар учун хизмат қилади. Юклар асосан Амударёда ташилади. Амударёда кемалар Панж (Тожикистон) дан Мўйноққача қатнайди. Кейинги йилларда ўрта ҳисобда 1,5 млн. тоннадан ортиқ халқ хўжалик юклари сув транспортида ташилмоқда.

Ўзбекистоннинг қувур транспорти ривожланиб бормоқда. Республика ҳудудида нефть қувури дастлаб Чимён нефть кони билан Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи ўртасида қурилган эди.

Совет ҳокимияти йилларида Фарғона водийсида бир қанча нефть конлари топилиб, ишга туширилгач, бу конлардан Олтиариқ ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларига нефть қувурлар орқали келтириладиган бўлди.

Республикамиз жанубида нефть конлари (Лалмикор—Қумқўрғон) ишга туширилиши билан Амударё конидан Амузанггача, Қашқадарё вилоятидаги Ғарбий Тошлоқдан Қашқадарё бекатигача, Шимолий Ўрта булоқдан олтингугурт заводигача нефть қу-

вурлари ўтқазилди. 1992 йилда Мингбулоқ — Оқтош нефть қувури ишга туширилди.

Ўзбекистонда табиий газ конларининг ишга туширилиши қувур транспортининг ривожланишида янги истиқболлар очиб берди.

Газ қувурлари қуриш 1958 йилда бошланди. 1960 йилгача Аса-ка—Андижон, Хўжаобод—Фарғона, Шимолий Сўх—Қўқон, Шимолий Сўх—Фарғона—Қувасой, Газли—Когон газ қувурлари битқазилди. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоят марказлари, Қозоғистон ва Қирғизистонга газ қувурлари ўтқазилган. Республикадаги Жарқоқ—Бухоро—Самарқанд—Тошкент газ қувурлари жуда муҳимдир. Уралга ўтқазилган газ қувурлари диаметрининг каттали-ги ва узунлиги жиҳатидан жаҳонда олдинги ўринлардан бирида туради.

Республикадаги электр станцияларнинг Ўрта Осиё электр тизимига уланиши билан транспортнинг янги тури — электрон транспорт вужудга келди. Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожланишида бу транспортнинг салмоғи тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда биринчи электр узатгич линияси 1933 йилда Қодирия ГЭСи билан Шарқий Тошкент подстанцияси орасида қурилган эди. 1958 йилда Қайроққум ГЭСи билан Қўйлиқ (Тошкент) орасида электр узатгич линияси қурилди. Сўнгра Сирдарё ГРЭСи — Тошкент, Андижон—Тўхтағул, Тошкент ГРЭСи — Чимкент, Турсунзода—Ғузор—Сирдарё орасида электр узатгич линиялари барпо этилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг асосий қувват манбалари қўшни республикалар билан бирлаштирилди, яъни Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон энергетика тизими барпо этилди. Ҳозир Ўзбекистонда 15 минг км дан ортиқ кучланишли электр узатгич линиялари ишлаб турибди.

IX БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА НОМОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИ ЖЎҒРОФИЯСИ

Хизмат доирасининг таркиби жўғрофий ўрганишнинг вазифалари, уни ҳудудий ташкил этишга таъсир кўрсатадиган шароитлар **жамият иқтисодий ва ижтимоий** тараққиётининг муҳим хусусиятларига тааллуқли бўлиб, айни вақтда иқтисодий ва ижтимоий жўғрофиянинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки номоддий ишлаб чиқариш ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муҳим таркибий қисми бўлганлигидан ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг анчагина қисми шу тармоқ билан боғланган ва, ниҳоят, хизмат доираси **моддий ишлаб чиқаришнинг** ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади ва аҳоли турмуш шароитининг яхшиланишига хизмат қилади. Шунинг учун халқ моддий ва маданий турмуш даражасининг ўсиб бориши билан номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда унда банд бўлган ходимлар сони тинмай ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда 1926 йилда номоддий ишлаб чиқариш тармоқ-

ларида ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг борйўғи 6% и ишлаган бўлса, 1990 йилга келиб, бу кўрсаткич қарийб 26% га етди, яъни бу тармоқда ишловчиларнинг сони 4 баравардан зиёд кўпайди. Худди шу даврда моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар сони камайиб, 94% дан 74,1% га тушиб қолди. Бу рақамлар республикада моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг ўсмаганлиги ёки кам ўсганлигини кўрсатмайди, албатта. Аксинча, жамият тараққиёти, унинг бойлиги аввало моддий ишлаб чиқаришнинг тараққиёт даражаси билан белгиланади. Ўзбекистонда ҳам моддий ишлаб чиқариш тармоқлари юқори суръатлар билан ривожланди, маҳсулот ишлаб чиқариш кўп марта ошди. Бундай ривожланиш айниқса меҳнат унумдорлигининг ошиши, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, янги техника ва технологиялардан фойдаланиш эвазига содир бўлди.

Шу билан бирга аҳоли моддий ва маданий турмуш даражасининг юқори бўлиши хилма-хил хизмат кўрсатиш соҳаларига бўлган талабни оширади. Бунда номоддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун маблағ ажратиш имконияти ва моддий ишлаб чиқаришнинг тараққиёт даражаси жамғарилган миллий бойлик ҳажмига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий тараққиёт даражаси қанчалик юксак бўлса, хизмат доирасига бўлган талаб, уни ривожлантириш имконияти шунча юқори бўлади.

Хизмат доирасига қуйидагилар киради: уй-жойлардаги коммунал хизмат, аҳолига транспорт хизмати, савдо ва умумий овқатланиш, ижтимоий таъминот хизмати, болалар муассасалари ва умумий таълим мактаблари, тиббий хизмат, маиший хизмат, аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш, аҳоли хавфсизлиги ва қонунчиликни сақлаш, спорт-туризм хизмати ва ҳоказо. Хизмат доирасидаги ана шу тармоқлар жамиятнинг ижтимоий инфратузилмаси мажмуини ташкил қилади.

Хизмат доираси жўғрофиясини тадқиқ қилишда тармоқ қисми (хизмат доираси айрим тармоқлари жўғрофияси); барча хизмат доирасини яхлит, мажму, минтақавий ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Хизмат доирасининг айрим тармоқлари ўрганилганда ҳам, уларни биргаликда тадқиқ қилганда ҳам қуйидаги иккита йўналиш кўзга ташланади:

1. Аҳолининг хизмат доирасига бўлган талабидаги фарқларни қиёсий-жўғрофий ўрганиш ва хизмат кўрсатишнинг ҳақиқий даражасини аниқлаш; 2. Хизмат доирасини ҳудудий ташкил қилиш, хизмат доираси корхоналарининг ҳудудий тизимини ва уларнинг маҳаллий шароитга мослигини аниқлаш.

Маълумки, ҳар қандай ҳудудий (иқтисодий район, республика, вилоят ва ҳоказо) хизмат доирасини ривожлантириш учун маълум шароитлар мажмуи керак бўлади. Ана шундай шароитлар мажмуи хизмат доирасига бўлган талаб ҳажмини, уни ҳудудий ташкил қилиш имкониятларини белгилаб беради.

Табиий, демографик, ижтимоий-иқтисодий ва этник шароитлар, аҳолининг жойлашиш хусусиятлари номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ривожланишида катта роль ўйнайди.

Ўзбекистонда хизмат доирасини ривожлантириш ва уни ҳудудий ташкил этишга таъсир кўрсатадиган ана шу шароитлар билан қисқача танишиб ўтамиз.

Табиий шароит хизмат доирасининг айрим тармоқларига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Уй-жой қурилишида фойдаланиладиган материаллар, совуқ ва иссиқдан сақланиш имкониятлари ҳисобга олинади. Ўзбекистон шароитида уйларни иситиш муддати совуқ иқлимли районлардагига нисбатан анча қисқа бўлиб, бу мақсадлар учун анча кам ёқилғи сарф қилинади.

Ўзбекистонда кенг тарқалган хизмат доираси корхоналаридан бири — чойхоналар миллий урф-одат тақозоси билан вужудга келган бўлиб, аввало бу ердаги иссиқ иқлим шароити билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожлангандир. Шунингдек, бирон районда транспорт йўлларининг қурилиши ҳамда сув таъминотига табиий шароит бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳатто айрим районларда табиий шароитга боғлиқ ҳолда турли касалликлар кенг тарқалган бўлиши ва аксинча, бўлмаслиги мумкин. Шу билан боғлиқ ҳолда турли зарурий хизмат турларини, хусусан, тегишли касалликларга қарши тиббий хизматни ривожлантириш талаб этилади.

Шунингдек, аҳолининг дам олишини ташкил этиш имкониятлари, туризмни ривожлантириш ҳам шу район ёки республиканинг табиий-иқлим шароитларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. ва ҳоказо.

Хизмат доирасини ривожлантириш ва ҳудудий ташкил қилишга табиий шароитнинг билвосита таъсири жуда мураккаб ва хилмахилдир. Бундай таъсир табиий шароитнинг ишлаб чиқаришга, аҳолининг жойлашувига ва улар орқали хизмат доирасининг ҳудудий жойлашув хусусиятларига таъсиридир.

Ўзбекистонда хўжалик фаолиятининг суғориладиган деҳқончилик билан боғлиқлиги аҳоли манзилгоҳларининг кўп ҳолларда ирригация каналлари ва ариқлари бўйлаб жойлашувига сабаб бўлган. Бу ҳолатлар хизмат кўрсатишни ташкил этишда эътиборга олиниши шарт.

Демографик шароит ҳам хизмат доирасини ривожлантириш, уни ҳудудий ташкил қилишга таъсир кўрсатадиган муҳим омил ҳисобланади. Аҳолининг ёш ва жинсий таркиби, оила аъзоларининг сони, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш малакаси ва билими бўйича таркиби каби демографик кўрсаткичлар хизмат доирасининг ҳажми ҳамда умумий таркибига катта таъсир кўрсатади. Масалан, аҳоли таркибида аёллар сонининг эркакларга нисбатан ортиқ ёки кам бўлиши ҳам аҳолига турли хил хизмат кўрсатишни ривожлантиришда эътиборга олинади.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиши энг юқори бўлган ўлкалардан биридир. Бу ҳол бизда аҳоли ёш таркибида

болалар ва ўсмирлар салмоғининг юқори бўлишига олиб келади. Оила аъзоларининг сони бўйича эса Ўзбекистон Ҳамдўстликда Тожикистондан кейин иккинчи ўринда туради. 1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумоти бўйича Ўзбекистондаги оилалар аъзоларининг ўртача сони 5,5 кишидир. (Тожикистонда 6,1 киши). Оила аъзолари 7 киши ва ундан ортиқ бўлган оилалар Ўзбекистонда 1042 та, Украинада эса 235 та, ваҳоланки, Украина аҳолиси Ўзбекистон аҳолисига нисбатан 2,5 марта кўп.

Аҳоли ёш таркибидаги бундай хусусиятлар кўпроқ мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари қуриш зарурлиги, уларни тегишли сондаги тарбиячи, ўқитувчи, дарсликлар ва бошқа зарур ўқув воситалари билан таъминлаш кераклигини келтириб чиқаради. Аҳоли ёш таркибидаги бундай хусусиятлар савдо, умумий овқатланиш, тиббиёт, маданий-маиший хизмат кўрсатишда ҳам эътиборга олиниши турган гап.

Мавжуд демографик кўрсаткичлар хизмат доирасининг таркибини белгилаб беради. Бу кўрсаткичлардаги районлараро фарқлар эса хизмат доирасини ҳудудий ташкил қилиш хусусиятларига таъсир кўрсатади.

Ижтимоий-иқтисодий шароитнинг хизмат доирасига таъсири жуда катта эканлиги аввало шу билан белгиланадики, иқтисодий тараққиёт даражаси қанчалик юқори бўлса, хизмат доирасига талаб ва уни ривожлантириш имкониятлари ҳам шу қадар юқори бўлади. Буни биз қисман мавзунинг бошида эслатиб ўтдик. Шунингдек ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатлар шароитида турлича бўлиши кўп ҳолларда улардаги ишлаб чиқариш муносабатлари моҳиятига боғлиқ бўлади.

Собиқ Иттифоқ шароитида ҳам турли республикалар, уларнинг айрим районлари ўртасида хизмат доирасининг ривожланиш даражасида маълум фарқлар бўлган, албатта. Бу эса ўша ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидаги, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжи ва ҳоказолардаги фарқлар билан боғлиқ эди.

Этник шароитлар ҳам хизмат доирасига маълум даражада таъсир кўрсатади. Бунда аҳолининг миллий таркиби айниқса катта аҳамиятга эгадир. Кўпмиллатли Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларида ўқиш икки ёки ундан кўп тилда олиб бориладиган мактаблар бор. Шунингдек, республикамизда турли тилларда газеталар чиқарилади ва радио эшиттиришлари олиб борилади. Албатта, аҳолига кўрсатиладиган бундай хизмат бир неча тилда олиб борилиши бир тилда олиб бориладиган хизматга қараганда тегишли ташкилотлар ва уларда ишловчи ходимларни кўпроқ талаб қилади. Этник ҳолатлар, шунингдек, савдо хизмати, маданий-маиший хизмат кўрсатишда ҳам эътиборга олиниши шарт.

Аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва аҳоли манзилгоҳлари жўғрофияси ҳамда мавжуд йўл ва ирригация тармоқлари хизмат доирасини ҳудудий ташкил қилишга бевосита таъсир кўрсатади.

Маълумки, хизмат доираси тармоқлари ҳам аҳоли ёки моддий ишлаб чиқариш тармоқлари сингари маълум ҳудудларда (аҳоли манзилгоҳларида) жойлаштирилади. Айтиш мумкинки, аҳолининг ва хизмат доираси тармоқларининг жойлашуви ягона жараённинг бир-бири билан боғлиқ икки томонидир. Чунки барча турдаги хизматлар аҳолига кўрсатилади. Аммо ҳар қандай аҳоли манзилгоҳида барча зарур хизмат доираси тармоқлари бўлавермайди. Хизмат доирасининг ҳар бир корхонаси маълум сондаги харидорларга эга бўлиши керак. Ана шу муайян сондаги харидорлар бўлгандагина у ёки бу хизмат доираси корхонаси вужудга келтирилади. Масалан, ўрта мактабни ёки йирик ихтисослаштирилган савдо корхонасини барча кичик қишлоқларда ҳам очиш мақсадга мувофиқ бўлавермайди. Шунинг учун ҳар бир хизмат доираси корхонаси ўзининг хизмат кўрсатадиган радиусига эга бўлади. Кичик ва майда қишлоқларда яшовчи аҳолининг айрим хизмат турларидан бошқа йирикроқ аҳоли манзилгоҳларига бориб фойдаланишига тўғри келади. Шунинг учун аҳолига хизмат кўрсатадиган барча тармоқлар уларга бўлган талабнинг кундалик характерга эгалиги ёки вақт-вақти билан бўлишига қараб **ҳар кунги ёки кундалик** (пастки босқич), вақт-вақти билан ёки даврий (ўрта босқич), **ҳар замонда ёки аҳён-аҳёнда** (юқори босқич) хизмат кўрсатиладиган хизмат тармоқларга бўлинади.

Ҳар кунги ёки кундалик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хизмат доираси корхоналари кўпчилик (деярли ҳамма) аҳоли манзилгоҳларида жойлаштирилади.

Аҳоли вақт-вақти билан ёки даврий фойдаланадиган хизмат кўрсатиш корхоналари каттароқ аҳоли манзилгоҳларида (айрим жамоа, давлат хўжалиги марказлари, кичик ва ўрта шаҳарларда) жойлашиб, уларнинг хизмат кўрсатиш радиуси, албатта, кўплаб бошқа қишлоқларни ва шаҳарчаларни ҳам қамраб олади.

Аҳолига аҳён-аҳёнда хизмат кўрсатадиган хизмат доираси корхоналари йирик ва катта шаҳарларда (асосан вилоят марказлари ва республика пойтахтида) жойлашади.

Умуман, аҳоли манзилгоҳи (шаҳар, қишлоқ) қанчалик катта бўлса, унда хизмат доираси мажмуи шунчалик тўла ва юксак даражада ривожланган бўлади.

Қуйида республикада хизмат доирасининг **айрим** муҳим тармоқлари билан қисқача танишиб ўтамиз.

Уй-жой ва коммунал хўжалиги. Бу тармоқ мураккаб ва кўп сонли бўлиб, аҳоли турмуш шароитининг ривожланишига бевосита ҳамда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ошишига билвосита таъсир кўрсатади. Уй-жойлардан фойдаланиш (шу жумладан, жорий таъмирлаш), уй-жойлар орасини ва атрофини кўкаламзорлаштириш, аҳоли яшайдиган ҳудудлардаги барча инженерлик воситалари (сув билан таъминлаш, канализация, газ, электр қуввати билан таъминлаш, иситиш, йўл-кўчаларни тоза-

лаш, кўприклар ва ҳоказо) ана шу тармоққа киради. Уй-жой ва коммунал хўжалик хизматида номоддий ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг анчагина қисми ишлайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу тармоқнинг ривожланиши, биринчи навбатда, уй-жой қурилишининг ҳажми билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда уй-жой қурилиши анча тез суръатлар билан ривожланди. 1990 йилда республикада умумий уй-жой фонди 250,4 миллион $м^2$ ни ташкил қилди.

Қишлоқларда уй-жойлар кўпроқ қурилмоқда. Шу сабабли жами уй-жойларнинг 58% дан кўпи Ўзбекистоннинг қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келади. Бу кўп жиҳатдан Ўзбекистонда аҳолининг кўпчилик қисми ҳали қишлоқларда яшаётганлиги билан изоҳланади.

Уй-жой қурилиши давлат ва жамоа хўжаликлари маблағлари ҳисобига ҳам, кооперативларга бирлашиш йўли билан аҳолининг ўз маблағлари ҳисобига ҳам кенгайиб бормоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармонига кўра меҳнаткашларга, айниқса қишлоқ аҳолисига кўплаб томорқа ерлар ажратилганлиги ва давлат уй-жойларидан бир қисмининг кишиларга (ўқитувчилар, тиббиёт ва ижод аҳлига, меҳнат ва уруш фахрийларига) мулк қилиб берилиши натижасида хусусий уй-жойлар фонди тобора кенгайиб бормоқда. Биргина 1991 йилда 700 минг оила томорқа ерларига эга бўлди. Уй-жой қурилишининг сифат кўрсаткичларини яхшилашга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Хоналарнинг жойлаштирилиши ва пардози яхшиланган янги типдаги уй-жойлар қурилмоқда.

Уй-жой қурилиши билан биргаликда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ҳам ривожланмоқда. Газлаштирилган квартираларнинг сони 1965 йилда 409,6 минг та бўлган бўлса, 1980 йилга келиб 2 млн. 406,9 мингтага ва 1990 йилда эса 3 млн. 290,6 мингтага етди. Ўзбекистон ҳукумати 1995 йилгача барча қишлоқларни табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда. Шундай қилиб, аҳоли манзилгоҳларини тубдан ободонлаштириш, уларга коммунал хизмат кўрсатиш ҳажми ва сифати йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Савдо ва умумий овқатланиш. Маълумки, ишлаб чиқарилган моддий неъматлар истеъмолчиларга савдо тармоқлари орқали етказилади. Шунинг учун ҳам хизмат доираси тармоқлари орасида, аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашда савдо алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистонда савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари маълум ривожланиш йўлини босиб ўтди. 1980 йил охирларида республикада деярли 35 мингта чакана савдо ва 17,7 мингта умумий овқатланиш корхоналари ишлаб турган бўлсин, уларнинг сони тегишли равишда 1990 йилда 46,2 минг ва 23,1 мингни ташкил қилди. Савдо ва умумий овқатланиш тармоқларининг ривожла-

ниш суръатлари Ўзбекистонда собиқ иттифоқ кўрсаткичларига нисбатан бирмунча паст эди. 1985—1990 йиллар орасида давлат ва кооператив савдоси ҳамда умумий овқатланиш корхоналарининг товар обороти Ўзбекистонда 122% ни ташкил қилди.

Давлат ва кооператив савдоси йўли билан Ўзбекистонда 1990 йилда аҳоли жон бошига 907 сўмлик истеъмол моллари сотилди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган товар оборотида озиқ-овқат моллари ва саноат моллари ўртасида ҳам анчагина фарқ бор. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси кўрсаткичлари айниқса кам. Бунинг асосий сабаби республикамизда аҳолининг мева-сабзавот, картошка, гўшт, сут ва бошқа айрим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларининг бир қисми шахсий томорқаларда етиштириладиган маҳсулотлар ҳисобига қондирилишидир.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатишда савдо корхоналарини ихтисослаштириш ва уларни янги савдо техникаси билан таъминлашнинг аҳамияти жуда каттадир. Чунки бунда энг малакали ва тез, сифатли хизмат кўрсатилади. Ихтисослаштирилган савдо мева, сабзавот, сут маҳсулотлари, газлама, кийим-кечак, пойабзал, атторлик, трикотаж маҳсулотлари ва китоб савдосида кенг тарқалган. Савдо корхоналарини махсус совиткичлар, автоматлар ва механик кўтаргич, транспорт ускуналари билан етарли даражада таъминлаш жуда муҳимдир.

Шунингдек, республика савдо корхоналарини кенгайтириш, аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг янги, илғор усулларидан кенг фойдаланиш, уларни янги савдо техникаси ва ускуналари билан таъминлаш, айниқса савдо хизмати кўрсатишдаги ҳудудий фарқларни мумкин қадар бир-бирига яқинлаштириш соҳасида катта вазифалар турибди.

Ўзбекистоннинг вилоятлари орасида аҳолига савдо хизмати кўрсатишда бирмунча фарқлар бор. Жумладан, 1990 йилда республика бўйича аҳоли жон бошига ўртача 907 сўмлик савдо хизмати кўрсатилган бўлса, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 1680 сўмни ташкил қилди. Бу, албатта, хизмат доираси қонуниятларидан бирининг натижасидир, яъни аҳоли манзилгоҳи қанча катта бўлса, хизмат доираси шунча тўла ва яхши ривожланади. Иккинчидан, йил давомида Тошкент шаҳрида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари хизматидан фойдаланган аҳолининг анча қисми Тошкент меҳмонларидир. Йирик пойтахт шаҳарларда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари хизматидан республика ва айниқса яқин жойлашган вилоятлар аҳолисининг анчагина қисми ҳам фойдаланади. Тошкентга яқин жойлашган Тошкент ва Сирдарё вилоятлари аҳолисига савдо хизмати кўрсатишнинг ҳажми бошқа вилоятлардагига нисбатан юқорилиги ва марказдан узоқда жойлашган Сурхондарё вилоятида бу кўрсаткичнинг энг пастлиги (697 сўмлик) ҳам фикримизнинг далили бўла олади.

Яқин истиқболда республикамизда чакана товар оборотини янада ошириш, кўплаб универсамлар, универмаглар, замонавий

савдо марказлари ва умумий овқатланиш корхоналари, совуқхоналар ва омборлар барпо этишга алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқдир.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш. Бу тармоқ хизмат доирасининг энг мураккаб йўналишли соҳасидир. Маиший хизмат кўрсатиш тармоғи моддий ишлаб чиқариш (айниқса саноат) билан хизмат доираси чегарасида ўрнашган. Унда амалга ошириладиган иш жараёнлари кўп ҳолларда саноат характерига эга. Шунинг учун ҳам маиший хизмат кўрсатиш корхоналари одатда икки гуруҳга бўлинади: а) маиший хизматнинг ишлаб чиқариш характерига эга бўлган турлари; б) маиший хизматнинг ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган турлари.

Биринчи гуруҳга махсус буюртмалар бўйича кийим ва пойабзал тикиш ҳамда таъмир қилиш, радио ва телевидение аппаратларини, маиший совиткичлар ва кир ювиш машиналари ва ускуналарини, транспорт воситаларини таъмирлаш, металлдан буюмлар ясаш ва уларни таъмирлаш, мебель тайёрлаб бериш ва таъмирлаш, кийимларни ва бошқа маҳсулотларни кимёвий йўл билан тозалаш, бўяш, трикотаж кийимларни махсус буюртмалар бўйича тикиш, тўқиш, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриб бериш, прокат пунктлари киради.

Иккинчи гуруҳга эса сартарошхоналар, ҳаммомлар, суратхоналар, кир ювадиган пунктлар ходимларининг хизмати киради.

Аввало шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда бу тармоқ етарли ривожланмаган. Ундаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган маиший хизматнинг ҳажми ҳамдўстликдаги Тожикистон ва Озарбайжон Республикаларидан ташқари бошқа барча республикалардагига нисбатан кам. Маиший хизмат ҳажми, умуман, Ўрта Осиё республикаларида паст, Россия Федерацияси, Белорусь ва Украинада энг юқоридир.

Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Бу аввало ижтимоий характердаги сабаблар билан боғлиқ. Масалан, барча ишчилар ва хизматчилар таркибидаги хотин-қизларнинг салмоғи Ўрта Осиё республикаларида анча паст. Жумладан, 1989 йилда хотин-қизлар барча ишчи ва хизматчиларнинг Тожикистонда 39% ини, Туркманистонда 42% ини, Ўзбекистонда 43% ини ва Қирғизистонда 49% ни ташкил қилгани ҳолда бу кўрсаткич Россия Федерациясида 52% га, Украинада 52% га, Белорусда 53% га тенг эди. Демак, Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида хотин-қизлар ижтимоий ишлаб чиқаришда анча кам қатнашадилар. Шунинг учун маиший хизмат тармоқларида (кийим-кечакларни ювиш, уларни таъмирлаш, тозалаш, тикиш, бичиш ва ҳоказо) кўрсатиладиган хизматларнинг айрим турларидан кам фойдаланилади. Бундай хизматнинг маълум турларини уй-жой хўжалигида банд бўлган аёлларнинг ўзлари бажарадилар.

Иккинчидан, турли республикаларнинг табиий-иқлим шароитлари ҳам бунга маълум таъсир кўрсатиши мумкин. Жумладан, илиқ иқлим шароитида кийим-кечак, пойабзал ҳамда уларнинг

ремонтига бўлган талаб нисбатан камроқ бўлиши табиий. Бошқача қилиб айтганда, маиший хизматнинг ишлаб чиқариш характерига эга бўлган қисмига талаб илиқ иқлим шароитида нисбатан камроқ бўлади.

Маиший хизматга бўлган талаб аҳолининг реал моддий турмуш даражасининг ўсиб бориши билан, биринчи навбатда, уй хўжалигида банд бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилиши билан орта боради.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳасини бундан буёнги ривожланишида маиший хизматнинг турли соҳаларига бўлган эҳтиёж ҳам эътиборга олиниши керак, албатта. Бозор иқтисодиёти муносабати билан кейинги йилларда республикада уй-жой, шахсий транспорт, мураккаб маиший техника ва асбобларни таъмирлаш, шахсий буюртмалар бўйича мебеллар тайёрлаш, кийимларни кимёвий йўл билан тозалаш каби хизмат турларига бўлган талаб тобора ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш ҳали анча паст даражада. Масалан, 1990 йилда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми жон бошига ўртача 40,1 сўмга тенг бўлгани ҳолда, қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш 29,5 сўмни ташкил қилди. Қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш вазифаси шунинг учун хам муҳимки, аҳолининг мутлақ кўпчилиги қишлоқларда яшайди.

Шунинг учун қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатишда кўчма хизмат кўрсатиш турларидан (автоустахоналар, жойларда буюртмалар қабул қилиш, уларни район марказларида бажариш) кенг фойдаланишни тақозо этади. Бунинг учун аҳоли манзилгоҳлари ўзаро замонавий автомобиль йўллари билан боғланган бўлиши керак, албатта.

Бундан буён аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш, замонавий маиший хизмат уйлари, ателъелар, ихтисослаштирилган корхоналар, ҳаммомлар, кир ювиш хоналари кабилар қурилишига алоҳида аҳамият берилади.

Аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш. Умумий таълим, соғлиқни сақлаш ва маданият тармоқларининг хизмати умумлаштирилган ҳолда ижтимоий-маданий хизмат деб юритилади. ҳозирги пайтдаги ривожланиш палласида муҳим соҳа бўлиб,

Ижтимоий-маданий хизмат меҳнаткашлар ҳаётида, айниқса унинг ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашдаги аҳамияти жуда каттадир.

Ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш тармоқлари орасида халқ таълими тизими жуда муҳим ўрин тутади. Халқ таълими хизмати тизимига мактабгача болалар тарбияси муассасалари, умумтаълим мактаблари киради.

Маълумки, Октябрь тўнтаришигача ҳозирги Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё аҳолисининг саводхонлик даражаси паст эди. Масалан, ўз даврида ғайрли мақсадлар билан эълон қилинган

расмий маълумотларга кўра, 1917 йилда саводлилар ўзбеклар орасида 2% ни, тожиклар орасида 1,2% ни, қозоқлар орасида 1% ни, туркманлар орасида 0,7% ни ва қирғизлар орасида 0,6% ни ташкил этган[1]. Сўнгги вақтда ўтказилган аниқлашлар натижасида бу кўрсаткичлар аслида анча юқори бўлганлиги маълум бўлди.

Ўрта Осиё республикаларида қисқа муддат ичида халқ таълими катта ютуқларга эришди. 1932 йилдаёқ мажбурий бошланғич таълим жорий қилинган бўлса, 1952 йилда етти йиллик, 1962 йилда 8 йиллик таълимга ўтилди, эндиликда эса умумий мажбурий ўрта таълим муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда мактаб ўқувчиларининг сони ҳар минг аҳоли ҳисобига 229,2 нафарни ташкил қилади. 1940—1941 ўқув йилидан 1990—1991 ўқув йилигача республикада умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларнинг сони 3,6 баравар кўпайди.

Ўзбекистон Ҳамдўстликда умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар сони муттасил юқори суръатларда ошиб бораётган Тожикистондан кейинги иккинчи республикадир. Ҳатто аҳолининг табиий ўсиши анча юқори бўлган Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Озарбайжонда ҳам кейинги йилларда умумтаълим мактабларидаги ўқувчилар сони деярли кўпаймади, балки барқарорлашди.

Демак, умумтаълим мактаблари Ўзбекистонда энг кенг тарқалган, республика аҳолиси энг кўп фойдаланадиган хизмат доираси тармоқларидан бири бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам бу соҳани ривожлантиришга мустақил Ўзбекистонда алоҳида эътибор берилмоқда. Республика Президентининг фармонига кўра, халқ таълими ходимларининг коммунал хизмат тўловларини енгиллатиш, яшаб турган уй-жойларини улар мулки қилиб бериш, 6-синфгача ўқиётган ўқувчиларни мактабда бепул овқатлантириш, шунингдек жойларда алоҳида иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларни стипендиялар билан таъминлашдан то хориждаги илғор ўқув юртларига ўқишга йўллашгача амалга оширилаётган тадбирлар бу соҳанинг янада ривожланишини таъминлайди.

Ўзбекистонда мактабгача тарбия муассасалари ҳам кенг тарқалган, чунки унда шу ёшдаги болаларнинг сони ва салмоғи анча юқоридир. Лекин ҳали республикада мактабгача тарбия муассасаларига бўлган талаб тўла қондирилганича йўқ. Мактабгача тарбия муассасалари (болалар яслилари, боғчалари, комбинатлари) қуришга кейинги йилларда катта эътибор берилмоқда. Бундай муассасалар давлат, саноат корхоналари, жамоа ва шўро хўжаликлари маблағлари ҳисобига жуда кўплаб қурилмоқда. Масалан, 1986—1990 йилларда республикада 260,6 минг ўринга мўлжалланган мактабгача тарбия муассасалари қурилди. Аҳолисининг сони Ўзбекистонга анча яқин бўлган Қозоғистонда эса

[1] Просвещение национальностей. 1931 г., №3, 27-бет.

шу даврда фақат 188,9 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилди. Умуман, кейинги йилларда Ўзбекистонда мактабгача болалар тарбия муассасалари қуриш суръатлари анча юқоридир.

Соғлиқни сақлаш. Маълумки, Октябрь тўнтаришигача хизмат доирасининг бу тармоғи ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Аҳоли ўртасида кўплаб оғир касалликлар кенг тарқалган, ўртача умр кўриш муддати атиги 34 ёшни ташкил этар эди. Ўтган йиллар давомида республикада вабо, ришта, чечак, терлама каби оғир касалликлар батамом тугатилди. Тиббиёт хизмати кўрсатиш, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари тайёрлаш, касалхоналар ва профилакторийлар, санаториялар қуриш юқори суръатлар билан олиб борилди. Натижада аҳоли ўртасида ўлим кескин камайди. Ҳозир Ўзбекистон Ҳамдўстлик бўйича ҳар 1000 кишига ҳисобланда ўлим энг кам бўлган республикадир.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон шифокорлар билан таъминланганлик даражаси бўйича собиқ иттифоқдош республикалар ўртасида 13-ўринда, тиббиёт ходимлари билан таъминланганлик бўйича 9-ўринда, касалхона ўринларининг сони бўйича эса 6-ўринда туради.

Бу тармоқдаги мавжуд қийинчиликлар кескин чоралар кўришни талаб қилади. Аввало, экологик яшаш шароитини яхшилаш (айниқса Оролбўйи минтақасида), аҳолининг тиббиёт-санитария саводхонлигини ошириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни илғор замонавий асосда ташкил этиш ҳозирги даврнинг бош вазифасидандир. Мустақил республикамизда бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди. Шифохоналарнинг хорижий тиббиёт асбоб-анжомлари билан тобора кўпроқ жиҳозланаётгани, бир марта ишлатиладиган шприцлар ишлаб чиқарадиган заводнинг (Испания фирмалари иштирокида) ишга туширилиши кабилар бу соҳанинг тез ривожланишига кафолат беради.

Аҳолига маданий-маърифий хизмат кўрсатиш. Маълумки, тарихий ривожланиш жараёнида ўзбек халқи ажойиб меъморчилик, адабиёт, санъат асарлари намуналарини яратган. Ҳозирги вақтда юзлаб маданий-маърифий муассасалар барпо этилган.

Халқ оммасининг билимини ва маданиятини оширишда кутубхоналар, клублар, театрлар, кино, китоб ва газеталарнинг роли бениҳоя каттадир. 1990 йил маълумотларига кўра, республикамизда 7748 кутубхона бўлиб, улардаги китоб ва журналлар сони 90 млн. нусхага яқиндир. Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, кутубхоналарнинг 6193 таси қишлоқ жойларда бўлиб, улардаги китоб ва журналлар сони 52,2 млн. нусхадан ошиб кетди. Ваҳоланки, 1915 йилда Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида бор-йўғи 14 та кутубхона бор эди.

Ўзбекистоннинг маданий дам олиш муассасалари ҳам доимо ривожланиб борди. 1990 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 4578 та клуб бўлиб, шулардан 3627 таси қишлоқ жойларда ишлаб турибди. Ана шу клублар ёнида 10 мингдан ортиқ бадиий ҳавас-

корлик тўгараклари ташкил этилиб, уларда 157 мингдан зиёд кишилар иштирок этмоқдалар.

Аҳолининг маънавий равнақи ва унга маданий хизмат кўрсатиш даражасини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири китоб ва газеталар нашри, уларнинг адади, радио, телевидение ва ҳоказолар хизматларидан фойдаланишдир. 1990 йилда Ўзбекистонда 51,0 млн. нусхада 311 та газета чиқиб турди.

Оммавий ахборот воситалари бўлган миллий радио ва телевидение аҳолининг маънавий бойлигини оширишда катта иш қилмоқда. Ҳозир республикада 33 та профессионал театр, кўплаб халқ театрлари, 68 та музей ишлаб турибди. Бу маданият ўчоқлари янги миллий онгни тарбиялаш ишига хизмат қилмоқда.

X БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШИ ВА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАРИ

Октябрь тўнтаришидан аввал Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди маъмурий жиҳатдан Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги ва Хева хонлигига қарар эди. Уларнинг ҳар бири ўз ички маъмурий-ҳудудий бўлинишига эга бўлган. Масалан, Хева хонлиги 20 та беклик ва бошқа маъмурий бирликларга, Бухоро амирлиги 28 та беклик, Туркистон генерал-губернаторлиги эса вилоят, уезд, волость ва қишлоқ жамоаларига бўлинган эди.

Маъмурий-ҳудудий бўлиниш ўша вақтда жуда кўп майда бирликлардан иборат бўлиб, уларни ажратишда хўжалик хусусиятлари ва аҳолининг миллий таркиби ҳисобга олинмаган эди.

Октябрь тўнтаришидан кейин Ўрта Осиёда миллий-маъмурий бирликларни тузиш ишлари олиб борилди. Ўлка Советларининг 1918 йил 30 апрелда бўлиб ўтган V съезди «Россия Федерациясининг Туркистон Совет Республикаси ҳақидаги Низом»ни тасдиқлади. Унда Туркистоннинг давлат тузуми ва чегаралари белгиланган эди.

Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси 6 та вилоятга: Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Закаспий, Еттисув, Амударё вилоятларига бўлинган эди. Вилоятлар, ўз навбатида, 30 та уездга ва 473 та волостга ажратилган эди.

1920 йил апрелида Бутун Хоразм қурултойи бўлиб ўтди; унда Хоразм Халқ Совет Республикаси тузилганлиги эълон қилиниб, унинг ҳудуди 28 та районга ажратилди, 1924 йилга келиб эса учта вилоятга Қозоқ — Қорақалпоқ, Янги Урганч, Тошовуз вилоятларига ва Хева районига бўлинди. Вилоятлар, ўз навбатида, шўро (волостлар)ларга ажратилди.

1920 йил октябрида халқ вакилларининг Бутун Бухоро қурултойи бўлиб ўтди; унда Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилганлиги эълон қилиниб, унинг ҳудуди 15 та вилоят, 58 та туман ва 197 та кентга бўлинди.

Маълумки, 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий давлат-чегаралаништлари ўтказилиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил қилинди. 1925 йил 29 январда республикада янги маъмурий бўлиниш жорий этилди. Бу бўлинишга кўра республика ҳудуди 7 та вилоятга: Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларига ажратилди. Самарқанд шаҳри республика пойтахти қилиб тасдиқланди.

1926 йилда республикада янги маъмурий-иқтисодий районлаштириш амалга оширилиб, 10 та округ ташкил қилинди. Кейинчалик мавжуд маъмурий-ҳудудий бўлинишда айрим ўзгаришлар бўлиб турди. 1930 йилда республика пойтахти Самарқанддан Тошкентга кўчирилди. 1936 йилда Қорақалпоғистон МССР Ўзбекистон ССР таркибига киритилди. 1937 йилда Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул қилингач, республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши маъмурий бирликларни йириклаштириш ва вилоятлар тузиш йўлидан борди. 1938 йилда республика таркибида 5 та вилоят — Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари ташкил қилинди; 1941 йилда Андижон, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари, 1943 йилда Қашқадарё вилояти, 1963 йилда Сирдарё вилояти, 1973 йилда Жиззах вилояти ва 1982 йилда Навоий вилояти ташкил этилди.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди маъмурий жиҳатдан битта мухтор республика, 11 та вилоят, 157 та районга бўлинган.

Республикани маъмурий-ҳудудий бирликларга ажратиш билан бирга уни иқтисодий районларга ажратиш ҳам муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Одатда, республиканинг ички иқтисодий районлари (ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуалари) чегараси асосан вилоятлар чегараларига мос келади. Чунки ишлаб чиқарувчи кучларни мажму, яъни хўжалик тармоқлари корхоналарини бир-бирига боғлиқ ҳолда режалаштириш, жойлаштириш ва ривожлантириш йирик маъмурий бирликлар (республика, вилоятлар) доирасида амалга оширилади.

Лекин айрим ҳолларда турли кўрсаткичларга, масалан, тарихий ривожланиш хусусиятлари, мустаҳкам иқтисодий алоқалар, ягона ресурслар ва инфратузилма, ишлаб чиқариш алоқалари, ривожланиш истиқболларига қараб республика ичидаги иқтисодий районлар (ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмулари) битта эмас, бир неча вилоятни ўз ичига олиши ҳам мумкин (масалан, Фарғона райони). Шунингдек, бундан бошқа сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Жумладан, баъзи вилоятлар саноат жиҳатдан юқори даражада ривожланмаган бўлса, уни алоҳида район (ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи) сифатида ажратмай, хўжалик ихтисоси ўхшаш бўлган қўшни вилоятлар билан бирлаштириш мумкин (Мирзачўл, Қуйи Амударё районлари). Умуман режалаштириш, хусусан, ишлаб чиқарувчи кучларни режалаштириш, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш учун маъмурий бирликлар билан ҳудудий ишлаб чиқариш

мажмулари чегарасининг мос келиши энг мақбул ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистонни иқтисодий районлаштириш масалалари билан жумҳуриятимиз олимларидан З. А. Акрамов, К. Н. Бердинцев, Н. Г. Цапенко ва бошқалар самарали шуғулланганлар. Биз районлар тизимини профессор З. А. Акрамов таклиф этган бўлиниш бўйича бердик. Бу бўлинишга кўра республикада 8 та иқтисодий район (ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи) ажратилади:

1. Тошкент райони(Тошкент вилояти).
2. Мирзачўл райони (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари).
3. Фарғона райони (Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари).
4. Самарқанд райони (Самарқанд вилояти).
5. Бухоро-Қизилқум райони (Бухоро ва Навоий вилоятлари).
6. Қашқадарё райони (Қашқадарё вилояти).
7. Сурхондарё райони (Сурхондарё вилояти).
8. Қуйи Амударё райони (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти).

Қуйида ана шу иқтисодий районлар (ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмулари)нинг иқтисодий-жўғрофий ўрни, табиий ва меҳнат ресурслари ҳамда хўжалик хусусиятлари билан қисқача таништирамиз.

ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Тошкент иқтисодий райони маъмурий жиҳатдан Тошкент вилоятидан иборат бўлиб, унинг майдони 15,6 минг км^2, аҳолиси 4 миллион 298 минг киши (1991 й.) дир.

Тошкент райони Ўзбекистоннинг энг тараққий этган саноат райони ҳисобланади. Ўзбекистон саноати асосий ишлаб чиқариш фондларининг ва саноат ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳолининг деярли ярмиси, ялпи саноат маҳсулотининг 40% идан ортиғи, кейинги йилларда тез ривожланаётган кооператив, ҳамкорликдаги корхоналарнинг 40% ига яқини Тошкент райони ҳиссасига тўғри келади. Саноатнинг негизини оғир саноат тармоқлари (машинасозлик, электроэнергетика, металлургия, кимё, қурилиш материаллари) саноати ташкил қилади, енгил ва озиқ-овқат саноатлари ҳам анча яхши тараққий этган.

Тошкент районида қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 11,3% ини шу район беради. Айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (картошка, сабзавот, каноп) етиштиришда район республикада биринчи ўринни эгаллайди.

Иқтисодий-жўғрофий ўрнининг хусусиятлари. Тошкент иқтисодий райони Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмида, Ғарбий Тяншань тоғлари билан Сирдарёнинг ўрта оқими оралиғида жойлашган бўлиб, у қадимдан хўжалик мақсадларида ўзлаштирил-

ган. Иқтисодий район Сирдарё ҳамда унинг ирмоқларини — Чирчиқ ва Оҳангарон водийларини эгаллайди.

Унинг иқтисодий-жўғрофий ўрни жуда қулай. Бу қулайлик Тошкент шаҳрининг Республика пойтахтилиги, шунингдек, Ўзбекистоннингина эмас, балки бутун Ўрта Осиёнинг энг йирик саноат, маданият маркази эканлиги билан боғлиқдир.

Иқтисодий район Фарғона водийси, Мирзачўл ва Жанубий Қозоғистон (Чимкент вилояти) текисликлари оралиғида жойлашган. Бу районлар билан қўшнилик шу жиҳатдан ҳам қулайки, уларнинг ҳаммаси йирик қишлоқ хўжалик районлари ва саноат учун муҳим ресурс манбалари ҳисобланади.

Тошкент иқтисодий райони катта табиий минерал ресурслар заҳираларига эга бўлибгина қолмай, Фарғона геокимёвий тугуни ва Чимкент-Қоратов минтақаси қазилма бойликларидан ҳам кенг фойдаланиш имкониятига эга. Шунингдек, у ўз қўшниларини бир-бири билан боғлаб турувчи иқтисодий кўприк ролини ҳам бажаради. У атрофидаги ҳудудларга транспорт тугуни, қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлайдиган база, кадрлар тайёрлаш маркази сифатида ҳам хизмат қилади. Магистрал темир йўллар, автомобиль ва ҳаво йўллари тугунида жойлашган Тошкент иқтисодий райони фақат қўшни ҳудудлар билангина эмас, балки бутун Ўрта Осиёнинг марказий районлар ва кўплаб хорижий мамлакатлар билан алоқа қиладиган асосий дарвозаси ҳисобланади.

Табиий шароити ва ресурслари. Тошкент иқтисодий райони табиий шароити ва хўжалик аҳамиятига кўра икки қисмга ажратилади: 1) текислик (воҳа) қисм; 2) тоғлиқ қисм.

Иқтисодий районнинг текислик қисми Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг водийсидан иборат бўлиб, денгиз сатҳидан (250—450 м) баланддир. Текисликлар бевосита тоғ олди районларидан бошланиб, Сирдарёгача (120 км масофага) чўзилган. Текислик қисм деярли бутунлай ҳайдалган ерлардан иборат. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг сувлари билан Тошкент воҳасини суғориш жуда қулай. Шунингдек, бу ердаги унумдор бўз тупроқлар ва иссиқ иқлим пахта, мева, узум, полиз экинлари, сабзавот, каноп ва бошқа хилма-хил экинлар экиш, ипакчилик билан шуғулланиш мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун кенг имкониятлар яратиб беради.

Катта Тошкент воҳасида совуқсиз кунлар 200 ва ундан ҳам кўпроқ давом этади, вегетация даврида қуёшдан келадиган иссиқлик миқдори 4100—4500° га етади. Июлнинг ўртача ҳарорати +26,8°, январники — 1,3°, мутлоқ энг юқори ҳарорат +42° бўлса, мутлоқ энг паст ҳарорат — 27°. Текислик қисмда ёғин миқдори кам. Далварзин чўлида 227 мм ёғин тушади. Шунинг учун ҳам бу ерда суғориб деҳқончилик қилинади.

Катта Тошкент воҳасида қатор ирригация каналлари (Бўзсув, Зах, Қорасув, Далварзин, Катта ва Шимолий Тошкент, Паркент каналлари) қурилган, улардан чиқарилган кўплаб ариқлар эса текисликнинг ҳамма қисмларини сув билан таъминлайди.

Чирчиқ дарёси сувидан янада самаралироқ фойдаланишда бу ерда қурилган Чорвоқ сув омбори катта аҳамиятга эга. Бу сунъий денгизнинг майдони 40 км^2 бўлиб, у ерда 1,5 млрд. м^3 сув тўпланади. Бу сув омбори ўн минглаб га майдонларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш билан бир қаторда Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистондаги 240 минг га янги ерларни ўзлаштириш имконини берди. Чирчиқ дарёси унумдор ерларни суғориш билан бирга Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл каби йирик шаҳарларни ва уларнинг саноат мажмуларини ҳам сув билан таъминлаб туради.

Оҳангарон дарёси сувидан шу дарё ҳавзасида жойлашган ерлар фойдаланади. Оҳангарон Чирчиққа нисбатан камсув дарёдир. Чунки у Чирчиқ каби баланд тоғ музликлари ва қорликларидан тўйинмайди.

Оҳангарон дарёсида қурилган Тўябўғиз сув омборидан (Тошкент денгизи) иккита канал (Ўнг қирғоқ ва Чап қирғоқ каналлари) чиқарилган бўлиб, улар 122 минг га экин майдонининг сув билан таъминланишини яхшилаш ва 30 минг га янги ерларни суғориш имконини берди. Сув омборида умуман 250 млн. м^3 сув тўпланади.

Иқтисодий районнинг жанубий чеккасидаги Далварзин чўли Сирдарё суви билан (Далварзин суғориш тизими орқали) суғорилади.

Тошкент иқтисодий районининг шимолий ва шимоли-шарқий қисмларида Пском, Угом, Чотқол, Қурама тизмалари қад кўтарган. Ундаги энг баланд Бештор тоғи (4299 м) Пском тизмасидадир. Тоғлар иқтисодий районни шимолдан келадиган совуқ ҳаво оқимидан маълум даражада сақлаб туради, шу сабабли тоғ водийларида иқлим юмшоқ бўлиб, тоғ олди районларида 350—400 мм, тоғларда 500 мм гача ёғин тушади. Шунинг учун тоғ олди районларида лалмикор деҳқончилик учун табиий намгарчилик етарли даражада бўлади. Шу сабабли Тошкент иқтисодий районининг тоғли қисмларида хилма-хил олча, ёввойи олма, ёнғоқ ва бошқа мевали дарахтлар кўп ўсади. Чотқол тоғларидаги хушманзара тоғ дарёсида Чотқол тоғ ўрмон қўриқхонаси ташкил қилинган. Ўрмон билан қопланган қўриқхонанинг 30 минг га майдонида айиқ, тулки, ёввойи чўчқа, тоғ эчкилари бор. Кейинги вақтда Бўстонлиқ райони ҳудудида йирик Ўзбекистон миллий боғини ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда.

Тоғлардан бошланадиган дарёлар гидроэнергия ресурсларига бой. Бу борада, айниқса, Чирчиқ дарёси ва унинг ирмоқлари ажралиб туради. Ҳозир Чирчиқ-Бўзсув каскадида 19 та ГЭС барпо этилган.

Умуман Тошкент иқтисодий райони турли табиий ресурсларга бой. Бу соҳада, айниқса Оҳангарон—Олмалиқ саноат райони ажралиб туради. Бу ерда қўнғир кўмир, мис, полиметалл, қалайи рудалари, олтин, молибден, дала шпати, алинут, коалин минераллари, қимматбаҳо абразив материаллар (корунд ва наждак),

турли хил қурилиш материаллари (мармар, гранит, оҳак, цемент ва ғишт хом ашёлари) каби фойдали қазилмалар топилган.

Ангрен кўмир ҳавзаси республиканинг асосий «қўрахонаси»дир. У фақат Тошкент иқтисодий райони ва Ўзбекистоннинггина эмас, балки бутун Ўрта Осиёнинг энг йирик кўмир конидир. Унинг аниқланган заҳираси 2 млрд. т атрофида. У ер юзасига яқин жойлашганлиги учун кўмир очиқ усулда қазиб олинади. Кўмир қатламлари орасида алюминий, цемент, сопол маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қимматли хом ашё бўлган гилмоя минерали кўплаб учрайди.

Олмалиқ районидаги рангдор ва нодир металл рудалари конлари катта иқтисодий аҳамиятга эга. Масалан, бу ердаги мис конлари ўз заҳираси бўйича МДҲ да энг йирик конлардан бўлиб, Жезқазған конидан кейин иккинчи ўринда туради. Тошкент иқтисодий районида хилма-хил қурилиш материаллари хом ашёлари, шифобахш минерал сувлар ва бошқа бойликлар топилган.

Хилма-хил ва бой табиий ресурслар ҳамда қулай иқтисодий-жўғрофий ўрни Тошкент иқтисодий районининг республикадаги энг қудратли ва ривожланган ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуига айланишида катта роль ўйнаган.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Иқтисодий район ҳудудида 4,3 млн. киши яшайди (1991 .). Бу эса республика аҳолисининг 20,8% ини ташкил этади. Аҳолининг ўртача зичлиги Тошкент иқтисодий райони бўйича 1 км² га 275,6 киши, Тошкент шаҳри аҳолисини қўшмаганда эса 140 киши тўғри келади. Аҳоли ҳудуд бўйича нотекис жойлашган. Дарё водийлари ва ўзлаштирилган воҳаларда аҳоли энг зич (1 км² га 400 киши атрофида), тоғ ва тоғ олди қисмларида эса анча сийрак. Тошкент иқтисодий райони аҳолисининг ўсиш суръатлари республиканинг бошқа районларига нисбатан пастроқ. Масалан, 1959—1991 йиллар орасида иқтисодий район аҳолиси 214% га кўпайди. Худди шу даврда Фарғона иқтисодий райони аҳолиси 242%, Қуйи Амударё иқтисодий районида 263%, Қашқадарё иқтисодий райони аҳолиси 335%, Сурхондарё иқтисодий райони аҳолиси 340% ўсди ва ҳоказо. Аҳоли ўсишидаги бундай фарқлар табиий кўпайишидаги мавжуд фарқлар билан ва тегишли районлар иқтисодиётининг кейинги йиллардаги ривожланиш суръатлари билан боғлиқдир.

Табиий ўсиш Тошкент иқтисодий районида республикада энг паст бўлишининг асосий сабаблари бу районда урбанизация даражасининг юқорилиги, аёллар республиканинг бошқа вилоятлари ва районларидагига нисбатан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этиши, аҳоли миллий таркибининг хусусиятлари кабилардир.

Тошкент вилоятида аҳолининг миллий таркиби хилма-хил. Вилоят аҳолисининг миллий таркибини ўзбеклар (39,9%), руслар (19,9%), татарлар (8,9%), қозоқлар (6,3%), корейслар (3,2%), украинлар (2,2%), яҳудийлар (2,1%) ва тожиклар (2,1% ни) ташкил қилади. Бу маълумотлардан кўринадики, иқтисодий

районда ўзбеклар аҳолининг ярмини ҳам ташкил қилмас экан. Аҳолининг ҳудудий жойлашувига келганда шуни айтиш керакки, руслар, украинлар, татарлар, яҳудийлар, асосан шаҳарларда, қозоқлар Чирчиқ, Оҳангарон, Келес ҳавзасида, тожиклар иқтисодий районнинг тоғлиқ жойларида, корейслар Чирчиқ водийсида, ўзбеклар эса районнинг деярли ҳамма жойларида яшайди.

Шунингдек, Тошкент иқтисодий райони республикада урбанизация даражаси юқори бўлган ҳудуддир.

Иқтисодий районда шаҳар аҳолисининг салмоғи 71,5% ни ташкил этади. Тошкент иқтисодий районида 17 та шаҳар ва 19 та шаҳарча бор. Республика пойтахти — Тошкент ва йирик саноат шаҳарлари — Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқдир. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги бу ерда бошқа иқтисодий районлардагига нисбатан юқори. Аммо бу ерда ҳам меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун резервлар бор. Ана шундай имкониятлардан бири иқтисодий районнинг ўз ичида уни қайта тақсимлаш, аҳоли маятниксимон ҳаракатининг янада кенг ривожланиши учун шароитни (биринчи навбатда, ҳозирги замон шаҳар атрофи транспортини) кенг ривожлантириш зарур.

Хўжалиги. Инқилобдан аввал Тошкент районининг майда ҳунармандчилик корхоналари қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, иш қуроллари ва уй-рўзғор буюмлари тайёрлаш билан шуғулланган.

Совет ҳокимияти йилларида Тошкент иқтисодий райони хўжалигининг тез ривожланишида унинг қулай иқтисодий-жўғрофий ўрни, айниқса бу ерда пойтахт Тошкентнинг Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиёни мамлакатнинг бошқа районлари билан боғлаб турадиган асосий темир йўл магистралининг бошланиш жойида жойлашганлиги катта роль ўйнади. Айниқса, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида асосан бошқа районлардан келтириладиган хом ашё асосида ишловчи машинасозлик, ёғочни қайта ишлаш, ун тортиш каби саноат тармоқларининг шу ерда жойлашуви иқтисодий районнинг ана шу қулай сифатлари билан бевосита боғлиқдир.

Иқтисодий районнинг тез ривожланишида Тошкент шаҳрига яқин Чирчиқ водийсида бой ва фойдаланиш учун анча қулай бўлган гидроэнергия ресурсларининг мавжудлиги ҳам муҳим аҳамият касб этди. ГЭСларда ҳосил қилинган электр қуввати иқтисодий район саноатини қувват билан ўз вақтида таъминлади. Бу муҳим омил эди.

Иқтисодий районнинг тез ривожланишидаги яна бир муҳим омил — бу ерда хилма-хил фойдали қазилмаларнинг топилиб, ишга солинишидир. Ана шундай бойликларнинг ишга солиниши асосида йирик Ангрен—Олмалиқ саноат райони ташкил топди. Шу билан бирга Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатнинг Ғарбий районларидан Ўзбекистонга кўчириб келинган саноат корхоналарининг ярмидан кўпи Тошкент вилояти ҳудудида жойлаштирилди.

Иқтисодий район хўжалиги саноат-аграр характерга эга. Хўжаликда етакчи ўринни саноат эгаллайди. Иқтисодий районнинг қишлоқ хўжалиги ҳам юқори даражада тараққий этган. Унда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг (темир ва автомобиль йўллари, электр узатиш тизимлари, алоқа воситалари, гидромелиоратив тармоқлар ва бошқалар) яхши тараққий этганлиги сабабли юқори иқтисодий ривожланишга эришилган.

Саноати. Иқтисодий район иқтисодиётининг негизи бўлган саноат юз хилга яқин тармоқни ўз ичига олади. Тошкент иқтисодий райони саноати республика ялпи саноат маҳсулотининг деярли 40% ини беради; саноат маҳсулотининг 2/3 қисми оғир саноатга тўғри келади. Электр қуввати ҳосил қилишда иқтисодий районнинг Ўзбекистондаги салмоғи деярли 43% га, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришда 95,3%, минерал ўғитлар тайёрлашда 43,8% га, темир-бетон конструкциялари ва қисмлари ишлаб чиқаришда 53,2% га тенг бўлиб, унда кўмир, рангдор металлар, пўлат прокатлари ва цемент ишлаб чиқариш салмоғи ҳам анча баланддир. Иқтисодий районда енгил ва озиқ-овқат саноатлари ҳам юқори даражада ривожланган. Иқтисодий район республикада ишлаб чиқариладиган ип газламалар ва кўн-пойабзалларининг 1/3 қисмини, ўсимлик мойининг 29% ини, қандолат маҳсулотларининг 28% ини, узум шаробларининг 55% ини тайёрлаб беради.

Тошкент иқтисодий райони саноатига хос бўлган муҳим хусусиятлардан бири ишлаб чиқариш циклига кирувчи тармоқларнинг хом ашё етказиб беришдан уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларнинг барча босқичлари мавжудлигидир. Масалан, иқтисодий районда, айниқса рангдор металлургия, кўмир, энергокимё, машинасозлик, тўқимачилик саноати, гидромелиоратив, саноат-аграр, саноат-қурилиш цикллари тўла мужассамлашган. Ана шу цикларнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги ва узвий алоқаси Тошкент ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг тўла шаклланган ва етук мажму эканлигини кўрсатади.

Тошкент иқтисодий райони яхши ривожланган ёқилғи-энергетика хўжалигига эга. Бу хўжаликнинг негизини электроэнергетика саноати ташкил этади. Бу саноат эса маҳаллий гидроэнергия ресурсларига, қўнғир кўмирга ҳамда ҳозирги пайтда асосан Қашқадарёдан келтириладиган табиий газга асосланади. Иқтисодий район электр станцияларида республика электр қувватининг 43% и ҳосил қилинади. Бу эса Тошкент иқтисодий райони иқтисодиётини ривожлантиришда жуда катта омилдир.

Иқтисодий районда «Ўзбекистон» қўрахонаси, Ангрен қўнғир кўмир ҳавзаси жойлашган бўлиб, бу ерда республикадаги кўмирнинг 96% идан кўпи қазиб олинади.

Ҳозирги пайтда Тошкент, Ангрен, Янги Ангрен ГРЭСлари ва 19 та ГЭСлар электр қуввати ишлаб чиқармоқда.

Тошкент иқтисодий райони республикада қора металлургия

саноатига эга бўлган ягона райондир. Бу тармоқнинг асосий корхонаси Бекобод шаҳрида жойлашган ва 1943 йилда ишга туширилган Ўзбекистон металлургия заводи бўлиб, у асосан Ўрта Осиёда тўпланган темир-терсак асосида ишлайди. Корхонада қора металл ишлаб чиқариш технологияси доимо фан-техника ютуқлари асосида такомиллаштириб борилади. 1979 йилда бу ерда электр қуввати ёрдамида пўлат эритиш мажмуи ишга туширилди ва прокатнинг айрим қимматли турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 1991 йилда эса газ ва сув қувурларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Рангдор металлургия саноати иқтисодий районнинг юқори даражада ривожланган тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқнинг йирик маркази Олмалиқдир. Ҳозир бу ерда йирик кон-металлургия комбинати ишлаб турибди. Комбинат иккита мажмудан ташкил топган: 1) қўрғошин-рух мажмуи (Қўрғошинкон, Олтинтопган, Сардоп ва Чолота конлари), қўрғошин-рух бойитиш фабрикаси ва рух заводи; 2) мис мажмуи (Қалмоққир кони, мис бойитиш фабрикаси ва мис заводи). Ҳар иккала мажму таркибида сульфат кислота цехлари ишлаб турибди. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати мис ва мис прокатлари, рух, қўрғошин концентрати, сульфат кислота, қисман молибден ва нодир металлар чиқаради. Ҳозирги вақтда мис заводининг иккинчи, рух заводининг учинчи навбати қурилган. Сўнгги вақтда бу корхонада содир бўлган энг катта воқеалардан бири Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг таянчи бўлиши кутилаётган олтин эритиш цехининг ишга туширилишидир. Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибига кирувчи корхоналар энг яхши технологик асбоб-ускуналар билан қуролланган. Жумладан, комбинат таркибидаги мис заводининг эритиш печлари табиий газ билан ишлай бошлаган.

Рангдор металлургия саноатининг иқтисодий райондаги иккинчи йирик маркази Чирчиқдир. Бу ерда Ҳамдўстлик аҳамиятига эга бўлган корхона — Чирчиқ қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли қотишмалар комбинати жойлашган. Комбинат Ингичка ва Қўйтош конларидан қазиб олинадиган вольфрам рудалари ва Олмалиқ мис рудаларидан ажратиб олинадиган молибден асосида ишлаб, юз хилдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Комбинат маҳсулотлари орасида металл кукунлари ва монокристаллар, вольфрам ва молибден прокатлари, титан, кобальт ҳамда вольфрамдан тайёрланган кон-пармалаш асбоблари, вольфрам ва молибден симлари бор. Иқтисодий районда рангдор металлургия саноатининг ривожланиши истиқболлари ҳам катта.

Машинасозлик. Тошкент иқтисодий райони саноатининг энг юқори даражада ривожланган тармоқларидан биридир. Бу тармоқ республика машинасозлик саноати маҳсулотининг 80% ини беради.

Иқтисодий район машинасозлигида пахтачилик мажмуига ихтисослашган тармоқлар яхши ривожланган. Бу гуруҳга кирувчи

корхоналарда пахта териш комбайнлари, чопиқ тракторлари, чигит экиш, кўсак йиғиш, кўсак чувиш машиналари ишлаб чиқарилади.

30-йиллар бошида қурилган Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи Ўзбекистон машинасозлигининг тўнғичи бўлиб, ўша даврда пахтачилик ва пахта тозалаш саноати учун машиналар етказиб берувчи ягона корхона эди. Эндиликда бу завод Ҳамдўстликдаги барча пахта экувчи республикаларга ва хорижий мамлакатларга пахта териш комбайнлари етказиб берадиган бирдан-бир заводдир.

Улуғ Ватан уруши йилларида кўчириб келтирилган корхоналар негизида ҳозирги Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Тошкент кимё машинасозлиги заводлари ташкил этилган эди.

Тошкент иқтисодий райони қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари орасида Тошкент трактор заводи ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу завод МДҲ да пахта далаларида ишлашга мўлжалланган тракторлар ишлаб чиқарадиган бирдан-бир завод бўлиб, унинг маҳсулотлари барча пахтакор республикаларга ва жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатига чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган тракторларнинг сифати трактор моторлари ишлаб чиқарадиган янги Тошкент моторсозлик заводининг ишга туширилиши билан янада яхшиланади.

Иқтисодий район машинасозлигининг пахтачилик мажмуи билан боғлиқ бўлган яна бир йўналиши — тўқимачилик машиналари ва пахта тозалаш саноати учун ускуналар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришдир. Бу йўналишнинг йирик корхоналари — Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи, Тошкент экскаватор заводи, Тошкентдаги пахтачилик учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ҳамда гидрометеорология хизмати учун ахборот берувчи автомат машиналар ишлаб чиқарадиган «Хлопкоприбор» заводидир.

Тошкент иқтисодий райони машинасозлигида, шунингдек, электротехника («Тошкенткабель», Чирчиқдаги трансформатор, Тошкентдаги электротехника заводлари), кимё машинасозлиги (Тошкентдаги компрессор ва Чирчиқдаги Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводлари) ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодий район машинасозлик корхоналарида самолётлар (В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси), турли хил асбоб-ускуна ва инструментлар (Тошкентдаги «Инструментал», корборунд, абразив заводлари), электрон техника маҳсулотлари (Тошкентдаги «Ал Хоразмий», «Миконд», «Зенит» ишлаб чиқариш бирлашмалари), кўтариш-ортиш воситалари (Тошкентдаги «Подъёмник» заводи) ишлаб чиқарилади.

Иқтисодий районнинг кимё саноати ҳам асосан пахта етиштириш учун зарур бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Чирчиқдаги электрокимё комбинати Ҳамдўстликдаги энг йирик корхоналардан бири бўлиб, азот ўғитлари, турли кимё-

вий воситалар ишлаб чиқаради. У 1941 йилдан бошлаб маҳсулот бериб келмоқда. 1969 йилда Олмалиқ кимё заводи ишга туширилиб, унда юқори концентрацияли мураккаб ўғитлар — аммофос ишлаб чиқарилмоқда.

Булардан ташқари, иқтисодий райондаги кимё саноатида капролактам (Чирчиқ), лок-бўёқ, резина буюмлари, кимё-фармацевтика маҳсулотлари (Тошкент), пластмассалар (Оҳангарондаги «Сантехлит» заводи), маиший кимё маҳсулотлари (Олмалиқ), пластмассадан хилма-хил рангдор ва бежирим бадиий безак, уй-рўзғор буюмлари (Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси) ва Тошкент мой комбинати таркибидаги синтетик ювиш воситалари заводи, пахта чиқиндиларидан ҳамда бошқа хом ашёлардан этил спирти, оқсил ва бошқа маҳсулотлар (Янгийўлдаги биохимия заводи) ишлаб чиқарилмоқда.

Тошкент иқтисодий районининг энг йирик саноат ишлаб чиқариш тармоқларидан бири қурилиш материаллари саноатидир. Қурилишнинг нони бўлган цемент ишлаб чиқарадиган дастлабки корхона — Хилково (ҳозирги Бекобод) цемент заводи 1926 йилдаёқ қуриб ишга туширилган эди. Кейинчалик эса Ангрен (1947) ва Оҳангарон (1961) цемент заводлари қурилди. Бу учала цемент заводи иқтисодий район қурилиш саноатининг асосий корхоналаридан ҳисобланади. Бу корхоналарда зарур цемент турларининг деярли ҳаммаси, шунингдек, шифер, асбоцемент қувурлар ва бошқа бир қанча материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Районда, шунингдек, сопол маҳсулотлар (Ангрен), ойна, мармар ва бошқа қимматбаҳо қурилиш материалларига ишлов бериш (Ғазалкент), пластмассадан қувурлар ва бошқа қурилишда фойдаланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, кўплаб ғишт заводлари бор.

Ҳозирги замон қурилишини бетон ва темир-бетон конструкциялари, тайёр йирик панелли уйлар қисмлари ишлаб чиқариш корхоналарисиз тасаввур қилиш қийин. Республикада ишлаб чиқариладиган ана шундай маҳсулотларнинг ярми Тошкент иқтисодий районига тўғри келади (энг йирик корхоналари Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ ва бошқа шаҳарларда жойлашган).

Тошкент иқтисодий районида **енгил ва озиқ-овқат** саноатларининг 120 тага яқин корхоналари бор. Районнинг енгил саноати асосан бу ерда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини дастлабки қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналар ичида кенг тарқалганлари пахта тозалаш ва луб заводларидир. Энг йирик пахта тозалаш заводлари Янгийўл, Пскент, Алимкент, Чиноз, Бўка, Бекобод ва бошқа жойларда жойлашган. Тошкент вилояти Ҳамдўстлигимиздаги каноп экадиган асосий вилоятдир. Шу сабабли, республикадаги 11 та луб заводининг ҳаммаси шу ерда жойлашган.

Иқтисодий райондаги енгил саноатнинг энг йирик корхонаси Тошкент тўқимачилик комбинатидир. Бу комбинатда турли хил калава ип, газлама ва ҳоказо ишлаб чиқарилади. Енгил саноат-

нинг бошқа корхоналаридан Тошкентдаги «Малика» трикотаж фирмаси, «Юлдуз», «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Чирчиқ шаҳридаги тикувчилик фабрикалари, Олмалиқ гилам фабрикаси, Тошкент бош кийимлари фабрикаси, Тошкент, Чирчиқ ва Янгийўлдаги пойабзал корхоналари, Тошкент, Чирчиқ ва Янгийўлдаги пойабзал корхоналари, Тошкент кўн-мўйна заводи ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Озиқ-овқат саноатининг гўшт, сут, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш, консерва, қандолат, ун-нон, шароб, пиво ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш, тамаки каби тармоқ корхоналари мавжуд. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ягона Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил қилади. Бирлашма таркибига Тошкент, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ гўшт комбинатлари ва Янгийўл экспериментал колбаса заводи киради.

Сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар орасида энг йириги сут саноатининг Тошкент бирлашмасидир. Шунингдек, Ангрен шаҳрида ҳам йирик сут заводи ишлаб турибди.

Маълумки, Тошкент иқтисодий райони ҳиссасига республикада ишлаб чиқариладиган пахта мойининг 10,5% и тўғри келади. Тошкент ва Янгийўл консерва заводлари мева ва сабзавот консервалари, компотлар, мурабболар, шарбатлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлайди. Тошкент ва Янгийўл шаҳарлари қандолат саноатининг ҳам асосий марказлари ҳисобланади. Тошкентдаги «Ўртоқ» қандолат фабрикаси 1926 йилда ишга туширилган бўлиб, кейинчалик қайта қурилди ва республикадаги энг йирик корхонага айланди. Шундай корхоналардан яна бири Янгийўл шаҳрида жойлашган.

Тошкент иқтисодий районида (Тошкент, Олмалиқ ва Қибрай) пиво-шароб маҳсулотлари ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Тошкент минерал сувлари ва Қибрайдаги «Пепси-кола» салқинлатувчи ичимлик ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг маҳсулотларига талаб жуда катта.

Тошкент ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида элеватор хўжалиги, ун ва нон ишлаб чиқариш корхоналари ҳам анчагина. Катта элеваторлар ва ун тортиш корхоналари Тошкент, Янгийўл, Оҳангарон ва бошқа шаҳарларда, нон ва нон маҳсулотлари эса деярли барча шаҳарлар ва район марказларида бор. Тошкентда гуруч заводи, тамаки фабрикаси ҳам истеъмол маҳсулоти ишлаб чиқаради.

Тошкент иқтисодий районида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган ва саноатнинг турли соҳаларига хос бўлган яна бир қанча корхоналар ҳам бор. Тошкент, Янгийўл ва Олмалиқ мебель фабрикалари, Тошкент ошхона мебеллари фабрикаси, Тошкентдаги ўта харидоргир термослар ишлаб чиқараётган «Совинтерм» (Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси), «Сувенир» ва бадиий маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари, чинни заводи ва бошқалар ана шундай корхоналардир.

Кейинги йилларда Тошкент иқтисодий районида агро-саноат бирлашмалари доирасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (айниқса, шаҳарлар атрофида) саноат йўли билан қайта ишлаш, сақлаш ишлари кенг тарқалди. У. Юсупов номидаги агро-саноат бирлашмаси, «Огонёк», «Паркент» совхоз-заводлари ана шундай бирлашмалардир. Шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини ҳам саноат усулида етиштиришга (паррандачилик фабрикалари, бўрдоқичилик мажмулари ва ҳоказо) катта аҳамият берилаётир. Ўз навбатида саноатнинг турли тармоқлари чиқиндилари асосида чорвачилик учун омухта ем ишлаб чиқариш ҳам кенгайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги. Тошкент иқтисодий районида саноат вилоят халқ хўжалигининг негизини ташкил қилса-да, лекин қишлоқ хўжалиги юқори самарадор тармоқдир. Шунинг учун унинг ялпи маҳсулоти бўйича Тошкент вилояти республиканинг қолган вилоятларидан олдинда туради. Тошкент иқтисодий райони сабзавот, мева, каноп, дон экинлари етиштиришда республикада етакчи ўринларни эгаллайди. Ўзбекистонда етиштириладиган пахтанинг 7,5% и (1990 йил), шолининг 10,3% и, картошканинг 25,5% и, сабзавотнинг 23,9% и, ҳўл меванинг 10,0% и, узумнинг 5,6% и Тошкент иқтисодий райони ҳиссасига тўғри келди.

Иқтисодий районнинг ялпи экин майдонлари 343,8 минг га бўлиб (1990 йил), шундан 301,0 минг га суғориладиган ерлардир.

Тошкент иқтисодий районининг ички қисмлари маҳаллий шароитларни эътиборга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига ихтисослаштирилган. Унинг шимоли-шарқий тоғли қисмлари чорвачилик учун қулай. Тоғ олди районларида лалмикор деҳқончилик ривожланган бўлиб, у ерларда ғалла (асосан буғдой ва арпа) экилади. Чирчиқ ва Оҳангарон дарёси водийлари суғориладиган деҳқончиликнинг асосий районларидир. Бу ерда қатор суғориш иншоотлари (каналлар, сув омборлари) барпо этилган. Барча суғориладиган ерларнинг 44% ига пахта экилади. Ундан ташқари, иқтисодий район ҳудудида каноп (Чирчиқ ҳавзасида), шоли (Сирдарё ва Чирчиқ дарёсининг қайирларида) экилади. Тошкент атрофидаги Зангиота, Тошкент, Қибрай районлари Тошкент шаҳри аҳолисига сабзавот ва мева маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослашган. Боғларда асосан олма, шафтоли кўп етиштирилади (Янгийўл, Қибрай, Зангиота районлари). Кейинги вақтларда лимон етиштириш кучаймоқда.

Тошкент иқтисодий районининг чорвачилиги гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. Қорамоллар, чўчқа ва паррандалар шаҳар атрофларида, махсус чорвачилик мажмуларида, қўй-эчкилар эса шимоли-шарқий тоғли районлар ва тоғ этакларида боқилади. Эчкиларнинг 40% и ангор эчкиларидир. Тошкент иқтисодий районида қорабайир зотли отлар боқилади. Оҳангарон йирик от заводи бор. Суғориладган районларда ипак қурти кўплаб боқилади.

Иқтисодий районнинг сунъий сув ҳавзаларида балиқ урчитиш

яхши йўлга қўйилган. Бу соҳанинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича Тошкент вилояти Ўзбекистонда ажралиб туради.

Келажакда Тошкент иқтисодий районининг қишлоқ хўжалиги янада ривож топади. Ривожланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин ошириш йўли билан бўлади.

Иқтисодий район транспорти. Районда транспортнинг барча тармоқлари яхши ривожланган ва ўзаро бир-бири билан алоқа қилади. Тошкент иқтисодий райони республиканигина эмас, балки бутун Ўрта Осиёни Ҳамдўстликнинг марказий районлари билан боғлайдиган темир йўл, ҳаво ва автомобиль йўллари тугунида жойлашган. Темир йўлларнинг кўп қисми электрлаштирилган. Автомобиль йўллари асфальт ва тош йўллардан иборат. Улар республикамизнинг вилоят марказларини бир-бири билан боғлайди. Иқтисодий районда ҳаво, қувур, электрон транспортлари ҳам бор. Шаҳарлараро ва шаҳар ичи транспорти ҳамма шаҳарларда, айниқса, Тошкентда яхши ривожланган. Пойтахтда метрополитеннинг икки йўналиши қурилиб ишга туширилган ва учинчи йўналиши қурилмоқда.

Иқтисодий районнинг асосий саноат марказлари ва шаҳарлари. Тошкент иқтисодий районида саноат марказларининг ҳудудий жойлашувида ихтисоси бўйича бир-биридан фарқ қиладиган икки гуруҳ яққол кўзга ташланади. Булар Шимолий ёки Тошкент саноат райони ва Шарқий ёки Ангрен-Олмалиқ саноат районларидир.

Биринчи саноат районининг ўзаги Тошкент шаҳри, бўлиб, унинг таркибига Чирчиқ, Янгийўл саноат тугунлари ҳамда Чорвоқ, Ғазалкент, Пскент, Тўйтепа, Чиноз, Олмазор, Келес, Бектемир каби кичик ва ўрта шаҳарлар (саноат марказлари ва манзилгоҳлари) киради. Тошкент саноат районида асосан ишлаб берувчи саноат тармоқлари ривожланган.

Иккинчи саноат райони — Ангрен—Олмалиқда асосан ундирувчи саноат етакчи роль ўйнайди. Бу саноат районининг ўзагини Олмалиқ ва Ангрен саноат тугунлари ташкил қилади. Бу гуруҳга, шунингдек, Оҳангарон, Янгиобод каби шаҳарлар ҳам киради.

Бекобод саноат тугуни бу иккала саноат районидан бир оз чеккада, вилоятнинг жанубида жойлашган.

Тошкент (1991 йилда 2,1 млн. киши) — республика пойтахти, бутун Ўрта Осиёнинг энг йирик саноат, транспорт, илмий ва маданий маркази. У Ҳамдўстликнинг энг қадимий шаҳарларидан бири. 1983 йилда Тошкентнинг 2000 йиллиги байрам қилинди. Шаҳар республика ва иқтисодий районнинг шимоли-шарқий қисмида, Чирчиқ дарёси водийсида, денгиз сатҳидан 440—480 метр баландликда жойлашган, майдони 250 км^2 бўлиб, МДҲ нинг энг катта шаҳарларидан биридир; шаҳар 11 та маъмурий районга бўлинган.

Инқилобдан аввал Тошкент Бухоро ва Қўқон хонликлари таркибида бўлган, асосан савдо маркази сифатида маълум эди. Жум-

ладан, XIX асрнинг ўрталарида у Россия билан савдо қиладиган йирик марказ ҳисобланар эди.

Тошкентнинг иқтисодий ва маъмурий аҳамияти Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши билан янада ортди. Шаҳар 1865 йилда Россия томонидан босиб олиниб, 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги ва Сирдарё вилоятининг маъмурий марказига айлантирилди. 1899 йилда шаҳар Каспийорти темир йўли, 1906 йилдан эса Оренбург—Тошкент темир йўли билан боғланди. Шундай қилиб, Тошкент муҳим транспорт тугунига ва маъмурий марказга айланди.

Тошкент корхоналарида республика саноат маҳсулотининг 1/4 қисми ишлаб чиқарилмоқда.

Ҳозирги Тошкент саноатининг негизини оғир саноат ташкил қилади (салмоғи 60%). Шаҳар оғир саноати корхоналарида хилма-хил маҳсулотлар — тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, тўқимачилик машиналари, кабель маҳсулотлари, самолётлар ва экскаваторлар, электр кўприк кранлари, хилма-хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Оғир саноат корхоналари орасида ўзининг аҳамияти бўйича Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги, тракторсозлик заводлари, В. П. Чкалов номли самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги, экскаватор, «Подъёмник», «Компрессор» ва тегирмон-элеватор ускуналари ишлаб чиқарадиган заводлар, тепловоз-вагон таъмирлаш заводи, «Ташгазаппарат», электр лампалари заводлари, «Ташкенткабель», аниқ асбоблар ва ўлчов аппаратлари, электрон техникаси заводлари, енгил металл конструкциялари, абразив буюмлар, лок-бўёқ, фармацевтика, пластмасса буюмлари заводлари ва бошқалар алоҳида ажралиб туради. Бу корхоналарнинг маҳсулотлари Ҳамдўстлик республикалари, кўплаб чет мамлакатларда ҳам машҳур.

Тошкентда асосан шаҳар қурилиши учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган тўртта уйсозлик комбинати, темир-бетон конструкциялари заводи, ғишт заводлари, қоплама безак ва қуёш нуридан сақлаш мосламалари заводи ва бошқа корхоналар ишлаб турибди.

Енгил саноат ўз салмоғи ва аҳамияти бўйича шаҳар саноатида иккинчи ўринда туради. Бу ерда республикада ишлаб чиқариладиган ип-газламаларнинг, устки трикотаж, уст-бош тайёр кийимлари, пойабзалнинг анча қисми тайёрланади. Соҳанинг йирик корхоналари тўқимачилик комбинати, тикувчилик фабрикалари, трикотаж фирмаси, пойабзал корхоналари, каноп фабрикаси, кўн заводи ва ҳоказолардир.

Озиқ-овқат саноати аҳамияти бўйича оғир ва енгил саноатлардан кейин учинчи ўринда туради. Йирик тармоқлари ва корхоналари ёғ-мой комбинати, консерва заводи, шампань шароблари комбинати, шароб-пиво, алкоголсиз ичимликлар заводлари, тегирмон, гўшт, сут, қандолат, тамаки фабрикалари, нон заводлари ва бошқалардир.

Шаҳарда аҳоли учун кўплаб истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган пардоз буюмлари фабрикаси, граммофон пластинкалари заводи, заргарлик буюмлари, миллий мусиқа асбоблари, мебель фабрикалари, чинни, термос, пластик маҳсулотлар заводлари, бадиий буюмлар фабрикаси каби корхоналар бор.

Тошкент йирик транспорт тугунидир. Асосий темир йўллар — Тошкент—Оренбург—Москва, Тошкент—Красноводск, Тошкент—Наманган—Андижон, Тошкент—Душанбедир. Тошкентдан Ангрен ва Чорвоққа ҳам темир йўл қурилган. Шаҳар Ҳамдўстликнинг Шарқдаги энг йирик ҳаво транспорти дарвозаси ҳамдир. Бу ердан Деҳли, Ханой, Кобул, Истанбул ва Шарқдаги бошқа мамлакатларнинг пойтахтларига борадиган ҳаво йўллари ўтади. Кейинги вақтларда Тошкент Европа ва Осиё мамлакатларини бир-бирига боғловчи қўниш майдони сифатида ҳам тобора танилмоқда. У Москва, Ҳамдўстлик республикаларнинг пойтахтлари, йирик шаҳарлар, йирик курорт районлари билан доимий ҳаво транспорти орқали боғланган.

Тошкент йирик автомобиль йўллари тугуни ҳамдир. Ундан республиканинг ва Ўрта Осиёнинг турли томонларига муҳим автомобиль магистраллари бошланади.

Тошкент Ўрта Осиёдаги энг йирик маданият ва фан маркази. Шаҳарда 339 та умумтаълим мактаби, 38 та ўрта махсус ўқув юрти, 25 та олий ўқув юрти бор. Тошкент олий ўқув юртларида кўплаб хорижий давлатлар, айниқса, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларидан келган талабалар ўқимоқдалар. Тошкентдаги кўпгина илмий муассасаларни бирлаштирувчи Ўзбекистон Фанлар ва Қишлоқ хўжалик фанлари академиялари, 292 дан ортиқ кутубхона, 11 та театр, филармония, цирк, халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, 19 та музей, шу жумладан, Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи, Алишер Навоий номли адабиёт, Халқлар дўстлиги, табиат ва санъат музейлари бор.

Чирчиқ (159 минг киши) аҳолисининг сони, саноат маҳсулотларининг ҳажми бўйича Шимолий саноат районидагина эмас, балки бутун Тошкент иқтисодий районида пойтахтдан кейин иккинчи ўринда туради. У 1934 йилда Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида бир неча кичик қишлоқлар ўрнида бунёд этилган. Эндиликда у республиканинг муҳим саноат шаҳарларидан бири. Чирчиқ корхоналарида минерал ўғитлар, капролактам, қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металл қотишмалари, қишлоқ хўжалик машиналари учун ускуналар, электр трансформаторлар, компрессорлар, кимё саноати учун машина ва ускуналар, темир-бетон маҳсулотлари, қурилиш материаллари, кийим-кечак, пойабзал ва кўплаб бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Шаҳарнинг энг йирик корхоналари қаторига электрохимия комбинати, Ўзбекистон кимё машинасозлиги, Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги, трансформатор заводлари, капролактам ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар киради. Чирчиқ саноат корхоналарининг маҳсулотлари Ҳамдўстликнинг барча республикаларига ва 38 та чет

мамлакатга чиқарилади. Чирчиқда 5 та илмий тадқиқот ва лойиҳа конструкторлик муассасалари, Тошкент политехника дорилфунунининг кечки бўлими, бир неча ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари, махсус ва умумий таълим мактаблари, маданият саройлари бор.

Янгийўл (58 минг киши) Тошкентнинг жануби-ғарбида жойлашган. Шимолий ёки Тошкент саноат районидаги ишлаб чиқариш марказларидан бири. Унда енгил ва озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Мебель, пойабзал фабрикалари, ёғ-мой, нон комбинатлари, биокимё заводи, темир-бетон конструкциялари, ғишт, пахта тозалаш, ун, шароб-коньяк, консерва, қандолат-хамиртуруш заводлари ва бошқа корхоналар шаҳар саноатининг негизини ташкил қилади.

Шаҳарда ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари, кўплаб умумтаълим мактаблари, тиббиёт ва маданият муассасалари бор.

Тошкент иқтисодий районининг Шарқий ёки Ангрен-Олмалиқ саноат районидаги энг йирик саноат марказлари Ангрен ва Олмалиқ шаҳарларидир.

Ангрен (133 минг киши) — Тошкентдан жануби-шарқда, Оҳангарон водийсининг тоғ оралиғи қисмида жойлашган. Тошкентдан Ангренгача темир йўл ўтказилган. Шаҳар жойлашган районда Ўрта Осиёда энг йирик қўнғир кўмир ҳавзасининг топилиши Ангрен шаҳрининг вужудга келишига сабаб бўлган. Ҳозирги Ангрен Тошкент иқтисодий районининг муҳим оғир саноат маркази. Шаҳар корхоналарининг кўпчилиги кўмир саноати билан боғлиқдир. Бу ерда «Узбекуголь» комбинати жойлашган. Кўмир асосан очиқ усулда, бир қисми эса шахта усулида қазиб олинади. Кўмирни ернинг остида газга айлантирадиган «Подземгаз» станцияси ишлайди. Ангрен кўмири асосида ишлайдиган ГРЭС шаҳарни электр қуввати билан таъминлайди. Шаҳарда, шунингдек, резина-техника комбинати, тоғ-кон, асбоб-ускуналар ва автомобилларни ремонт қиладиган заводлар, олтин бойитиш фабрикаси, сопол комбинати, цемент заводи, уйсозлик комбинати, сут, нон заводлари ва бошқа корхоналар қурилган.

Шаҳарда Тошкент вилояти педагогика институти, Тошкент политехника университетининг филиали, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари, умумтаълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, тарих-ўлкашунослик музейи бор.

Олмалиқ (116 минг киши) — Тошкентдан жануби-шарқда, Олмалиқсой бўйида жойлашган. Ангрен билан биргаликда Ангрен — Олмалиқ саноат районининг ўзагини ташкил қилади. Шаҳар рангдор металлургия саноатининг йирик марказларидан бири. Олмалиқ кон-металлургия комбинати таркибида бир неча конлар, бойитиш фабрикалари, мис ва рух заводлари, олтин қуйиш ва сульфат кислота цехлари бор. Бу ердаги рангдор металл концентратлари олтингугуртга бой. Шу сабабли рудадан ажратилган олтингугурт Олмалиқ кимё заводида ишлатилади.

Шаҳарда Ўрта Осиёда биринчи уй-рўзғор воситалари ишлаб чиқарадиган кимё заводи қурилган. Завод ванна, хрусталь, шиша, ойна каби буюмларни тозалайдиган маиший ва техник ювиш маҳсулотлари, елим, пластмасса идишлар ва бошқалар ишлаб чиқаради. Шаҳар кимё саноатининг йирик марказларидан бирига айланмоқда. Бу ерда қимматбаҳо мураккаб ўғит — аммофос ишлаб чиқарадиган корхона ҳам бор.

Олмалиқда қурилиш материаллари саноати ҳам яхши тараққий этган. Иккита темир-бетон заводи, ғишт, оҳак заводлари, шағал карьери, темир-бетон қувурлар, йирик панелли уйсозлик комбинати, тош кесиш, шунингдек, марказлашган таъмирлаш-механика ва автомобиль тузатиш заводлари, 9 та турли таъмирлаш устахоналари бор.

Шаҳарда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида оғир саноат билан бир қаторда енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам қурилган. Ўзбекистонда энг йирик мебель фабрикаси, гилам фабрикаси, гўшт комбинати, сут, нон, пиво заводлари ишлаб турибди.

Олмалиқда Ўрта Осиё рангдор металлургия илмий тадқиқот институтининг филиали, Тошкент политехника университетининг кечки бўлими, кон-металлургия техникуми бор.

Оҳангарон (32 минг киши) Ангрен—Олмалиқ саноат районидаги саноат марказларидан, Олмалиқ яқинида жойлашган қурилиш материаллари саноатининг йирик марказларидан бири. Бу ерда цемент-шифер комбинати, ванна, газ плиталари, раковина, чўян қувур каби хилма-хил санитария-техника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Сантехлит» заводи бор. Қурилиш материаллари ва пластмасса буюмлари комбинати, темир-бетон буюмлари заводи, ун комбинати, Олмалиқдаги тошга ишлов бериш комбинатининг Оҳангарон бўлими ва бошқа корхоналар шаҳар саноатининг асосини ташкил этади.

Бекобод (82 минг киши) — Тошкент иқтисодий районининг энг чекка жанубида жойлашган, асосан Ўрта Осиёдаги ягона қора металлургия саноатининг маркази. Бекобод шаҳри Улуғ Ватан уруши йилларида металлургия заводи ва Фарҳод ГЭС қурилиши муносабати билан бунёд этилган. Металлургия заводи ёнида эмалланган уй-рўзғор идишлари ишлаб чиқарадиган йирик цех маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Бекободда қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланган. Жумладан, цемент заводи, темир-бетон буюмлар ва бошқа қурилиш материаллари корхоналари мавжуд. Уларда суғориш лотоклари, шифер, асбест қувурлар, оҳак, ғишт ва бошқа маҳсулотлар тайёрланади. Шаҳарда цемент саноати учун ускуналар ишлаб чиқарадиган ва таъмирлайдиган механика заводи, пахта тозалаш заводи, тикувчилик фабрикаси, гўшт комбинати, сут ва нон заводлари, тиббиёт билим юрти, индустриал техникум бор.

Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи ёки иқтисодий райони маъмурий жиҳатдан иккита вилоят — Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан иборат бўлиб, майдони 25,6 минг км^2, аҳолиси 1 млн. 362 минг киши (1991). Мирзачўл иқтисодий райони янги ерларни ўзлаштириш асосида таркиб топган бўлиб, республика майдонининг 5,7% ини ва аҳолисининг 6,5% ини ташкил қилади. У асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ихтисосига эга, саноат жиҳатдан ҳам тез ривожланаётган ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуидир.

Иқтисодий район хўжалигининг негизини гидромелиоратив-индустриал-аграр цикл таркибига кирувчи ишлаб чиқариш тармоқлари ташкил этади. Мирзачўл яхши тармоқланган ирригация-суғориш тизимига эга. Суғориладиган ерлар ва келажакда суғориш мумкин бўлган майдонлар ҳам кўп. Иқтисодий район ҳозирнинг ўзида республикамизда етиштириладиган пахтанинг 14,2% ини, ғалланинг 17,5% ини бермоқда.

Айрим саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам унинг салмоғи ошиб бормоқда. Жумладан, республикада ҳосил қилинадиган электр қувватининг 30,8% и, тайёрланадиган пахта толасининг 13,2% ини Мирзачўл иқтисодий райони бермоқда. Келажакда янги ерларни ўзлаштириш, бой табиий ресурсларни ишга солиш натижасида иқтисодий районнинг қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларидаги салмоғи янада ортади.

Иқтисодий-жўғрофий ўрнининг хусусиятлари. Мирзачўл иқтисодий райони иқтисодий-жўғрофий ўрнининг муҳим хусусияти шундаки, у республиканинг энг тараққий этган Тошкент, Фарғона ва Самарқанд иқтисодий районлари ўртасида жойлашгандир.

Бу иқтисодий районлар малакали ишчи кучига, умуман меҳнат ресурсларига бой, ривожланган саноат тармоқларига эга бўлиб, Мирзачўл иқтисодий районига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришда ҳам бу иқтисодий районлар ўз малакали кадрлари, хилма-хил зарур техника воситалари билан доимий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи қўшни иқтисодий районлар, айниқса Тошкент иқтисодий райони билан хилма-хил ишлаб чиқариш алоқаларига эга ва бир-бири билан мустаҳкам ҳамкорликда ривожланмоқда.

Мирзачўл иқтисодий райони иқтисодий-жўғрофий ўрнининг қулайлиги унинг транспорт-жўғрофий ўрнида ҳам яққол кўринади. Жумладан, республикамизда муҳим газ қувурлари шу иқтисодий район ҳудудидан ўтади. Бухоро—Самарқанд—Тошкент, Бухоро—Самарқанд—Тошкент—Чимкент, Жамбул—Бишкек—Олмаота, Бухоро—Фарғона водийси, Шўртан—Сирдарё ГРЭС газ қувурлари шулар жумласига киради.

Республикамиздаги газ билан ишлайдиган энг йирик Сирдарё ГРЭСнинг шу иқтисодий районда қурилганлиги ҳам унинг қулай иқтисодий-жўғрофий ўрни билан кўп жиҳатдан боғлиқдир. Мирзачўл иқтисодий райони орқали қўшни иқтисодий районларни бир-бири билан боғловчи магистраль автомобиль ва темир йўллари ўтади. Иқтисодий район иқтисодий-жўғрофий ўрнининг бундай ижобий томонлари келажакда ҳам унинг саноат тараққиётида, умуман ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлаверади.

Табиий шароити ва ресурслари. Мирзачўл иқтисодий районининг ҳудуди Сирдарё ва Зарафшон дарёлари оралиғида жойлашган бўлиб, унинг шимолий қисми текисликдан иборат. Жанубда Туркистон тизмасининг ғарбий чеккаси, районнинг жануби-ғарбида эса Нурота тизмаси жойлашган.

Иқтисодий районнинг текислик қисми, айниқса кейинги йилларда интенсив ўзлаштирилди. Мирзачўлда вегетация даври 210—228 кун, ҳароратлар йиғиндиси 4000—6500° га тенг. Иқлимнинг иссиқлиги, вегетация даврининг катталиги бу ерда иссиқсевар экинлар (пахта, шоли, анжир, анор, узум) етиштириш имконини беради. Мирзачўл мевалари ва қовунлари машҳур.

Лекин бу ерда ёғин миқдорининг камлиги (250—310 мм) деҳқончиликни суғориш асосида ташкил қилишни тақозо қилади. Мирзачўл иқтисодий районининг текислик қисмида Сирдарёдан бошқа дарё йўқ. Жанубий, тоғли қисмида эса Сангзор ва Зомин-сув дарёлари оқади. Район ҳудудида табиий кўллардан Тузкон бор. Кейинги йилларда Мирзачўлнинг зовур-дренаж тармоқларидан оқизилган ташландиқ сувлар ва Сирдарёда сув кўпайган пайтда ўтадиган сувлар Арнасой ботиғини тўлдириб, Тузкон кўлини, унинг атрофидаги майдонларни қоплаган ва жуда катта кўл (Айдаркўл ва Арнасой кўл) тизими пайдо бўлган (майдони 2300 км^2).

Суғоришда асосан Сирдарё ва қисман жанубдаги дарёлар сувларидан фойдаланилади.

Мирзачўлнинг тупроқлари асосан бўзтупроқ бўлиб, жойнинг баландлигига, намгарчилик билан таъминланганлигига ва бошқаларга кўра турлича типдадир. Суғориш ва агротехника қоидаларига риоя қилинганда тупроқ анча унумдор, лекин тез шўрланиб кетиш хусусиятига эга.

Текислик қисмларда чўл ўсимликлари (янтоқ, ажириқ, оққўрғон) ўсади, дарё бўйларида тўқайзорлар бор, тоғларда олча, ёввойи олма, арча, терак ва бошқалар ўсади. Ҳайвонлар ҳам чўл ва тоғ минтақаларига хос.

Жиззах вилояти ҳудудида, Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида Зомин тоғ-ўрмон қўриқхонаси ташкил қилинган. Қўриқхонанинг майдони 10,5 км^2 бўлиб, у ерда тоғ ўрмонлари — арча биологиясини ўрганиш, ҳайвон ва ўсимлик турларини сақлаб қолиш устида катта ишлар олиб борилмоқда.

Жиззах вилояти ҳудудида Ўзбекистондаги биринчи халқ парки ташкил этилган. Халқ парки меҳнаткашлар дам оладиган, турли

хил спорт турлари ривожлантириладиган жой бўлиши билан бирга илмий тадқиқотлар олиб бориладиган, чунончи, саноат ривожланишининг табиатга, атроф-муҳитга таъсирини ўрганадиган тегишли тавсияномалар ишлаб чиқиладиган жой ҳам бўлади.

Мирзачўл иқтисодий райони ҳудудида бир қатор фойдали қазилма конлари ҳам топилган: рангдор металлар (вольфрам, қўрғошин, рух, мис, боксит, олтин). Унда хилма-хил қурилиш материаллари саноати хом ашёлари, айниқса, шағал, қум, гипс, оҳактош жуда кўп. Юқори сифатли мармар-воллостонит конлари ҳам топилган. Ғаллаорол ва Мирзачўл районлари ҳудудида шифобахш минерал сувлар (таркибига кўра Боржоми ва Ижевск минерал сувларига яқин) ҳам топилган. Жиззах вилоятидаги Балиқли кўлида юқори даражада минераллашган шифобахш балчиқ заҳиралари кўп.

Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи ҳудудида топилган фойдали қазилмалардан халқ хўжалигида фойдаланиш энди бошланмоқда. Улардан кенг фойдаланиш саноатнинг бир қанча тармоқларини ривожлантириш учун асос бўла олади.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Мирзачўл иқтисодий районида 1 миллион 362 минг киши яшайди (1991 йил). Республика иқтисодий районлари аҳолисининг сони бўйича Мирзачўл фақат Сурхондарё районидан олдиндадир. Аҳолининг зичлиги ҳар бир км^2 га ўртача 87 киши тўғри келади. Иқтисодий район ҳудудида аҳоли анча нотекис жойлашган. Масалан, Сирдарё вилоятида аҳоли зичлиги (деярли 113 киши) Жиззах вилоятидагига нисбатан (38,6 киши) 3 марта юқори. Бу Сирдарё вилояти ҳудудининг Жиззах вилоятига нисбатан яхши ўзлаштирилганлиги, Жиззах ҳудудида эса ҳали ўзлаштирилмаган чўллар, тоғли районларнинг кўплиги оқибатидир, албатта.

Иқтисодий район аҳолининг ўсиш суръатлари бўйича республикада юқори ўринлардан бирида туради. Бу, биринчи навбатда, табиий ўсишнинг анча юқорилиги билан боғлиқ. Сўнгра бу иқтисодий районда аҳолининг миграцион ҳаракати ҳам ижобий натижага эга. Бу ҳолатлар аҳолининг нисбатан тез кўпайишига олиб келмоқда.

Миллий таркибига кўра ҳар иккала вилоятда ҳам аҳолининг мутлақ кўпчилигини ўзбеклар ташкил қилади. Ўзбеклар Жиззах вилоятида бутун аҳолининг 75% ини, Сирдарё вилоятида эса 60% ини ташкил қилади. Ўзбеклардан ташқари, иқтисодий районда руслар, қозоқлар, татарлар, қирғизлар, корейслар ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

Мирзачўл республикада энг кам урбанизациялашган районлардан биридир. Шаҳар аҳолисининг салмоғи 30,5% (Сирдарё вилоятида 32,4%, Жиззах вилоятида 29,4%). Унда 12 та шаҳар ва 10 та шаҳарча бор.

Мирзачўл иқтисодий районини ўзлаштириш даврларида бу ерларни ишчи кучи ва малакали кадрлар билан таъминлашда Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари катта ёрдам

кўрсатдилар. Эндиликда иқтисодий район ўз меҳнат ресурслари билан маълум даражада таъминланган. Лекин иқтисодий район хўжалигининг жуда катта ривожланиш истиқболларини эътиборга олганда, унга келажакда ҳам меҳнат ресурслари ортиқча бўлган бошқа районлардан ишчи кучи, айниқса малакали мутахассислар жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Хўжалиги. Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи Ўзбекистон пахтачилигининг йирик марказларидан бирига айланди. Ҳозирги пайтда Мирзачўл иқтисодий райони пахтачилик мажмуи таркибига кирадиган қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳамда тез ривожланаётган саноатга эга бўлган райондир.

Мирзачўлни ўзлаштириш гарчи инқилобдан олдин бошланган бўлса-да, лекин унинг хўжалигини ривожлантириш асосан совет даврида амалга оширилди.

Сирдарё ва Жиззах вилоятларида йирик пахтачилик хўжаликлари ташкил этиш, ирригация иншоотлари, йўл, электр узатгич тармоқлари ва маданий-маиший муассасаларни мажму тарзда барпо этиш йўли билан янги ерларни ўзлаштиришга эришилди. Янги ерларни мажму ўзлаштиришдаги бу усул ва тўпланган бой тажрибадан республикамизнинг бошқа районларини ўзлаштиришда ҳам фойдаланилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари орасида полиз экинлари, ғалла, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш муҳимдир.

Мирзачўл иқтисодий райони хўжалигининг негизини қишлоқ хўжалиги ташкил қилади, республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 16% и шу ерда етиштирилади.

Кейинги йилларда Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмунда саноат ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Иқтисодий районда ҳозирнинг ўзида электроэнергетика, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат саноатлари анча тараққий этган. Яқин келажакда иқтисодий районда рангдор металлургия, машинасозлик, кимё каби оғир саноат тармоқларининг қатор корхоналарини қуриш мўлжалланмоқда. Бу эса Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг келажакда қишлоқ хўжалиги ҳам, саноати ҳам юқори даражада тараққий этган агросаноат районига айланишини таъминлайди.

Саноати. Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг ёқилғи-энергетика хўжалиги бошқа иқтисодий районлардан келтириладиган ёқилғи ресурсларига асосланади. Яқин вақтларгача бу ерда иқтисодий район аҳамиятига эга бўлган йирик электр станцияси йўқ эди. Ўрта Осиёдаги энг йирик Сирдарё ГРЭСининг қурилиши аҳволни бутунлай ўзгартириб юборди. Эндиликда Мирзачўл иқтисодий райони электр қувватини кўпгина қўшни иқтисодий районларга узатадиган бўлди.

Сирдарё ГРЭСи қурилиши муносабати билан Ширин шаҳри бунёд этилди. Келажакда у энергетиклар шаҳри бўлибгина қолмай, балки муҳим саноат марказига ҳам айланади. ГРЭСнинг қу-

рилиши иқтисодий районда саноатни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта ижобий таъсир кўрсатмоқда, хўжалик энергетика базасини тубдан яхшилади.

Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида **рангдор металлургия** саноатининг истиқболлари катта. Қўйтошда (Жиззах вилояти) 1937 йилдан буён Шимолий Нурота тоғларидаги вольфрам-молибден конидан фойдаланилмоқда. Бу кондан қазиб олинаётган рудалар Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли қотишмалар комбинатининг асосий хом ашёсидир. Гагарин шаҳрида кукун металлургияси заводи ишга туширилди.

Келгусида иқтисодий районда рангдор металлургиянинг бошқа тармоқлари ҳам барпо этилади, жумладан Маржонбулоқда ҳозирданоқ АҚШ мутахассислари ҳамкорлигида ишлатилган руда қолдиқларидан олтин ажратиб олиш бошлаб юборилди.

Машинасозлик иқтисодий районда саноатнинг энди барпо этилаётган тармоғидир. Бу ердаги машинасозлик саноати асосан қишлоқ хўжалик машиналари, қурилиш ва йўл техникасини таъмирлаш билан шуғулланади. Ана шундай таъмирлаш-техника заводлари Жиззах, Гулистон, Гагарин ва бошқа жойларда бор. Кейинги йилларда бир қанча машинасозлик корхоналари қурилди ва қурилмоқда. Иқтисодий районнинг тараққий этган Тошкент иқтисодий районига яқинлиги муҳим роль ўйнамоқда. Сирдарё ва Пахтакорда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг, Гагаринда Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг филиаллари қурилган. Шунингдек Жиззахда ишга туширилган аккумулятор заводи халқ хўжалиги учун хизмат қилмоқда.

Мирзачўл иқтисодий районининг машинасозлиги келажакда яна тез суръатлар билан тараққий эттирилади. Қурилиши бошланган ёки мўлжалланган машинасозлик корхоналари орасида Жиззах аккумулятор заводини, Сирдарёдаги рефрижератор-вагонларни таъмирлаш заводини, Жиззахдаги ҚАМаз автомашиналарини таъмирлаш инструментал-механика заводини, Пахтакордаги ХХР билан ҳамкорликда ташкил этилган кучли автокранлар ишлаб чиқариш корхонасини, Ширин шаҳрида қурилиши мўлжалланаётган электротехника машинасозлиги корхоналарини ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Кимё саноати ҳозирча Жиззахдаги ирригация ва мелиорация мақсадларида ишлатиладиган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарадиган кимё комбинатидан иборат. Келажакда эса бу тармоқ яна кенгаяди. Гулистонда йирик органик синтез кимёси заводи қурилиши мўлжалланмоқда. Турли кимёвий хом ашёлар, жумладан Айдаркўл ва Тузкон кўлларидаги туз ва бошқа хом ашёлардан фойдаланиш кимё саноатининг яқин келгусида янги тармоқларини вужудга келтириш учун асос бўлади. Бу тармоқнинг истеъмол қилиши учун зарур бўладиган электр қуввати ҳам иқтисодий районда етарли.

Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида **қурилиш материаллари** саноати анча яхши тараққий этган. Бу эса иқтисодий

район иқтисодиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан қонуний натижадир. Чунки Мирзачўл иқтисодий районни ўзлаштириш борасида зарур бўладиган ирригация иншоотлари қуришда ҳам, саноат корхоналари ва уй-жойлар қурилишида ҳам кўплаб хилма-хил қурилиш материаллари талаб қилинади. Бу саноатнинг энг йирик марказлари Жиззах ва Янгиер шаҳарларидир. Жиззахда бир неча қурилиш материаллари саноати корхонаси бор. Бу ерда 1930 йилдан буён йирик оҳак заводи ишлаб турибди. Ҳозир йирик қурилиш материаллари комбинати ҳам мавжуд. Комбинат таркибида силикат заводи, йиғма темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган арматуралар тайёрлаш цехи бор. Жиззах ирригация ва уй-жой қурилишида кенг фойдаланиладиган арзон ва юқори сифатли материал — силикацит[1] ишлаб чиқаришни дастлаб ўзлаштирган марказдир. Шунингдек Жиззахда ғишт заводи, сопол блоклар заводи, шаҳар яқинида туб жинслардан тош-шағал тайёрлайдиган йирик карьер бор.

Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати таркибида темир-бетон маҳсулотлари, темир-бетон қувурлари заводлари ва бошқа цехлар бор. Қурилиш материаллари саноати корхоналари бошқа шаҳарларда ҳам мавжуд. Сирдарё ва Гагарин темир-бетон маҳсулотлари заводлари, Гулистон ва Сирдарё уйсозлик комбинатлари ана шулар жумласидандир.

Жиззах вилоятидаги Бахмал райони ҳудудидаги Оқтош ва Узунсой мармар конларидан олинадиган мармарлар сифати жиҳатдан Ғозғон мармаридан қолишмайди. Ана шу мармарлардан Москва, Санкт-Петербург, Киев, Тошкент ва Тбилиси метролари қурилишида фойдаланилмоқда.

Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида **енгил ва озиқ-овқат** саноатлари анча тез ривожланмоқда. Бу тармоқлар биринчи навбатда маҳаллий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Иқтисодий районда пахта тозалаш саноати кенг тармоқланган. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудида 13 та шундай заводлар бор. Энг йириклари — Жиззах, Гулистон, Сирдарё Бахт, Пахтакор, Гагарин заводларидир.

Мирзачўл пахта тозалаш саноатининг маҳсулоти Ҳамдўстликнинг кўплаб тўқимачилик корхоналарига ва бир қанча чет эл давлатларига жўнатилади.

Иқтисодий районнинг деярли ҳамма шаҳар, шаҳарча ва йирик қишлоқларида озиқ-овқат саноатининг турли корхоналари бор. Бу тармоқнинг кенг тарқалган корхоналари ун ва нон, сут заводларидир. Йирик корхоналари Зарбдор элеватори, Жиззах ун комбинати, Сирдарё ва Гулистон сут заводларидир. Иқтисодий районда ёғ ишлаб чиқариш ҳам ўсиб бормоқда. Гулистон ёғ-пишлоқ заводи шу тармоқнинг республикадаги йирик корхоналаридандир. Унда шунингдек пиво ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чи-

[1] Силикацит қум ёки лесс ва оҳак аралашмасидан иборат бўлиб, махсус ишлов бериш натижасида мустаҳкам монолитга айланади.

қариш, гўшт саноати корхоналари ҳам бор. Яқин келгусида бир қанча ёғ-экстракция заводи, гўшт комбинати, консерва, шароб заводлари, қандолат фабрикаси, ун комбинатлари ва бошқа корхоналар қурилади.

Қишлоқ хўжалиги. Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи республика пахтачилигининг йирик районларидан биридир. У қишлоқ хўжалиги юксак даражада механизациялашган, янги ерларни ўзлаштириш мажму тарзда олиб борилаётган райондир. Қўриқ ва бўз ерларни янги техника воситасида ўзлаштириш ҳамда пахтачилик мажмуини ташкил этишда Мирзачўл Ўрта Осиё республикалари учунгина эмас, балки чўл минтақасида жойлашган бошқа мамлакатлар учун ҳам намунадир.

Мирзачўл суғориш ва ер ўзлаштириш амалиётида фан ва техника ютуқларини, янги усулларни қўллаш бўйича ўзига хос лабораторияга айланди.

Бу ерда тупроқнинг шўрланиши ва унга қарши кураш услублари ўрганилди ва ижобий натижаларга эришилди. Мирзачўлдаги магистрал каналда сув фильтрациясига (сувнинг ерга сингиши) қарши турли қурилмалар: полиэтилен плёнкалар, темирбетон плиталар, кўп километрли масофаларга чўзилган лотоклар ва бошқа мосламалардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди. Бундай мосламалар натижасида сувнинг беҳуда фильтрланишининг олди олинди. Пахта далалари орасида суғориш тармоқлари ўрнига енгил ва юмшоқ шлангларни ишлатиш қимматбаҳо унумдор ерларни экин экиш учун сақлаб қолиш имконини бермоқда. Ниҳоят, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда катта роль ўйнаётган кенг тармоқланган дренаж-зовур тизими ҳам самарали хизмат қилмоқда.

Ҳозирги пайтда Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида экин майдонлари 777 минг га бўлиб, шундан 513 минг га суғориладиган ерлардир.

Деҳқончиликнинг асосий тармоғи — пахтачилик Мирзачўлда илғор фан ва агротехника ютуқларидан кенг фойдаланиш асосида олиб борилмоқда. Иқтисодий районда барча суғориладиган майдонларнинг 61% ига пахта экилмоқда.

Иқтисодий районда деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари анча ривожланган. 11% га яқин майдонга ғалла (буғдой, арпа, шоли, маккажўхори) экилади. Ғалла етиштириш бўйича Мирзачўл республика иқтисодий районлари орасида Фарғона ва Қуйи Амударёдан кейин учинчи ўринда туради.

Картошка ва сабзавот етиштирувчи махсус ихтисослашган хўжаликлар ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда. Полизчилик Мирзачўл деҳқончилигининг муҳим тармоқларидан биридир. Бу соҳада у республика иқтисодий районлари орасида биринчи ўринда туради. Унинг ширин-шакар қовун ва тарвузлари республикадан ташқарида ҳам машҳур.

Мирзачўлда, айниқса унинг тоғли, тоғ олди минтақасидаги катта майдонларида боғ-роғлар ташкил қилиш, мева ва узум

етиштиришни кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Иқтисодий районда 17,0 минг га майдонда боғлар ва 17,2 минг га ерда узумзорлар ташкил этилган.

Иқтисодий район қишлоқ хўжалигида чорвачиликнинг роли ҳам анча катта. Мирзачўл республикада етиштириладиган қоракўл терисининг 8,2% ини, гўштнинг (сўйилган вазнда) 10,5% ини, тухумнинг 6,8% ини, сутнинг 9,5% ини беради. 1991 йил маълумотларига кўра, Мирзачўл иқтисодий районида 395,5 минг бош қорамол, 926,5 минг бош қўй-эчки, 121,3 минг бош чўчқа боқилади. Пахта экиладиган районларда пиллачиликка ҳам эътибор берилмоқда.

Мирзачўл ҳудудини қишлоқ хўжалиги ихтисосига қараб бир қанча районларга ажратиш мумкин. Ана шундай районлардан бири Мирзачўлнинг илгаридан суғориб келинаётган қисмидир. Бу район асосан пахтачилик, чорвачилик ва гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган.

Иккинчи район Жиззах чўли қисми бўлиб, бу ерда илгаридан ғаллачилик, полизчилик, чорвачилик билан шуғулланиб келинган. Янги ўзлаштирилган суғориладиган майдонларда пахта етиштириш асосий ўринга чиқмоқда. Келажакда бу район ҳам пахтачиликка ва у билан боғлиқ ҳолда ривожлантириладиган бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисосланади.

Учинчи район Қизилқумнинг Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуига қарашли қисмидир. Бу район чорвачиликка (қўйчиликка) ихтисослашиб, гўшт, жун ва қоракўл териси етказиб беради.

Тўртинчи район ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуининг жанубидаги тоғли ва тоғ олди ҳудудлари бўлиб, бу район ҳам чорвачиликка ихтисослашган, қулай ерларда эса баҳорикор деҳқончилик қилинади.

Умуман Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида қишлоқ хўжалигининг истиқболлари анча кенг.

Қишлоқ хўжалиги билан бирга хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам ривожлантирилади. Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи келажакда республиканинг хўжалик таркиби кенг тармоққа эга бўлган ривожланган районларидан бирига айланади.

Транспорти. Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида транспортнинг барча турлари бор. Лекин асосий транспорт тури автомобиль транспортидир. Иқтисодий районда автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 12 минг км. Шундан қаттиқ қопламали йўллар 9919 км. Автомобиль йўллари иқтисодий районнинг барча қисмларини ва республиканинг бошқа вилоят ҳамда иқтисодий районларини бир-бири билан боғлайди. Мирзачўл иқтисодий райони орқали Катта Ўзбекистон тракти ўтади. Шаҳарлараро автомобиль маршрутлари орқали иқтисодий район Тошкент, Самарқанд, Фарғона водийси, Шимолий Тожикистоннинг шаҳарлари билан боғланган.

Иқтисодий район ҳудудидан Тошкентни Фарғона водийси ва

республиканинг марказий ҳамда жанубий районлари билан боғлайдиган асосий темир йўллар ўтади (Тошкент—Сирдарё—Гулистон—Ховос—Фарғона водийси, Тошкент—Сирдарё—Жиззах—Самарқанд—Қарши—Термиз).

Кейинчалик қурилган Сирдарё — Гагарин—Дўстлик — Пахтакор — Жиззах темир йўлининг иқтисодий район ички алоқаларини таъминлашдаги хизмати каттадир. Мирзачўл иқтисодий райони ҳудуди орқали бир қанча газ қувурлари, электр узатиш линиялари (асосан Сирдарё ГРЭСдан) ўтади. Жиззах, Гулистон ва бошқа шаҳарлар республика пойтахти, бошқа шаҳар ва аҳоли манзилгоҳлари билан ҳаво транспорти орқали ҳам боғланган.

Асосий саноат марказлари ва шаҳарлари. Жиззах (108 минг киши) Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида аҳолисининг сони бўйича йирик шаҳар, вилоят маъмурий маркази. У Ўрта Осиёдаги қадимий шаҳарлардан бири. Шаҳар жўғрофий жиҳатдан қулай жойда — Сангзор дарёсининг текисликка чиқаверишь жойида, Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий қисмини қолган қисмлари билан боғлайдиган қулай тугунга жойлашган. Шунинг учун шаҳар жуда қадимда пайдо бўлиб, деярли барча тарихий даврларда ўз ҳаётийлигини сақлаб қолган.

Лекин инқилобгача Жиззах кичик бир шаҳар эди, холос. Шаҳарда пахта тозалаш, ўсимлик мойи ишлаб чиқарадиган жувозхоналар, сув тегирмонлари, новвойхона, ёғоч, ва темирчилик устахоналари бўлар эди.

Шаҳарда дастлабки йирик саноат корхонаси 1930 йилда қурилган оҳак заводи бўлди. Кейинчалик алкоголсиз ичимликлар заводи, шаҳар электр станцияси ва бошқа корхоналар қурилди. Шаҳар саноати Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам ривожланиб борди. Жумладан, ана шу йилларда пахта заводи таъмирлаш-механика заводи ишга туширилди.

Ҳозирги Жиззах асосан шу номли вилоят ташкил топгандан кейин Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг муҳим саноат марказига айланди. Шаҳарда айниқса қурилиш материаллари саноати кенг тармоқланган. Шаҳар атрофида турли хил тошлар, оҳак, ғишт хом ашёлари карьерлари ишлайди. Шаҳарда сопол блоклар заводи, ғишт заводи, йирик қурилиш материаллари комбинати ишлаб турибди. Бу ерда темир-бетон конструкциялари, каналлар сиртини қоплайдиган плиталар, лотоклар ишлаб чиқарилади.

1969 йилда ишга туширилган Жиззах кимё комбинати барча ирригация ва мелиорация ишлари учун полиэтилен қувурлари ишлаб чиқаради. 1970 йилда ун комбинати, 1971 йилда Тошкентдаги трикотаж бирлашмасининг филиали қуриб ишга туширилди. Булардан ташқари, шаҳарда аккумулятор заводи, пахта тозалаш, ёғ-пишлоқ, нон-гўшт заводлари ва бошқа саноат корхоналари бор.

Шаҳар Жиззах вилоятининг асосий маданий марказидир. Бу ерда педагогика институти, Тошкент политехника университети-

1-чизма

Халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг тармоқлар бўйича тақсимланиши



Саноат ва қурилишда

Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида

Транспорт ва алоқада

Савдо, умумий овқатланиш, моддий = техника таъминотида

Маориф, маданият, соғлиқни сақлаш ва илмий муассасаларда

Турар = жой = коммунал хўжалигида

Давлат бошқарув, кредит, сугурта ва бошқаларда

2-чизма *Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг ўсиши (1897-1991 йй)*



3-чизма

Ўзбекистон саноати таркиби



Ёқилғи = энергетика мажмуи

Металлургия мажмуи

Кимё = ўрмон мажмуи

Машинасозлик мажмуи

Қурилиш материаллари

Енгил саноат

АСМга кирувчи озиқ = овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки қайта ишловчи тармоқлар

Бошқа тармоқлар

1990 йил.

4-чизма

Ўзбекистон республикаси ер фондининг тузилиши



Ҳайдаладиган ерлар

Кўп йиллик ўсимликлар

Ўтлоқ ва яйловлар

Томорқа ерлари

Партов ерлар

Ўрмонлар

Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар

Бошқа ерлар

1990 йил.

5-чизма

Рангдор металлургия (мис мисолида) цикли



нинг филиали, бир қанча ўрта махсус билим юртлари, музикали драма театри ишлаб турибди.

Гулистон (54 минг киши) — Мирзачўл ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи таркибидаги Сирдарё вилоятининг маъмурий маркази. Гулистон ёш шаҳарлар қаторига киради. 1896 йилда бу ерда Тошкент-Красноводск темир йўлининг қурилиши бошланган пайтда ҳозирги Гулистон ўрнида кичик Аччиққудуқ қишлоғи бор эди. 1905 йилда у Мирзачўл станцияси деб атала бошлади. Шаҳар асосан Улуғ Ватан урушидан кейин ривожланди. У 1952 йилда шаҳар номини олди. 1963 йилда Сирдарё вилояти ташкил қилиниши муносабати билан у вилоят марказига айланди. Гулистон Мирзачўлни ўзлаштиришнинг бош штаби бўлиб қолди.

Шаҳарда саноат корхоналари ҳам вужудга кела бошлади. Йирик қишлоқ хўжалик районининг маркази бўлган бу ерда саноат корхоналари ҳам асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашди. Пахта тозалаш, ёғ-экстракция, сут заводлари ана шундай корхоналардир. Булардан ташқари, таъмирлаш-механика заводи, қурилиш материаллари комбинати, тикувчилик фабрикаси ва бошқа корхоналар бор. Шаҳарда шунингдек элеватор, нон заводи ишлаб турибди. Гулистон Жарқоқ-Тошкент газ қувуридан газ олади ва у тўла газлаштирилган.

Гулистон—Сирдарё вилоятининг йирик маданий маркази. Бу ерда педагогика институти, бир неча ўрта махсус ўқув юртлари, музикали драма театри ва бошқа маданий-маиший муассасалар бор.

Янгиер (29 минг киши) — Сирдарё вилоятининг янги шаҳарларидан бири, 1956 йилда ташкил этилган. Тошкент—Ховос темир йўли, Катта Ўзбекистон тракти бўйида, Жанубий Мирзачўл канали ёқасида жойлашган. Шаҳар Сирдарё вилоятининг қурилиш материаллари саноати марказига айланди.

Шаҳарда қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, асфальт-бетон, сопол қувурлар заводлари, йирик қурилиш трести ишлаб турибди. Саноатнинг бошқа тармоқларидан таъмирлаш-механика, ун-нон, сут заводлари, қандолат фабрикаси ва бошқа корхоналар бор.

Шаҳар Жарқоқ-Тошкент газ қувури орқали газлаштирилган. Бу ерда бир қанча маданий муассасалар, Тошкент қишлоқ хўжалик ирригацияси ва механизацияси инженерлари институтининг филиали, ўрта махсус ўқув юртлари, тарих музейи ишлаб турибди.

ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Фарғона иқтисодий райони маъмурий жиҳатдан Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларини бирлаштиради, майдони 19,2 минг км², аҳолиси 5 миллион 579 минг киши.

Республика ҳудудининг атиги 4,3% ни эгаллаган бу районда Ўзбекистон аҳолисининг 26,9% и яшайди. У хўжалик жиҳатдан республиканинг энг ривожланган ҳудудий-ишлаб чиқариш маж-

мулари қаторига киради. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ялпи саноат маҳсулотининг 1/4 қисми, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 24,9% и, шу жумладан, пахтанинг 27,0% и, хом ипакнинг 44,5% и ана шу район ҳиссасига тўғри келади.

Фарғона иқтисодий районининг хўжалиги, транспорт ва инфратузилма тармоқлари Тожикистон (Хўжанд вилояти) ва Қирғизистон (Ўш вилояти) республикалари билан боғлиқдир. Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг бу республикаларга туташган қисмини бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб ва ривожлантириб бўлмайди.

Иқтисодий-жўғрофий ўрнининг хусусиятлари. Фарғона иқтисодий райони деярли ҳамма томондан тоғ тизмалари билан ўралган бўлиб, фақат ғарбда унча катта бўлмаган йўлак (Хўжанд дарвозаси) орқали Мирзачўл текислиги билан қўшилган.

Иқтисодий районнинг баланд тоғлар орасида жойлашганлиги қадимдан хўжалик нуқтаи назаридан ҳам табиий, ҳам иқтисодий-жўғрофий жиҳатдан маълум қулайликлар туғдирган. Баланд тоғлар шимол ва шимоли-шарқдан келадиган совуқ Арктика ҳаво массасининг Фарғона водийсига кириб келишига йўл қўймайди ҳамда намгарчиликнинг ўзига хос аккумулятори ҳисобланади.

Водийни ўраб турган тоғлар қадимда чет эллик босқинчиларнинг Фарғонага бостириб киришига ҳам маълум даражада тўсқинлик қилган ва маҳаллий аҳоли Ўрта Осиёнинг бошқа қисмларидаги аҳолига нисбатан бирмунча тинч меҳнат билан шуғуллана олган. Фарғона водийсининг хўжалик тараққиётига тарихий манбаларда қайд қилинганидек, қулай табиий шароит билан бирга сиёсий вазиятнинг нисбатан барқарорлиги ҳам сабабчи бўлган. Ўрта Осиёнинг бошқа қисмларини тез-тез вайронагарчиликка дучор қилиб турган чет эл босқинчилари кўп ҳолларда Фарғона водийсини четлаб ўтганлар.

Фарғона водийсида табиий ва иқтисодий шароитнинг нисбатан қулайлиги, бу ердан қадимда буюк ипак йўли ўтганлиги натижасида унда қишлоқ хўжалиги, савдо, ҳунармандчилик яхши ривожланган.

Фарғона водийси Россия томонидан босиб олингач (1876 й.), бу ерга темир йўл ўтказилиши унинг иқтисодий-жўғрофий ўрнини янада яхшилади. Фарғонанинг йирик пахтачилик районига айлантирилиши бу ердан темир йўл ўтказилишидан бошланган. 1889 йилда пахта экин майдони бутун Фарғона водийсида 50 минг гектар бўлган бўлса, 1899 йилга келиб (яъни темир йўл ўтказилгандан кейин), у 150 минг гектарга 1916 йилга бориб эса 348 минг гектарга етди. Худди шу темир йўл ўтказилган даврдан бошлаб, водийда саноат ҳам ривожлана бошлади.

Октябрь тўнтариши арафасида Фарғона водийси саноати яхши ривожланган район эди. Унинг саноат тараққиёти даражаси ҳатто Тошкент районидагидан ҳам юқори бўлган. Фарғона водийси ҳозир ҳам республиканинг энг юқори даражада ривожланган ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуларидан бири бўлиб қолмоқда.

Табиий шароити ва ресурслари. Фарғона водийси ғарбдан шарққа чўзилган бўлиб, Тяншань ва Ҳисор-Олой тоғ тизимига кирувчи шимоли-ғарбдан Қурама ва Чотқол тизмалари, шимоли-шарқдан Фарғона тизмаси, жанубдан Туркистон ва Олой тизмалари билан ўралган.

Фарғона водийси ҳудудини ер сирти хусусиятлари, хўжалик жиҳатидан фойдаланиш имкониятларига қараб бир неча минтақаларга бўлиш мумкин:

1. Текислик минтақаси водийнинг марказидан адир минтақасигача бўлган ҳудудни ишғол қилади. Текислик минтақасини яна икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчиси — водийнинг марказий ботиқ қисми, бу ер Қорақалпоқ ва Ёзёвон қумлоқ чўлларидан иборат. Бу майдонларда денгиз ётқизиқлари устида аккумулятив жинслар, кейинги даврларнинг чўл ётқизиқлари, шамол олиб келган жинслар кенг тарқалган бўлиб, шўрхоклар, кўлларнинг ўрни ва қум тепаликлари учрайди.

Текислик минтақасининг иккинчи қисми дарё ҳамда сойларнинг кенг ёйилмаларидан иборат бўлиб, Фарғона водийсининг хўжалик жиҳатдан энг яхши ўзлаштирилган қисмидир. Минтақанинг бу қисми унумдор аллювиал ётқизиқлар билан тўлган бўлиб, 4% гача чириндили турли хил бўз тупроқлардан ташкил топган.

2. Адир минтақаси (600—1200 метр баландликда) Фарғона водийсида турлича бўлиб, ундан фойдаланишда ҳам ҳудудий фарқлар бор. Адирлар сирти ҳайдаш ва деҳқончилик қилиш учун анча ноқулай. Лекин унинг анчагина қисми ҳайдалган. Асосан баҳорикор деҳқончилик, суғориш мумкин бўлган жойларда эса суғорма деҳқончилик қилинади.

3. Тоғли минтақа 1100—1200 метрдан бошлаб баландлашиб, тоғ олди ва тоғли районларга ўтиб боради. Минтақада дарё ва сойларнинг водийларида деҳқончилик учун яроқли майдонлар учрайди. Фарғона водийсидаги барча ҳайдалган ерларнинг 16% ана шу минтақага тўғри келади. Бу минтақадан кўпроқ баҳорикор деҳқончиликда ва чорвачиликда фойдаланилади. Мева ва токзорли майдонлар кўп.

4. Баланд тоғли минтақа маъмурий жиҳатдан Тожикистон ва Қирғизистон республикаларига қарашли бўлиб, водий хўжаликлари улардан яйлов сифатида фойдаланадилар.

Фарғона водийси нефть, газ, олтингугурт каби фойдали қазилмаларга, сув қуввати ресурсларига ва қурилиш материалларига, шунингдек шифобахш минерал сувлар ҳамда бошқа рекреация ресурсларига бой.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Фарғона иқтисодий райони аҳолисининг сони (5 млн. 578 минг киши) бўйича республика иқтисодий районлари орасида биринчи ўринда туради. Бу ерда ҳам бир км² га ўртача 291 киши тўғри келади. Умуман иқтисодий район бўйича Марказий Фарғонада, адир минтақаси ва тоғли районларда аҳоли бирмунча сийрак, ўзлаштирилган дарё ва сойлар ёйилма конуслари минтақасида эса энг зичдир.

Фарғона иқтисодий райони аҳолиси асосан табиий кўпайиш ҳисобига ўсмоқда. Кейинги йилларда иқтисодий район аҳолиси ҳар йили ўрта ҳисобда 100 минг кишидан кўпроқ кўпаймоқда. Аҳолининг тез ўсиши меҳнат ресурсларидан фойдаланишда маълум муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Фарғона иқтисодий райони республикада саноат тараққиёти даражаси бўйича иккинчи ўринда турса-да, лекин унинг урбанизация даражаси ҳали юқори эмас. Иқтисодий район бўйича аҳолининг фақат 32% и шаҳарларда яшайди. Бу эса республика ўртача кўрсаткичидан (40,4%) сал паст. Фарғона иқтисодий районида 28 та шаҳар ва 28 та шаҳарча бор. Фарғона иқтисодий райони шаҳарлар сони бўйича республикадаги барча иқтисодий районлардан олдинда туради. Шунингдек, у урбанизациянинг муҳим сифат кўрсаткичи бўлган катта шаҳарларнинг сони бўйича ҳам ҳамма иқтисодий районлардан олдинда. Бу ерда аҳоли манзилгоҳлари транспорт турлари билан ўзаро жуда яхши боғланган.

Фарғона иқтисодий райони меҳнат ресурслари билан ҳозирги замон талаби нуқтаи назаридан ҳам, ишлаб чиқарувчи кучларнинг келажак тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам тўла таъминланган. У қадимдан ривожланган бўлгани сабабли малакали ишчи кадрларга эга. Масалан, республика саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган аҳолининг деярли 1/4 қисми шу иқтисодий районга тўғри келади. Фарғона иқтисодий районида, айниқса унинг қишлоқ жойларида, кичик ва ўрта шаҳарларида иш кучининг маълум резервлари бор. Лекин бу ерда меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги паст, жон бошига тўғри келадиган умумий экин майдонлари республиканинг бошқа вилоятларидагидан анча кам.

Иқтисодий районда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи кейинги вақтларда долзарблигича қолмоқда. Мавжуд ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, кўплаб қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилиш, ортиқча иш кучининг бир қисмини республиканинг бошқа районларида ишга жалб қилиш бу борадаги қийинчиликларни ижобий ҳал қилишга олиб келади.

Хўжалиги. Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг хўжалик ихтисосида пахтачилик билан боғлиқ тармоқлараро мажмуи асосий ўринни эгаллайди. Фарғона республиканинг йирик пахтачилик ва пиллачилик базаларидан бири. Иқтисодий район Ўзбекистонда етиштириладиган пахтанинг 27,0% ини ва пилланинг 44,5% ини беради. Пахтачилик билан бирга деҳқончиликнинг бошқа қатор тармоқлари ҳам (сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик) яхши ривожланган.

Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг саноатдаги кўпчилик тармоқлари ҳам пахтачилик мажмуи билан боғлиқ, унга хизмат кўрсатади ёки унинг маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. Бу тармоқлараро мажму билан боғлиқ саноат тар-

моқлари биринчи навбатда енгил ва озиқ-овқат саноатларидир. Бу саноатлар Фарғона иқтисодий райони саноатининг асосий ихтисос соҳаларидир. Айниқса пахта тозалаш ва пиллакашлик, ипгазлама ва шойи газламалар, мой, консерва, шароб каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида юқори даражада ривожланган. Чунончи, Фарғона иқтисодий районининг енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 26% ини, консерваларнинг 1/3 қисмини, ўсимлик мойининг 26,7% ини етказиб беради.

Иқтисодий районнинг кўпгина бошқа саноат тармоқлари ҳам пахтачилик мажмуи билан боғлиқ бўлиб, унинг эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқаради. Жумладан, машинасозлик корхоналари пахтачилик мажмуи учун машиналар ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари, ирригация-мелиорация ишлари учун машина-ускуналар, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатлари учун ускуна ва машиналар ишлаб чиқарса, кимё саноати корхоналарида минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади ва ҳоказо.

Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланиш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқлар ҳам муҳим аҳамиятга эга (масалан, нефть ва нефтькимё саноати).

Саноати. Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи иқтисодиётида саноат муҳим роль ўйнайди. Иқтисодий район саноати республика ялпи саноат маҳсулотининг 25% ини беради. Фарғона водийсида республикадаги саноат тармоқларининг деярли ҳаммаси бор. Иқтисодий районда ўз маҳсулотининг салмоғи бўйича енгил, озиқ-овқат ва машинасозлик саноатлари етакчи ҳисобланади.

Иқтисодий районнинг **ёқилғи-энергетика хўжалиги** қисман ўз ресурсларига (нефть-газ, гидроэнергия ресурсларига), қисман қўшни республикалар ва районлар ресурсларига асосланади. Иқтисодий районнинг электр станциялари орасида энг йириги Қувасой ГРЭСидир, Фарғона, Қўқон, Андижон шаҳарларида ТЭЦлар, Шаҳрихонсой, Намангансой дарёларида кичик ГЭСлар қурилган. Ҳозир Андижон сув омбори гидроузелида катта қувватли ГЭС барпо этилган. Умуман иқтисодий район ҳиссасига республикада ҳосил қилинган электр қувватининг атиги 5% и тўғри келади. Иқтисодий район зарур электр қувватини қўшни республикалардан олади. У Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон бирлашган энергетика тизимига бирлаштирилган.

Фарғона водийси Ўзбекистон қисмининг ёқилғи саноати нефть ва газ қазиб чиқаришга асосланади. Қазиб чиқарилган нефть Олтиариқ ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларида қайта ишланади. Янгидан топилган Мингбулоқ нефть ва Андижон вилояти газ конларининг ишга солиниши билан мазкур иқтисодий районнинг ёқилғи-энергетика мажмуининг салмоғи янада ортади.

Иқтисодий район саноатининг яхши тараққий этган соҳаларидан бири **машинасозликдир.** Машинасозлик саноати ирригация ва

мелиорация машиналари, қишлоқ хўжалик машиналари қисмлари, пахта тозалаш, тўқимачилик ва бошқа саноат тармоқлари учун машина-ускуналар, электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

Иқтисодий район машинасозлигининг йирик корхоналаридан бири Андижон ирригация машинасозлиги заводидир. У тракторлар ва бошқа ирригация-мелиорация машиналари учун эҳтиёт қисмлар, бульдозерлар, скреперлар, ерни мустаҳкамлаш ва текислаш воситалари, ирригация қурилиши учун бошқа ускуналар ишлаб чиқаради. Ундаги «Строммашина», «Коммунар», «Электродвигатель» заводлари республика машинасозлигининг йирик корхоналаридан ҳисобланади. Улуғ Ватан уруши йилларида мудофаа эҳтиёжлари учун ишлаган «Строммашина» заводи урушдан кейин йўл қурилиши учун хилма-хил машиналар ишлаб чиқара бошлади. Завод кейинги йилларда 30 дан ортиқ машина ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу заводда ишлаб чиқариладиган дизель ва насослар жаҳон бозорида юқори баҳоланмоқда ва улар 40 дан ортиқ чет мамлакатларга чиқарилмоқда.

«Коммунар» заводи республикада пахта тозалаш саноати учун технологик ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналардан биридир.

Машинасозликнинг иқтисодий райондаги иккинчи йирик маркази Қўқон шаҳридир. Бу ердаги «Большевик» заводи кимё саноати учун ускуна ва аппаратлар, Тўқимачилик машинасозлиги заводи тўқимачилик саноати учун ускуналар, «Электротерм» заводи электр сув иситгичлар ишлаб чиқаради.

Электротехника машинасозлиги корхоналаридан Намангандаги трансформатор заводини, Андижондаги электротехника машинасозлиги заводини кўрсатиш мумкин. Андижондаги завод электродвигателлар ишлаб чиқаради. Марҳамат шаҳрида ҳам электротехника заводи бор.

Наманган машинасозлик заводи нефть-газ саноати учун ускуналар, Асакада Тошкент трактор заводининг автоприцеплар ишлаб чиқарувчи филиали (бу корхона яқин келгусида Жанубий Кореянинг «Дэу» компанияси билан ҳамкорликда турли хил автомашиналар ишлаб чиқарадиган йирик марказга айлантирилади). Фарғона газ аппаратлари, трактор ва автомобилларни таъмирлаш-механика заводлари, Фарғона, Марғилон металлсозлик заводлари бор. Умуман бу ерда аниқ ва мураккаб машинасозлик бундан кейин янада ривожланаверади. Бой меҳнат ресурслари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли манзилгоҳларининг бир-бирига яқин жойлашиши эса кенг ишлаб чиқариш кооперацияси алоқаларини осонлаштиради.

Фарғона иқтисодий районида **кимё саноати** ҳам анча яхши тараққий топган. Бу ерда пахта далалари учун минерал ўғитлар, гербицидлар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш воситалари, кимёвий толалар ишлаб чиқарилади. Фарғонада азот ўғитлари заводи ишлаб турибди. Ўзбекистондаги учта гидролиз

заводларининг иккитаси Фарғона иқтисодий районида жойлашган.

Фарғона водийсида **қурилиш материаллари саноати** яхши ривожланган. Бу ерда республикадаги энг йирик цемент заводларидан бири — Қувасой цемент заводи жойлашган. Заводда юқори сифатли цемент, шифер ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон ва Қувасой шаҳарларида уйсозлик комбинати, темир-бетон конструкциялари заводлари, Попда картон, рубероид ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «Узбеккровля» комбинати, бир қанча ғишт заводлари, кўплаб қурилиш материаллари қазиб олинадиган карьерлар ишлаб турибди.

Бироқ Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуидаги қурилиш материаллари саноати тез ўсиб бораётган талабларни қондира олмаётир. Шунинг учун ҳам саноатнинг бу тармоғини янада ривожлантириш муҳим вазифалардан биридир.

Фарғона иқтисодий райони саноат мажмуида **енгил саноат** салмоқли ўрин эгаллайди. Фарғона водийси Ўзбекистондаги тўқимачилик саноатининг йирик марказидир. Бу ерда ип-газлама, шойи газлама, кимёвий толалар асосида газламалар ишлаб чиқарадиган бир неча йирик корхоналар бор. Уларда республикада ишлаб чиқарилаётган жами газламаларнинг 43% га яқини тайёрланмоқда. Шунингдек кўп миқдорда замонавий тайёр уст-бош кийимлари, пайпоқ-трикотаж буюмлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи енгил саноатида пойабзал ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ҳам анча катта. Масалан, республикада ишлаб чиқариладиган чарм пойабзалларнинг 45,7% ини Фарғона иқтисодий райони — Фарғона, Қўқон, Андижон, Наманган пойабзал фабрикалари ва уларнинг филиаллари ишлаб беради.

Фарғона ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида **озиқ-овқат** саноати, саноатнинг асосий соҳаларидан бири. Озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг айрим турларини ишлаб чиқаришда иқтисодий районнинг салмоғи анча катта. Жумладан, у республикада ишлаб чиқариладиган ўсимлик мойининг 34,8% ини, консерваларнинг 31% ини беради. Умуман озиқ-овқат саноатига Фарғона иқтисодий райони ялпи саноат маҳсулотининг 17% идан кўпроғи тўғри келади.

Фарғона иқтисодий райони озиқ-овқат корхоналари маҳаллий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш билан шуғулланади. «Узплодовошчвинпром» концерни қарамоғида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уни ташиш, сақлаш, қайта ишлашни ўз таркибига олувчи махсус агросаноат бирлашмалари ва мажмуларининг ташкил этилиши озиқ-овқат саноатини хом ашё билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди. Масалан, биргина Наманган вилояти ҳудудида консерва, шароб заводлари ва бошқа корхоналарни хом ашё билан таъминловчи 30 га яқин ихтисослаштирилган шўро хўжалиги тузилган. Консерва саноати

учала вилоятни бир-бири билан ва қўшни республикалар билан боғлайдиган электр узатиш линиялари бор.

Иқтисодий районнинг темир йўл ва автомобиль йўллари бутун водийни ҳалқа шаклида ўраб олган бўлиб, ҳудуддаги ички алоқаларни ва унинг бошқа иқтисодий районлар билан алоқасини таъминлайди. Фарғона водийсида автомобиль йўлларининг узунлиги 121 минг км. дан ортиқ бўлиб, шундан қаттиқ қопламли йўллар 9 минг км. дир. Иқтисодий район республиканинг бошқа минтақалари билан Хўжанд дарвозаси, Бекобод ва Тошкент-Ангрен-Қўқон автомобиль йўли орқали ҳам боғланган. Вилоятлар марказлари Москва, Тошкент ва йирик курорт шаҳарлар, республиканинг бошқа вилоятлари билан ҳаво транспорти орқали боғланган.

Асосий саноат марказлари ва шаҳарлари. Фарғона (194 минг киши) саноат жиҳатдан иқтисодий районда биринчи, республикада Тошкентдан кейин иккинчи шаҳар. Шаҳарга 1877 йилда Марғилондан 8 км. жанубда, Ёрмазор ва Сим қишлоқлари яқинида асос солинган. Инқилобгача шаҳар жуда секин ўсди. Унинг аҳолиси 1897 йилда 9 минг киши, 1913 йилда 13,2 минг киши эди. Инқилобдан кейинги йилларда унинг аҳолиси тез ўсиб, 1926 йилда 14 минг, 1939 йилда 36 минг ва 1981 йилда 180 минг кишини ташкил қилди.

Фарғонада енгил, озиқ-овқат ва кимё саноатлари айниқса яхши ривожланган.

Шаҳарда республика ип-газлама саноатининг тўнғичи—Фарғона йигирув-тўқув фабрикаси қурилиб, кейинчалик у йирик ип-газлама тўқимачилик комбинатига айлантирилди. Комбинат таркибида ҳозир йигирув, тўқув фабрикалари, кирза фабрикаси, пойабзал учун махсус газлама, тасма ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган фабрикалар ишлаб турибди. Енгил саноатнинг бошқа корхоналаридан пиллакашлик, трикотаж, пойабзал фабрикаларини кўрсатиш мумкин.

Озиқ-овқат саноати корхоналари ичида мой комбинати машҳур. Комбинат иқтисодий районда тайёрланадиган ўсимлик мойининг 1/3 қисмини ишлаб чиқаради. Шаҳарда шунингдек, консерва, сут заводлари ва бошқа корхоналар ишлаб турибди. Шаҳар кимё ва нефть-кимё саноати корхоналари орасида нефтни қайта ишлаш, кимёвий толалар, азот ўғитлари, фуран бирикмалари заводлари машҳур.

Булардан ташқари, шаҳарда «Газоаппарат» заводи, совун заводи, мебель фабрикаси, ТЭЦ ва бошқа саноат корхоналари ишлайди. Шаҳар Хўжаобод-Фарғона, Шимолий Сўх-Фарғона-Қувасой, Ховос-Хўжанд-Фарғона газ қувурлари орқали газ олади.

Фарғона иқтисодий районнинг ва биринчи навбатда вилоятнинг йирик маданий марказидир. Шаҳарда университет, политехника ва ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институти, бир неча ўрта махсус

ўқув юртлари, ўзбек ва рус драма театрлари, ўлкашунослик музейи ишлаб турибди.

Марғилон (125 минг киши)—Фарғона билан ёнма-ён жойлашган ва у билан бирга муҳим шаҳар агломерациясини ташкил этган шаҳардир. У Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан бири. Марғилон ҳақида дастлабки ёзма маълумотлар X аср араб манбаларида учрайди. Шаҳар ўрта асрлардаёқ қўлда тўқилган шойиси ва атласи билан машҳур бўлган.

Марғилон кейинги йилларда йирик ипакчилик саноати марказига айланди. У ўзининг ана шу маҳсулоти (шойи газламалар, атлас газламалар) билан бутун Ҳамдўстликда ва чет элларда машҳур. Бу ерда Улуғ Ватан уруши йилларида ипак-йигирув ва тўқув фабрикалари қурилди ва ҳозирги машҳур ипак комбинатига асос солинди. Бир неча ҳунармандчилик артеллари негизида машҳур «Атлас» фирмаси майдонга келди.

Марғилонда шойи газламалар тўқишдан ташқари, йирик таъмирлаш-механика заводи, бадиий тикувчилик фабрикаси, нон ва сут заводлари, пахта тозалаш, пойабзал фабрикалари ва бошқа саноат корхоналари ишлаб турибди. Шаҳарда ипак саноати илмий-тадқиқот институти жойлашган.

Қўқон (176 минг киши)—Фарғона вилояти ғарбий қисмидаги шаҳар, вилоят ва бутун иқтисодий районнинг муҳим саноат маркази. У қадимий шаҳарлардан биридир. Қўқон тўғрисидаги дастлабки ёзма маълумотлар X асрларга тааллуқли бўлиб, шаҳар узоқ даврлар мобайнида Қўқон хонлигининг пойтахти эди, XIX аср охири ва XX аср бошларида унда ҳаммаси бўлиб 3000 ишчи ишлайдиган бир неча кичик корхона бўларди.

Қўқон Россиянинг мустамлака шаҳри бўлиб турган йилларда саноати деярли ривожланмади. У инқилобдан кейингина муҳим саноат шаҳрига айланди. Шаҳар ўз саноатининг тараққиёт даражаси бўйича Фарғона вилоятида иккинчи, республикада биринчи ўнликка киради.

Шаҳарда енгил, озиқ-овқат, машинасозлик, кимё саноатларига мансуб бир неча йирик корхоналар ишлаб турибди. Ўзбекистонда ягона пайпоқ комбинати, Охунбобоев номидаги кўйлак тикадиган йирик тикувчилик фабрикаси, пахта тозалаш, йигирув-тўқув фабрикаси, хром-чарм ишлаб чиқариш, ёғ-мой комбинати, консерва, кимёвий маҳсулотлар заводлари, машинасозлик саноатининг бир қанча корхоналари ишлаб турибди.

Қўқон Фарғона водийсининг муҳим маданий марказларидан биридир. Бу ерда педагогика институти, Фарғона политехника, Тошкент иқтисодиёт университети ва ирригация ва механизация институтининг филиаллари, 7 та ўрта махсус ўқув юрти, музикали драма театри, ўлкашунослик музейи, адабиёт музейи бор.

Қўқон тарихий меъморчилик ёдгорликларига бой. Мадрасаи Мирноми билан машҳур бўлган Норбутабий мадрасаси, Даҳмаи шоҳон ансамбли, Худоёрхон ўрдаси ана шулар жумласидандир.

Андижон (297 минг киши)— вилоят маркази, Фарғона иқтисо-

дий районидаги саноат аҳамияти бўйича Фарғонадан кейин ва аҳолисининг сони бўйича Намангандан кейин иккинчи шаҳар. Андижонда вилоят саноат маҳсулотининг ярми ишлаб чиқарилади.

Андижон ҳам Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан биридир. У буюк ипак йўли устидаги йирик савдо марказларидан бири бўлган. Шаҳар аҳолиси кумуш, мис, темир буюмлар ясаш, қишлоқ хўжалик асбоблари тайёрлаш, ип-жун ва ипак матолар тўқиш каби ҳунармандчилик билан шуғулланган.

Россия томонидан босиб олингач, шаҳар саноати бирмунча ривожланди. Инқилоб арафасида бу ерда 5000 киши ишлайдиган саноат ва ҳунармандчилик корхоналари бор эди. Инқилобдан кейинги даврда Андижон муҳим саноат марказларидан бирига айланди. Андижон Фарғона водийсида машинасозлик саноати яхши ривожланган шаҳардир. «Коммунар» ва ирригация машинасозлиги заводлари, «Электродвигатель», «Электроаппарат» ҳамда бошқа корхоналар машинасозлик саноатининг асосий корхоналаридир. Бу заводларда пахта тозалаш саноати учун ускуналар, қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар, насослар, универсал юклагичлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Шаҳар машинасозлиги маҳсулотлари 30 дан ортиқ чет мамлакатларга жўнатилади.

Республика енгил саноатининг йирик корхоналаридан бири бўлган Андижон тўқимачилик (ип газлама) комбинати қуриб битказилди. Вилоятнинг кичик шаҳарларида бу комбинатнинг филиаллари қурилган. Пахта тозалаш ва пиллакашлик корхоналари, тикувчилик ва пойабзал ҳамда трикотаж, шунингдек бадиий буюмлар фабрикалари ва бошқалар енгил саноат негизини ташкил этади. Озиқ-овқат саноати корхоналари орасида ёғ-мой комбинати машҳур. Комбинат пахта мойидан ташқари совун, глицерин каби маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқаради.

Шаҳарда йирик консерва, нон заводлари ишлаб турибди. Республикадаги учта гидролиз заводларининг биттаси Андижонда жойлашган.

Андижон — вилоят ва бутун иқтисодий районнинг йирик маданий марказларидан бири. Унда тиббиёт, пахтачилик, педагогик, чет тиллар педагогика институтлари, Самарқанд кооператив институтининг филиали, бир қанча ўрта махсус ўқув юртлари, вилоят театри, ўлкашунослик музейи бор. Шаҳар тўла газлаштирилган.

Наманган (319 минг киши)—Фарғона водийсида аҳолисининг сони бўйича энг йирик шаҳар бўлиб, республикада Тошкент ва Самарқанддан кейин учинчи ўринда туради. Наманган шаҳри саноат аҳамияти бўйича ҳам кўзга кўринарли ўринни эгаллайди. Бу ерда Наманган вилояти ялпи саноат маҳсулотининг 60% и ишлаб чиқарилади.

Наманган Фарғона водийсининг қадимий шаҳарларидан биридир. У ип ва ипак газламалар, заргарлик буюмлари ва меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш маркази сифатида машҳур бўлган. Шаҳар енгил, озиқ-овқат, машинасозлик, қурилиш материаллари

саноатларининг ҳам марказидир. Унда енгил саноат айниқса яхши ривожланган. Табиий ва сунъий толадан костюмбоп газламалар ишлаб чиқарувчи йирик комбинат, аврли шойи газламалар комбинати, нотўқима газламалар фабрикаси, тикув-ишлаб чиқариш бирлашмаси, пойабзал фабрикаси, пахта тозалаш заводи, ипак-йигирув ва бадиий буюмлар фабрикалари ва бошқа корхоналар енгил саноатнинг асосий корхоналаридир.

Наманган енгил саноати ишбилармонлари хорижий мамлакатлар фирмалари билан ишлаб чиқариш ҳамкорлигини ўрнатишда республикага намуна бўлмоқдалар. Ҳозирдаёқ шу йўл билан жаҳон стандарти асосида эркаклар кўйлаклари (Канада фирмалари билан), нафис бахмал, помбахмал каби харидоргир газламалар (Хитой ва Япония фирмалари билан) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Озиқ-овқат саноати асосан вилоят қишлоқ хўжалик хом ашёларига қайта ишлов бергани ҳолда ёғ-мой комбинати, консерва заводи, шароб, пиво, гўшт, сут, ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Наманганда бир неча машинасозлик корхоналари ишламоқда. Таъмирлаш-техника заводи, саноатда ва уй хўжалигида ишлатиладиган электр иситгич асбоблар ишлаб чиқарадиган «Узэлектротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводи, электр трансформатор, авторемонт заводлари шулар жумласидандир.

Саноатнинг бошқа тармоқларидан шаҳарда қурилиш материаллари саноатига тааллуқли корхоналар — йирик панелли уйсозлик комбинати, темир-бетон конструкциялари, ғишт заводлари, шунингдек кимё заводи, мебель фабрикаси ва шунга ўхшаш саноат корхоналари жойлашган.

Шаҳар муҳим маданий марказ ҳамдир. Бу ерда педагогика институти, Тошкент политехника университети, маданият, тўқимачилик ва енгил саноат институтларининг филиаллари, бир неча ўрта махсус ўқув юртлари, вилоят театри, ўлкашунослик музейи, бошқа кўплаб маданият ўчоқлари ишлаб турибди.

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Самарқанд иқтисодий райони шу номли вилоятни ўз ичига олган бўлиб, майдони 13,9 минг км^2, яъни жумҳурият ҳудудининг 3% га яқинини ташкил қилади. У катталиги жиҳатдан Қуйи Амударё, Бухоро-Қизилқум ва Мирзачўл иқтисодий ноҳияларидан кейин тўртинчи ўринда туради. Аҳолиси 2,3 млн. кишидан ортиқ бўлиб, жумҳурият аҳолисининг 11,6% ини ташкил қилади. Аҳолиси сонига кўра у Фарғона ва Тошкент иқтисодий районларидан олдинда, биринчи ўринда туради.

Иқтисодий район республиканинг йирик саноат-аграр ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуларидан биридир. У жумҳурият ялпи саноат маҳсулотининг 9% ини етказиб беради. Бу жиҳатдан у Тошкент ва Фарғона иқтисодий районларидан кейин учинчи ўринда

туради. Иқтисодий район республика консерва маҳсулотларининг 30% га яқинини, шойи газламанинг 11,7% ини, пахтанинг 8% дан ортиқроғини, пилланинг 10% ини, ғалланинг 12% га яқинини, картошканинг 20% ини, узумнинг 30% ини, тамакининг 96% ини етказиб беради.

Иқтисодий-жўғрофий ўрни. Самарқанд иқтисодий райони республиканинг марказий қисмида жойлашган. У шимол ва ғарбда Бухоро-Қизилқум иқтисодий райони, шарқда Мирзачўл, жанубда Қашқадарё иқтисодий районлари, жануби-шарқда Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Иқтисодий районнинг иқтисодий-жўғрофий ўрни қўшни иқтисодий районлар билан алоқа қилишда қулайдир.

Табиий-шароити ва ресурслари. Самарқанд иқтисодий райони Зарафшон водийсининг ўрта қисмида бўлиб, шимолда Нурота, шимоли-шарқда Туркистон, шарқда ва жануби-шарқда Зарафшон тизмалари билан ўралган. Иқтисодий районнинг чекка қисмларида жойлашган бўлиб, хўжалик ва транспортнинг ривожланишига қийинчиликлар туғдирмайди, лекин совуқ ҳаво массаларини анчагина тўсиб қолиб, ўсимликшунослик, хусусан, мевачилик учун бирмунча қулайликлар яратади.

Самарқанд иқтисодий райони ер сиртининг қўшни иқтисодий районлар ер сиртидан муҳим фарқи шундаки, чўлли ҳудудлар катта эмас. Фақат Қарноб чўлининг шарқий қисми иқтисодий район ҳудудида жойлашган.

Иқтисодий ҳудуднинг катта қисми водий ва адирлардан иборат. Унинг иқлими кескин континентал — январь ойининг ўртача ҳарорати 0—2°. Мутлақ минимум, баъзан — 30° гача тушиб кетади. Июль ойининг ўртача ҳарорати 25—28°, мутлақ максимум 44°, 46° гача кўтарилади. Совуқсиз кунлар 180—200 кун атрофида, ижобий ҳароратлар йиғиндиси 3350°—4600° атрофида. Иқтисодий район ғарбида 150—200 мм, марказий қисмида 300—500 мм, шарқий тоғли қисмида 500—900 мм гача ёғин ёғади.

Зарафшон дарёси иқтисодий районни сув билан таъминлайди. Бу дарёнинг сув режими пахтачилик учун қулай, чунки баланд тоғ музликлари ва қор сувидан тўйинади, лекин унинг сув заҳираси катта эмас. Демак, дарё сувидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади. Шу мақсадда бу иқтисодий районда республикада биринчи Каттақўрғон сув омбори қурилган.

Иқтисодий районда Нарпай ва Оқ-Қорадарё каналлари ҳам қурилиб, кичикроқ Қоратепа сув омбори ишга туширилган. Бу сув омборининг сув сиғими 50 млн. м³ бўлиб, Иштиҳон ва Каттақўрғон районларининг сув таъминотини яхшилади ва янги ерларни ўзлаштириш имконини берди.

Иқтисодий районда бўз тупроқ кенг тарқалган. Тоғ ён-бағирлари кўпроқ қўнғир ва тўқ бўз тупроқ, шағалли қумоқ тупроқ билан қопланган. Зарафшон водийсида аллювиал ва маданий тупроқлар тарқалган шўрхоклар кам учрайди.

Иқтисодий районда минерал ресурслардан вольфрам, мармар,

дала шпати, гранит, мергель, оҳактош, керамзит гили, қум ва бошқалар учрайди. Булар рангдор металлургия ва қурилиш саноати учун хом ашё базасидир.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Иқтисодий район аҳолиси асосан табиий ўсиш ҳисобига ортиб бормоқда. 1950—1970 йиллар оралиғида аҳоли 21,4% кўпайди, кейин эса 1990 йилгача 26% ортди.

Иқтисодий районда аҳоли зичлиги қўшни иқтисодий районлардагига нисбатан бирмунча юқори, ҳар бир км^2 га ўртача 97 киши тўғри келади. Водийнинг обикор ерларида ҳар бир км^2 га 160—200 киши, адир минтақасининг юқори қисми ва тоғларда ҳар бир км^2 га 5—10 киши тўғри келади. Қарноб чўлида аҳоли бирмунча сийрак яшайди.

Иқтисодий район аҳолисининг 31% и га яқини шаҳарларда, 69% идан ортиқроғи қишлоқларда яшайди. Унда 9 та шаҳар, 14 та шаҳарча бор.

Иқтисодий район аҳолисининг миллий таркиби бир хил эмас. 1989 йилги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, ўзбеклар 78,6%, руслар 6,6%, тожиклар 4,8%, татарлар 4,2% ни ташкил қилади. Иқтисодий районда шунингдек, украинлар, озарбайжонлар, қозоқлар яҳудийлар, қирғизлар, туркманлар ва бошқа миллатлар вакиллари ҳам яшайди.

Самарқанд иқтисодий райони қўшни иқтисодий районларга нисбатан меҳнат ресурслари билан яхшироқ таъминланган.

Хўжалиги. Самарқандда буюк давлат арбоби Амир Темур ва унинг ворислари даври (XIV—XVI асрлар)да хўжалик ишлари ривож топиб, ҳунармандчилик, тижорат, илм-фан, соҳибкорлик юқори даражага кўтарилган эди. Маҳсулотлар ўша пайтларда хорижга кўплаб чиқарилган. Ундан Буюк ипак йўли ўтган.

Иқтисодий райондаги замонавий саноат корхоналарининг кўпи инқилобдан кейинги йилларда қурилди. Унда эндиликда тарихий ҳунармандчиликлар тиклана бошлади.

Самарқанд иқтисодий райони республикадаги йирик ҳудудий ишлаб чиқариш мажмулардан бири бўлган саноат-аграр райондир. Унда саноат етакчи ўринда туради, оғир саноат тармоқлари ҳам, енгил саноат тармоқлари ҳам ривожланган.

Оғир саноат тармоқлари — тоғ-кон, машинасозлик ва металлсозлик, кимё, шунингдек, енгил ҳамда озиқ-овқат саноати тез ривожланмоқда.

Ундирувчи саноатнинг муҳим объектлари Ингичка, Лангар конлари бўлиб, бу ерлардан рангдор ва нодир металлар қазиб чиқарилади. Зарбанд ва Жомда пардозловчи материаллар қазиб чиқарилиб, уларга ишлов берилади. Лангар ва Севасойдан гранит қазиб олинади.

Машинасозлик ва металлсозлик корхоналари қишлоқ хўжалик машиналари ва автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари, пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуналар, рўзғор совиткичлари, лифтлар, киноаппаратлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Иқтисодий район кимё саноати суперфосфат ва аммофос, минерал ўғитлар, сульфат кислота, аккумулятор кислотаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Жомбойда темир-бетон конструкциялари заводи қурилган. Қурилиш саноатининг корхоналари Самарқанд, Каттақўрғон, Оқтош ва бошқа шаҳарларда барпо этилган. Бу корхоналарнинг маҳсулотлари қўшни иқтисодий районларга ҳам чиқарилади.

Самарқанд ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида енгил саноатнинг роли катта, бу соҳанинг 50 га яқин корхоналари (пахта тозалаш заводлари, пиллакашлик, шойи тўқиш, трикотаж, тикувчилик фабрикалари, чарм-пойабзал ва бошқа корхоналар) ишлаб турибди. Пахта тозалаш заводлари Самарқанд, Каттақўрғон, Зарбулоқ, Жомбой, Жума шаҳарларида ва Пойариқ, Пастдарғом, Пахтачи районларида жойлашган бўлиб, иқтисодий район пахтасини тўлиқ толага айлантириб беради.

Иқтисодий район миллий тусдаги табиий шойи газламаси билан машҳур. Республика трикотаж буюмларининг 20% и шу иқтисодий районда ишлаб чиқарилади. Самарқанд шаҳрида чинни заводи ишлаб турибди.

Озиқ-овқат саноати маҳаллий хом ашёлардан консерва ва шароб, ўсимлик мойи, тамаки, сут-гўшт, нон-булочка, қандолат маҳсулотлари ҳамда қадоқланган чой ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. 1936 йилда қурилган Каттақўрғон ёғ-экстракция заводи йирик корхоналардан ҳисобланади.

Самарқандда 1991 йилда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида қўшма бройлер корхонаси қурила бошлади. Бунга жиҳозлар, паррандаларга омухта ем Америкадан келтирилади.

Самарқанд иқтисодий райони республикада ишлаб чиқариладиган ўсимлик мойининг 12,2% ини беради.

Иқтисодий район узум шароби, мева ва сабзавот консервалари, мол ёғи ишлаб чиқариш бўйича республикада биринчи ўринда туради. Йирик шароб заводлари Самарқанд, Булунғур, Иштиҳон районларида жойлашган. Давлат хўжаликларида етиштирилган узумнинг кўп қисми шу жойнинг ўзида ишланиб, шароб ва майиз тайёрланади.

Иқтисодий район энергетикаси етарли даражада ривожланмаган. У электр қувватининг асосий қисмини Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон энергетика тизимидан олади.

Самарқанд ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутади. Унинг муҳим тармоғи деҳқончилик бўлиб, иқтисодий район қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг 75% ини беради.

Иқтисодий районнинг ер фонди қуйидагича: ҳайдаладиган ерлар 494,3 минг га, шундан 261,3 минг га суғориладиган, 206,5 минг га лалмикор ерлар, 42,6 минг га боғ ва токзорлардан иборат, 830,7 минг гектарни яйлов-ўтлоқлар ташкил этади.

Обикор деҳқончиликнинг етакчи тармоғи бу иқтисодий районда ҳам пахтачиликдир. Пахта Зарафшон водийсининг текислик

6-чизма


Ирригация
Энергетика
Меҳнат ресурслари
Гидролиз ишлаб чиқариш
Целлюлоза = қоғоз ишлаб чиқариш
Тикувчилик
Трикотаж
Ердамчи ишлаб чиқар.
Қуруқ мева тайёрлаш
Консервалар ишл. чиқариш
Ёмғир ем ишл. чиқариш
Совун ишл. чиқариш
Маргарин ишл. чиқариш
Мато пардозлаш
Шампан ишл. чиқариш
Папирос, сигар ишл. чиқариш
Ёғ ишл. чиқариш
Чигитни ажратиб олиш
Мато тўқиш
Мато ишлаб чиқар.
Шароб ишл. чиқариш
Тамаки ишл. чиқариш
Тола ишлаб чиқариш
Калава ишлаб чиқариш
Пилла тортиш
Тола ишл. чиқариш
Гўруч тозалаш
Ёғ ишл. чиқариш
Бижғиш
Қанд ишл. чиқариш
Пиллакашлик
Гўруч етиштириш
Мева, сабзавот, полиз маҳсул. етиштириш
Тамаки барги етиштириш
Пахтачилик
Толали экинлар маҳсул. етиштириш
Узим етиштириш
Эфир мойли ўсим. етиштириш
Қанд лавлаги етиштириш
Суғориладиган деҳқончилик
Минерал ўғитлар
Заҳарли кимё восит.
Қишлоқ хўжалик машина ва ускуналари
Иқтисодий алоқалар :
Технологик ишлаб чиқариш
Кетма = кет келадиган ишлаб чиқариш турлари билан
Иқтисодий ишл. чиқариш
Таъминот ва тақсимот
Цикл тармоқлари :
Пахтачилик
Пиллакашлик
Агросаноат
Туташ тармоқлар
Хизмат кўрсатадиган ишл. чиқариш турлари
Ёрдамчи ишл. чиқариш

1-харита


ОҒИР САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ
Масштаб 1:9 500 000
Насос ва компрессорлар
Транспорт–кўтаргич машинасозлиги
Тоғ-кон ва шахта учун машиналар ишлаш саноати
ОРОЛ ДЕНГИЗИ
Нукус
Ўрганч
Қўқудуқ
ТОШКЕНТ
Чирчиқ
Янгиюл
Ангрен
Оҳангарон
Пском
Учқўрғон
Андижон
Асака
Поп
Қўқон
Бекобод
Фарғона
Қувасой
Марғилон
Айдаркўл
Гулистон
Жиззах
Навоий
Бухоро
Каттақўрғон
Оқтош
Самарқанд
Карши
Денов
Термиз
Амударё
Қора металлургия саноати
Рангли металлургия саноати
Азот олиш саноати
Нимё машинасозлиги
Трактор ва қ/х машинасозлиги
Станоксозлик ва асбобсозлик
Спирт ва очитқи ишлаш
Машина ва асбоб-ускуналарни тамирлаш
Йўл-қурилиш машинасозлиги
Енгил саноат учун асбоб-ускуналар ишлаш
Тўқимачилик саноати учун технологик ускуналар ишлаш
Аммафос ва фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш
Битовая химе
Резина ишлаш саноати
Синтетик смола ишлаш
Газ аппаратлари ишлаш
Нимевий тола ишлаб чиқариш
Электротехника саноати
энг йирик лари
йириклари
ўртачаси
кичиклари

2-харита


ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА МАЖМУАСИ
Масштаб 1 : 9 500 000
ДАРЁ БАССЕЙНЛАРИ БЎЙИЧА ПОТЕНЦИАЛ ҚУВВАТ
(Республика бўйича км² га тўғри келадиган квт)
Чирчиқ бўйича 116,0
Сирдарё бўйича 113,0
Қорадарё ва Фарғона водийси дарёлари бўйича 96,0
Сурхандарё ва Шерабоддарё бўйича 36,4
Амударё бўйича 21,3
Зарафшон ва Қашқадарё бўйича 4,1
ОРОЛ ДЕНГИЗИ
Амударё
Шахпахта
Нукус
Тахиатош
Учқудук
Мурунтов
Урганч
Хозарасп
Айдаркўл
Чорвок
Хўжакент
Газалкент
ТОШКЕНТ
Янгийўл
Ангрен
Наманган
Андижон
Жан. Оламушук
Олмалиқ
Кўконд
Гулистон
Бекобод
Жиззах
Янгигаз
Газли
Учқир
Тошкудук
Навоий
Оқжар
Шўрчи
Бухоро
Каттакўрғон
Самарканд
Ўртабулоқ
Гарб. Юлдузкон
Чоржўйга
Қоравулбозор
Муборак
Пишкент
Гарб. Тошли
Шарғун
Душанбага
Гузор
Денов
Моштар
Карши
Шўртан
Амударёга
Екаўдач
Лалмикор
Кўкайди
Амударё
Термиз
Шимолий Сох
Фарғона
Гарб. Полвонтош
Полвонтош
Хўжаобод
Мингбулоқ
ҚАЗИБ ЧИҚАРУВЧИ САНОАТ
Нефть
Табиий газ
Газ конденсати
Кўмир
ҚАЗИБ ОЛИНАДИГАН ҚАЗИЛМА БОЙЛИКЛАР ХАЖМИ
энг майда ўртачаси йирик йирикларн
АСОСИЙ ЭЛЕКТРОУЗАТГИЧ ТАРМОҚЛАРИ
500 квт
220 квт
ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯЛАР
иссиқлик электростанциалари
сувда ишлайдиган электростанциалар

3-харита


ПАХТАЧИЛИК
Масштаб 1 : 8 500 000
ОРОЛ ДЕНГИЗИ
Нукус
Учқудуқ
Урганч
ТОШКЕНТ
Наманган
Андижон
Фарғона
Сирдарё
Айдаркул
Жиззах
Гулистон
Навоий
Амударё
Бухоро
Самарканд
Карши
Термиз
1990 ЙИЛ ПАХТА ХОСИЛДОРЛИГИ (Ц/ГА)
25 гача
27-29
25-27
29 дан кўп
ЯЛПИ ПАХТА ҲОСИЛИ
1 мм баландлик 55 000 тоннага тенг
ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ЭКИН МАЙДОНИ
Бир нуқта-6000 га
Бир нуқта -10 000 га
Бир чизиқ-3000 га
Бир чизиқ-5000 га

қисмида экилади. 1990 йилда иқтисодий районда 409,9 минг тоннага яқин пахта етиштирилди, бу республика ялпи пахта ҳосилининг 8% идан кўпроғини ташкил этади. Ўртача ҳосилдорлик гектаридан 27,4 ц бўлди. Бошқа техника экинларидан тамаки, кунжут, зиғир ва махсар етиштирилади. Тамаки Ургут ноҳиясида экилади. 1990 йилда 25,7 минг т тамаки йиғиб олинди. Адир минтақасидаги баҳорикор ва шартли суғориладиган ерларда зиғир етиштирилади.

Баҳори (лалмикор) ерларда буғдой, арпа етиштирилади. Обикор ерларда маккажўхори экин майдонлари тобора кенгайиб бормоқда. Ғалла ялпи ҳосили жиҳатидан иқтисодий район республикада учинчи ўринда туради ва республика ялпи ғалла ҳосилининг 12% ини беради. У 1990 йилда 239,4 минг т ғалла етиштирди.

Самарқанд иқтисодий райони сабзавот ва картошка етиштиришда республикада Тошкент иқтисодий районидан олдинда, биринчи ўриндадир.

1990 йили республикада 336,4 минг т картошка етиштирилган бўлса, шунинг 76,3 минг тоннасини Самарқанд вилояти етиштирди. Унинг кўпи Самарқанд районида экилади.

Самарқанд иқтисодий райони ўзининг боғлари ва токзорлари билан ҳам машҳурдир. Республика мевали дарахтларининг 15% и, токзорларининг 30% и шу иқтисодий райондадир. Узумчилик иқтисодий районда юксалиб бормоқда. Бу ерда 1965 йилдан 1990 йилгача узумнинг ялпи ҳосили 2,5 мартадан зиёд кўпайди: 1990 йили республикада 744,7 минг т узум йиғиб олинган бўлса, шунинг 209,7 минг тоннасини Самарқанд вилояти етказиб берди: Вилоят майизбоп узумлари билан донг таратган.

Самарқанд иқтисодий райони чорвачиликда муҳим роль ўйнайди, қорамоллар сони жиҳатидан республикада биринчи ўринни эгаллайди. Қорамоллар обикор ва адир-тоғ минтақаларидан ташқари, махсус чорвачилик мажмуларида ҳам кўпайтирилмоқда. Бу соҳада Каттақўрғон бўрдоқичилик мажмуи республикада машҳурдир; ҳозир иқтисодий районда ярим миллиондан ортиқ қорамол боқилмоқда, шундан 40% и сигирлардир.

Иқтисодий район чўчқачиликда республикада Тошкент иқтисодий районидан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳозир бу ерда 100 минг атрофида чўчқа бор. Чўчқалар обикор минтақа ва махсус мажмуларда боқилмоқда. Қоракўлчиликда иқтисодий район республикада Бухоро—Қизилқум ва Қашқадарё иқтисодий районларидан кейин учинчи ўринда туради. Қоракўл қўйлари асосан Нарпай ноҳиясида боқилади. Бу тармоқни ривожлантириш масаласи билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот институти Самарқандда жойлашган.

Иқтисодий район пилла ялпи ҳосили жиҳатидан республикада Фарғона ва Бухоро—Қизилқум иқтисодий районларидан кейин учинчи ўриндадир.

Транспорти. Самарқанд иқтисодий райони барча турдаги транспорт воситалари билан яхши таъминланган.

Ўзбекистон ҳудудида биринчи темир йўл 1888 йилда Фороб станциясидан Самарқандгача қурилган эди. Иқтисодий район ҳудудини Тошкент — Красноводск, Тошкент — Душанбе, Самарқанд — Қарши темир йўллари кесиб ўтади. Унинг ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти ва Зарафшон — Самарқанд — Бухоро — Чоржўй трактлари ўтади. Ҳаво транспорти ҳам яхши тараққий этган. Жумладан, Самарқанддан Москва ва бошқа йирик шаҳарларга ҳаво лайнерлари мунтазам қатнайди. Шунингдек, иқтисодий район орқали газ қувурлари ва электр узатгич линиялари ўтган.

Асосий саноат марказлари ва шаҳарлари. Самарқанд (аҳолиси 369,9 минг киши) вилоят маркази бўлиб, Зарафшон дарёсининг чап соҳилида, водийнинг марказий қисмида жойлашган.

Самарқанд жаҳоннинг қадимий шаҳарларидан биридир. У Искандар Зулқарнайн замонидан бери маълум. Археологлар шаҳар 2500 йил олдин қурилганини аниқлаганлар. Самарқанд XIV—XV асрларда Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган.

Шаҳар тарихий ва меъморчилик ёдгорликларига ғоятда бой. Буларнинг муҳимлари Шоҳи Зинда, Регистон, Улуғбек расадхонаси, Гўри Амир, Бибихоним мачити ва бошқалардир. Машҳур меъморчилик ансамбли—Шоҳи Зинда XIV асрнинг биринчи ярмида қурилган.

Регистон қадимги Самарқанднинг бош майдони бўлиб, XV—XVII асрларда қурилган. Бу ноёб ва гўзал ансамбль ўша замон меъморчилик санъатининг чўққисидир. Майдон уч томондан—Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари билан ўралган. Регистондан шаҳарнинг олтита шоҳ кўчалари тарқалган. Майдон савдо, маданий ва маъмурий марказ бўлган. Бу тарихий ёдгорлик Шарқнинг улуғ алломалари Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Қоший, Қозизода Румий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ва бошқалар номи билан боғлиқдир. Бу майдонда 1924 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси тузилганлиги эълон қилинган. Самарқанд республиканинг дастлабки пойтахти бўлган.

Шаҳардаги барча ёдгорликлар давлат муҳофазасидадир.

Шаҳарнинг кўпчилик саноат корхоналари инқилобдан кейинги йилларда қурилган. «Красний двигатель» машинасозлик заводи шулар жумласидандир. Завод қишлоқ хўжалик машиналари ва автомобилларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, «Киноп» (киноаппаратлар), пахтачилик машинасозлиги, лифтсозлик, рўзғор совиткичлари заводлари ишлаб турибди.

Суперфосфат заводи фосфор ва аммофос минерал ўғитлар ҳамда сульфат кислотаси ишлаб чиқаради.

Енгил саноат корхоналаридан пиллакашлик, шойи тўқиш, чой қадоқлаш, тикувчилик, мебель, пойабзал, трикотаж фабрикалари, пахта тозалаш ва чинни заводлари мавжуд. Шаҳарда уйсозлик комбинати ва бошқа қурилиш корхоналари ишлаб турибди.

Самарқанд илм ва фан марказидир. Шаҳардаги Алишер Навоий номли университет, педагогика, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт,

кооператив ва меъморчилик институтлари ва бир қанча ўрта махсус ўқув юртлари республика учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб бермоқда. Шунингдек, бир неча илмий-тадқиқот институтлари бор. Шаҳарда опера ва балет театри, музей ва кутубхоналар мавжуд.

Самарқанд шаҳри атрофида йўлдош шаҳарлар — Булунғур, Жомбой, Жума ва бошқа шаҳарчалар қад кўтариб, Самарқанд саноат тугунини ҳосил қилган. Самарқанд йирик транспорт тугуни ҳамдир. Жума шаҳрида Япониянинг «Тойота» маркали автомашиналарига техникавий хизмат кўрсатиш маркази очилган.

Каттақурғон (аҳолиси 59,3 минг киши) шаҳри иқтисодий районнинг иккинчи шаҳридир. Шаҳардаги пахтачилик машинасозлиги заводи пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради. Шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари — йирик ёғ-экстракция комбинати, гўшт комбинати, инкубатор, мотор-ремонт заводи ва бошқалар бор.

Шаҳарда музикали драма театри ва техникумлар ишлаб турибди.

БУХОРО — ҚИЗИЛҚУМ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Бу иқтисодий районга Бухоро ва Навоий вилоятлари киради. Унинг майдони 153,8 минг км^2 бўлиб, республика ҳудудининг 34% ини ташкил қилади. Катталиги жиҳатидан Қуйи Амударё иқтисодий районидан кейин туради. Аҳолиси 1,7 млн. киши, республика аҳолисининг 8,1% ини ташкил қилади. Бухоро—Қизилқум ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи республика меҳнат тақсимотида саноат-аграр иқтисодий районлардан бири бўлиб, Ўзбекистон ялпи саноат маҳсулотининг 8% ини, пахтасининг 12% ини, пилласининг 15% ини, қоракўл териларининг 44,5% ини етказиб беради.

Иқтисодий-жўғрофий ўрни. Бухоро—Қизилқум иқтисодий райони республика марказида жойлашган. У шимолда Қозоғистон Республикаси, шарқда Самарқанд иқтисодий райони, жануби-шарқда Қашқадарё иқтисодий райони, жануби-ғарбда Туркманистон Республикаси ва шимоли-ғарбда ва ғарбда Қуйи Амударё иқтисодий райони билан чегарадош. Иқтисодий районнинг жўғрофий ўрни иқтисодий алоқалар учун қулай бўлиб, чегарадош иқтисодий районлар ва қўшни республикалар билан темир йўл, автомобиль, сув йўллари ва бошқа йўллар орқали хом ашё ва маҳсулотлар айирбошлайди.

Табиий шароити ва ресурслари. Бухоро—Қизилқум иқтисодий районининг ер сирти (рельефи) хилма-хилдир. Ҳудудининг 90% и текисликдан (Қизилқум чўли) иборат. Бу текислик шарқида Нурота тизмасининг ғарбий қисми, текисликнинг марказида емирилиб, пасайиб қолган Томдитоғ, Бўкантоғ, Овминзатоғ, Қулжуқтоғ жойлашган. Булар иқтисодий район қишлоқ хўжалиги, саноати ва транспортининг ривожланишига таъсир этмайди. Қизилқум-

нинг катта қисми чорвачилик (қоракўлчилик) учун ва суғориш имконияти бўлган жойлари эса деҳқончилик учун қулай.

Иқтисодий район жанубда Зарафшон водийсининг қуйи қисмини ўз ичига олади, бу ҳудуд иқтисодий районнинг обикор деҳқончилик қисмидир.

Иқтисодий район иқлими кескин континентал, қиши совуқ, январнинг ўртача ҳарорати шимолда —8°, жанубда —2°, мутлақ минимум шимолда —37°, жанубда —24° гача боради. Ёз иссиқ ва қуруқ. Июлнинг ўртача ҳарорати +27° дан +31° гача, мутлақ максимум +46° дан +49° гача кўтарилади.

Ижобий ҳароратлар йиғиндиси иқтисодий район шимолида 3000°, жанубида эса 5000° га етади. Бу эса кўпгина иссиқсевар экинлар, ингичка толали пахта етиштириш имконини беради. Ёғин кам тушади. Шимоли-ғарбда йилига у ўрта ҳисобда 100 мм, шарқда, Нурота тоғларининг ёнбағирларида 300 мм га етади. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун Қуйимозор сув омбори (сиғими 300 млн. м³) қурилган. Сув муаммосини ҳал қилиш учун Аму—Қоракўл ва Аму—Бухоро машина каналлари (узунлиги 200 км) барпо этилган. Бу каналлар насослар ёрдамида сувни 64 м баландликка кўтариб беради. Бу гидроиншоотлар Қуйи Зарафшон воҳасининг сув таъминотини анча яхшилади.

Ирригация ишлари ҳозир ҳам қизғин олиб борилмоқда. Ўртачўл, Малик чўллари ва Шўркўл атрофидаги ерлар ўзлаштирилмоқда. Иқтисодий райондаги суғориш тизимининг умумий узунлиги 700 км, коллектор-дренаж тармоқларининг узунлиги эса 3,5 минг км.

Иқтисодий районнинг ўсимлик (яйлов) ресурслари қоракўлчиликда катта аҳамиятга эга. Чўлдаги эфемер ва бутасимон ўсимликлар (шувоқ, селин, юлғун, саксовул ва бошқалар) қоракўл қўйларининг озуқасидир. Чўл яйловларининг маҳсулдорлигини ошириш учун фитомелиоратив тадбирлар олиб борадиган 6 та ўрмон хўжалиги ва 1 та ўрмон-мелиорация станцияси ишлаб турибди. Иқтисодий район ҳудудида 3 та қўриқхона (Қизилқум, Варганзи ва Қоракўл қўриқхоналари) ташкил этилган. Улар ноёб ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш билан шуғулланади.

Бухоро—Қизилқум иқтисодий районининг минерал ресурслари кўп ва хилма-хилдир, табиий газ заҳиралари катта аҳамиятга эга. Асл металл (Мурунтов олтин кони) ва нодир металлар, тузлар (калий тузи, оштузи), олтингугурт конлари, қурилиш материаллари (графит, қум, бентонит ва мармар), минерал бўёқ конлари мавжуд. Бу минерал ресурслар иқтисодий районнинг рангдор металлургия, энергетика, кимё ва қурилиш материаллари саноатларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Иқтисодий районда нодир ва қимматбаҳо металларни қидириб топадиган ва ишга соладиган «Қизилқум — Редметзолото» давлат концерни тузилди.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Бухоро—Қизилқум иқтисодий райони аҳолиси 1,7 млн. га яқин бўлиб, тез кўпайиб бормоқда.

1970 йилдан 1989 йилгача аҳоли 26% кўпайди. Бу эса республикада аҳоли ўртача ўсишидан анча юқоридир. Аҳолининг кўпайиб бориши асосан табиий ўсиш ҳисобига содир бўлмоқда.

Аҳоли иқтисодий район ҳудудида ғоят нотекис жойлашган. Унинг ўртача зичлиги бир км^2 га 13 киши тўғри келади. Зарафшон водийсининг обикор зонасида эса 40—50 кишига етади, Қизилқум чўлида бир км^2 га 2 кишидан ҳам кам.

Кейинги йилларда шаҳар аҳолиси тез ўсаётган бўлса ҳам иқтисодий район аҳолисининг аксарият қисми (60%) қишлоқларда яшамоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларида саноатнинг жадал суръатлар билан ривожланиши шаҳар аҳолисининг тез кўпайишига олиб келмоқда. Бу вилоятларда янги шаҳарлар ва шаҳарчалар қад кўтармоқда.

Бухоро—Қизилқум иқтисодий районининг аҳолиси кўп миллатлидир. Аҳолининг 74% га яқини ўзбеклар, қолган қисми руслар, қозоқлар (Томди ноҳиясида), тожиклар, қорақалпоқлар, украинлар, туркманлар, татарлар, яҳудийлар, араблар ва бошқалардир.

Иқтисодий районда саноатнинг тез ўсиши, кенг кўламда олиб борилаётган қурилишлар ва қўриқ ерларнинг очилиши меҳнат ресурсларига бўлган талабни оширмоқда. Бу эса аҳолини ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмулари асосида жойлаштиришни тақазо этади.

Хўжалиги. Ўрта асрларда Бухоро хўжалик, тижорат, илм-фан, ислом дини соҳасида пешқадам бўлиб келган. Унинг ҳудуди орқали Буюк ипак йўли ўтган. Бу эса хўжаликда ўз изини қолдирган. Бу ерда обикор деҳқончилик, соҳибкорлик, чорвачилик ва пиллачилик қадимдан ривож топган.

Шаҳарларда турли ҳунармандчилик, чунончи, металл ишлаш, чилангарлик, мискарлик, заргарлик, тўқувчилик, косиблик тараққий этган бўлиб, улар маҳсулоти чет элларга чиқарилган.

Бу ерда замонавий корхоналар асосан инқилобдан кейинги йилларда қурилди.

Бухоро—Қизилқум иқтисодий райони таркиб топаётган саноат-аграр мажмудан иборат. Хўжаликнинг мажму ривожланиши табиий ресурсларга, шу жумладан, сув ресурсларига боғлиқдир.

Бу иқтисодий районда тараққий этаётган саноат тармоқлари, жумладан, кимё саноати ва бошқалар сувни кўп ишлатади. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари ҳам кўплаб сув талаб қилади.

Иқтисодий район саноати кўп тармоқлидир. Унинг энергетика, рангдор металлургия, газ кимёси, нефть кимёси, қурилиш саноати, енгил ва озиқ-овқат саноатлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Иқтисодий район саноати электр қуввати миқдорига кўра Тошкент ва Мирзачўл иқтисодий районларидан кейин учинчи ўринда туради. Иқтисодий район республика электр қувватининг 17,7% ини ишлаб чиқаради. Электр қувватининг асосий қисмини На-

воий ГРЭСи беради. 1963 йилда ишга туширилган бу станция иқтисодий районнинг ўз табиий гази билан ишлайди. Станциянинг умумий қуввати 830 минг кВт.

Иқтисодий район газ саноати яқин вақтларгача республикада етакчи ўринда эди. Қашқадарё иқтисодий районида Шўртан газ кони ишга туширилгандан кейин Бухоро—Қизилқум иқтисодий райони иккинчи ўринга тушиб қолди.

Иқтисодий район кимё саноати, табиий газ ва бошқа минерал, хом ашёга таяниб, тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бухоро—Қизилқум иқтисодий райони кимё саноатининг ялпи маҳсулоти жиҳатидан Тошкент ва Фарғона иқтисодий районларидан кейин туради ва республика ялпи кимё саноати маҳсулотининг 12,6% ини ишлаб чиқаради. Кимё саноатининг маркази Навоий шаҳридаги кимё комбинатидир. Комбинатда азот ўғитлари, шунингдек кимёвий тола (нитрон), гербицидлар (катаран) ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоийазот» ва бошқа корхоналар ҳамкорликда яратган «Агама» қўшма корхонаси сифатли истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Бухоро—Қизилқум иқтисодий райони 15 та хорижий давлатлар, жумладан, АҚШ, Туркия, Бельгия, Покистон, Сингапур билан иқтисодий алоқаларни бошлаб юборди. АҚШ билан «Зарафшон» заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўрилаяпти.

Қўшма корхоналардан «Бухоро-Интуртож», «Гуфик-Абу Али ибн Сино» (Ўзбекистон—Ҳиндистон) «Бухоро—Омега» (Ўзбекистон—Греция), «Совизрапротейн» (Ўзбекистон—Исроил) лар муҳимдир.

Иқтисодий районда қурилиш материаллари саноати ҳам тез тараққий этмоқда. Бу саноатнинг муҳим корхонаси Навоий цемент комбинатидир. Қурилиш саноатининг яна бир йирик маркази Бухоро шаҳридир. Бу ерда керамзит-бетон, темир-бетон буюмлари ва йирик ғишт заводлари қурилиш материаллари ишлаб чиқаради.

Бухоро—Қизилқум ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг асосий тармоқларидан бири енгил саноатдир. Унинг 50 га яқин корхоналари бўлиб, иқтисодий район ялпи саноат маҳсулотининг 2/5 қисмини ишлаб чиқаради. Енгил саноат ҳиссасининг ошиши Бухоро ип газлама комбинатининг ишга туширилишига боғлиқ бўлди. Комбинат ҳозирда кенгайиб бормоқда. Иқтисодий райондаги Когон, Қоракўл, Ғиждувон ва бошқа пахта заводлари шу район енгил саноати ялпи маҳсулотининг 4/5 қисмидан ортиқроғини ишлаб чиқаради.

Иқтисодий районда пиллакашлик, зардўзлик, тикувчилик фабрикалари бор. Тикувчилик саноати тез ўсиб бормоқда, унинг 30 дан ортиқ корхоналари ишлаб турибди.

Бухородаги қоракўл заводи қоракўл терилари билан бирга ондатра териларига ҳам қайта ишлов беради. Заводнинг филиали Нурота шаҳрида очилди. Булардан ташқари, иқтисодий районда чарм-пойабзал корхоналари ҳам бор.

Иқтисодий районда озиқ-овқат саноати корхоналари — ёғ-экстракция, шароб, пиво, консерва заводлари, қандолат, макарон фабрикалари, гўшт, сут, нон комбинатлари ва бошқалар бор.

Швейцария ва Германия билан биргаликда помидор шарбати ишлаб чиқарадиган қўшма корхона очилди.

Иқтисодий районда қишлоқ хўжалиги муҳим роль ўйнайди. Унда икки тармоқ — пахтачилик ва қоракўлчилик етакчилик қилади. Ҳайдалган ерлар 300,0 минг га яқин бўлиб, шунинг 272,9 минг гектари суғориладиган (обикор), 21 минг гектари эса баҳорикор ерлардир. Яйлов-ўтлоқлар 12364,9 минг га бўлиб, республика яйлов-ўтлоқларининг 52% ини ташкил қилади.

Суғориладиган ерларнинг асосий қисми иқтисодий районнинг жанубида, Зарафшон водийсида бўлиб, асосан пахтачилик-пилла-чиликка ихтисослашган. Иқтисодий район 1990 йилда 522 минг т пахта етиштирди, шунинг қарийб 13,5 минг тоннаси ингичка толали пахтадир. Ингичка толали пахтанинг кўп қисмини Вобкент, Ғиждувон, Қизилтепа районлари беради.

Пахтачилик бўйича Бухоро—Қизилқум иқтисодий райони республикада Қашқадарё иқтисодий райони қатори олдинги ўринда бормоқда. Пахтанинг ҳосилдорлиги республиканинг ўртача кўрсаткичидан юқори бўлиб, 31 ц/га ни ташкил этади.

Иқтисодий район пахтачилигининг истиқболи порлоқ. Янги ирригация иншоотлари қурилмоқда, Аму—Бухоро машина канали қайта қурилиб, унинг қуввати оширилди. Кейинги вақтда Қоровулбозор, Қутчи, Жилвон, Варахша, Моҳонкўл, Замонбобо массивлари, Ўртачўл, Малик чўлида янги ерлар ўзлаштирилди.

Иқтисодий райондаги боғлар ва узумзорлар майдони 27 минг гектардан ортиқ бўлиб, сершира, хўраки ва майизбоп узумлар етиштирилади, у полизчиликда азалдан машҳур. Баҳорикор ерларда, асосан адир-тоғ минтақасида буғдой, арпа етиштирилади. Суғориладиган ерларда маккажўхори етиштириш кўпаймоқда.

Бухоро-Қизилқум иқтисодий райони чўл чорвачилиги соҳасида етакчидир. Республиканинг қоракўл қўйлари ва туяларининг ярмига яқини шу ерда боқилади. Қизилқум чўлида қоракўлчиликка ихтисослаштирилган йирик хўжаликлар ташкил этилган. Бу соҳада Томди райони алоҳида ажралиб туради, унда 10 та қоракўлчилик давлат хўжалиги бор. Яйловларни сув билан таъминлаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда. Кейинги вақтда чорвадор хўжаликларга транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшиланди. Бунинг натижасида қоракўлчилик ривожланиб бормоқда. 1990 йилда 660 мингга яқин қоракўл терилари тайёрланди.

Иқтисодий район қоракўлчилиги ва туячилигини янада ривожлантириш тўғрисида республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори чиқди.

Транспорти. Бухоро-Қизилқум иқтисодий районида темир йўл, автомобиль ва қувур транспорти асосий роль ўйнайди.

Иқтисодий районда дастлаб қурилган темир йўл Когон—Крас-

новодск темир йўли эди. Шундан кейин Навоий — Учқудуқ темир йўли ишга туширилди. Бу йўл Марказий Қизилқум билан алоқани яхшилади. Иқтисодий район ҳудудидан Зарафшон (Самарқанд — Чоржўй) тракти ва Тошкент — Орол денгизи автомагистрали ўтади.

Иқтисодий район ҳудуди орқали Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент, Бухоро — Урал, Ўрта Осиё — Марказ газ қувурлари ўтган.

Асосий саноат марказлари ва шаҳарлари. Бухоро (аҳолиси 227,9 минг киши) вилоят маркази бўлиб, жаҳоннинг қадимий шаҳарларидан биридир. Шаҳар тарихий обидаларга бой. У инқилобдан олдин Бухоро амирлигининг пойтахти бўлган. 1920 йилда халқ инқилоби ғалабаси натижасида Бухоро Халқ Совет Республикаси тузилган.

Арк шаҳарнинг қадимий меъморчилик-археологик ёдгорликларидан биридир (баландлиги 20 м, майдони 4,2 га); у ҳозир тарих музейига айлантирилган. Шаҳарда Исмоил Сомоний мақбараси (X аср), Чашмаи Айюб мозори, Миноралар ансамбли, кўплаб мадрасалар, мачитлар, савдо-тижорат раста-гумбазлари, қадимда қазилган ҳовуз-ариқлар ва бошқалар бор.

Шаҳар яқинидаги Афшона қишлоғида илмий тиббиётга асос солган алломалардан бири, ўрта аср энциклопедист олими Абу Али ибн Сино туғилган.

Бухоро иқтисодий районнинг йирик саноат маркази бўлиб, унда 35 дан ортиқ саноат корхоналари ишлаб турибди. Бухоро ва Измир (Туркия) шаҳарлари ўртасида бевосита иқтисодий ҳамкорлик ҳақида битим тузилди.

Бухоро республика жанубидаги йирик маданият марказларидан биридир. Шаҳарда университет, озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти, бир неча ўрта махсус ўқув юрти, 40 га яқин умумтаълим мактаблари, вилоят музикали драма театри, тарих ва ўлкашунослик музейлари, кинотеатрлар, кутубхоналар ва маданият саройлари бор.

Навоий (собиқ Қармана, аҳолиси 109,5 минг киши) шу номли вилоят марказидир. У 1958 йилда қурилган. Шаҳарда Бухоро гази билан ишлайдиган ГРЭС, кимё саноати бирлашмаси, «Навоийазот» комбинати, Ўрта Осиёда энг йирик цемент заводи, уйсозлик комбинати, темир-бетон буюмлари заводи, кўплаб енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб турибди. Навоий янги шаҳар бўлиб, унда кўп қаватли уйлар, педагогика институти, яшил хиёбонлар, сув ҳавзалари, маданият саройи, кинотеатрлар, стадионлар, кутубхоналар ва бошқа муассасалар бор.

Навоий шаҳри базасида, Қизилқумда замонавий саноат марказлари — Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари қад кўтарди. Буларда тоғ-металлургия комбинати барпо этилди. Улар бир-бири билан автомобиль ва темир йўллари ҳамда электр узатгич линиялари билан узвий боғланган бўлиб, Навоий саноат тугунини ҳосил қилган.

Когон иқтисодий районнинг муҳим саноат марказларидан биридир. Шаҳарга 1888 йилда асос солинган. У Бухоро амирлигининг асосий темир йўл станцияси, савдо-саноат шаҳри бўлган. Инқилобгача унда пахта тозалаш ва мой заводлари бўлган. Когон 1935 йилгача Янги Бухоро деб аталган. Эндиликда шаҳарда 15 га яқин саноат корхонаси ишлаб турибди. Пахта тозалаш ва мой заводлари қайта қурилди. «Зангори ёқилғи» саноат бирлашмаси газни тозалаб, қувурлар орқали Урал, Марказ ва бошқа районларга жўнатади.

Шаҳарда локомотив ва вагон депоси бўлиб, у йирик темир йўл тугуниди).

ҚАШҚАДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Бу иқтисодий район фақат Қашқадарё вилоятидан иборат бўлиб, республиканинг жанубида жойлашган, майдони 28,4 минг км^2, республика ҳудудининг 6,3% ини ташкил қилади. Аҳолиси 1,7 млн киши.

Иқтисодий район республика ялпи саноат маҳсулотининг 14,2% ини, пахтасининг 1,1% ини, пилласининг 7% ини, қоракўлнинг 27,5% ини, ғалласининг 14,3% ини етказиб беради.

Иқтисодий-жўғрофий ўрни. Қашқадарё иқтисодий районининг иқтисодий-жўғрофий ўрни анча қулай, шимол ва шимоли-ғарбда Самарқанд, ғарбда Бухоро—Қизилқум иқтисодий районлари, шарқда Тожикистон Республикаси, жануби-шарқда Сурхондарё иқтисодий райони, жануби-ғарбда Туркманистон Республикаси билан чегарадош, улар билан ўзаро иқтисодий алоқалар олиб боради.

Табиий шароити ва ресурслари. Иқтисодий район Помир—Олой тоғ тизимининг ғарбий қисмида, Қашқадарё ҳавзасида жойлашган. Рельефи шарқдан (4000 м) ғарбга томон (200 м) пасайиб боради. Бу ҳудудда Қарши, Нишон чўллари жойлашган бўлиб, улар қоракўлчилик учун муҳим яйлов бўлиш билан бирга катта қўриқ ҳамдир, ҳозирда жадал ўзлаштирилмоқда.

Бу чўллар шимол, шарқ ва жануб томонлардан адирлар ва тоғлар билан ўралган. Бу ерлардан баҳорикор деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачиликда фойдаланилади.

Қашқадарё ҳавзасида аллювиал тупроқ, Қарши ва Нишон чўлларида типик ва оч бўз тупроқ, жануби-ғарбдаги Сандиқли қумлигида қумли ва қумоқ тупроқлар тарқалган.

Иқтисодий район иқлими кескин континентал, қисман субтропик характерда. Тоғ тизмалари Қашқадарё водийсини шимоли-шарқ ва жануб томонлардан ўраб туради, улар совуқ ҳаво массаларининг кириб келишига бирмунча тўсқинлик қилади.

Январнинг ўртача ҳарорати иқтисодий район бўйича 0 ва +2° атрофида бўлади. Баъзан мутлақ минимум — 20° га тушади. Ёз иссиқ, қуруқ ва давомли. Июль ойининг ўртача ҳарорати +28°, +29°. Мутлақ максимум +47°, +48° гача кўтарилади.

Иқтисодий районда совуқсиз давр 210—242 кунгача, ижобий ҳароратлар йиғиндиси 4750°—5200° гача етади. Ёғин текисликда 130—150 мм, адирда 300—350 мм, тоғларда эса 500—600 мм га етади. Ёғиннинг асосий қисми қишда ва баҳорда ёғади. Иқтисодий районнинг асосий сув манбаи Қашқадарё ва унинг ирмоқларидир, у асосан қор ва ёмғир сувларидан тўйингани учун апрель ва май ойларида тўлиб оқиб, ёзда жуда саёзлашиб қолади. Унинг сувидан оқилона фойдаланиш учун Чимқўрғон (Қамаши яқинида), Пачкамар (Ғузордарёда), Ҳисорак (Яккабоғдарёда) ва бошқа сув омборлари, Зарафшон дарёси сувининг бир қисмини Қашқадарё ҳавзасига оқизадиган Эски Ангор канали қурилган.

Қарши ва Нишон чўлларини ўзлаштириш учун иқтисодий район суви етарли эмас. Бу муаммони ҳал этиш учун Амударё сувини бу чўлларга келтириш режалари тузилди. Ва ниҳоят, 1964 йилда «Средазгипроводхлопок» институтида Қарши чўлини ўзлаштириш ва мелиорация қилиш бош режаси ишлаб чиқилди. Олимлар Амударё суви билан қарийб бир миллион гектар қўриқ ерни мажму ўзлаштириш ва суғориш мумкинлигини исботлаб бердилар. Ундан Қарши чўлигача магистрал канал қурилди. 6 та насос станцияси (ҳозир еттинчиси қуриляпти) сувни 132 м баландликка кўтариб бермоқда. Толимаржон сув омбори (сув сиғими 1,6 млрд. м^3), қурилди у чўлни ўзлаштиришда муҳим роль ўйнади.

Ўсимлик ресурслари. Иқтисодий районда чўл ва тоғ яйловлари кўп, лекин чўлни ўзлаштириш натижасида яйловлар қисқариб бормоқда.

Мутахассислар ҳисобига кўра, келгуси йилларда яйловлар 250 минг гектардан ортиқ қисқаради. Қоракўлчиликка зарар келтирмаслик учун яйловлардан оқилона фойдаланиш ва фитомелиоратив тадбирларни амалга ошириш талаб этилади. Бундай тадбирлар муваффақиятли амалга оширилса, қўйлар сонини яна 10—15% кўпайтириш мумкин бўлади.

Қашқадарё иқтисодий райони минерал ресурслар билан яхши таъминланган. Республика табиий газ заҳирасининг анча қисми шу ердадир. Унинг асосий конлари Кўкдумалоқ, Шўртан, Шимолий ва Жанубий Муборак, Қорақум, Қўлтак, Зеварда, Одамтош, Қумбулоқ ва бошқалардир. Газ таркибида олтингугурт ва енгил нефть бирикмалари (фракциялари) олиш манбаи бўлган газ конденсати бор.

Иқтисодий районнинг ёқилғи-энергетика ресурслари катта аҳамиятга эга. Табиий газнинг умумий заҳираси уни Ўзбекистондан бошқа минтақаларга ҳам етказиб бериш имконини беради. Шўртан гази Сирдарё ГРЭСигача олиб келинди, газ Тошкентгача етказилди. Бир неча нефть конлари (Кўкдумалоқ, Тошлоқ, Шўртепа, Қорахитой конлари ва бошқалар) аниқланган.

Муборак гуруҳига кирувчи газ конлари Ўрта Осиё—Урал ва Ўрта Осиё — Марказ магистрал газ қувурларига уланган. Мубо-

факда газни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Деҳқонобод, Хўжаарна, Қизилчада ёнувчи сланецлар топилган.

Қашқадарё водийсида кимё ва қурилиш материаллари саноати учун керакли минерал хом ашё ресурслари ҳам кўп. Аниқланган ош тузи заҳиралари ғоят катта. Энг йирик конлардан бири Бойбичакондир. Бу иқтисодий райондаги калий тузининг заҳиралари Ўрта Осиё республикаларининг эҳтиёжини узоқ вақтгача қондира олади. Унинг йирик конлари Тубеган ва Оқбошдир.

Иқтисодий районда мергель, оҳактош, гипс, керамзит ва бошқа қурилиш материалларининг катта заҳиралари аниқланган. Бу минерал ресурслар иқтисодий районнинг қурилиши ва ривожланиши учун кенг истиқболлар очиб беради.

Аҳолиси ва меҳнат ресурслари. Иқтисодий район, яъни ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг таркиб топиши ва ривожланишида аҳоли ва меҳнат ресурслари муҳим омил ҳисобланади.

Иқтисодий районда аҳоли бирмунча тез ўсмоқда. 1990 йил бошида унинг аҳолиси 1,698,9 минг кишини ташкил этди ёки республика аҳолисининг 8,2% ини ташкил қилди.

Иқтисодий районда аҳоли нотекис жойлашган. Унда ўрта зичлик ҳар бир км² га 59 киши тўғри келади. Қитоб—Шаҳрисабз атрофида аҳоли энг зич — ҳар бир км² да 250 киши яшайди. Қашқадарё водийсининг ўрта қисмида ва Қарши — Ғузор воҳасида ҳар бир км² га 50—100 киши, чўл яйловлари ва баланд тоғларда 1—5 киши тўғри келади.

Иқтисодий районда аҳолининг миллий таркиби хилма-хил. Ўзбеклар аҳолининг 3/4 қисмини ташкил этади, қолганлари руслар, тожиклар, татарлар, туркманлар ва бошқа миллатлар вакилларидир. Бу ерда урбанизация даражаси юқори эмас.

Янги ерларнинг ўзлаштирилиши, саноат ва қурилишнинг тез ривожлантирилиши меҳнат ресурсларига бўлган талабни оширади. Мутахассислар ҳисобига кўра, йигирма йил ичида меҳнат ресурслари 60% дан зиёдроқ кўпайиши керак. Бунинг учун меҳнат ресурслари иқтисодий районнинг интенсив ўзлаштирилган минтақасидангина эмас, балки республиканинг аҳолиси зич ва меҳнат ресурслари билан яхши таъминланган турли районларидан кўчириб келтирилади.

Қашқадарё ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида аҳолининг сон жиҳатдан юксак суръатлар билан ўсиши меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга янада самаралироқ жалб қилиш муаммосини келтириб чиқаради.

Хўжалиги. Иқтисодий район йирик саноат-аграр ишлаб чиқариш мужмуига эгадир. Саноат тузулмасида енгил саноат етакчи бўлиб, саноат ялпи маҳсулотининг 51% ини беради. Кейинги вақтда газ, қурилиш материаллари саноатлари, металлсозлик ва бошқалар тез суръатлар билан ривожланмоқда. Ҳозир иқтисодий районда 100 дан ортиқ саноат корхоналари ишлаб турибди.

Қаршидаги металлсозлик мажмуи қошида Оренбург билан биргаликда радиатор эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарадиган цех

ишга туширилди. У трактор ва комбайнлар учун радиаторлар ишлаб чиқармоқда. Цех яқин келажакда заводга айлантирилади. Унда автомобиллар учун ҳам радиатор ва эҳтиёт қисмлари етказиб берилади.

Енгил саноат асосан пахта тозалаш заводларидан иборат. Пахта тозалаш заводлари пахта етиштирадиган минтақада, яъни Қитоб—Шаҳрисабз ва Қарши—Косон шаҳарларида жойлашган.

Иқтисодий районнинг тўнғич саноат корхонаси бўлган пахта тозалаш заводи инқилобдан илгари Шаҳрисабзда ярим кустарь тарзда қурилган эди. Инқилобдан кейинги йилларда бу завод қайта қурилиб, замонавий йирик корхонага айлантирилди. Бошқа пахта тозалаш заводлари Қитоб, Яккабоғ ва Қаршида қурилди. Иқтисодий районда 5 та пахта тозалаш заводи ишлаб турибди. Уларнинг сони яқин келажакда бир неча марта кўпаяди.

Енгил саноат корхоналаридан Шаҳрисабздаги пиллакашлик фабрикаси ҳамда «Ҳужум» фабрикасини кўрсатиш мумкин. Бу фабрикалар ипак калавалари, палослар, дўппи ва миллий бадиий буюмлар ишлаб чиқаради. Чироқчида кичикроқ бадиий гилам фабрикаси қурилган.

Озиқ-овқат саноати Қашқадарё ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида ўз аҳамиятига кўра иккинчи ўринда туради. Саноатнинг бу тармоғи мой, гўшт-сут, шароб, консерва, қандолат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Қашқадарё ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида газ саноатининг истиқболи жуда порлоқ. Бу ерда ўндан ортиқ газ конлари топилган. Иқтисодий районнинг табиий гази асосан конденсатли бўлиб, тозалашни талаб қилади. Муборакда газни қайта ишловчи мажму ишга туширилган.

Табиий газни қайта ишлаш базасида келгусида кимё саноатининг янги тармоқларини ривожлантириш кўзда тутилади. Қашқадарё иқтисодий районида газ билан ишлайдиган Толимаржон ГРЭСининг ишга туширилиши билан бошқа иқтисодий районларга ҳам электр қуввати бериш имкони туғилади. Қашқадарё ҳозирча электр қувватини Ўрта Осиё қувват тизимидан (Навоий — Бухоро — Қарши, Навоий — Қарши, Норак — Турсунзода — Ғузор ва Бекобод — Ғузор электр узатгич линиялари орқали) олмоқда.

Қаршида металлсозлик ва машинасозлик ишлари ремонт-техника корхоналарида бажарилади.

Қурилиш материаллари саноати иқтисодий район ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида катта аҳамиятга эга. Қарши шаҳрида темир-бетон, ирригация қувурлари, асфальт-бетон, керамзит-бетон заводлари ва уйсозлик комбинати, Шаҳрисабзда қум-шағал заводи, Қитобда мармар плиталар заводи ва бошқа корхоналар бор.

1990 йилгача бўлган даврда Қашқадарё ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуида саноатни янада ривожлантириш тадбирлари ўтказилди. Табиий газ қазиб олиш, уни қайта ишлаш ва тозалаш қувватлари оширилади. Толимаржон ГРЭСи қуриб битказилади.

Калий ўғитлари ишлаб чиқарадиган ва қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган заводлар қурилади. Жумладан, пахта тозалаш заводлари кўпайтирилади, мавжуд мой заводи қайта қурилади ва янги мой заводи, тўқув ва йигирув фабрикалари, тўқимачилик комбинатлари ишга туширилади. Сабзавот ва мева маҳсулотларига ишлов берадиган йирик консерва заводлари қуриш белгиланган. Хорижий мамлакатлар билан қўшма саноат корхоналарини қуриш режалаштирилмоқда.

Иқтисодий районнинг ер фонди катта, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 2251,9 минг гектар, шундан ҳайдаладиган ерлар 550 минг гектардан ортиқ бўлиб, бундан суғориладиган ерлар 335 минг гектар бўлиб, қолганлари баҳори (лалми) кор деҳқончилик қилинадиган ерлардир.

Иқтисодий район қишлоқ хўжалигининг бош тармоғи деҳқончиликдир. У ялпи маҳсулотнинг 70% ини беради. Деҳқончиликнинг асосий тармоғи бўлган пахтачилик муттасил ўсиб борди. Пахтанинг ялпи ҳосили 1960 йилда 144 минг тонна бўлган бўлса, 1989 йилда 538 минг тоннага етди.

Қарши чўлидаги янги ўзлаштирилган Нишон, Усмон Юсупов районлари асосан ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаштирилган. Қашқадарё иқтисодий райони 1990 йилда 65,9 минг т ингичка толали пахта етиштириб, республикада Сурхондарё иқтисодий районидан кейин иккинчи ўринга чиқди.

Қашқадарё иқтисодий райони қишлоқ хўжалигида ғаллачилик муҳим ўрин тутади. Адир минтақасида баҳори (лалми) кор буғдой, арпа, обикор минтақада маккажўхори етиштирилади. Адир-тоғ минтақасида ғалла етиштиришни кескин кўпайтириш имкониятлари мавжуд.

Иқтисодий районнинг шарқий, тоғ олди минтақасида боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчиликни, чўл минтақасида эса полизчиликни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор.

Қашқадарёнинг сершира узуми, қора анжири ва оромбахш анори машҳур. Китобда анор етиштиришга ихтисослаштирилган «Варганзе» давлат хўжалиги бор.

Иқтисодий районнинг соҳибкорлари ва боғбонлари йилига ўрта ҳисобда 200 минг т мева ва сабзавот етиштирадилар.

Қашқадарё иқтисодий райони қишлоқ хўжалигининг яна бир муҳим тармоғи чорвачиликдир. Чўлда қоракўлчилик, адир-тоғ минтақасида жайдари қўй-эчки, бошқа районларда қорамоллар боқилади. Йилқиларнинг кўпчилиги қорабайир отларидир. Иқтисодий район республикада тайёрланадиган қоракўл териларнинг 22,5% ини, жуннинг 16,3% ини етказиб беради. Бу соҳада у республикада Бухоро—Қизилқум иқтисодий районидан кейин, иккинчи ўринда туради.

Транспорти. Қашқадарё иқтисодий районида ҳам халқ хўжалик юкларининг кўпи темир йўл транспортида ташилади. Ноҳиядаги темир йўллар республика темир йўлларининг 10,5% ини ташкил қилади.

Инқилобга қадар Коғон — Қарши — Самсоново темир йўли қурилган эди. Инқилобдан кейинги йилларда Қарши — Китоб ва Самарқанд — Қарши темир йўллари қурилди.

Иқтисодий районда магистрал автомобиль йўллари қурилган. Унинг ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти ўтади. Бу автомагистрал Тахта Қорачи довонидан иқтисодий район ҳудудига тушиб, Китоб — Шаҳрисабз — Ғузор — Деҳқонобод орқали Сурхондарё иқтисодий районига ўтиб кетади.

Қарши аэропорти қайта қурилиб, янги реактив самолётларни қабул қилишга мослаштирилган. Қарши ҳаво йўллари орқали жаҳон, Ҳамдўстлик ва жумҳуриятларнинг кўпгина шаҳарлари билан боғланган.

Қашқадарё иқтисодий районида транспортнинг янги тури — магистрал қувур транспорти ҳам ривожланган. Бу транспортдан энг муҳими Шўртан — Ширин — Тошкент қувуридир.

Асосий саноат марказлари ва шаҳарлари. Қарши (аҳолиси 163,1 минг киши) вилоят маркази бўлиб, Қашқадарёнинг чап соҳилида, Қарши чўлининг марказида жойлашган.

Қарши Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан биридир. У Самарқанддан Афғонистон ва Ҳиндистонга борадиган савдо йўли устида қад кўтарган. Шаҳар илгари Боло, Нашибола, Нахшоб ва Насаф номлари билан аталган, XIV асрдан эътиборан Қарши деб аталади.

Қарши — Бухоро амирлиги таркибида муҳим савдо-ҳунармандчилик марказларидан бири бўлган. Инқилобдан кейинги йилларда Ўзбекистон жанубидаги муҳим иқтисодий ва маданий марказлардан бири бўлиб қолди. Ҳозир шаҳарда 30 дан ортиқ саноат корхоналари бор.

Қаршида замонавий ускуналар билан жиҳозланган «Термопласт» корхонаси ишга туширилди. У ўндан ортиқ турдаги пластмасса буюмларини ишлаб чиқармоқда.

Шаҳарда қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларнинг бош қароргоҳи — «Қаршистрой» бошқармаси жойлашган.

Қаршида университет, Тошкент политехника институтининг филиали, бир неча ўрта махсус ўқув юртлари, вилоят музикали драма театри, тарих ва ўлкашунослик музейлари, кутубхоналар ва бошқа маданий муассасалар ишлаб турибди. Шаҳарнинг тарихий ёдгорликларидан XVI асрда қурилган Кўкгумбаз мачити ва Қашқадарё дарёсининг устига қурилган қадимги кўприк диққатга сазовордир.

Қарши муҳим транспорт тугунидир. Унинг атрофида Қашқадарё иқтисодий районининг ғарбий ишлаб чиқариш мажмуи таркиб топмоқда. У Нишон, Толимаржон, Косон ва бошқа аҳоли манзилгоҳлари билан яқин ишлаб чиқариш алоқаларига эга.

Шаҳрисабз (аҳолиси 53 минг киши) иқтисодий районнинг муҳим саноат ва тарихий шаҳарларидан бири бўлиб, Қашқадарё воҳасининг шимоли-шарқида, Китоб— Шаҳрисабз текислигининг марказида жойлашган. Шаҳар қадимийдир. У машҳур тарихчи

В. В. Бартольд маълумотига кўра, милоддан олдинги III—II асрларда пайдо бўлган. Шаҳрисабз аҳолиси шаҳарда ҳунармандчилик, шаҳар атрофида деҳқончилик билан шуғулланган.

Шаҳрисабз V—VIII асрларда Кеш деб аталган, атроф ўлкалар билан савдо қиладиган марказ сифатида маълум бўлган. XIII асрда шаҳар арабларга қарши қўзғолон марказига айланган. Қўзғолонга Ҳаким ибн Ҳошим (Муқанна) раҳбарлик қилган.

Кеш яқинида 1336 йилда Амир Темур туғилган.

Шаҳрисабзда Темур буйруғи билан XIV асрнинг иккинчи ярмида Оқсарой қурилган. Узлуксиз урушлар, юришлар ноёб саройни (баландлиги 50 м) вайронага айлантирган. Ҳозир уни тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

XV аср охири — XVI аср бошларида қурилган Чорсу савдо гумбази ва бошқалар Шаҳрисабзнинг тарихий ёдгорликларидандир.

Шаҳарнинг енгил саноат корхоналари турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Масалан, машҳур «Ҳужум» фабрикаси жунли палос ва миллий бадиий буюмлар, жумладан ироқи, тепчима дўппилар, шоҳи сўзана, атлас кўйлак, зар камар ва бошқалар ишлаб чиқаради.

Шаҳарда қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми, мактабгача тарбия, педагогика, медицина ва ҳунар-техника билим юртлари бор.

Шаҳрисабз атрофида Қашқадарё иқтисодий районининг шарқий мажмуи таркиб топмоқда. Шаҳарнинг Китоб, Яккабоғ, Чироқчи ва бошқа аҳоли манзилгоҳлари билан иқтисодий алоқалари ривожланмоқда. Келгусида бу мажмуда қурилиш саноати, тоғ-кон, қишлоқ хўжалигида пахтачилик, чорвачилик, ғаллачилик, пиллачилик каби тармоқлар яна ривож топади.

СУРХОНДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Бу иқтисодий район Сурхондарё вилоятидан иборат бўлиб, Ўзбекистоннинг энг жанубида жойлашган, шимоли-шарқда Тожикистон Республикаси, шимоли-ғарбда Қашқадарё иқтисодий райони, ғарбда Туркманистон Республикаси, жанубда Амударё орқали Афғонистон Республикаси билан чегарадош. Унинг майдони 20,8 минг км^2 бўлиб, республика ҳудудининг 4,7% ини ташкил қилади. Аҳолиси 1,3 млн. кишига яқин. Иқтисодий район ингичка толали пахта, субтропик мевалар, эртанги сабзавот етиштириш, кўмир, нефть ва газ, туз қазиб чиқаришга ихтисослашган.

Иқтисодий-жўғрофий ўрни. Иқтисодий районнинг иқтисодий-жўғрофий ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон, Ўрта Осиё ва бир қанча Европа давлатларининг Афғонистон Республикаси билан иқтисодий алоқалари Сурхондарё (Термиз) орқали олиб борилади. 1982 йил май ойида Амударё устига қурилган кўприк (темир йўл ва автомобиль йўллари) Афғонистон Республикаси

билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун катта имкониятлар очди.

Ўзбекистон Сурхондарё орқали Тожикистон Республикаси ва унинг пойтахти Душанбе ва қисман Туркманистон Республикасининг шарқий қисмлари билан иқтисодий алоқалар олиб боради.

Табиий шароити ва ресурслари. Сурхондарё вилоятининг табиий шароитлари ва ресурслари, аҳолисининг тарихий таркиб топган хусусияти ва меҳнат малакаси, хўжалик ихтисоси уни алоҳида бир иқтисодий районга ажратиш имконини берган.

Иқтисодий район ҳудуди унча катта бўлмаса-да, лекин унинг табиий шароитлари ўзига хос хусусиятларга эгадир. У жанубда жойлашган бўлиши билан бирга уч томондан тоғлар билан — шимолда Ҳисор, шимоли-ғарбда Бойсун ва Кўҳитанг, шарқда Боботоғ тизмалари билан ўралган. Сурхондарё водийси ана шу тоғлар орасида шимолдан жанубга Амударё томон пасайиб боради.

Иқтисодий район иқлими субтропик характерда бўлиб, унинг йиллик изотермаси 17° дан юқоридир. Қиши илиқ. Термизда январнинг ўртача ҳарорати +3° га яқин. Шерободда эса +3,6° га етади. Июлнинг ўртача ҳарорати Термизда +31°, Шерободда +32° дан ортиқ. Совуқсиз кунлар 226—247 кун давом этади. Ижобий ҳароратлар йиғиндиси бу ерда 4800—5900° дир. Бундай иқлим шароити иқтисодий районнинг республикада ингичка толали пахта базаси бўлишига, субтропик мевалар етиштиришига имконият яратади.

Иқтисодий районга ёғин умуман кам тушади. Унинг текислик қисмига ўрта ҳисобда 150 мм га яқин, адир ва тоғларга кўтарилган сари ёғин миқдори ортиб боради; шимолдаги баланд тоғ ёнбағирларида 600 мм дан ортиқ ёғин тушади.

Иқтисодий районнинг текислик қисмида сунъий суғоришга эҳтиёж катта, шу сабабли Сурхондарё, Шерободдарё ва Амударё сувларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади.

Иқтисодий районнинг тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот ресурслари тик (вертикал) минтақалар бўйича ўзгариб боради. Текисликдаги чўл табиий мажмуи кўтарилгани сари адир ва тоғ мажмулари билан алмашинади. Текислик обикор деҳқончилик, адир-тоғлар баҳорикор (лалми) деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай.

Иқтисодий районнинг минерал ресурслари хилма-хил: ёқилғи-энергетика ресурслари етарли. Амударё, Учқизил, Қўкайди ва Лалми конларидан нефть олинади. Нефтга газ, олтингугурт, минерал сув йўлдош бўлиб чиқади. Йирик кўмир конлари Бойсун ва Шарғундадир. Бу иқтисодий районда йигирмадан ортиқ туз конлари топилди. Кўҳитанг этагида жойлашган Хўжаиконда туз тоғининг баландлиги 170 метрга етади. Сариосиё районида Хондиза чаламеталл кони катта аҳамиятга эга. Қурилиш материалларининг заҳираси ҳам жуда катта.

Иқтисодий районнинг минерал ресурсларидан оқилона фойдаланиш келажакда тоғ-кон, рангдор металлургия, энергетика ва қурилиш саноатини ривожлантириш имконини беради.

Аҳолиси. Иқтисодий район аҳолиси тез кўпайиб бормоқда, бу ерда табиий ўсиш республика ўртача кўрсаткичидан юқори —30% атрофида. Иқтисодий район аҳолиси 1959 йилда ярим миллиондан кам бўлган бўлса, 1989 йилга келиб, бир миллионга яқинлашиб қолди. Аҳоли табиий ўсишининг юқорилиги иқтисодий районда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммосининг ижобий ҳал қилинишини тақозо этади.

Иқтисодий район аҳолисининг 3/4 қисмига яқинини ўзбеклар ташкил қилади. Бундан ташқари, бу ерда руслар (12%), тожиклар (7%) ва бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

Иқтисодий район аҳолиси бир км^2 га 64 киши тўғри келади. Сурхон-Шеробод водийсининг деҳқончилик минтақасида аҳоли зич, бир км^2 га 50—100 кишидан тўғри келади, адир ва тоғларга кўтарилган сари сийраклашиб, 5 кишигача боради.

Иқтисодий районнинг урбанизация даражаси республикадагига нисбатан анча паст, аҳолининг атиги 1/5 қисмига яқини шаҳарларда яшайди. Бу эса иқтисодий районда саноат ҳали етарли ривожланмаганлиги оқибатидир.

Республика меҳнат тақсимотида Сурхондарё иқтисодий райони ўзининг интенсив қишлоқ хўжалиги билан ажралиб туради. Иқтисодий район ҳиссасига республика қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг 4,5% и, ҳайдаладиган ерларнинг 7% и, яйлов (ўтлоқлар)нинг 3,9% и тўғри келади. Бу иқтисодий район республика пахтасининг 10% ини, шу жумладан ингичка толали пахтанинг 75% га яқинини, пилласининг 3% ини беради; қўй-эчкиларнинг 10,5% и, қорамолларнинг 8,9% и шу иқтисодий районадир. Иқтисодий район субтропик мевалар — анжир, анор, писта ва узум етиштиради, цитрус меваларнинг катта қисмини, шакарқамиш ва хурмонинг деярли ҳаммасини беради.

Сурхондарё иқтисодий районининг ҳам етакчи тармоғи пахтачиликдир. Бу тармоқнинг равнақи ирригация, янги ерларнинг ўзлаштирилиши билан боғлиқ. Инқилобдан кейинги йилларда бу ерда экин майдони қарийб 3 марта кенгайди. Мутахассислар ҳисобига кўра, вилоятда 272 минг га суғориш мумкин бўлган ерлар бўлиб, ҳозир бунинг 230 минг гектардан ортиғи суғорилмоқда. Ўзлаштириладиган ерлар асосан Шеробод массивида, бу ерларнинг сув ресурслари етарли эмас. Сув ресурсларидан фойдаланишда Амударё катта аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий районда бир қанча сув омборлари ва суғориш каналлари барпо этилган. Ҳазорбоғ, Қумқўрғон, Занг, Катта Ҳисор, Шеробод, Аму-Занг машина каналлари, Учқизил, Дегрез, Жанубий Сурхон сув омборлари ишга туширилган.

Насослар ёрдамида Амударёдан чиқарилган сув билан катта экин майдонлари суғорилмоқда. Гагарин районида қурилган насос станциясининг 7 та агрегати сувни 14 метр баландликка кўтариб беради, 60 км ли суғориш канали Шеробод массивида 60 минг га майдонни сув билан таъминлайди.

Иқтисодий районда ирригация-мелиорация тадқиқотлари натижасида пахтачилик айниқса тез юксалиб бормоқда.

Сурхондарё республиканинг ингичка толали пахта етиштирадиган асосий вилоятидир. Гагарин, Жарқўрғон, Ангор, Қумқўрғон, Термиз ва Шеробод районлари ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослашган. Сурхондарё иқтисодий районида пахтачилик тажриба станцияси бўлиб, унда олимлар ингичка толали пахта навлари устида тажрибалар олиб борадилар.

Иқтисодий районда мевачилик, узумчилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик жуда ривожланган. Унинг текислик ва адир минтақасида боғлар, токзорлар бор. Сурхондарёда сершира, хўраки узум навлари, шунингдек майиз ва шароббоп узум навлари етиштирилади. Узумнинг кўпини ихтисослаштирилган жамоа ва давлат хўжаликлари беради, томорқаларда ҳам анчагина узум етиштирилади.

Иқтисодий район субтропик мевалари билан машҳурдир. Унда анорнинг 90 дан ортиқ нави бор, булар ичида дашноввот нави сершираднр. Сариосиёда анорга ихтисослаштирилган «Дашноввот» давлат хўжалиги ташкил этилган.

Республикада етиштириладиган хурмонинг кўпини Сурхондарё иқтисодий райони беради. Бу ерда япон хурмосининг совуққа чидамли янги навлари яратилди. Денов агро-саноат бирлашмаси хурмо, лимон, анор етиштиришга ихтисослашган. Умуман, кейинги вақтда иқтисодий районда лимон етиштириш кўпайиб бормоқда. Термиз районида 50 га майдонда «Наврўз лимонарияси ташкил қилинган. Денов шакарқамиш етиштиришда республикада ягона райондир. Иқтисодий районда боғдорчилик, узумчилик ва асаларичиликка ихтисослаштирилган 10 дан ортиқ давлат хўжалиги бор.

Шаҳарлар атрофида, Ҳисор тизмасининг ёнбағрида картошка етиштирилмоқда.

Сурхондарёда йил бўйи сабзавот етиштириш мумкин. Бу ерда эртанги, кечки (қишки) карам кўп экилади. Адир минтақасида, тоғ ёнбағирларида лалмикор буғдой, арпа, дарё бўйларида шоли, суғориладиган ерларда маккажўхори экилади.

Иқтисодий районда чорвачилик муҳим аҳамиятга эга, чўлларда қоракўл қўйлар, адир-тоғ этакларида машҳур ҳисори қўйлари боқилади. Кўп гўшт ва ёғ берадиган ҳисори қўйларининг ватани Ҳисор тоғларининг жанубий ёнбағридир. Обикор ерлар ва серўт адир-тоғ яйловларида қорамоллар боқилади.

Иқтисодий районда республика барча чорва молларининг 10% га яқини боқилмоқда. Ҳозир бу ерда 360 мингдан ортиқ қорамол, шу жумладан 158 минг сигир, 630 минг қўй-эчки, 40 минг чўчқа, шунингдек 900 мингга яқин парранда боқилмоқда.

Пиллачилик Сурхондарёда пахтачилик билан боғлиқ ҳолда ривожлантирилмоқда. Пахта далалари атрофидаги тут дарахтларидан ташқари, адир минтақасида махсус тутзорлар бунёд этилган.

Сурхондарё ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуининг муҳим тармоғи саноатдир. Саноат, аввало, пахтачилик, минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалик хом ашёсига боғлиқ ҳолда ривожланмоқда. Лекин иқтисодий район ўз саноатининг ялпи маҳсулоти бўйича республикадаги кўпгина иқтисодий районлардан орқада. У республика саноат маҳсулотининг ҳозирча 3,5% ини етказиб бермоқда.

Иқтисодий район ҳудудида бўлган биргина пахта тозалаш заводи мустасно қилинганда, бу ерда инқилобга қадар саноат корхонаси бўлмаган, ер ости бойликлари ўрганилмаган эди. Деярли барча саноат корхоналари инқилобдан кейинги йилларда барпо этилди.

Бу ерда оғир саноат тармоқларидан ёқилғи саноати муҳим роль ўйнайди. Шарғун конида йилига ўрта ҳисобда 200 минг тоннадан ортиқроқ юқори калорияли кўмир қазиб олинмоқда, бу эса республикада қазиб олинадиган кўмирнинг 7% ини ташкил қилади. Қазилган кўмир осма сим йўл билан темир йўл станциясига келтирилиб, иқтисодий район эҳтиёжи учун ишлатилади ва қўшни Тожикистон Республикаси пойтахти — Душанбега жўнатилади. Бошқа конлар ишга туширилгач, кўмир қазиш кескин ортиб бормоқда. Амударё, Учқизил, Кўкайди ва Лалмикор конларидан нефть олинмоқда. Лалмикор газ кони Жарқўрғон, Қумқўрғон шаҳарларига газ етказиб бермоқда.

Иқтисодий район электроэнергетикаси ҳали кам ривожланган, унда йилига ўрта ҳисобда 3,5 млн кВт соат электр қуввати ҳосил қилинади. Бир неча кичик иссиқлик ва сув электр станциялари қурилган, уларнинг энг каттаси Термиз иссиқлик электр станциясидир. Иқтисодий район эҳтиёжи учун зарур асосий қувват Ўрта Осиё энергетика тизимидан, яъни қўшни Тожикистон республикасидан олинади.

Денов машина-тузатиш заводи қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторларини ремонт қилишга бўлган эҳтиёжини тўла қондира олмайди. Термизда тепловоз-вагон тузатиш устахонаси ва бошқа кичик корхоналар бор.

Қурилиш материаллари саноати асосан маҳаллий хом ашё асосида ривожланмоқда. Иқтисодий районда темир-бетон қисмлар, керамзит, ғишт, гипс, оҳак ва бошқалар ишлаб чиқарилмоқда. Қурилиш материалларининг айрим турлари бошқа иқтисодий районлардан ва Тожикистон республикасидан келтирилмоқда.

Иқтисодий район саноатининг етакчи тармоғи пахтани ва бошқа қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган енгил ва озиқ-овқат саноатидан иборат. Бу тармоқ барча саноат маҳсулотининг қарийб 75% ига яқинини ишлаб бермоқда. Пахта тозалаш заводлари Термиз, Денов, Шеробод, Узун, Шўрчи, Жарқўрғон, Гагарин ва бошқа ерларда жойлашган. Бойсунда шойи тўқиш фабрикаси бор. Сурхондарё вилоятида етиштирилган пилла шу вақтга қадар қайта ишлаш учун бошқа иқтисодий районларга жўнатилар эди. Ҳозирги пайтда вилоят пилласини тўла

қайта ишлаш қувватига эга бўлган пиллакашлик фабрикаси Шўрчида қурилмоқда. Денов йирик ёғ-экстракция заводи, Термизда гўшт комбинати қурилган. Деновда шароб заводи, Шўрчида элеватор ва ун комбинати бор. Қолган шаҳар ва район марказларида новвойхоналар, сут-мой, консерва заводлари, тикувчилик фабрикалари ва бошқа корхоналар бўлиб, улар аҳолига хизмат қилмоқда. Хўжаикон ҳузурида техник ва истеъмол тузларини тайёрлайдиган корхона иш бошлади.

Иқтисодий район саноатининг истиқболи анча порлоқ. Келгусида ёқилғи, кимё, рангдор металлургия, қурилиш саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари янада тараққий этади. Жарқўрғонда ип йигириш фабрикаси қурилди. Шўрчида Югославия билан биргаликда тўқимачилик, пойабзал ва мебель қўшма фабрикалари қурилади.

Иқтисодий районда транспорт турлари ичида юк оборотн жиҳатдан темир йўл етакчи ўринда. Унинг ҳудудида темир йўл дастлаб 1915 йилда Амударё (Самсоново станцияси)дан Термизгача қурилди, у 1926—1930 йилларда Душанбегача етказилди, 1974 йилда Термиз темир йўл орқали Қўрғонтепа (Тожикистон) билан боғланди. Болдирдан Хўжаикон туз конигача темир йўл қурилди. Шўрчидан Бандихон гилмоя конига, Бойсун кўмир конига темир йўл ўтказилади. Темир йўл Сурхондарё иқтисодий районини Ўзбекистоннинг бошқа иқтисодий районлари ва қўшни республикалар билан боғлаган бўлса, Катта Ўзбекистон тракти уни республикамиз пойтахти Тошкент ва Тожикистон республикаси пойтахти Душанбе билан боғлайди. Бу тракт Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини кесиб ўтиб, йил бўйи автомобиль қатновини таъминлайди. Автомобиллар ҳозир бу йўл орқали Душанбегача бораётган бўлса, эндиликда Амударё устига қурилган кўприк орқали Афғонистон республикасига ҳам ўтади.

Амударёнинг транспортдаги аҳамияти каттадир. Дарёнинг юқори оқими бўйлаб кемалар Тожикистон республикасининг Панж порти ва қуйи оқимигача қатнамоқда. Термиз Амударёдаги катта портлардан бири, у орқали Афғонистон республикаси билан иқтисодий алоқалар амалга оширилади.

Иқтисодий районда қувур транспорти ривожлана бошлади. Туркманистон республикаси жанубидан Душанбе шаҳригача қурилган магистрал газ қувурлари унинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларига газ етказиб бермоқда.

Термизда янги аэровокзал мажмуи ишга туширилган.

Асосий саноат марказлари ва шаҳарлари. Термиз — Сурхондарё вилоятининг маркази, республика жанубида жойлашган қадимий шаҳарлардан бири. Шаҳарда 86,7 минг киши яшайди.

Термиз — иқтисодий районнинг энг катта саноат маркази, унда иссиқлик электр станцияси, пахта тозалаш, темир-бетон конструкциялар заводлари, сут, гўшт ва нон комбинатлари, гилам

фабрикаси ҳамда бир қанча маиший хизмат корхоналари ва муассасалари ишлаб турибди.

Термиз вилоятнинг илм-фан маркази бўлиб, унда давлат педагогика институти ва махсус ўрта ўқув юртлари, музикали драма театри, тарих-ўлкашунослик музейи бор.

Термиз халқаро темир йўл, автомобиль йўллари, сув ва ҳаво йўлларининг тугунидир. У орқали бир қанча Европа давлатларининг транзит юклари ташилади.

Денов (аҳолиси 48,2 минг киши) — иқтисодий районда Термиздан кейинги муҳим саноат марказидир. Унда пахтачилик ва субтропик мевачиликка асосланган агросаноат бирлашмаси, шароб-пиво, мотор-тузатиш, ғишт, пахта тозалаш, ёғ-мой заводлари, сут, нон ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ишлаб турибди.

Шаҳарда Р. Р. Шредер номидаги республика боғдорчилик, узумчилик ва шаробчилик илмий-тадқиқот институтининг Жанубий Ўзбекистон субтропик ўсимликлар тажриба станцияси жойлашган.

ҚУЙИ АМУДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ

Бу иқтисодий район Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятини ўз ичига олади. Майдони 170,1 минг км^2. Иқтисодий район республиканинг шимоли-ғарбий чеккасида жойлашган. У ўз майдони жиҳатидан энг катта бўлиб, республика ҳудудининг 38% ини ташкил қилади. Аҳолиси 2283,9 минг киши.

Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятининг бир иқтисодий районга бирлашишига уларнинг умумий иқтисодий-жўғрофий ўрни, хўжалик ихтисоси, ривожланиш истиқболлари каби омиллар сабаб бўлган.

Қуйи Амударё иқтисодий райони Ўзбекистоннинг шимолидаги пахтачилик, шоликорлик ва чорвачиликка ихтисослашган минтақасидир. Бу иқтисодий район Ўзбекистон пахтасининг 14% ини, пилласининг 11% ини, шолисининг 72% ини, қорамолларининг 15% ини, қўй-эчкиларнинг 10% ига яқинини, саноат маҳсулотининг 5,9% ини етказиб беради.

Иқтисодий-жўғрофий ўрни. Қуйи Амударё иқтисодий райони Ўзбекистоннинг тарихан ривожланган иқтисодий районларидан узоқда, Орол денгизининг жанубида, Қизилқум чўлининг ғарбида ва Устюрт платосининг шарқий қисмида жойлашган. Иқтисодий район ҳудуди орқали Чоржўй — Қўнғирот — Макат — Бейнев темир йўлининг қурилиши унинг иқтисодиёти ривожланишида муҳим омил бўлди.

Иқтисодий районнинг табиий шароити хилма-хил, асосан текисликдан иборат бўлиб, унинг ҳудудида Султон Увайс тоғи ва айрим қирлар қад кўтарган. Иқтисодий район ҳудудини генетик жиҳатдан уч қисмга бўлиш мумкин. Биринчи қисм Туямўйиндан

Орол денгизигача чўзилган (пасттекислик) Амударё мансабидан иборат. Мансабнинг юқори қисмини Хоразм воҳаси ташкил этади, бу қадимий обикор деҳқончилик ва маданият ўчоғларидан биридир. Унинг қуйи қисми ҳозирги даврда интенсив ўзлаштирилиб, Ўзбекистоннинг йирик шоликорлик марказига айлантирилмоқда. Иқтисодий район ҳудудининг иккинчи қисми Амударёдан ўнг томонда жойлашган Қизилқумнинг шимоли-ғарбий қисмидан иборат. Бу ҳудуддан яйлов сифатида қоракўлчиликда фойдаланилмоқда. Учинчи қисм Устюрт платосининг шарқий ярмидан иборат бўлиб, бу ҳудуд қирқинчи йиллар ўрталаридан эътиборан ўзлаштирила бошланди. Ҳозир Устюрт минерал ресурслари ва яйловларидан фойдаланилмоқда. Бу ҳудуд орқали Қўнғирот — Бейнев темир йўлининг ўтказилиши Устюртни ўзлаштиришни жадаллаштирмоқда.

Иқтисодий район иқлими кескин континентал, у шимолда жойлашганлиги учун ижобий ҳароратлар йиғиндиси бошқа иқтисодий районлардагидан камроқ, вегетация даври 200 кунга яқин, баҳор кечроқ, куз эртароқ бошланади, ёғин энг кам — 200 мм тушади. Бу иқтисодий район пахтачиликнинг жаҳондаги энг шимолий минтақаси бўлиб, бу ерда ғўзанинг асосан эрта пишар навлари экилади. Бу минтақадаги деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган.

Иқтисодий райондан Амударё оқиб ўтади, у суғоришда катта аҳамиятга эга. Қадимги Хоразм воҳаси дарё туфайли вужудга келган. Ўзбекистонда энг катта сув омбори — Туямўйин гидроузели (сиғими 7,8 млрд $м^3$) барпо этилиши билан Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон республикаси ва Туркманистон республикасининг Тошовуз вилоятида сув таъминоти кескин даражада яхшиланди, электр қуввати кўпаяди, дарёнинг транспорт аҳамияти ортди.

Иқтисодий район ҳудудига Орол денгизининг деярли ярми қарайди. Денгизнинг балиқчилик, транспорт ва паррандачилик (ҳайвонотчилик)даги аҳамияти катта эди. Орол денгизи сувининг камайиб бориши хўжалик ишларини тобора қийинлаштирмоқда.

Иқтисодий район ҳудудида бир қанча минерал ресурслар топилган. Устюртда табиий газ (Шахпахти, Куаниш конлари), тузлар, қурилиш материалларининг катта заҳираси, Султон Увайс тоғида фосфорит, темир рудаси, Оқтоғда плавик шпати ва тальк, Қушхонтовда мирабилит ва ҳоказолар топилган. Иқтисодий районда қурилиш материаллари (алебастр, гил, қум, оҳактош) кенг тарқалган. Булар иқтисодий районда энергетикани, тоғ-кон, қурилиш ва кимё саноатларини, қишлоқ хўжалик хом ашёси негизида тўқимачилик, озиқ-овқат саноатлари тармоқларини ривожлантириш имконини беради.

Аҳолиси. Иқтисодий район аҳолиси тез кўпайиб бормоқда. Унинг аҳолиси 1959 йилда 1021 минг киши бўлган бўлса, 1990 йили 2283,9 минг кишига етди. Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси сон жиҳатдан деярли баравар бўлса-да,

лекин иқтисодий район ҳудудида нотекис жойлашган. Хоразм вилоятида бир км² га ўртача 170 киши тўғри келса, Қорақалпоғистон республикасида 7,7 киши тўғри келади. Иқтисодий район бўйича ўртача зичлик бир км² га 10—12 кишини ташкил қилади.

Иқтисодий районнинг шаҳар аҳолиси тез кўпайиб бормоқда. Қорақалпоғистон республикасида шаҳар аҳолиси 42,3% бўлса, Хоразм вилоятида 27,4% дир. Қуйи Амударё иқтисодий райони аҳолиси кўп миллатли бўлиб, ўзбеклар 1 миллиондан кўпроқ, қорақалпоқлар 410 мингга яқин, қозоқлар 244 минг, қолганлари туркманлар руслар, корейслар, татарлар, украинлар ва бошқа миллатлар вакилларидир.

Хоразм илгари қадимги маданият ва савдо марказларидан бири сифатида олдинда турган бўлса, Қорақалпоғистоннинг кўп қисмида чорвачилик, натурал хўжалик мавжуд эди.

Таниқли француз жўғрофи ва социологи Элизе Реклю ўтган асрнинг охирида Қорақалпоғистон ҳақида «Бир неча авлоддан кейин, эҳтимол, кам сонли, куч-қувватдан маҳрум бу майда халқ Туркистонда йўқ бўлиб кетади», деб ёзган эди. Бу «башорат» пучга чиқди. Инқилобдан кейинги йилларда Қорақалпоғистоннинг иқтисодиёти, фан ва маданияти ўсди.

Иқтисодий районда саноат ва транспорт жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Унинг иқтисодиётида, қишлоқ хўжалиги асосий тармоқдир. Қишлоқ хўжалигида эса деҳқончилик етакчи бўлиб, у қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг 3/4 қисмини етказиб бермоқда. Деҳқончилик негизини пахтачилик, шоликорлик, сабзавотчилик ва полизчилик ташкил қилади. Бу иқтисодий районда ҳам деҳқончилик ирригацияга боғлиқдир. Хоразмда қадим замонларда қазилган ариқлар бўлиб, йирик ирригация иншоотлари инқилобдан кейинги йилларда қурилди. Қизкетган канали, Тошсоқа суғориш тизими, Тахиатош гидроузели ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Пахтачилик иқтисодий район деҳқончиликнинг асосий тармоғи бўлиб, унинг ялпи ҳосили сўнгги 60—70 йил мобайнида қарийб 25 марта ортди. Иқтисодий район бўйича пахтанинг ялпи ҳосили 1972 йилда 621 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1990 йилда 697,1 минг тоннага етди. Пахтачилик Қорақалпоғистон республикасида тез суръатлар билан юксалиб бормоқда. Пахтадан юқори ҳосил олишда Хоразм вилояти иқтисодий райондагина эмас, балки бутун Ўзбекистонда карвонбошилик қилмоқда. Вилоят бўйича пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги 1990 йилда 31,2 ц/га бўлди.

Амударё мансабининг қуйи қисми йирик шоликорлик массивига айланмоқда, шолининг ялпи ҳосили тез ортиб бормоқда. 1965 йилдан 1982 йилгача ялпи ҳосил қарийб, 7,5 марта ортди. 1990 йилда иқтисодий район бўйича 467,1 минг тонна шоли етиштирилди.

Иқтисодий райондаги айрим хўжаликлар гектаридан 70 центнердан шоли ҳосили олмоқда.

Қуйи Амударёда полиз экинлари, хусусан, Хоразм қовуни,

маккажўхори, беда ва сабзавот етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Қартошка ва сабзавот иқтисодий район эҳтиёжини ҳали тўлиқ қондира олмаяпти. Бу соҳани ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Боғдорчилик, узумчилик бу ерда ҳали етарли даражада ривожланмаган.

Қуйи Амударё иқтисодий районида чорвачилик, хусусан қорамолчилик бошқа иқтисодий районлардагига нисбатан бирмунча ривожланган. Ўзбекистон қорамолларининг 1/6 қисмига яқини шу ердадир. Қорақалпоғистон республикасида ўтлоқ яйловлар (Амударё мансабида) ва бедазорлар кўп, чўл ерлар майдони ҳам катта, Қорақалпоғистон қоракўл қуйларининг 1/10 қисмига яқини шу ерда боқилмоқда.

Қуйи Амударё иқтисодий районида анчагина йилқи ва туялар боқилади. Бу ерда Амударё даррандачиликни ривожлантириш имконини беради. Бу соҳа қирқинчи йиллар ўрталаридан эътиборан ривожлана бошлади. Ҳозир ихтисослаштирилган дарранда-чилик хўжаликларида ондатра, норка, нутрия, қора тулки боқилмоқда. Бу соҳада иқтисодий район Ўзбекистонда етакчилик қилмоқда.

Хўжалиги. Қуйи Амударё районида саноат инқилобдан кейинги йилларда бунёд этилди. Бу ерда ҳозир оғир ва енгил саноатнинг 160 дан ортиқ корхонаси ишлаб турибди. Саноат корхоналарининг асосий қисми Қорақалпоғистонда жойлашган. Иқтисодий районда ҳорижий давлатлар билан қўшма корхоналар қуриш бошлаб юборилди. Хитой билан ҳамкорликда Хоразмда ипак газламалар корхонасини (1992 й.) қуриш бошланди. Дўстлик шаҳрида Германия билан ҳамкорликда автомобиль заводи қурилмоқда.

Иқтисодий район ишлаб чиқарилаётган қувват ва балиқ консерваларининг деярли ҳаммасини, темир-бетон конструкциялар ҳамда гушт маҳсулотлари ва гуручнинг 3/4 қисмини Қорақалпоғистон республикаси етказиб бермоқда.

Машинасозлик ва металлсозлик асосан автотузатиш ва қишлоқ хўжалик машиналарини тузатиш корхоналаридан иборатдир. Булар Нукус, Урганч, Тахиатош, Қўнғирот, Хўжайли ва бошқа жойлардадир. Хўжайлида эса йирик кема тузатиш корхонаси ишлаб турибди.

Машинасозлик ва металлсозлик иқтисодий район ялпи саноат маҳсулотининг 1/10 қисмини ишлаб чиқармоқда.

Иқтисодий район енгил саноати пахта тозалаш заводлари, тўқимачилик корхоналари, тикувчилик фабрикаларидан иборат. 20 га яқин пахта тозалаш заводи бўлиб, улар Урганч, Хўжайли, Хонқа, Гўрткўл, Беруний, Манғитда жойлашган. Хевада гилам тўқиш фабрикаси ишлаб турибди. Мўйноқдаги комбинатнинг маҳсулоти Орол қисматига боғлиқ тарзда камайиб бормоқда. Бу ерга хом ашёнинг бир қисми четдан келтирилмоқда. Нукусда тўқимачилик комбинати қурилган. Унинг тўртта филиали Хўжайли,

Тўрткўл, Беруний ва Матғитда ишлаб турибди, шаҳарда кигиз босиш комбинати ҳам бор. Иқтисодий район енгил саноати ялпи саноат маҳсулотининг 3/5 қисмини етказиб бермоқда.

Иқтисодий районнинг озиқ-овқат саноати мой ва шоли оқлаш заводлари, нон, сут комбинатлари, консерва заводларидан иборат. Мой заводлари Хўжайли, Қўнғирот, Чимбой, Беруний ва бошқа шаҳарлардадир. Урганчдаги мой заводи қайта қурилиб, республикадаги энг йирик заводлардан бирига айлантирилди, Хўжайлида гўшт комбинати бор. Беруний, Қўнғирот, Чимбой, Тўрткўл ва бошқа шаҳарларда ун комбинатлари ишлаб турибди.

Озиқ-овқат саноати иқтисодий район ялпи саноат маҳсулотининг 1/5 қисмидан ортиғини ишлаб чиқармоқда. Балиқ консерваси ишлаб чиқариш бўйича иқтисодий район Ўзбекистонда ягонадир.

Қурилиш саноати иқтисодий район хом ашёси ресурслари ва эҳтиёжларидан орқада қолмоқда.

Нукус, Урганч, Тахиатош, Дўстлик шаҳарларида темир-бетон конструкциялари заводлари, Беруний ва Хўжайлида ғишт заводлари ишлаб турибди.

Султон Увайс тоғида мергель ва оҳактошнинг етарли заҳиралари бўлиб, улар асосида келгусида цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Иқтисодий район электр энергетикаси ҳали орқада. Кейинги вақтларда йилига ўрта ҳисобда 2 млн. кВт га яқин электр қуввати ишлаб чиқарилмоқда. Буни асосан Тахиатош ГРЭСи бермоқда.

Туямўйин гидроузелининг қурилиши натижасида озиқ-овқат саноатининг бир қанча янги корхоналари барпо этилади.

Нукус ва Урганчда йирик аэропортлар қурилган, уларга замонавий реактив самолётлар қўниб ва учиб кета олади. Бу аэропортлардан транзит ҳаво лайнерлари ҳам фойдаланади.

Қуйи Амударё иқтисодий райони бошқа иқтисодий районларга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахта, пилла, шоли, қовун ва бошқалар), саноат маҳсулотлари (гилам, мўйна, ўсимлик мойи, балиқ консервалари ва бошқалар) чиқаради. Ўзига машина, асбоб-ускуналар, минерал ўғитлар, гербицидлар, нефть маҳсулотлари, қурилиш материаллари, кенг истеъмол моллари олиб келади. Бу иқтисодий районда баъзи бир ички тафовутлар ҳам бор.

Қорақалпоғистон республикасининг майдони 165,6 минг км² бўлиб, Ўзбекистон ҳудудининг 37% ини, аҳолиси 1244,7 минг киши бўлиб, Ўзбекистон аҳолисининг 6,1% ини ташкил қилади.

Қорақалпоғистон республикасида 15 та район, 9 та шаҳар, 10 та шаҳарча бор.

Аҳолининг миллий таркиби бир хил эмас, иқтисодий районда ўзбеклар билан қорақалпоқлар кўпчиликни ташкил этади, шунингдек бу ерда қозоқлар (244 минг), туркманлар (49 минг),

руслар (21 минг), корейслар (8 минг), татарлар (8 минг), украинлар (2 минг) ва бошқа миллатлар вакиллари яшайди.

Инқилобдан илгари бу ерда саноқли ҳунармандчилик корхоналари бўлган бўлса, ҳозирги кунда 98 та замонавий корхона ишлаб турибди.

Саноатнинг етакчи тармоғи енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридир. Ўндан ортиқ пахта тозалаш, учта ёғ-мой заводи, иккита гўшт комбинати, балиқ-консерва комбинати, нон, сут, макарон ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари бор. Нукус ип газлама комбинати барпо этилган. Иккита шоли оқлаш заводи қурилди. Нукус ва бошқа шаҳарларда Туркия билан биргаликда тўқимачилик комплекслари қурилади.

Қорақалпоғистон республикасининг қишлоқ хўжалигида ҳозир юзга яқин давлат ва қирқдан ортиқ жамоа хўжалиги мавжуд. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 6 млн. гектарчадир, шундан ҳайдаладиган обикор ерлар 430,8 минг га, яйлов-ўтлоқлар 4852,5 минг га. Туямўйин гидроузели қурилиши билан обикор ерлар анча кенгаяди, сув таъминоти яхшиланади. Деҳқончиликнинг асосий тармоғи пахтачилик бўлиб, у жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Инқилобдан илгари Қорақалпоғистонда 2 минг т пахта етиштирилган бўлса, 1990 йилда 348,5 минг т пахта етказиб берилди.

Ғалла экинлари орасида шоли етакчи ўринда. Республика Ўзбекистоннинг шоликорлик базаси бўлиб қолди. У 1990 йилда 306,1 минг т шоли етиштирди. Асосий шолипоялар Амударё мансабининг қуйи қисмида жойлашган. Қорақалпоғистон республикаси Ўзбекистон уруғлик бедасининг асосий қисмини етиштириб бермоқда. Беда, яйлов ва Амударё мансабидаги тўқайзорлар негизида чорвачилик ривожланмоқда. Республикада 1990 йил маълумотларига кўра, 336,7 минг бош қорамол (шундан 126,3 минг сигир), 618 минг бош қўй-эчки бор, қўйларнинг кўпчилиги қоракўл қўйлардир.

Бу ерда Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, Нукус Давлат университети ва 25 та ўрта махсус ўқув юрти, 830 та умумтаълим мактаблари ишлаб турибди. Республикада 22 та газета, 3 та журнал нашр этилмоқда. Музикали драма театри, филармония, юзлаб кутубхоналар, маданият уйлари, клублар, саройлар барпо этилган.

Шаҳарлари. Нукус (аҳолиси 175,0 минг киши) Қорақалпоғистон республикасининг пойтахти. Шаҳар инқилобдан кейинги йилларда бир овул ўрнида қад кўтарган. 1939 йили пойтахт Тўрткўлдан Нукусга кўчирилган.

Нукус Амударёнинг ўнг қирғоғида, Қизкетган каналининг бошланиш қисмида жойлашган, шаҳар йирик саноат, фан ва маданият марказидир. Унда 30 га яқин саноат корхонаси, қурилиш материаллари комбинати, ўтов-кигиз комбинати, мотор тузатиш, автотузатиш, енгил, озиқ-овқат корхоналари ишлаб турибди. Шаҳарга чучук сув Туямўйиндан кела бошлади.

Нукусда ЎзФа нинг филиали, университет, бир неча ўрта махсус ўқув юртлари жойлашган. Шаҳар йирик транспорт тугунидир.

Хўжайли аҳолиси 60,3 минг киши Республикада Нукусдан кейинги иккинчи саноат шаҳридир. Унда пахта тозалаш заводи, мой заводи, гўшт комбинати, кема тузатиш заводи, полос ва тикувчилик фабрикалари бор.

Хўжайли Нукусга яқин жойлашган бўлиб, бу шаҳарлар иқтисодий алоқаси ривожланиб, муҳим ҳудудий-ишлаб чиқариш мажмуи негизини ҳосил қилган.

Манғитда пахта тозалаш заводи, ип йигириш фабрикаси бор, унинг атрофида тоғ-кончиларнинг Қоратов ва Жумуртов шаҳарчалари қад кўтарган.

Устюртдаги Комсомольск геологлар шаҳарчаси бўлиб, унда Ўрта Осиё — Марказ магистрал газ қувурининг компрессор бекати жойлашган.

Хоразм вилоятининг майдони 4,5 минг км^2 бўлиб, унинг ҳудуди Ўзбекистонда фақат Андижон вилоятидангина бироз каттароқдир. Аҳолиси 1039,2 минг киши; вилоятда 10 та район, 5 та шаҳар, 3 та шаҳарча бор. Вилоят Амударё мансабининг юқори қисмида, қадимий обикор деҳқончилик минтақасида жойлашган.

Хоразм давлати ҳудудидан қадимда Буюк ипак йўли ўтган. Хоразм тўрт томон — Шарқда Хитой, Жанубда Эрон, Арабистон, Ғарбда Кавказ, Европа, Шимолда Россия билан иқтисодий алоқалар олиб борган. Унинг жўғрофий ўрни, хўжалиги тижоратига ижобий таъсир этган.

Хоразмда ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик, илм-фан, санъат ривож топган. У жаҳонга ал-Хоразмий, ал-Беруний каби алломаларни етиштириб берган.

Хоразм вилояти Қуйи Амударё иқтисодий райони пахтасининг ярмини ва шолисининг 1/4 қисмини, қовунининг кўп қисмини етиштиради. Хоразм вилоятининг экин майдонини кенгайтириш имкониятлари бошқа вилоятларникига нисбатан чегараланган. Вилоятда 89 та жамоа ва 25 та давлат хўжалиги бор. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар 423 минг га бўлиб, шунинг 235,0 минг гектари ҳайдаладиган обикор ерлар, қолганлари яйлов-ўтлоқлардир.

Деҳқончиликнинг етакчи тармоғи бу ерда ҳам пахтачиликдир. Пахта вилоят бўйича 118 минг га ерга экилади. Пахта асосан Хонқа, Хева, Шовот, Янгибозор, Гурлан районларида экилади. Бу районлар пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан вилоятда пешқадамдир. Кўпгина майдонларга ғалла (26 минг га), шундан шоли 18 минг га ерга экилади. 1990 йилда 101 минг тоннадан ортиқ шоли етиштирилди. Бу соҳада Хонқа, Боғот ва Гурлан районларининг ҳиссаси каттадир. 9 минг гектардан ортиқроқ майдонда полиз, картошка ва сабзавот экинлари етиштирилади.

Хоразм вилоятининг саноати асосан енгил, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат корхоналаридан иборат. Пахта тозалаш за-

водлари Боғот, Гурлан, Қўшкўпир, Урганч, Хева, Хазорасп, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Янгибозордадир. Урганчда пиллакашлик фабрикаси ишлаб турибди. Қурилиш материаллари асосан Урганч, Дўстлик, Хева, Қўшкўпирда ишлаб чиқарилмоқда. Булардан ташқари, озиқ-овқат саноати, мой, шароб, қандолат, гўшт, сут, нон ва бошқа маҳсулотлар етиштиради. Вилоятда тузатиш заводлари ва мебель фабрикаси бор.

Вилоят ҳудудида темир йўл, автомобиль йўллари ва ҳаво йўллари мунтазам ишлаб турибди.

Транспорти. Қуйи Амударё иқтисодий районида транспортнинг деярли барча турлари мавжуд. Унда юк обороти бўйича темир йўл транспорти олдинда бормоқда. Нукус — Чимбой Қўнғирот — Чоржўй, Қўнғирот — Бейнев темир йўллари мунтазам ишлаб турибди.

Қуйи Амударё иқтисодий районида автомобиль транспорти тез ривожланиб бормоқда. Тўрткўлдан Чимбой орқали ўтадиган Қорақалпоғистон автомагистрали юклар ташишда муҳим роль ўйнайди. Кейинги вақтларда Тошкент — Орол денгизи автомагистралининг ишга туширилиши иқтисодий районнинг пойтахт билан алоқасини яхшилади. Нукусдан барча район марказларига мунтазам автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

Сув транспортининг (Амударё ва Орол денгизи) иқтисодий райондаги аҳамияти каттадир. Амударё орқали халқ хўжалик юклари Тожикистон республикасининг Панж портигача, Орол денгизи орқали Қозоғистон республикасининг Орол темир йўл бекатигача ташилар эди. Иқтисодий район орқали Бухоро — Урал, Ўрта Осиё — Марказ магистрал газ қувурлари ўтган бўлиб, буларга Устюрт газ конлари уланган.

Шаҳарлари. Урганч (аҳолиси 128,9 минг киши) вилоят маркази бўлиб, унда 20 дан ортиқ саноат корхонаси бор. Йириклари ёғ-мой заводи, экскаватор тузатиш заводи, уйсозлик комбинати, пахта тозалаш заводи, пиллакашлик ва тикувчилик фабрикалари ҳамда бир қанча озиқ-овқат корхоналаридир. Шаҳарда педагогика институти, бир неча ўрта махсус ўқув юрти, музикали драма театри, телевизион марказ ва бошқа маданий муассасалар бор. Аҳоли чучук сув билан етарли таъминланмоқда.

Хева (аҳолиси 40,6 минг киши) қадимий шаҳар бўлиб, тарихий-меъморчилик ёдгорликларига бойдир. Ундаги Ичан қалъа музейи машҳур вилоят саноат маркази ҳисобланади; шаҳарда гилам комбинати, пахта тозалаш заводи, тикувчилик ва кулолчилик корхоналари бор.

XI БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилингандан кейин унинг ташқи иқтисодий алоқалари соҳасида янги давр бошланди. Ўша вақтгача республиканинг ташқи иқтисодий алоқалари

марказ (Москва)дан бошқарилар эди. Собиқ Совет Иттифоқи пахта экспортининг 80% ини Ўзбекистон етказиб берар, бу эса собиқ СССРга катта валюта келтирар эди. Пахта яккаҳокимлиги бошқа маҳсулотлар етиштиришни қисқартиб юборган эди. 20-йилларда Фарғона водийси 25—28 минг тонналаб туршак етиштириб, жаҳон туршагининг 55% ини берган эди. Самарқанд вилояти 11—13 минг тонна майиз ишлаб чиқарган эди. Ўзбекистон қуруқ мевани деярли экспорт қилмай қўйди. Эндиликда Ўзбекистон аввало қўшни республика (давлат)лар билан шартнома асосида иқтисодий алоқалар олиб бора бошлади, шунингдек хорижий давлатлар билан ҳам мустақил ташқи иқтисодий алоқалар олиб боришга киришди.

Ўзбекистон амалга ошираётган ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шакли хорижий мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик қилишдир. Улар билан валюта-кредит муносабатлари, илмий-техникавий ҳамкорлик, хўжалик корхоналарини биргаликда қуриш, олди-сотди ишлари кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг фармони билан республика Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа вазирлиги тузилди. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам ўз ишини бошлаб юборди.

Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси республикада хорижий сармоялар билан корхоналар, жумладан, қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар ҳамда уларнинг бўлинмаларини барпо этиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳақида махсус қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси кўплаб чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар қуриш хусусида шартномалар имзолаган. Уларнинг анчаси қурилишни бошлаб юбордилар. Бир қанча қўшма корхоналар ўз маҳсулотларини бера бошлади. «Совпластитал» 30 турдан ортиқ маҳсулот, Хитой Халқ Республикаси билан биргаликда қурилган корхоналар термос, телевизор, Испания ҳамкорлигида қурилган корхона бир марта фойдаланадиган шприц ишлаб чиқармоқда. АҚШ билан биргаликда кон чиқиндиларидан олтин ажратиб олинмоқда. Жанубий Кореянинг ДЭУ фирмаси, Асака, ГФР нинг Мерседес-Бенц фирмаси Дўстлик (Хоразм) шаҳарларида автомобил заводлари қурмоқда. Бухорода Ҳиндистон билан биргаликда шифобахш ўтлардан дорилар тайёрлайдиган корхона. Бўкада Туркия билан ҳамкорликда аккумулятор заводи қурилди. Туркия республикамизнинг кўпгина вилоятларида енгил ва озиқ-овқат корхоналари қурмоқда. Бундай корхоналарни Покистон, Ҳиндистон ва бошқа хорижий давлатлар ҳам қурмоқдалар.

Ташқи иқтисодий алоқалар Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан бери тез суръатлар билан кенгайиб бормоқда. Бу алоқалар кейинги бир-бир ярим йил мобайнида 50-йиллар ўрталаридагига нисбатан икки мартадан зиёд кўпайиб, эндиликда 70 дан ортиқ хорижий мамлакатни қамраб олди. Ўзбекистон хо-

рижга ер ости қазилма бойликлари, рангли ва қимматбаҳо металлар экспорт қилиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон пахтачилик машиналари, тўқимачилик жиҳозлари, пахта толаси, қоракўл териси экспорт қилишда МДҲ давлатлари орасида биринчи ўринда туради. Республикамиз эндиликда четэлга 220 дан ортиқ корхонада тайёрланган 130 га яқин хилдаги саноат маҳсулотларини чиқармоқда.

Экспорт учун маҳсулот тайёрлайдиган йирик корхоналар жумласига Тошкент тўқимачилик машинасозлиги, Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Ўзбекистон кимё машинасозлиги, Тошкент экскаватор, Андижон машинасозлик, Чирчиқ трансформатор, Тошкент «Компрессор», «Гидрометприбор», «Подъёмник», «Кабель» заводлари, Чирчиқ электрокимё комбинати ва бошқалар киради. Бу корхоналарнинг экспорт маҳсулотларини тўқимачилик дастгоҳлари, пахта комбайнлари, культиваторлар, ариқ қазийдиган, ғўзапоя йиғадиган машиналар, совиткичлар, конденсаторлар, буғлатиш аппаратлари, экскаваторлар, арматуралар, трансформаторлар, компрессорлар, кимё саноати маҳсулотлари, кўтарма кранлар, кабеллар, электр техника асбоб-ускуналари, пахта тозалаш заводлари учун жиҳозлар, авиация лайнерлари ва ҳоказолар ташкил этади. Шарқий Европа мамлакатларига тўқимачилик, кимё, электр техника, қидирув-геология асбоб-ускуналари экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистон хорижий мамлакатларга анчагина кенг истеъмол буюмлари, айниқса миллий газламалар, озиқ-овқат (ўсимлик мойи, мева, сабзавот, шароблар ва ҳоказо) маҳсулотлари чиқаради.

Сур, Шерозий ва бошқа хил қоракўл терилари жаҳон бозорида юқори баҳоланади (қора тусли тери 12 доллар, Сур, Шерозий терилари 28 долларгача сотилади). Кейинги вақтда нутрия, норка, ондатра, қора тулки ва бошқа мўйналар ҳам экспорт қилинмоқда.

Ўзбекистоннинг шуҳрат топган экспорти пахта толаси бўлиб, у республикамиз экспорт маҳсулотининг асосий қисмини ташкил қилади, дунёнинг кўпгина мамлакатларига юборилади.

Республикамиз хорижий Осиё мамлакатларига янада кенгроқ хилдаги саноат маҳсулотлари, асбоб-ускуналар экспорт қилмоқда.

Халқаро жўғрофий меҳнат тақсимотида Ўзбекистон пахта хом ашёси, пахтачилик, тўқимачилик ва кимё саноатлари, ерга мажму ишлов бериш, ирригация учун машиналар, жиҳозлар ва асбоб-ускуналар етказиб беришга ихтисослашган.

Ўзбекистон Шарқий Европа мамлакатларидан кўп миқдорда турли халқ истеъмоли буюмлари: мебель, кийим-кечак, газлама, пойабзал, рўзғор электр асбоблари, ёзув машиналари сервислар, атторлик моллари, тамаки ва қандолат маҳсулотлари, сабзавот ҳамда мева консервалари, шароб ва ҳоказолар олади.

Ўзбекистоннинг ривожланаётган мамлакатлар билан иқтисо-

дий алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Республикамиз саноат маҳсулотининг хилма-хил турлари Афғонистон, Туркия, Саудия Арабистони, Покистон, Эрон, Яман Араб Республикаси ва бошқа мамлакатларга чиқарилмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларга Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машиналари, насослар, ариқ қазийдиган машиналар, трактор, экскаватор, тўқув дастгоҳлари, асбоб-ускуналар, электр техника, радио техника жиҳозлари, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари экспорт қилади.

Ривожланаётган мамлакатлардан Ўзбекистонга халқ истеъмоли моллари, тропик ва субтропик мевалар, чой, қора мурч, енгил ва озиқ-овқат саноатининг айрим маҳсулотлари келтирилади.

Республикамизнинг турли мутахассис кадрлари қўшни мамлакатларда хўжалик объектларини бунёд этишда қатнашмоқдалар. Ўзбекистон бу мамлакатларга мелиорация, сув хўжалиги, пахтачилик, шоликорлик, геология, энергетика, тўқимачилик ва ҳоказо тармоқлар мутахассисларини жўнатиб туради.

Ўзбекистонлик мутахассислар Афғонистонда бир қанча сув иншоотлари, жумладан, Жалолобод ирригация мажмуи, Сарда ва Қундуз дарёларидан тўйинадиган суғориш каналлари, сув омборлари, шунингдек саноат корхоналари ва уй-жойлар қуришда, Сурияда Фурот дарёсига гидроузел бунёд этишда, Ҳиндистоннинг Мадрас, Мадхья-Прадеш ва Уттар-Прадеш штатларида иссиқлик электр станциялари, дастлабки пахта тозалаш саноати, Жазоир, Гана, Мали, Индонезия, Шри-Ланка ҳамда Камбоджада шолипоялар барпо этишда иштирок этдилар.

Ўзбекистон ривожланаётган мамлакатларнинг миллий иқтисодиётини ривожлантиришда ёрдам бериш билан бирга улар хўжалигининг турли соҳалари учун миллий кадрлар тайёрлашда ҳам самарали кўмаклашмоқда.

Республикамизнинг бир қанча олий ўқув юртларида Осиё, Африка мамлакатларининг ёшлари таҳсил олмоқдалар.

Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Республикамиз бу мамлакатларга фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларинигина эмас, балки анчагина миқдорда саноат маҳсулотларини ҳам чиқаради. Бу маҳсулотлар орасида уруғлик чигит, пилла, ип ва табиий ипак газламалар, пахта мойи, дори-дармонлар, буян илдизи, мева консервалар, томат пастаси ва ҳоказолар улуши анча каттадир.

Республикамиз ривожланган мамлакатлардан турли машина ва замонавий саноат ускуналари олади. Француз фирмалари уйсозлик комбинатлари қуриш ҳамда Тошкент шампан шароби заводи учун, Тошкент тамаки фабрикаси учун жиҳозлар юбордилар. Швециядан Тошкент шаҳарлараро автомат-телефон станцияси учун жиҳозларнинг бир қисми олинди. Италиядан Чирчиқ капролактам заводи учун керакли жиҳозлар олинди.

Республикамиз иқтисодиёти, фан ва техникасининг тез ривож-

ланиб бориши Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларда янада кенг кўламда қатнашишига замин яратади.

Мустақил Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар кўргазмалари ўтказилмоқда. Республикамизда 1991 йили Япония (Чори фирмаси), Ҳиндистон, Бангладеш каби мамлакатлар саноат маҳсулотлари кўргазмалари ўтказдилар. Бундай тадбирлар Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан алоқасини кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши, Хельсинки жараёнига қўшилди. У Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг аъзосидир.

Эндиликда республикамиз вакиллари БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши ишида, шунингдек унинг Маориф, фан ва маданий масалалар бўйича муассасаси (ЮНЕСКО), Халқаро меҳнат ташкилоти (МОТ), Соғлиқни сақлаш жаҳон ташкилоти (ВОЗ) ишларида иштирок этмоқдалар. Ўзбекистоннинг савдо-саноат палатаси Африка-Осиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг аъзосидир.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти 120 га яқин давлатлар билан иш олиб бормоқда. Улар билан адабиёт, санъат, спорт ва фан соҳасида самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Халқаро туризмни янада ривожлантириш учун Ўзбекистонда кенг имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан маданий алоқалари халқларнинг маънавий ва маданий бойликларини ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқаларида улкан ижобий ўзгариш содир бўлди: эндиликда корхоналаримиз, бирлашмаларимиз, хўжаликлар ва фирмаларимиз мустақил равишда жаҳон бозорига чиқиш имкониятига эга бўлдилар.

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3

I боб. Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши, каттaлиги, чегаралари, иқтисодий-жўғрофий ўрни 4

II боб. Ўзбекистон табиий республикаларининг хўжалик аҳамияти 13

III боб. Ўзбекистон аҳолиси 22

IV боб. Ўзбекистон хўжалигининг умумий таърифи 44

V боб. Ўзбекистоннинг саноат жўғрофияси 59

VI боб. Тармоқлараро қурилиш мажмуи 91

VII боб. Ўзбекистоннинг агросаноат мажмуи 95

VIII боб. Ўзбекистоннинг транспорти 119

IX боб. Ўзбекистонда номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари жўғрофияси 123

X боб. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши ва иқтисодий районлари 134

XI боб. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари 204